ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКИ И СЕРВИСА

Г.Р.ДЕРЖАВИН НОМИДАГИ ТАМБОВ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАМБОВСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ Г.Р. ДЕРЖАВИНА

Самарқанд иқтисодиёт илмий мактаби

«ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ»

халқаро илмий-амалий анжуман
МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

“ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ В УСЛОВИЯХ ИННОВАЦИОННОЙ И ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ”

СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ
международной научно-практической конференции

(II қисм)
(часть 2)

(2020 йил 21-22 февраль)
(21-22 февраля 2020 г.)

САМАРҚАНД – ТАМБОВ – 2020

Инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш муаммолари. / Халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари (II қисм). 2020 йил 21-22 февраль кунлари. Самарқанд, СамИСИ, 2020. – 256 бет.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:
М.Қ.Пардаев – иқтисод фанлари доктори, профессор

Нашр учун масъуллар:
М.М.Мухаммедов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Ж.Р.Зайналов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
И.С.Тухлиев – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Н.А.Ибрагимов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
К.Б.Уразов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Т.С.Шарипов – иқтисод фанлари номзоди, доцент,
А.Н.Холиқулов – иқтисод фанлари номзоди, доцент

Саҳифаловчи: Ҳилола Очилова

Анъанавий илмий-амалий конференция материалларида инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини стратегик ривожлантириш тенденцияси ва истиқболлари, соҳанинг алоҳида тармоқлари самарадорлигини ошириш муаммоларига оид масалалар ёритилган. Унда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг назарий ва методологик муаммолари, туризм соҳасини ривожлантириш масалалари, хизмат кўрсатиш соҳасида менежмент, маркетинг ва молиявий муносабатлар, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни такомиллаштириш, рақобатбардош кадрларни тайёрлашни ва шулар орқали аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш масалаларини ҳал қилишга қаратилган илмий-назарий ва амалий тавсияларга бой мақола ва тезислар ўрин олган.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалари, магистрлар, таянч докторантлар, докторантурада таҳсил олувчилар, мустақил изланувчилар ва соҳа мутахассисларига мўлжалланган.

Мақолалар муаллифлар таҳририда босилмоқда. Уларда келтирилган рақамлар, фактлар, хулоса ва тавсияларга муаллифлар масъул. Уларнинг айрим фикрлари ташкилий гуруҳ қарашларига тўғри келмаслиги мумкин.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2020

I ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ”

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.
С.А.Бабаназарова – СамИСИ катта ўқитувчиси
С.Ш.Уразов – СамИСИ ассистенти

ИЛМ МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ КЎЗДА ТУТИЛГАН ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРГА ТАКЛИФЛАР

Аннотация: мақолада илм маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида амалга оширилиши кўзда тутилган давлат дастурларга таклифлар асосланган ва улар саккизта бандда берилган.

Калит сўзлар: илм, маърифат, таълим, таълим хизматлари, рақамли иқтисодиёт, инновацион иқтисодиёт, матабгача таълим, мактаб таълими, олий таълим.

Аннотация: статья основана на предложениях по реализации государственных программ в год развития науки и цифровой экономики, которое состоит из восьми пунктов.

Ключевые слова: наука, просвещение, обучение, услуги в области образования, цифровая экономика, инновационная экономика, дошкольное образование, школьное образование, высшее образование.

Abstract: The article is based on proposals for government programs that will be implemented in the Year of Science-Education and the Year of Digital Economy Development, which are outlined in eight paragraphs.

Key words: science? Education, educational services, digital economics, innovative economics, preschool education, school education, higher education.

Ҳозир 2020 йилга мўлжалланган Давлат Дастури ишлаб чиқилмоқда. Шу туфайли таълимни ривожлантириштўғрисидаги фикрлар жамланмоқда. Буларни инобатга олиб биз ҳам айрим фикрларни ва тавсияларни жамлашга қарор қилдик.

Таълим инқирози, миллат инқирози, Таълим ўлган жойда миллат ўлади. Тараққиётни сўндириш керак бўлса, таълимни сўндириш керак. Тараққиётнинг қўш қаноти иқтисодиёт ҳам маънавият ҳам синади. Қаноти синган қуш учалмаганидек, бундай ҳолатда фақат битта йўл қолади: моддий ва маънавий инқироз. Бунинг нималарга олиб келиши хусусида гапиришнинг ўзи ортиқча.

Таълимдаги аҳвол жамиятимиздаги энг оғриқ нуқталаридан бирига айланган эди. Яқингача мактабни битирганларнинг атиги 9 %и олий

таълим билан қамраб олинган эди. Бу мактабни битирганларнинг 90 % “қора меҳнат”га маҳкум қилинганлигидан далолат эди. Бу билан қандай тараққий этиш мумкин? Оқибатда, меҳнатга қобилиятли аҳолининг атиги 30 % атрофида олий маълумотга эга бўлганлиги, қолган 70,0 % меҳнатга қобилиятли аҳоли қаерда ишлашини тасаввур қилиш қийин эмас. Албатта бу билан юксак тараққий этган давлатлар сафига киришимиз амри маҳол.

Буни тўғри англаган ҳолда, мамлакатимиз раҳбари, таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш масаласига катта эътиборни қаратди. Бу борадаги илк самара ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси олдинги 9 %дан 2019йилда 20 %гача кўтарилди. 2020 йилда 25 %га ва келгусида 50-60 %га оширилиши кўзда тутилган. Бу рақам келажакда муттасил ошиб боради. Чунки бунга тегишли замин яратилмоқда.

Охирги уч йилда таълим соҳасига оид 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ўзимизнинг 6 та,хорижий мамлакатларнинг 14 та олий таълим муассасалари, 17 та филиал янгидан ташкил қилинди. Мутахассисликлар тайёрлаш ҳам замон талабига, жаҳон стандартларига мослаштирилмоқда. Бакалавриатнинг 100 дан зиёд, магистратуранинг 94 та мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрланиши йўлга қўйилди. Бу борадаги ислоҳотлар давом этмоқда.

Таълимни ишлаб чиқариш билан интеграция қилишнинг асосий йўналишларидан бири бўлган сиртқи ва кечги таълим жорий қилинди. Мамлакатимизда 10 та олий ўқув юрти ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш принципида ишлашга ўтди. Таълим соҳасининг барча бўғинларида хусусий таълим муассасаларининг очилишига ҳам рухсат этилди. Барча таълим муассасаларида ойлик маоши босқичма-босқич оширилмоқда.

Таълим олиш учун таълим олувчида катта иштиёқ ва талаб бўлиши керак. Таълим берувчи ҳам юқори малакага эга шахс бўлиши лозим. Таълимни етказиб бериш воситаси – дарсликлар ва ўқув қўлланмалар ҳам сифатли ва етарли бўлиши керак. Ҳозир илмий асарлар монографиялар тайёрланмоқда, аммо муаллиф ҳисобидан чиқарилмоқда. Бу асарлар деярли тарқатилмайди. Натижада ўзимизда яратилган илмий янгиликлардан ҳам фақат тор доирадаги олимларгина фойдаланади. Кўплар бу ишлардан бехабар қолмоқда. Масалан Самарқандда ўз ҳисобидан нашр қилинган илмий асар фақат шу ҳудуддагина тарқатилади. Тошкент, водий вилоятлари, Қорақалпоғистон ва Хоразм, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари бехабарлигича қолиб кетмоқда. Мос равишда уларнинг қилган ишларидан Самарқандликларнинг хабари йўқ. Бу ҳолат билан таълимни замон талабига мос шиддат билан ривожлантириб бўлмайди. Буларни ҳам тубдан ислоҳ қилиш керак.

Илмий асарларни етказиб берадиган восита – бу ахборот коммуникация технологияларидир. Бундан нечоғлиқ фойдаланаяпмиз. Албатта бу ҳам тизимли тарзда йўлга қўйилмаган. Буларни инобатга олиб, бир қанча таклифларимизни ишлаб чиқдик:

Биринчидан, муаллифлар ўзлари ҳисобидан чиқарилаётган моногра-

фиялардан ҳар бир олий ўқув юрти ва бошқа илмий ва таълим муассасаларига тарқатишни мажбурий тартибини белгилаш лозим. Бунинг харажатларини муаллифга тегишли оилий ўқув юртлари қоплаб бериши лозим. Агар ҳар бир олий ўқув юрти бештадан олган тақдирда ҳам бу арзимаган пул туради. Бунга албатта таълим муассасаларининг қурби етади.

Иккинчидан, таълим йўналишлари бўйича стандартларни ва мос равишда фанлар бўйича намунавий дастурларни ишлаб чиқишни етакчи олий ўқув юртлари зиммасига юклаш тартибини бекор қилиш керак. Ҳар бир фан бўйича мамлакатимизнинг етакчи профессор-ўқитувчиларидан иборат услубий Кенгашни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Ушбу Кенгаш зиммасига тегишли таълимнинг намунавий дастуридан тортиб, дарсликларигача қараб чиқиш ҳуқуқини бериш лозим. Чунки ҳозирги жуда кўп фанлардан намунавий дастурлар бугунги кун талабига жавоб бермайди. Зеро, етакчи олий ўқув юртида ушбу фан бўйича мутухассиснинг ўзи йўқ бўлса, аҳволни бундан яхши қилишнинг ўзи мураккаб.

Учинчидан, илмий адабиётларнинг нархини белгилашда нашриёт нархига яна 20,0-30,0 % устама қўшиб сотиш ва устамасини муаллифларга тўлаш лозим. Чунки нашриёт калькуляцияга фақат нашр харажатлари ва нашриёт фойдасини киритади. Муаллифга гонорар тўламайди. Аммо муаллиф уни яратганча қанча маблағ ва вақтини сарф қилган. Шу харажатлар ўша устама ҳисобидан қопланиши лозим. Ҳар қандай ижодий меҳнат рағбатлантирилиш керак.

Тўртинчидан,мамлакатимизнинг келгуси истиқболидан келиб чиқиб қонуний ва бошқа меъёрий ҳужжатларга “Рақамли таълим” тушунчасини киритиш мақсадга мувофиқ. Буни амалга оширишда унинг таърифига таяниш ва уни қуйидагича ифодалаш тавсия қилинади:**“Рақамли таълим деганда,билимолиш жараёнида талаба ва ўқувчилар ахборотни қабул қилишнинг барча усулларидан фойдаланган ҳолда мавжуд сезги органларини ҳаракатга келтириш орқали дарсларни эшитиш ва ҳис қилиш йўли билан енгил эсда қоладиган ҳолда ўзлаштириш имкониятларини ишга солиш учун бир вақтнинг ўзида ҳам матн, ҳам аудиотушунтириш, ҳам видеоролик, ҳам 3D-анимация усулларидан фойдаланган ҳолда, уларнинг фаолиятини тўлиқ масофадан туриб назорат қилиш мажмуининг (ота-оналар, ўқитувчилар томонидан) мавжудлиги тушунилади”.**

Бешинчидан, мамлакатимизда нодавлат таълим хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар асосан нодавлат мулки асосида шахсий ташаббускорлик принципида ташкил қилинади. Шу туфайли ушбу тушунчанинг таърифини такомиллаштириш ва қуйидаги таҳрирда ифодалашни тавсия қиламиз:**“Нодавлат таълим хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар деганда, қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган, давлат таълим стандартлари, давлат талаблари асосида таълим-тарбия беришни кафолатлайдиган нодавлат мулкига асосланган юридик шахс мақомидагиги таълим муассасалари тушунилади”.**

Олтинчидан, жадал ривожланаётган ва янгиланаётган жамиятда кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг объектив зарурлигидан келиб чиқиб, унинг ҳам таърифини ишлаб чиқиш лозим, деб ҳисоблаймиз ва унга қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик:“**Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш деганда, касб билимлари ва кўникмаларини чуқурлаштириш ҳамда янгилашни таъминлайдиган илмий-назарийва илғор амалий кўник-маларни шакллаштиришга қаратилган узлуксиз таълим тури тушунилади”.**

Еттинчидан, мамлакатимизда объектив заруриятдан келиб чиққан ҳолда нодавлат таълим муассасалари кундан кунга кўпайиб бораёт-ганлигидан келиб чиқиб, унинг ҳам таърифини қуйидагича ифодалашни тавсия қиламиз: **“Нодавлат таълим муассасаси деганда, ваколатли давлат бошқарув органи томонидан бериладиган лицензия асосида жамият учун зарур бўлган кадрларни тайёрлашда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари доирасида таълим-тарбия беришни кафолатлайдиган таълим муассасаси тушунилади”.**

Саккизинчидан, “Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари”га қуйидаги принципни қўшиш тавсия этилади:

“Таълим соҳасида шахс касбни ва таълим туринитанлашэркинлик принципига асосланади”

“Таълим тизимининг инсонпарварлик моҳиятини ошириш учун дунёвий ва диний характердаги таълимнинг уйғунлиги таъминланади”

Ушбу тавсиялар тегишли тарзда таълим тўғрисидаги меъёрийҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топиши лозим. Ушбу таклифлар таълим соҳасини нафақат амалий жиҳатдан, балки назарий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳам такомиллаштириш имконини беради.

Дж.Р. Зайналов – д.э.н., профессор, зав.кафедрой СамИЭС

ПРОБЛЕМЫ ПОСТРОЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОЙ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ НА СОВРЕМЕННОЙ ТЕХНОЛОГИЧЕСКОЙ ПЛАТФОРМЕ

Аннотация: статья посвящена характеристике проблем, препятствующих развитию цифровой экономики. Конкретизированы проблемы информатизации, отмечена реализация инновационных технологий, как инструмента создания цифровых финансовых, банковских и других экосистем. Отмечено, что цикличность внедрения цифровых технологий во всех сферах экономики может стать институциональной основой стабильного роста экономики и повышения уровня благосостояния и качества жизни населения Республики Узбекистан.

Ключевые слова: цифровая экономика, инновационные технологии, проблемы информатизации, цифровая технология.

Аннотация. Мақолада рақамли иқтисодиётнинг ривожланишига

тўсқинлик қиладиган муаммолар ёритилган. Ахборотлаштириш муаммолари аниқ кўрсатилган, рақамли молия, банк ва бошқа экотизимларни яратишнинг воситаси сифатида инновацион технологияларни амалга ошириш келтирилган. Иқтисодиётнинг барча соҳаларида рақамли технологияларни даврий равишда жорий қилиниши барқарор иқтисодий ўсишнинг институционал асоси эканлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ҳаёт фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириши мумкинлиги таъкидланган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, инновацион технологиялар, ахборотлаштириш муаммолари, рақамли технологиялар.

Abstract. The article describes the problems that impede the development of the digital economy. The problems of digitalization are specified, the implementation of innovative technologies as a tool for creating digital financial, banking and other ecosystems is noted. It is noted that the cyclical implementation of digital technologies in all areas of the economy can become the institutional basis for stable economic growth and increase the level of well-being and quality of life of the population of the Republic of Uzbekistan.

Key words: digital economy, innovative technologies, problems of digitalization, digital technology.

Мир изменился, мы сейчас как ни удивительно, живем в условиях развития цифровой экономики. «Цифровая экономика», введенная в конце 90-х годов XX века, остается и сегодня вопросом, требующим своего решения на фоне выяснения ее содержания и определения. «В современном мире цифровые технологии играют решающую роль во всех сферах».[1] До сих пор не определены критерии внедрения в нашу жизнь цифровой технологии. Цель и его достижения в контексте повышения благосостояния и качества жизни населения в действующих законодательных актах, связанных с его внедрением, не связаны напрямую с экономикой. Читая законодательные акты, начинаем думать о том, что внедрение цифровой экономики дорогостоящее программное мероприятие, требующее больших финансовых затрат, но прослеживается ли экономический эффект в таких затратах.

На наш взгляд, главным условием внедрения цифровой технологии в условиях развивающейся цифровой технологии является снижение затрат, либо создание дополнительной ценности, т.е. создание дополнительных услуг и/или сервиса, вполне отвечающих требованиям потребителей продукции цифровой технологии. При этом наиболее стратегической задачей будут являться конкретные направления технологической независимости.

Следовательно, создание цифровой технологии и внедрение информационной технологии обусловлены созданием добавочной ценности продукта (услуг) и/или снижение его себестоимости путем использования современных информационных технологических платформ.

[1] Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису / Народное слово №19 (7490) от 25.01.2020 г. – С.2

Безусловно, это потребует разработки новых концепций проектирования систем информационной защиты.

Важнейшим направлением развития экономики и повышения благосостояния и качества жизни населения в современных условиях является внедрение цифровой экономики с учетом изменения форм и способов предоставления потребителям различных инновационных технологических услуг. То есть ведение бизнеса в эпоху цифровых технологий может способствовать выживанию в конкурентной среде, именно цифровая экономика призвана, в широком смысле слова, изменить подход к ведению бизнеса, упростить все виды оказываемых услуг в тех или иных сферах экономики и, тем самым, создает трансформационную среду. Именно благодаря цифровой трансформации, как уже было отмечено, мы можем изменить подход к ведению бизнеса.

Главный фактор ведения бизнеса и обеспечения его конкурентоспособности должен быть обусловлен уровнем реализации инновационных технологий, как инструмента создания цифровых финансовых, банковских и других экосистем. При этом следует обратить внимание на ключевые показатели деятельности клиентов финансовых институтов, связанных с возможностями доступа к Интернету и развития инфраструктуры. Состояние спроса клиентов на цифровые технологии, применение законодательных норм в этой области, развитие инноваций рыночно развитых стран на основе дополнительных инвестиций в новейшие технологии, запрос на получение финансово-кредитных услуг путем доступа к информации, получение консультаций является важнейшим условием эффективности использования цифровой технологии. В рамках странового подхода определены понятия цифровой экономики, анализ развития использования Интернета в различных областях деятельности экономики, в частности, сфере услуг.

К проблемам информатизации относятся:

- удешевление и упрощение решения типовых задач, реализуемых путем привлечения больших объемов операций;

- реализация новых идей, позволяющих обеспечить существенную экономию потребителям финансовых услуг, представляющих собой сервис, позволяющий совершать международные денежные переводы, меняя банковскую систему, что позволит снизить затраты клиентов на комиссии по переводу денег за границу в несколько раз;

- правомерность распределения благ цифровизации, связанная с ограниченностью доступа к Интернету и т.п.[2]

Итак, к проблемам информатизации также относятся: улучшение информационной инфраструктуры, используемой потребителями инвести-ций, направляемые на повышение уровня управленческих навыков, прив-

[2] Малышева Г.А. О социально-политических вызовах и рисках цифровизации российского общества // Власть 2018. - №1. – С. 40-46; Безсмертная Е.Р. Диджитализация финансового сектора экономики: кто получил цифровые дивидендов? // Экономика и управление. - №2. – 2018. – С. 75-78.

лечение иностранных информационных компаний для обеспечения качества предлагаемых информационных услуг, компании, предоставляющие информационные услуги в области различных экономических и финансовых услуг.

Компании внутри информационной сети могут быть конкурентами по отношению друг к другу, однако, на данном рынке услуг они нацелены на сотрудничество.

Помимо информационной сети цифровые технологии включают различные ресурсы: человеческие, финансовые, материальные. Необходимыми компонентами цифровой технологии также являются услуги физическим и юридическим лицам.

Единая информационная сеть призвана повысить конкурентоспособность как субъектов, предоставляющих цифровые услуги, так и потребителей в трех направлениях:

- повышают производительность труда во всех сферах экономики;
- прогнозируют технологические тенденции;
- стимулируют и обеспечивают не только формирование нового бизнеса, в условиях развития электронной коммерции, но и стимулируют поддерживающие инновации в контексте цифровых финансовых технологий в различных областях;
- уделяют внимание нормативно-правовому регулированию цифровых финансовых технологий и продуктов по различным направлениям.

Республика Узбекистан находится на новом этапе развития и осознания своего места и роли на рынке цифровых технологий. Сегодня республика является более конкурентоспособной и перспективной в рыночно-экономическом плену государством, по сравнению со временем обретения независимости.

Однако, развитие платформы мобильных финансовых услуг приводит к изменению подхода к ведению бизнеса в эпоху цифровых технологий. Именно в сегодняшнем поколении хозяйствующие субъекты являются цифровыми и мобильными, хотят выжить в конкурентной среде, должны идти в ногу с клиентом. Цифровая технология, безусловно, изменит подход к ведению бизнеса, упростит технологические процессы, т.е. сделает то, что ныне называется цифровой трансформацией.

Сегодняшний потребитель ожидает от каждого субъекта обслуживающего его, удобства, быстроты, простоты, легкости, безопасности транзакции. Ибо клиенты-потребители могут уходить туда, где будет предоставлен современный сервис. Варианты своего развития каждый клиент-потребитель может выбирать самостоятельно, либо использовать современные коммерческие решения.

Следует отметить, что элементы цифровой экономики в последние годы развиваются очень быстро. Именно они больше нуждаются в мгновенной обратной связи, для удовлетворения своих потребностей.

Молодежь уже успела привыкнуть к использованию информационных ресурсов, ибо они являются активными пользователями Интернета. Касаясь нашей республики, можно сказать, что пользование Интернетом развиваются динамично. Фактором динамичного развития становятся сферы, где доля использования цифровой технологии достаточно высока. К числу таких сфер можно отнести, прежде всего, финансовую. В этой сфере доля финансовых услуг с использование цифровой экономики намного более прозрачна, чем в других сферах экономики. В торговой сфере, хотя и наблюдается использование Интернета, однако, в данный период развития экономики, пользователи Интернетом при купле товаров не столь часто используют Интернет.

В производственной сфере внедрение цифровой технологии пока что непрозрачно. В социальной сфере (здравоохранении, образовании и других адекватных по характеру оказываемых услуг) цифровая технология находится на этапе эффективного использования.[3]

Все это ставит задачу вовлечения хозяйствующих субъектов и населения к интернет-услугам.

С учетом этого, считается необходимым более широко привлечь субъекты и население к услугам, могущим осуществляться через Интернет. Необходимо масштабно использовать онлайн-услуги. Эта форма услуг способна качественно предоставлять, как банковские, так и страховые услуги. Для этого на сайтах компаний должна быть размещена информация о возможности предоставления минизатратных услуг (т.е. заполнить анкету, выбрать лучшие условия по оказанию услуг; в числе таких услуг в контексте страховой компании можно выделить лучшие условия страхования и приобретения полиса). Это даст возможность клиенту сравнить продукты, имеющиеся в тех или иных страховых компаниях и выбрать самые выгодные или минизатратные виды услуг.

Тем не менее, для повышения благосостояния и качества жизни населения не менее важной является электронная коммерция по продаже товаров. Подобная услуга в нашей республике находится на этапе становления. Но есть все необходимые условия для масштабного развития электронной коммерции. Именно при помощи электронной коммерции потребители услуг социальной сферы могут прибегать к различным видам заказов на товары. В действительности широкомасштабное удовлетворение потребностей можно будет обеспечить дистрибьютерами, чьи цифровые платформы оформления заказов заменили бы традиционные субъекты сферы торговли.

В социальной сфере (в частности, здравоохранении и образовании) пока предпочтение отдается использованию дистанционной формы услуг. В республике развивается число слушателей различных онлайн-курсов. Но, несмотря на это Республика Узбекистан пока что уступает по темпам

[3] Развитие финансово-кредитных институтов в условиях цифровизации экономики России и Казахстана. Монография / под общ. ред. Л.Ю. Питерскй; КубГАУ. – Краснодар. КубГАУ, 2019. – С.164

роста и объемам использования дистанционного образования некоторым странам с переходной экономикой, в частности, России и Казахстану. Хотя у нас стало динамично развиваться число слушателей различных онлайн-курсов.

Цикличность внедрения цифровых технологий во всех сферах экономики может стать институциональной основой стабильного роста экономики и повышения уровня благосостояния и качества жизни населения Республики Узбекистан.

Следовательно, в краткосрочной перспективе (до 2021г.) приоритетом должна выступать политика постоянного внедрения инноваций, требующих от всех пользователей информационной технологии быстрых решений, зачастую затрагивающих модель их финансового поведения, стратегическую линию и вектор динамичного развития.

Б.М. Бобоқулов– СамДУ доценти
А.М. Муродов– СамДУ магистранти

ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ШАРОИТИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ КАПИТАЛНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА РОЛИ

Аннотация: ушбу мақолада иқтисодиётнинг инноватцион ривожланиши шароитида интеллектуал капиталининг ўрни, роли ва аҳамияти ёритилган. Мақолада интеллектуал капиталнинг назарий асослари таърифи унинг таркибий элементлари тўғрисидаги турли мутаффакирлар қарашлари таҳлил этилиб муаллифларнинг хулоса ва таклифлари келтирилган.

Калит сўзлар. Инноватцион ривожланиш,интеллектуал мулк, интеллектуал капитал, интеллектуал активлар, номоддий активлар, иқтисодий билим, илмий янгилик, илмий салоҳият, функционал капитал.

Аннотация: в данной статье описывается, анализируются и обобщаются роль и основы значение и его элементы выводы интеллектуального капитала в контексте инновационного экономического развития, теоретические взгляды различных мыслителей на составляющие авторов.

Ключевие слова: Инновационное развитие, интеллектуальная собственность, интеллектуальный капитал, интеллектуальные активы, нематериальные активы, экономические знания, научные инновации, научный потенциал, функциональный капитал.

Abstract: This article describes, analyzes and generalizes the role and foundations of the significance and its elements, the conclusions of intellectual capital in the context of innovative economic development, the theoretical views of various thinkers on the components of the authors.

Keywords. Itellectual development, intellectual property, intellectual capital, intellectual assets,intangible assets,economic knowledge, scientific news, scientific potential, functional capital.

Жаҳон хўжалигини глобаллашуви жараёнида миллий хўжаликларнинг ижтимоий-тараққиёти, уларда мавжуд бўлган табиий ресурслар

миқдори, амал қилоётган заводлар, фабрикалар ёки ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузилмаларининг мавжудлиги билан эмас,балки уларга илмий-амалий тадқиқотлар натижасида (миллий янгиликлар, билимлар) вужудга келган интеллектуал капитал (мулк) миқдори ҳажми билан белгиланади. Шу сабабли ривожланган бозор иқтисодиётли мамлакатларда интеллектуал капитал миқдори ва ҳажмини ошириб боришга алоҳида эътибор беришмоқда. Чунки, уларнинг бюджет даромадларининг асосий қисми интеллектуал капитал (мулк) савдосидан шаклланади. Шунингдек, ҳозирги вақтда жаҳон иқтисодиётида ишлаб чиқарилаётган, фан сиғими юқори бўлган маҳсулотларнинг учдан бир қисми интеллектуал капиталдан фойдаланиш натижасида яратилмоқда. Ушбу ҳолатлар инноватцион ривожланиш шароитида интеллектуал капиталнинг ўрни ва роли қанчалик юқори эканлиги, ҳамда унунг мазмун моҳияти назарий ва амалий жиҳатдан уни тадқиқ этиш заруриятини асослаб беради. Хусусан, мамлакатимизда ҳам “Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради.”[4]

Интеллектуал капитал тушунчаси иқтисодий атама сифатида биринчилардан бўлиб Дж Гелбрейт 1961-йилда муомалага киритган. Ушбу тушунчанинг табиати, мазмун моҳиятини эса Т.Стуарт тадқиқ этган. У ўзининг 1991-йилда ёзган “Интеллект куч: қандай қилиб интеллетуал капитал Американинг қимматли активига айланган” номли мақоласида интеллектуал капиталга “патентлар, жараёнлар, бошқарув кўникмалари, технологиялар, ишлаб чиқарувчилар ва истемолчилар ҳақида ахборотлар ва тажрибалар биргаликда интеллектуал капитални ташкил этади”[5] деб таъриф берган. Унинг фикрича, интеллектуал капитал корпоратция, компанияларга бозордаги рақобат курашида устунлик, ҳамда оладиган даромадлари максималлаштиришга шароит яратади.

Й.Руус, С.Пайк ва Л.Фернстемлар инеллектуал капитални корхона ва ташкилотларнинг қиймат яратишда иштирок этадиган номоддий ва пул кўринишига эга бўлмаган ресурслар билан бир хил тушунча деб айтишган.[6] Уларнинг фикрича, интеллектуал капитал, алоҳида мустақкил капитал сифатида амал қилмайди. С.Алберт ва К.Бредлилар интеллетуал капитални “Корхона, фирма, индивидга, (шахсга) миллатга рақобат устунлигини берувчи билимларни фойдали активларга айланиши жараёни” деб таъриф беришган.

Дж.Тис эса, интеллектуал капитални синоними “Билимлар активи” тушунчаси билан атаб, индивидуал ва ташкилий билимлардан иқтисодий

[4] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожатномаси 2020 йил 25 январ.Зарафшон газетаси 7-8 сони.
[5] Stervart T, Brainpover. Fortune. 1991, June Z, P-42
[6] Рус Й, Пайк С, Феристем Л.Интеллектуонный капитал практика управления – СПб Вьишая школа менежмента. СПб ГУ 2007.

даромад олишга қаратилган стратегик активлар, деб атайди.[7]

Интеллектуал капитал тушунчасини назарий асосини яратишда бир қатор Россиялик иқтисодчи олимлар ҳам ўз ҳиссаларини ҳам қўшишган. Мисол учун: В.Л.Иноземсев интеллектуал капиталга “Ҳодим билимлари, интеллектуал мулк жамланган тажрибалар, фирмалар имиджи, ахборот таркибларини жамланишидан шаклланган “Жамоавий ақл” деб таъриф беради.[8]

Б.Б.Леонътев эса, корхона интеллектуал капитали тушунчасини, “улардаги интеллектуал активлар, яни сотиб олинган интеллектуал мулк, ҳодимлар тажрибаси ҳамда жамғарилган билимлар базаси ва бошқа субектлар билан фойдали муносабатларни ўзида мужассамлаштирган жами қиймат” сифатида қарайди.

Юқорида келтирилган иқтисодий омиллар, таърифлардан хулоса қилишимиз мумкинки, интеллектуал капиталнинг назарий жиҳатдан берган таърифлар, билимлар асосий, ҳал қилувчи, белгиловчи таркибий элемент ҳисобланган ҳамда уларни ижтимоий ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) жараёнларида қўлланилиши шарт. Аммо, реал иқтисодий ҳаётда “Интеллектуал капитал” тушунчасига таърифлар турли соҳа мутахасислари томонидан турлича талқин қилинган. Мисол учун: оммавий ахборот воситалари ҳодимлари брендларни, патентларни, бошқарув кўникмаларини, замонавий технологияларни, истемолчилар ва ишлаб чиқарувчилар ҳақидаги маълумотларни, ишлаб чиқариш сирларини интеллектуал капитал деб қарашади. Корхона ва ташкилот бошқарув ҳодимлари эса, қиймат яратиш мақсадида фойдаланиш мумкин бўлган барча номоддий активларни интеллектуал капитал деб тушинишади.

Аммо, жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиёти давомида интеллектуал капитални ўрни ва ролини кучайиб бориши билан, унинг мазмун моҳияти ҳам, таркибий элементлари турлари ҳам ошиб бормоқда. Бизнинг фикримизча, интеллектуал капитал бу жамиятда (мамлакатда) мавжуд бўлган барча интеллектуал потенциални капиталлашган шаклидир. Интеллектуал капитал ўзининг таркибига тўпланган билимлар, инсонларнинг (жамият аъзоларининг) илмий салоҳияти, уларнинг маънавий қадиряти, корхона ва ташкилотларнинг имиджи, уларнинг таркиби, мавжуд ахборот тизмлари, маълумотлар банки ва ҳаказоларини бирлаштиради. Бу фикрдан шундай ҳулоса қилишимиз мумкинки, интеллектуал капитал таркибий элементларининг турли-туманлиги унинг табиятига хос бўлган хусусиятидир. Таркибий элементлар интеллектуал капитални шаклланиши ва ривожланиши жараёнида ўзаро узвий боғлиқликда амал қилади ва уларнинг боғлиқлиги кучайиб боради. Мисол учун: корхонаниг ташкилий жараёнида билимлар ва ҳодимларнинг қобиляти ўзаро уйғунлашади. Агарда ҳодимларнинг қобиляти паст бўлса, у

[7] Тис.Дж. Получение экономической выгодиы от знаний как активов: “новая эканомика”, рыни ноу-хау нематериалные активе. Росийский журнал менежмент 2004 Н:1

[8] Иноземцев В.Л теорий посэкономичеекой обшественной форма . М. Академиа 1995 С 340

ҳолда интеллектуал капитал шаклланмайди, жамиятда унинг самараси сезилмайди. Аксинча, элементларнинг ўзаро уйғунлиги қанчалик юқори бўлса, интеллектуал капиталнинг ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнидаги ўрни ва роли ҳам шунчалик юқори бўлади.

Интеллектуал капиталнинг мохияти ва ахамияти тўлиқроқ тушиниб олиш учун функционал капитали билан унинг умумий жиҳатлари ва фарқларини ажратиш мақсадга мувофиқ. Бизнинг фикримизча, уларнинг жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- интеллектуал капитал ҳам, функционал капитали ҳам маълум ресурсларни яни пул, моддий воситалар, билим, малака, кўникмаларни, товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш натижасида вужудга келади;
- капиталнинг иккала тури ҳам ўз эгасига даромад келтиради;
- уларнинг иккаласи ҳам , соҳибкорлик капитали ҳам маънавий жиҳатдан эскириб боради, шунинг учун ҳам уларни иккаласини қайта тиклаш учун сарф хатажатлар талаб этилади.

Шу билан биргаликда интеллектуал капитал ва соҳибкорлик капитали ўртасида фарқ қиладиган жиҳатлари бўлиб, улар қуйидагилар;

- интеллектуал капитал номоддий кўринишга (номоддий актив), функционал капитал эса моддий кўринишга эгадир;
- функционал капиталидан фарқли, интеллектуал капитал исдиқболини (келажакни) кўзлаб шаклланади ва уйғунликдаги ҳаракати орқали вужудга келади.

Корхона, ташкилот, фирмаларда интеллектуал капитални мувофаққиятли шакллантиришнинг сирларидан, бири бу унинг турли кўринишларини, элементларини ўзаро бир-бири билан самарали синергетик боғлиқликда амал қилишидадир. Ушбу ҳолатда билим, илмий янгилик технология ва ҳ.к. кўринишдаги интеллектуал капитал корхона, фирмаларнинг ташқи контрагенлари билан биргаликда ҳаракатда бўлади ва ўзига ҳос тарзда интеллектуал капитални амал қилишини таминлайди. Бунда интеллектуал капитал соҳиблари махсус танланган ва тайёрланган корхона потенциали унинг таркиби (буюмлашган капитал) ва мижозлар кўринишида намоён бўлади.

Интеллектуал капиталнинг муҳим хусусиятларидан бири, компанялар унинг барча шаклларига, хусусан, инсон ва истемол капиталларига эгалик қилиши эга эмас. Балки, улардан компания ҳодимлари билан ҳамкорликда фойдаланиши мумкин.

Ҳозирги даврда “Интеллуктуал капитал” тушунча билан бир қаторда “Номмодий активлар”, “Интеллектуал мулк” каби тушунчалар ҳам иқтисодий лекциконгда кенг қўлланилмоқда. Ушбу тушунчалар синоним маънога эга бўлмасдан, ўзаро бир бири билан боғлиқ. Лекин уларни ўртасида ажратувчи чегара мавжуд. Мисол учун: инсоннинг интелектуал ва ишбилармонлик қобиляти, уларнинг касбий кўникмаси ва меҳнат қилиш қобиляти номмодий актив ҳам, интеллектуал мулк ҳам бўла олмайди.

Аммо, улар интеллектуал капиталнинг элементлари ҳисобланади. Шунингдек, номодий активларнинг барчаси ҳам ташкилот интеллектуал мулк объекти бўла олмайди.

Замонавий корхона, ташкилот, фирмалар ўз фаолиятини ташкил этишда асосий этиборни устав капиталининг салмоқли қисмини интеллектуал капитал ташкил этишга қаратишмоқда. Мисол учун: Америка фирмалари менежерлари узоқ муддатга ҳамкорларни танлашда уларнинг умумий капитали таркибини 40% интеллектуал капитал бўлсагина шартнома тузишади ва ҳамкорликда иш олиб боришади.

Демак, хулоса сифатида шуни этироф этишимиз мумкинки ҳозирги даврда кўплаб ривожланган бозор иқтисодиётли мамлакатларда иқтисодиётни ривожлантиришни бош омили сифатида интеллектуал капитални ҳам горизонтал, ҳам вертикал ривожланишга қаратилмоқда. Шунингдек, улар иқтисодиётдаги таркибий қайта қуришни фан сиғими юқори бўлган ишлаб чиқариш тармоқлари ва соҳаларида амалга оширишмоқда. Буни Швеция иқтисодиёти миқиёсида яққол кўришимиз мумкин. Бу мамлакатда паст рентабелли кема қурилиши, қора металлургия тўқимачилик каби анъанавий саноат тармоқларида таркибий қайта қуриш амалга оширилиб, юқори технологияли бир қатор тармоқлар: машинасозлик, электротехника маҳсулотлари, озиқ-овқат саноати учун ускуналар, мебел саноати жадал ривожланмоқда.

Интеллектуал капитал тўғрисидаги қарашларни умумлаштирган ҳолда, унинг таркибий тузилиши ва намоён бўлиш шакллари ҳақида тўхталиб ўтиш мумкин. Маскур муаммога оид адабиётларда интеллектуал капитал ўзаро узвий боғлиқ бўлган инсон капитали, ташкилий капитал ва истемол капитали (муносабатлар капитали)га ажратилган. Уларни ҳар бирини алоҳида қамраб чиқариш мақсадга мувофиқ.

Билим, тажриба, ижодий қобилят, маънаий қобилят, меҳнат маданияти ва бошқа элементлардан ташкил топган инсон капитали корхона ва фирмаларнинг энг қадирли капитали бўлиб, инноватциага асосланган иқтисодиёт шароитида улар даромад олишга қаратилади. Инсон капиталининг билим, кўникма ва тажриба олиш учун қилинган сарф-харажатлар маълум вақтдан сўнг ишчининг ўзига ҳамда унинг ёлловчисига сезиларли даражада даромад келтиради. Демак, инсон капиталини, инсон потенциалини капиталлашуви натижасида инсоннинг ўзига ва унинг ёлловчисига даромад келтирувчи капитал сифатида қараш мумкин. Моҳиятан инсон капитали интеллектуал капитални барча белгиларини ўзида мужассамлаштиради.

Y.P.Urunbayeva – SamISI katta o`qituvchisi, PhD,
S.D.Eshonqulova – SamISI talabasi

KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISHDA INNOVATSION IQTISODIYOTNI TADBIQ ETISH

Annotatsiya: ushbu maqolada mamlakatimizda innovatsion iqtisodiyotni rivojlantirishda xususiy tadbirkorlikning o‘rni haqida ma’lumot berilgan. Xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishda amalga oshirilayotgan keng imkoniyatlar to‘g‘risida yoritib berilgan. Quyidagi maqola bugungi kundagi xususiy tadbirkorlar va soha mutaxasislariga bag‘ishlangan.

Аннотация: в этой статье приведены данные про роль частного предпринимательства в развитии инновационный экономики. Представлена информация о широких возможностях, реализуемых в развитии частного предпринимательства. Статья посвящена сегодняшним частным предпринимателям и отраслевым специалистам.

Abstract: in this article given data about the role of innovative economy on developing the small business, as well as, the progressive possibility of small business. The below is devoted to the field specialists and private businessmen.

Kalit so‘zlar: Innovatsion iqtisodiyot, novatsiya, investitsiya, bozor konyukturasi, kichik biznes, xususiy tadbirkorlik, bozor, xizmat ko‘rsatish, biznes sub’ekti, kredit, soliq, rivojlanish tendensiyasi.

Ключевые слова: Инновационная экономика, новация, инвестиция, конъектура рынка, малый бизнес, частный предприятия, рынок, сервис, субъект бизнеса, кредит, налог, тенденция развития.

Key words: Innovative economy, novation, investment, market conjuncture, small business, private business, market, service, business entity, credit, tax, developmental tendency.

O‘zbekiston innovatsion iqtisodiyotni barqaror sur’atlarda rivojlantirish omillaridan biri kichik biznes va xususiy tadbirkorlik taraqqiyotini ta’minlash hisoblanadi. Ushbu soha innovatsion iqtisodiyotni o‘zgarishiga tez moslasha olishi, yangi ish o‘rinlarini yaratish orqali aholi bandligini ta’minlash va daromad manbalarini yaratish, xizmat ko‘rsatishning yangi zamonaviy turlarini kengaytirish, eksport salohiyatini rivojlantirishda, o‘rta mulkdorlar sinfini shakllantirish kabi xususiyatlarga egaligi bilan ajralib turadi.

Innovatsion iqtisodiyotni rivojlantirishda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning ahamiyati beqiyos ekan, avvalo “Innovatsion” so‘ziga alohida to‘xtalib o‘tish maqsadga muvofiq deb o‘ylaymiz. “Innovatsiya” inglizcha “in” invistitsiya, mablag‘ bo‘lsa, “novatsiya” yangiliklar, yangiliklarni moliyalashtirish, yangi texnika, texnalogiya ilmiy tadqiqotlarni ishlab chiqarish uchun ya’ni mablag‘larni yo‘naltirish faoliyati demakdir. Demak bugungi kunda invistitsion yondashuvlarni har bir sohaga tadbiq etish lozim.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoev ushbu masalaning muhimligi to‘g‘risida to‘xtalib: “… nisbatan barqaror va bozor konyukturasi

o‘zgarishlariga tez moslashuvchan, yangi ish o‘rinlari yaratish imkonini beradigan kichik biznesni jadal rivojlantirish masalasini hal etish bizning sharoitimizda hamon muhim ahamiyatga molik masala bo‘lib qolmoqda”. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik korxonalarga 2018 yilda kredit resurslari ajratish miqdorini 2 barobar ko‘paytirish, mikro kriditlar hajmini 1,7 barobarga oshirish kichik biznesning yalpi ichki mahsulotdagi ulushini 2019 yilda 80 foizga yetkazish vazifasi qo‘yilmoqda [9], deb ta’kidlagan edilar. Yuqorida bildirilgan fikrlar innovatsion iqtisodiyotni rivojlantirishga xizmat qiladi.

Rivojlangan mamlakatlarda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik innovatsion iqtisodiyotning muvaffaqiyatli rivojlanishiga bevosita ta’sir ko‘rsatmoqda. Bu mamlakatlarda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning ulushi yalpi ichki mahsulotda 85-90 foizni, umumiy bandlikda 80-85 foizni va jami korxonalarda 90 foizni tashkil qiladi.

O‘zbekistonda ham kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish orqali mamlakat innovatsion iqtisodiyotining barqaror taraqqiyoti ta’minlanmoqda. Kichik biznes sub’ektlari iqtisodiyotning deyarli barcha tarmoqlarida mavjud.

Diagramma

Tarmoqlar bo‘yicha kichik biznes sub’ektlari soni



Xizmat ko‘rsatishda (73,3 foiz), sanoatda (16,9 foiz), qurilishda (9,0 foiz) aholi faoliyat ko‘rsatmoqda. Shu munosabat bilan 2018 yilni “Faol tadbirkorlik, innovatsion g‘oyalar va texnologiyalarni qo‘llab-quvvatlash” yili deb e’lon qilinganligi ham bejiz emas albatta. Ushbu sohani har tomonlama rivojlantirish, uning yalpi ichki mahsulotdagi salmog‘ini oshirish, “…Aholi bandligini ta’minlash maqsadida 1 milliondan ortiq ish o‘rinlari ulardan yarmidan ortig‘i kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sohasida ochish mo‘ljallanmoqda”. Shuningdek, 2018-yilda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni yanada rivojlantirish va rag‘batlantirish bo‘yicha qilinishi kerak bo‘lgan ko‘plab ishlar belgilangan. “Har bir oila-tadbirkor”, “Yoshlar – kelajagimiz” kabi dasturlar doirasida 2 trillion so‘mga yaqin mablag‘ ajratilib, joylarda 2 ming 600 dan ortiq biznes loyihalari amalga oshiriladi. “… Ushbu sohani rivojlantirishda qulay ishchan muhitni yaratish, erkinlik berish, davlat va nazorat organlarining aralashuvini keskin kamaytirish, ushbu sektorga ajratilgan

[9] O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti matbuot xizmati davlat rahbarining 2019 yil uchun mo‘ljallangan eng muhim ustivor vazifalari haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasi. Zarafshon 2019.

kreditlar hajmini kamida 2 barobarga ko‘paytirish, mahsulotlarini sotishga ko‘maklashadigan marketing o‘tkazish, sertifikat va ruxsatnomalar olishni ta’minlaydigan mexanizmni yaratish uchun zarur ishlarni amalga oshirish bo‘yicha imtiyozlar belgilab berildi.

Ushbu jadval ma’lumotlaridan ko‘rinib turibdiki, kichik tadbirkorlikni rivojlantirishda barcha ko‘rsatkichlar o‘sish suratiga ega. Kichik tadbirkorlikning yalpi ichki mahsulotdagi ulushi 47,5 foizga o‘sgan bo‘lsa, kichik tadbirkorlikda band bo‘lganlar soni 4317,1 ming kishiga, ya’ni 1,7 barobarga, iqtisodiyotda band bo‘lganlarning umumiy sonidagi ulushi 24,6 foiz, yangi tashkil etilgan ish o‘rinlari soni 183,1 mingta o‘ringa, yangi tashkil etilgan ish o‘rinlari soni 9,1 donaga ko‘paygan. Barcha ko‘rsatkichlar o‘sish tendensiyasiga ega, buning asosiy sabablaridan biri yuqorida ta’kidlaganimizdek sohaning afzallik taraflari ko‘p.

Jadval

O‘zbekiston Respublikasida kichik tadbirkorlik rivojlanishining 2000 – 2018 yillardagi asosiy ko‘rsatkichlari

Ko‘rsatkichlar	O‘lchov birligi	Yillar							2018-2000 yilga nisbati
		2000	2005	2006	2007	2008	2009	2018	
Kichik tadbirkorlikning YAIM dagi ulushi	%	31,0	38,2	42,1	45,7	48,2	50,1	78,5	47,5
Kichik tadbirkorlikda band bo‘lganlar soni	Ming kishi	4316,5	6602,5	7258,6	7762,8	8024,1	8402,3	8633,6	4317,1
Iqtisodiyotda band bo‘lgan-larning umumiy sonidagi ulushi	%	49,7	64,8	69,1	72,1	73,1	73,9	74,3	24,6
Yangi tashkil etilgan ish o‘rinlari soni	Ming o‘rin	296,9	434,2	425,5	…	313,5	391,8	480,0	183,1
Yangi tashkil etilgan ish o‘rinlari soni	dona	6,0	10,3	13,2	14,7	14,7	15,0	15,1	9,1

Bugungi kunda shaharda 29151 ta kichik biznes sub’ektlari (yuridik shaxslar) va 24,1 mingta xususiy tadbirkorlar faoliyat yuritmoqda. Har yili o‘rta hisobda 5-6 mingta kichik biznes sub’ektlari hissasiga to‘g‘ri kelmoqda. Shahar korxonalarining deyarli 90% kichik biznes sub’ektlari hissasiga to‘g‘ri kelmoqda.

Mamlakatimizda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning bu qadar jadal rivojlanishida eng avvalo mazkur soha uchun belgilanayotgan soliq imtiyozlari yetarli darajadagi rag‘batlantiruvchi rol o‘ynayotganligi hisoblanadi. Jumladan, soliqga tortish stafkalari unifikatsiya qilindi va kamaytirildi. Mikrofirmalar, kichik biznes uchun yagona soliq to‘lovi 2000 yil 31 foizdan 2018 yil 7

foizgacha tushurilgani, ya’ni 5,2 marta qisqargani buning amaliy tasdig‘idir.

Bizda innovatsion iqtisodiyotni rivojlantirishda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning imkoniyatlari beqiyosligiga yana bir bor amin bo‘ldik. Ushbu rivojlanish, o‘sish tendensiyasini saqlash yanada takomillashtirish uchun biz endigina o‘z faoliyatini boshlayotgan tadbirkorlarga kredit olishda qulayliklar yaratsak o‘ylaymizki mamlakatimizda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni yanada rivojlantirish orqali uning yalpi ichki mahsulotdagi ulushini oshirish, aholini ish bilan band etish, ularning real daromadlarini ko‘paytirish va turmush farovonligini yaxshilashda muhim ahamiyat kasb etadi.

Adabiyotlar ro‘yxati:

1. Muxammedov M. va boshqalar “Xizmat ko‘rsatish sohasi va turizmni rivojlantirisning nazariy asoslari” – S.: Zarafshon 2017.-299 b.
2. Muxammedov M., Urunbayeva Y. “Axoli turmush darajasini shakllantirish omillari va oshirish istiqbollari”. Risola. “Zarafshon”, 2010 – 131 b.
3. Urunbayeva Y. “Xizmat ko‘rsatish sohasi va aholi turmush darajasining o‘zaro bog‘liqligi va rivojlanish istiqbollari”. Monografiya. Toshkent: “FAN”, 2013 – 156 b.
4. Урунбаева Ю.П. Пути повышения уровня жизни населения //«Вестник Регионального развития» научный журнал. – Караганда: 2017. – № 2(16).- С. 97-100.

Ш.А. Юлдошева – ҚарМИИ “Иқтисодиёт” кафедраси ассистенти

УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИКЛАРИДА СЕРВИС ХИЗМАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация: ушбу мақолада мамлакатимизда уй-жой коммунал хўжаликлари соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар, замонавий хизмат турлари, давлат томонидан қўллаб-қувватланишнинг самарадорликка таъсири тўғрисида фикрлар келтирилган.

Калит сўзлар: уй-жой коммунал хўжалиги, сервис хизмати, замонавий хизматлар, ипотека кредитлари, самарадорлик.

Аннотация: в этой статье дается обзор текущих реформ в жилищно-коммунальном секторе нашей страны, влияния современных услуг и влияния государственной поддержки на эффективность.

Ключевые слова: жилищно-коммунальное хозяйство, сервисное обслуживание, современные услуги, ипотечные кредиты, эффективность.

Abstract: This article provides an overview of the reforms in the housing and utilities sector in our country, the impact of modern services, and the impact of government support on efficiency.

Keywords: housing utilities, servicing, modern services, mortgage loans, efficiency

Мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини ошириш масадида уй-жой коммунал соҳасида янги босқич, яъни аҳоли фаровонлигини таъминлаш,

уларнинг ўз ҳаётидан мамнун бўлиб яшашларини кафолатлаш мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсадидир. Бунда уй-жой коммунал соҳасининг самарали фаолият кўрсатиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг янги механизмларини жорий этиш фуқаролар турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилади. Айтиш жоизки, мамлакатимизда коммунал хизмат кўрсатиш бўйича замонавий бозорни шакллантириш йўлида салмоқли ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Ўтган даврда қабул қилинган бир қатор қонунлар соҳани янада ривожлантиришнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Шу билан биргаликда уй-жой коммунал соҳасини янада такомиллаштириш ва ривожлантиришни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5017-сонли Фармонини ижро этиш юзасидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш мақсадида соҳада олиб борилаётган ишларни тубдан яхшилашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳамда унинг таркибида Қорақалпоғистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, вилоятлар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармалари ва Тошкент шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси ҳамда уларнинг туманлар (шаҳарлар)даги бўлимлари ташкил этилмоқда. Янги вазирлик ҳузурида Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ва иккита давлат унитар корхонаси - “Кўп хонадонли уйлар, иссиқлик таъминоти объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” ва “Сув таъминоти ва канализация объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” ташкил қилиниши ҳамда иккинчи давлат унитар корхонаси бевосита Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига бўйсуниши кўрсатилди. Юқорида кўрсатиб ўтилган ташкилотларнинг ҳудудий бошқармалари, инспекциялари ва минтақалараро филиалларининг фаолияти йўлга қўйилади. Бундай ёндашув соҳадаги ишларни нафақат республика, балки ҳудудларда ҳам тизимли олиб бориш имконини беради. Бу эса жабҳада фаолият юритаётган ҳар бир мутахассисдан ўз ишини танқидий таҳлил қилиш, қатъий тартиб-интизом ҳамда шахсий жавобгарликни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномасида таъкидланганидек: “Қишлоқ жойларида 17 минг 100 та, шаҳарларда 17 минг 600 та, жами 34 минг 700 та ёки 2016 йилга нисбатан салкам 3 баробар кўп арзон ва шинам уйлар қурилди. Кам таъминланган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож 5 мингта оилага, шу жумладан,

ногиронлиги бўлган аёлларга ипотека кредити асосида арзон уй-жой сотиб олиш учун 116 миллиард сўмдан зиёд бошланғич бадал тўлаб берилди”[10].

Ўзбекистонда амалга оширилааётган ислоҳотларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан муносиб баҳоланмоқда.

Уй-жой коммунал хўжалиги тизими - бу мураккаб иқтисодий тизим бўлиб, у аҳоли ҳаётий эҳтиёжларини қондиради. Уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида иқтисодиётнинг турли тармоқларига тегишли бўлган корхона ва ташкилотлар томонидан аҳоли турмушида газ, сув, иссиқлик энергияси каби зарур бўлган ресурслар етказиб бериш билан бирга уларда катта миқдордаги меҳнатга лаёқатли аҳолини иш ўринлари билан таъминлайди. Шунингдек, уй-жой коммунал хўжалиги тизимининг ўзига хос хусусияти унинг кўп тармоқлилиги ва турли-туман хизматлардан ташкил топганлиги алоҳида аҳамиятга эга. Уй-жой коммунал хўжалиги тизими кўп соҳа ва тармоқлардан ташкил топган бўлиб, турли ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосдаги ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаси корхона ва ташкилотларга хизмат кўрсатади, улар фаолиятини ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантиришга жалб этиладиган кредитлар, шу жумладан халқаро молия институтлари ва Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг имтиёзли кредитларини жорий этиш амалга оширилмоқда.

Уй-жой коммунал хўжалиги тизими таркибига кирувчи корхона ва ташкилотлар, кўрсатадиган хизмат туридан келиб чиқиб, асосан қўйидаги гуруҳларга бўлинади: - уй-жой мажмуасига хизмат кўрсатиш ва уй-жой фондини таъмирлашқурилиш ташкилотлари; - иссиқлик энергияси таъминоти хўжалиги; - газ таъминоти хўжалиги; - электр энергетика таъминоти ва кўчаларни ёритиш хўжалиги; - сув таъминоти ва оқова-қувир хўжалиги; - мухандислик тизимлари ва иншоотларига хизмат кўрсатиш корхоналари каби ғуруҳларга бўлинади.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини самарадорлигини таъминлашда соҳада эскирган асбоб ускуналарни тубдан янгилаш, замонавий техника ва технологияларни жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун мазкур соҳага маҳаллий ва хорижий инвестицияларни киритишга алоҳида эътибор бериш,к оммунал хизмат кўрсатиш соҳаси фаолияти самарадорлиги унинг тармоқлари фаолиятини ташкил этиш ва юритиш билан узвий боғлиқ бўлиб, бунинг учун “Ўзкоммуналхизмат” агентлиги ва унинг барча бўғинларида ташкилий бошқарув таркиби ҳамда меҳнат фаолиятини қонунчилик асосида тубдан яхшилаш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи коммунал хизмат соҳасининг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Унинг ечими масаласи тоза ичимлик суви билан таъминлаш тармоғида техник, технологик, ташкилий ва иқтисодий масалаларда янгича

[10] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь

механизмни жорий этишни тақозо қилади. Кўп қаватли уйлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, харажатларни камайтириш билан боғлиқ бўлган коммунал хизматлар кўрсатишнинг арзон ва муқобил турларини ривожлантириш ҳам зарур ҳисобланади.

Коммунал хизмати, йўл қурилиши, чиқиндиларни қайта ишлаш каби соҳаларда инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги механизмини қўллаш бўйича бугунги ҳолат ва уларни ривожланиш истиқболлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, юқорида эътироф этилган ҳолатлар бир томондан коммунал тизими самарадорлигини оширишса, иккинчи томондан аҳоли турмуш сифати ва даражасини юксалтиради.

Н.Х. Рузибаева – СамИСИ катта ўқитувчиси,
М.И. Иркинова– Каттақўрғон иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси,
У.Б. Абдурайимов– СамИСИ, БҲ-316 гуруҳ талабаси

ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: мақолада рақамли иқтисодиётнинг моҳияти, уни ривожланишига олиб келадиган асосий омиллар, Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришдаги муаммолар ёритилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, инвестиция, ахборот коммуникация технологиялари, ялпи ички маҳсулот.

Аннотация. В статье описаны сущность цифровой экономики, основные факторы, способствующие ее развитию, а также проблемы развития цифровой экономики в Узбекистане.

Ключевые слова: цифровая экономика, инвестиции информационные и коммуникационные технологии, валовой внутренний продукт.

Abstract: The article describes the essence of the digital economy, the main factors contributing to its development, as well as the problems of the development of the digital economy in Uzbekistan.

Keywords: digital economy, investment information and communication technologies, gross domestic product.

Замонавий шароитда илмий-техник тараққиёт ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳисобига ахборот соҳасига ўтган ёки уларнинг ҳаётга татбиқ этган иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга ёрдам бермоқда. Ҳозирги кунда малиётда тез суръатда анъанавий иқтисодиётдан рақамли иқтисодиётга ўтиш жараёни мавжуд бўлиб, бу бизнесни иқтисодиётнинг барча соҳаларида амалга ошириш жараёнида рақамли технологиялардан фойдаланишни назарда тутади.

Рақамли технологиялар деган тушунчани кенг маънода, рақамли технологияларнинг тобора кенг қўлланилиши натижасида юзага келган парадигманинг ўзгаришига ўхшашлиги биринчи бўлиб 1971 йилда чоп

этилган мақолада рақамли жамият тушунчасидан фойдаланган Роберт Вахаловига тегишли. Oxford English Dictionary луғатига кўра, бугунги кунда рақамлаштириш тушунчаси рақамли ёки компьютер технологияларидан индивидуал корхона, уй хўжалиги, саноат ёки умуман халқ хўжалигининг иқтисодий фаолиятига мослашишни ва ўсишни ўз ичига олади[11]. Рақамли иқтисодиётнинг генезиси жамиятнинг иқтисодий ва кундалик ҳаётидаги энг динамик ўзгаришлардан биридир. Рақамли иқтисодиёт корхоналар ва уй хўжаликлари учун бизнес моделларини яратишда янги имкониятларни очмоқда. Интернетнинг ривожланиши шароитида уй хўжаликлари ўзларининг иқтисодий фаолиятини давлат органларида рўйхатдан ўтказмасдан ва солиқ юкини оптималлаштирмасдан савдо бозоридаги корхоналар билан тенг шароитларда рақобатлашишлари мумкин. Бироқ, шуни таъкидлаш керакки, рақамли иқтисодиётга ўтиш ишларни қисқартириш ва ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириш натижасида бир қатор касбларнинг йўқ бўлиб кетиши билан боғлиқ бўлган маълум ижтимоий ва иқтисодий хавфларни келтириб чиқаради.

Рақамли иқтисодиёт жамиятнинг иқтисодий ҳаётидаги моддий ва виртуал дунёларнинг яқинлашуви жараёнининг узлуксиз ривожланишига олиб келади ва иқтисодиётнинг кўп соҳаларида инновациялар ва ўзгаришларнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланади.

Рақамли иқтисодиётнинг ривожланишига олиб келадиган асосий омиллар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- интернет технологияларининг жамият ҳаётининг барча соҳаларида тарқалиши (инг. Internet of Everything – кенг қамровли интернет);
- интернет воситалари генезеси (инг. Internet of Things – IoT);
- интернет технологиялари орқали ҳар қандай жойда ва исталган вақтда оддий алоқа (инг. hyperconnectivity). Skype, WhatsApp, Viber, ВКонтакте, Facebook, Telegram каби алоқа дастурларини ишлаб чиқишда намоён бўлади ва бошқалар.
- булутга асосланган дастурлар ва хизматлар (инг. cloud computing);
- катта маълумотларни таҳлил қилиш (инг. big data Analytics – BDA) ва хизмат сифатида ишлайдиган катта маълумотлар (инг. Big-Data-as-a-Service – BDaaS);
- ишлаб чиқариш ва ички жараёнларни автоматлаштириш (инг. automation) ва роботлаштириш (инг. robotisation);
- маҳсулотлар ва хизматларнинг кўп каналли тарқатиш моделлари.

Хорижий мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, рақамли иқтисодиёт бир вақтнинг ўзида турли соҳаларда ривожланиб бормоқда ва чекланган компаниялар томонидан қурилиши мумкин эмас, ҳатто уларга махсус ваколатлар ва ресурслар берилган бўлса ҳам. Шу сабабли, рақамли иқтисодиётда асосий ролни кучли тадбиркорлик ва инновацион ёндашувга

[11] Баранов Д.Н. Сущность и содержание категории «цифровая экономика». Вестник Московского университета имени С. Ю. Витте. Серия 1. Экономика и управление • № 2 (25)’ 2018 г.

эга бўлган хусусий бизнес ўйнаши керак ва давлат инфратузилма ва хусусий ташаббус учун шароит яратиши керак.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва технологик тараққиёт шароитида Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишини рақамли иқтисодсиз тасаввур қилиш қийин. Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш муаммолари ривожланаётган мамлакатлар дуч келадиган умумий муаммоларга ўхшашдир. Асосий муаммолардан бири бу заиф телекоммуникация инфратузилмаси ва алоқа. АКТга инвестицияларнинг камлиги (2017 йилдаги умумий инвестицияларнинг 2,8%) туфайли республикада базавий алоқа станцияларининг зичлиги жуда пастлигича қолмоқда (1600 аҳоли учун 1 та база станцияси). Бундан фарқли ўлароқ, Қозоғистондаги бундай битта база 643, Россияда эса 235 аҳолига АКТ эҳтиёжларини қондиради. Бу ёмон интернет ва мобил хизматлар рақамли иқтисодий ўсишни секинлаштириши ва рақамли тафовутни кенгайишига олиб келади. МДҲ давлатлари билан таққослаганда, 2019 йилда Ўзбекистонда интернетнинг ўртача тезлиги (мобил ва белгиланган кенг полосали алоқа) тахминан икки баравар паст. Ўзбекистонда рақамли кўникмаларнинг етишмаслиги рақамли трансформацияга жиддий тўсиқ бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг ЯИМдаги улуши 2,2% ни ташкил қилади. Шу билан бирга, ўртача мақбул кўрсаткич 7-8% деб ҳисобланади, масалан, Буюк Британияда бу 12,4%, Жанубий Кореяда – 8%, Хитойда – 6,9%, Ҳиндистонда – 5,6%, Россияда – 2, 8%, Қозоғистонда – 3,9%. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш концепцияси лойиҳасига мувофиқ 2025 йилга келиб ЯИМда АКТ улушини 5,0% га, 2030 йилга келиб эса 10% гача ошириш режалаштирилмоқда[12].

АКТ соҳасини ривожлантириш ва уларни товарлар ва хизматларни етказиб берувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги иқтисодий муносабатларга киритиш билан боғлиқ бўлган рақамли иқтисодиёт улушининг ўсиши мамлакатнинг тегишли инфратузилманинг мавжудлиги ва иқтисодий жараёнларга илғор интернет технологияларини жорий этиш билан бевосита боғлиқдир. Инфратузилма ривожланишини баҳолашда интернет тезлиги ва ундан фойдаланиш имконияти истеъмолчилар учун муҳим аҳамиятга эга. Юқорида айтиб ўтилган даражада АКТ соҳасига қилинган инвестицияларга қарамай, сўнгги йилларда ушбу соҳани ривожлантириш учун муҳим бўлган бир қатор кўрсаткичлар бўйича ижобий тенденция кузатилмоқда.

"Рақамли Ўзбекистон – 2030" миллий рақамли иқтисодиётни ривожлантириш стратегиясида асосий вазифалар рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни жадаллаштириш ва мамлакатимиз аҳолиси доираларида рақамли технологияларни кенг жорий этиш бўйича шакллантирилади.

[12] Юрий К. Узбекистан оцифровывается. ЦЭИР Экономическое обозрение №10 (238) 2019 г.

Бироқ, ушбу соҳага инвестицияларни жалб қилиш динамикаси жуда кўп нарсани талаб қилмоқда, аммо баъзи яхшиланишлар кузатилмоқда. 2019 йилнинг биринчи ярмида “ахборот ва алоқа” соҳасига инвестициялар 2018 йилнинг шу даврига нисбатан икки баравар кўпайди. Бироқ, 2018 йилда бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан деярли 2 баравар камайди – 1,9 дан 0,9 трлн. сўмни ташкил этди. Инвестицияларнинг умумий ҳажмида "ахборот ва алоқа" га инвестициялар улушининг кўрсаткичи 2017 йилда ва 2019 йилнинг биринчи ярмида нисбатан 3 мартадан кўпроққа пасайди ва 2018 йилнинг шу даврига нисбатан деярли ўзгармади ва 1,3%ни ташкил этди.

2017-2019 йилларда Ўзбекистонда ҳар йили ўртача 200 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилди. Таққослаш учун: 2018 йилда АҚШда АКТ ривожига 1,3 трлн. долларни, Хитойда – 499 млн. долларни, Белорусияда фақат АКТга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 1,5 млрд. долларни ташкил этди. IDS таҳлилчиларининг фикрига кўра, дунё бўйлаб АКТ харажатлари ҳар йили 3,8 фоизга ўсади ва 2023 йилга келиб у 4,8 трлн. долларга етади[13].

Рақамли иқтисодиёт сари муҳим қадам 2020 йилга мўлжалланган халқаро алоқалардаги давлат монополиясини бекор қилиш бўлади. Телекоммуникация соҳасини либераллаштириш Ўзбекистонга ўз фуқароларига хавфсиз ва арзон интернет хизматларини тақдим этиш ва рақамли иқтисодиётдан фойда олиш имконини беради. Рақамли технологиялар иқтисодиётнинг хизмат кўрсатиш соҳасига айланишини тезлаштирмоқда, бу эса ушбу соҳада хорижий филиалларнинг мавжудлиги кенгайиши, шунингдек, субпудратга ўтиш ва капиталда иштирок этиш билан боғлиқ бўлмаган муносабатларга ўтиши мумкин. Шу билан бирга, қиймат яратиш жараёнида технология ва интеллектуал мулкнинг ўсиб бораётган роли чет эл пудратчиларига берилган баъзи ишлаб чиқариш жараёнларининг мамлакатга қайтишига олиб келиши мумкин.

Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши алоқа қилиш, фикр, тажриба алмашиш учун кенг имкониятлар яратади. Интернет сайтлари сизга бизнес яратиш, сармоя киритиш, ишчилар, ҳамкорлар, манбалар ва бозорларни қидириш учун кучларни бирлаштиришга имкон беради. Рақамли технологиялар, шунингдек, ходимларни ўқитиш, билимлар алмашиш, инновацион ғояларни амалга оширишда, шу жумладан, ижтимоий соҳада ҳам муҳим рол ўйнаши мумкин [14] . Ниҳоят, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши натижасида воситачилик хизматларидан воз кечиш тенденцияси қабул қилувчи мамлакатларда корхоналарнинг айрим турларига масалан, чакана сотувчилар ва дистрибюторлар ишсиз қолиб келиши мумкин. Шу билан бирга дистрибюторлик соҳасида янги ҳамкорлик, юқори қўшимча қийматли янги хизматларни тақдим этиш учун

[13] Ўша ерда

[14] Попов Е.В., Семячков К.А. Особенности управления развитием цифровой экономики // Менеджмент в России и за рубежом. 2017. № 2. С. 54-61.

имкониятлар очиш шаклланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ривожланишнинг 10 йиллик циклини тугатиш босқичида янги рақамли технологияларни ривожлантириш учун қулай иқлим яратиш, иқтисодий ва рақамли ривожланиш учун масъул вазирлик ва идоралар учун устивор йўналиш бўлиши керак. Бу каби вазифаларни амалга оширишда маҳаллий рақамли платформалар глобал иқтисодиётда ўзларининг муносиб ўрнини эгаллаши мумкин, аммо бунинг учун қонун хужжатлари рақамли иқтисодиёт талабларига мослаштирилиши керак. Рақамли иқтисодиётга ҳукуматнинг яқиндан эътибор қаратишини миллий устивор йўналиш сифатида ҳисобга олган ҳолда мамлакатда ўтиш давридаги давлатлар гуруҳидан ўзгариб бораётган мамлакатлар гуруҳига ўтиш ва рақамли иқтисодиётнинг дунёдаги етакчи давлатлар қаторига қўшилиш барча иқтисодий ва ижтимоий имтиёзларга эга бўлишга олиб келиши мумкин.

Ю.П.Урунбаева – СамИСИ катта ўқитувчиси, PhD,
Ш.Т.Язданова – СамИСИ талабаси

АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИНГ ЎРНИ

Аннотация: ушбу мақолада Ўзбекистон аҳолисининг ўтган йиллар давомидаги даромадлари ҳамда турмуш даражаси хақида маълумотлар берилган. Шу билан бир каторда, аҳолининг турмуш даражасининг ўсиш кўрсаткичи хизмат кўрсатиш соҳаси бўлиб, хизматларнинг ялпи истеъмолдаги ҳажми тўғрисида ёритиб берилган. Қуйидаги мақола иктисодиётчилар ва хизмат кўрсатиш соҳаси мутахасисларига бағишланади.

Калит сўзлар: аҳоли тармуш даражаси, ЯИМ, миллий иқтисодиёт, хизмат кўрсатиш сохаси, турмуш тарзи, йилларнинг номланиши, уй-жой фонди, аҳоли бандлиги.

Аннотация: в этой статье приведены данные про роль доходы прошлых лет и уровень жизни населения Узбекистана. В то же время, показатель роста уровня жизни населения как сферы услуг, показан как об общем объеме оказанных услуг. Статья посвящена экономистам и отраслевым специалистам.

Ключевые слова: уровень жизни населения, ВВП, национальная экономика, сервис, образ жизни, название лет, жилищный фонд, занятность населения.

Abstract: in this article given data about the life condition of Uzbekistan citizen, besides the profits in numbers, as well as, the role of services at live condition. At the same time, the indicator of growth in the standard of living of the population as a service sector, is shown as the total volume of services. The article is devoted to economists and the field specialists.

Keywords: life condition, GDP, native economy, service, lifestyle, the names of years, found of accommodation, employment.

Аҳоли турмуш даражасини ошириш, моддий неъматлар ва хизматлар билан таъминлаш, кишилар истеъмолини ҳажм ва таркиб жиҳатидан уларнинг тобора ўсиб борувчи эҳтиёжлари даражасига яқинлаштириш миллий иқтисодиётнинг бош мақсадидир. Ҳозирги кунда мамлакатда Ҳаракатлар стратегияси доирасида, уни амалга ошириш бўйича қабул қилинган барча ижтимоий-иқтисодий дастур ва режаларда аҳоли турмуш даражасини ва сифатини юксалтириш, кенг кўламли ва катта амалий натижалар беришга қаратилган ислоҳотлар орқали иқтисодий ўсиш сурьатларини жадаллаштириш, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажмини ривожланган мамлакатлар даражасига яқинлаштириб бориш сиёсати изчиллик билан амалга оширилмоқда. Ушбу пировард мақсадга эришишда ҳар бир соҳа ва тармоқларнинг, жумладан хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳам ўз ўрни ва алоҳида аҳамияти бор.

Хизмат кўрсатиш соҳаси аҳоли турмуш даражасини шаклантиришдаги роли юқори бўлишига, демак, ушбу тармоқни жадал ривожлантириш сиёсати унинг айнан аҳоли турмуш даражасини юксалтириш муаммоларини ечишдаги алоҳида аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши лозимлигига қарамасдан, мавжуд адабиётларда асосий эътибор хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакат ялпи ички маҳсулотинин шаклантиришдаги, айрим ҳоллардагина унинг аҳоли бандлигини таъминлашдаги роли ва аҳамиятига қаратилган. Ваҳоланки, хизмат кўрсатиш соҳаси аҳоли турмуш даражаси ва сифатига таъсири фақат иқтисодий ўсиш ёки аҳоли бандлигини таъминлаш билан чегараланиб қолмасдан, балки яна бошқа бир неча муҳим йўналиш ва соҳаларда ҳам намоён бўлади. Ўзбекистонда 2035 йилга бориб мамлакатда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 479 млрд. АҚШ долларига етказиш, хизмат кўрсатиш соҳасининг ундаги улушини янада ошириш назарда тутилаяпти[15]. Бундан хулоса шуки, яқин ва узоқ келажакда Ўзбекистонда миллий иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлашда айнан хизмат кўрсатиш соҳаси асосий, етакчи ролни ўйнаши керак, демак, аҳоли ҳаёт фаровонлигини юксалтириш муаммосини ҳал этишда ҳам унинг роли бошқа соҳа ва тармоқларга нисбатан тезроқ ортиб боради.

Аҳолининг турмуш даражаси кишилар ҳаётий фаолиятининг кўп қирраларини ўзида мужассамлаштирган мураккаб ижтимоий-иқтисодий категория бўлиб, уларнинг ҳаётий эҳтиёжларининг қондирилиш меъёри ҳисобланади. Ҳар бир кишини қанча миқдордаги ва қандай сифатдаги товар ва хизматларни истеъмол қилиши унинг турмуш даражаси сифатида тавсифланади. Шунингдек, аҳоли турмуш даражаси давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсати самарадорлигини баҳолашнинг ҳам энг муҳим мезонидир.

«Аҳоли турмуш даражаси» тушунчасига яқин ёки у билан чамбарчас боғлиқ бир қатор атама ва тушунчалар мавжуд: аҳоли фаровонлиги,

[15]https://www.norma.uz/nashi_obzori/prezentovana_strategiya_razvitiya_uzbekistana_do_2035_goda

турмуш тарзи, турмуш фаолияти хавфсизлиги, турмуш сифати ва бошқалар. Юқорида келтирилган турли атамалар бир мазмунни англатгандек бўлса-да, баъзи ҳолларда улар ўртасидаги фарқ муайян характер касб этади, мазмуни сезиларли даражада фарқланади. Шу билан бирга, мазкур тушунчаларни ўзаро боғлиқлигини қайд этиш даркор. «Турмуш тарзи» тушунчаси кенг қўлланилган бўлиб, бунда ҳаёт фаолиятининг сифат кўрсаткичлари «турмуш тарзи», миқдор кўрсаткичлари эса «турмуш даражаси» билан ифодаланган.

Аҳолининг турмуш даражаси – бу аҳоли фаровонлиги, неъматлар ва хизматлар истеъмолининг даражаси, инсонларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини қондириш меъёрини тавсифловчи шароитлар ва кўрсаткичлар мажмуидир. Бошқача қилиб айтганда, турмуш даражаси жамиятда яшовчи инсон эҳтиёжларининг ривожланиши ва қондирилиши даражасидан иборат бўлиб, у турли неъматларнинг истеъмол қилиниши ёки истеъмол учун олинганларининг фойдалилик даражаси билан белгиланади.

Ҳозирги вақтда оилалар таркиби, аҳоли бандлиги, даромадлари ва уларнинг шаклланиш манбалари, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш, бўш вақтни ташкил қилиш, истеъмолчилар талаблари, бошқа ижтимоий масалалар бўйича жамоатчилик фикри ҳақидаги ахборотларни тўплаш учун танлов усулини қўллаш анчагина кенгайган. Шуни қайд қилиш мақсадга мувофиққи, аҳоли турмуш даражаси нафақат алоҳида оилалар, жамоаларнинг меҳнати ва иқтисодий фаоллиги билан, балки иқтисодиётни ривожлантириш самарадорлиги ва умуман миллий бойлик даражаси, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг аҳволи ва ривожи, ижтимоий мақсадга қаратилган қонуний асоснинг борлиги ёки йўқлиги билан белгиланади.

Шундай қилиб, турмуш даражаси ва сифатининг ҳар бири аҳолининг қандайдир бир жиҳати борасида тасаввур ҳосил қилувчи кўрсаткичлар тизими билан белгиланади. Турмуш даражаси ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун аҳоли даромадларини, моддий бойликлар ва турли хизматларнинг истеъмол даражаси ва таркибларини, уй-жой, маданий-маиший буюмлар билан таъминланишни мажмуали равишда ўрганиш зарур.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларининг бошиданоқ аҳолининг турмуш даражаси давлат иқтисодий стратегиясининг устивор йўналиши бўлиб келмоқда. Маълумки, ўтиш даврининг биринчи босқичида объектив сабабларга кўра Ўзбекистон учун барча Ҳамдўстлик мамлакатларида бўлгани каби иқтисодий буҳрон, юқори даражадаги инфляция, ишлаб чиқаришнинг кескин даражада камайиши, ишсизликлар сонининг кўпайиши натижасида аҳоли даромадларининг камайиши каби ёқимсиз жараёнлар рўй берди. Аҳоли турмуш даражасининг умумий кўрсаткичлари кескин равишда пасайди. Натижада мамлакат раҳбарияти олдида ниҳоят оғир муаммолар пайдо бўлди. Ўтиш даврининг сиёсий муаммоларини ечиш билан бир вақтда мамлакатнинг сиёсий

жадвал

Мамлакатимизда йилларнинг номланиши билан Республика ва Самарқанд аҳолиси турмуш даражасига таъсир этувчи кўрсаткичларнинг ўзгариш тенденцияси[16]

Йиллар номланиши	Йил	Аҳоли турмуш даражасига таъсир этувчи кўрсаткичлар											
		Аҳоли даромади (млрд.сўм)		Жами уй-жой фонди (м2)		Туғилишда кутилган умрнинг узоқлиги, (ёш)				Хизматлар соҳасида банд(минг.киш)		ЯИМ,ЯММ хизматлар улуши(%)	
		Ўзбекистон	Самарқанд	Ўзбекистон	Самарқанд	Ўзбекистон		Самарканд		Ўзбекистон	Самарқанд	Ўзбекистон	Самарқанд
						аёл	эркак	аёл	эркак				
Инсон манфаатлари	1997	610,0	68,2	309,5	34,1	72,6	67,5	71,6	67,2	348,8	341,5	35,0	30,0
Оила йили	1998	890,0	84,5	317,5	34,8	72,3	67,5	71,5	67,7	3646	353	35,8	29,7
Аёллар йили	1999	1439,7	141,3	330,3	36,0	73,5	68,6	73	69,1	3901	387,7	36,0	30,6
Соғлом авлод йили	2000	2284,9	200,8	339,9	36,9	73,2	68,4	72,6	68,7	4069	342,9	37,0	31,2
Она ва бола йили	2001	3498,2	277,0	350,3	37,9	73,6	68,9	73,3	69,4	4212	356,1	38,0	29,4
Қарияларни қадрлаш	2002	5248,1	395,3	360,9	38,7	73,	68,9	75,1	72,2	4372	395,2	37,7	28.5
Обод маҳалла йили	2003	6212,8	225,5	365,7	39,5	73,8	69,4	73,8	70,1	4540	412,7	37,2	30.0
Меҳр-мурувват йили	2004	7604,2	253,5	373,5	40,3	73,6	69,2	73,9	69,9	4776	423,0	37,4	31.0
Сиҳат-саломатлик йили	2005	9728,6	713,1	379,3	40,4	74,1	69,6	73,9	69,8	5032	407,8	38,7	31,2
Шифокорлар ва ҳомийлар	2006	12845,9	926,0	386,9	41,3	74,9	70,2	73,6	68,9	5252,9	419,8	39,5	30,9
Ижтимоий ҳимоя йили	2007	16725,4	1207,6	393,3	42,2	75,0	70,3	73,8	69,0	5381,4	616,6	42,5	34,8
Ёшлар йили	2008	19800,2	1661,9	405,2	43,1	74,8	70,1	73,7	68,9	5567,8	611,8	45,3	36,6
Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили	2009	23230,0	1881,5	412,7	44,0	73,3	67,7	73,0	67,8	5908,1	662,3	47,2	39,5
Баркамол авлод йили	2010	27611,0	2091,3	422,4	45,6	76,2	73,4	74,1	70,3	6308,1	669,0	49,0	42,2
Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили	2019	200063,8	8679,9	768,8	89,9	78,4	76,7	75,4	74,9	8994,8	1026,8	47,3	48,2

[16] Статистик маълумотлар асосида муаллиф ишланмаси

мустақиллигини жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олиниши, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш, хорижий мамлакатлар билан иқтисодий дипломатик муносабатларни ўрнатиш, янги инновацион лойиҳалар устида изланишлар олиб бориш,, чет эл бозори билан олди-сотди алоқаларини ўрнатиш, изчил иқтисодий сиёсатни олиб бориш стратегиясини ишлаб чиқиш зарурати туғилди.

Ўтиш даврининг дастлабки йилларидаёқ аҳолининг турмуш даражасини кескин тушиб кетишининг олдини олиш чора-тадбирлари амалга оширилди. Давлат раҳбарияти томонидан ҳар йили ўзига хос ном билан аталаётганлиги ва уларнинг ҳар бири маълум тоифадаги ижтимоий гуруҳлар турмуш даражаси ва сифатини оширишга қаратилганлиги ҳам бежиз эмас албатта.

Ўтиш даврининг дастлабки йилларидаёқ аҳолининг турмуш даражасини кескин тушиб кетишининг олдини олиш чора-тадбирлари амалга оширилди. Давлат раҳбарияти томонидан ҳар йили ўзига хос ном билан аталаётганлиги ва уларнинг ҳар бири маълум тоифадаги ижтимоий гуруҳлар турмуш даражаси ва сифатини оширишга қаратилганлиги ҳам бежиз эмас албатта

Юқорида келтирилган жадвалдан ҳам кўришимиз мумкинки Республикамизда мустақиллик йилларининг бошиданоқ аҳолининг турмуш даражаси давлат иқтисодий стратегиясининг устивор йўналиши бўлиб келмоқда. Масалан, 1997 йил “Инсон мафаатлари йили”да аҳоли даромадлари, умрнинг узоқлиги, аҳоли бандлиги ва хизматларнинг ЯИМдаги улуши 2018 йилга нисбатан анча сезиларли даражада паст.

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, аҳоли турмуш даражасига таъсир этувчи кўрсаткичларни оширишга қаратилган чора-тадбирлар комплекс ёндашиш асосида, бир-бирига боғлаб амалга оширилса, катта ижобий самара беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мухаммедов М. ва бошқалар “Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари”- С.: Зарафшон 2017.-299 б.
2. Мухаммедов М.М., Ю.П.Урунбаева Аҳоли турмуш даражасини шакллантириш омиллари ва ошириш истиқболлари. Рисола. «Зарафшан», 2010 - 131 б.
3. Урунбаева Ю. П. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва аҳоли турмуш даражаси: ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш истиқболлари. Монография. Тошкент.: «ФАН», 2013 - 156 б
4. Урунбаева Ю.П. Пути повышения уровня жизни населения //«Вестник Регионального развития» научный журнал. – Караганда: 2017. – № 2(16).- С. 97-100.

И.И.Жабборов – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчиси

РАҚАМЛИ ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТНИ ЖОРИЙ ЭТИШДА ЭСТОНИЯНИНГ ИЛҒОР ТАЖРИБАСИ

Аннотация: мақолада давлат хизматларида электрон ҳукумат фаолиятини янада такомиллаштириш йўллари тўғрисида фикр юритилган. Электрон жамиятда киберхавфсизликнинг муҳимлиги, Ҳукумат қарорларини қабул қилиш жараёнида электрон ҳукуматнинг аҳамияти, Давлат сектори томонидан электрон ҳукумат лойиҳаларини жорий этишни бошқариш орқали давлат хизматлари соҳасини такомиллаштириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар таклиф этилган.

Калит сўзлар: давлат хизматлари, ҳужжатлар, рақамлаштириш, электрон ҳукумат, аҳолини интернет саводхонлиги ва электрон хизматлардан фойдаланиш, шахсий маълумот, X-Road платформаси, идентификациялаш тизими, ID-карта, MobileID ва SmartID тизимлари, “Scratch” дастурлаш, Wi-Fi, электрон резиденти, электрон имзо, декларация, ахборот тизимлари, жисмоний шахслар реестри, юридик шахслар реестри, кадастр реестри (кадастр рақами), “e-Кабинет” ва “e-Консультация”, қоғозбозлик

Аннотация: в статье рассматриваются пути дальнейшего повышения эффективности электронного правительства в сфере государственных услуг. важность кибербезопасности в электронном обществе, важность электронного правительства в принятии правительственных решений и ряд мер были предложены государственным сектором для улучшения государственных услуг посредством управления проектами электронного правительства.

Ключевые слова: коммунальные услуги, документы, оцифровка, электронное правительство, интернет-грамотность и электронные услуги, личная информация, платформа X-Road, система идентификации, ID-карта, системы MobileID и SmartID, программирование нуля, Wi-Fi, электронный резидент, электронная подпись, декларация, информационные системы, реестр физических лиц, реестр юридических лиц, кадастровый реестр (кадастровый номер), электронный кабинет и электронный консалтинг, оформление документов

Abstract: The article discusses ways to further improve e-government in public services. The importance of cybersecurity in the e-society, the importance of e-government in government decision-making, and a number of measures have been proposed by the public sector to improve public services through the implementation of e-government projects.

Keywords: public services, documents, digitalization, e-government, internet literacy and e-services, personal information, X-Road platform, identification system, ID-card, MobileID and SmartID systems, Scratch programming, Wi-Fi, electronic resident, electronic signature, declaration, information systems, register of individuals, register of legal entities, cadastre register (cadastre number), e-Cabinet and e-Consulting, paperwork

Бугунги кунда кўпгина давлатларда Давлат хизматлари кўрсатиш тизими шакллантирилган ва муваффақият билан амалга оширилмоқда.

Хусусан, АҚШ, Россия Федерацияси, Япония, Жанубий Корея, Канада, Австралия, Грузия, Озарбайжон, Финляндия, Шотландия, Қозоғистон ва Эстония каби давлатлари тажрибаси мамлакатимизда ушбу хизматларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, «Ахборотни ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисида»ги ва «Давлат тузилмаларида қоғоз ишларини камайтириш тўғрисида»ги Қонунлари қабул қилинган. Бу эса ўз навбатида давлат хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштиришни тақозо қилди.

Шу мақсадда 1998 йилда ушбу хизматларни ташкил қилиш ва ривожлантиришда муҳим қадам ташланган. Россия Федерациясида аҳолига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат ва муниципал (маҳаллий) хизматлар кўрсатиш амалиёти 2010 йил 27 июлда қабул қилинган “Давлат ва муниципал хизматларни кўрсатишни ташкил этиш тўғрисида”ги Федераль Қонуни[1] асосида йўлга қўйилган.

Дунё мамлакатлари давлат хизматларини ташкил этиш ва ривожлантириш борасида анча муваффақиятларни қўлга киритди. Бугунги кунда Россия Федерациясида 180 дан ортиқ турдаги давлат ва муниципал хизматлар кўрсатилмоқда. Хизматларнинг қарийб 98 фоизи экстерриториал тамойил асосида кўрсатилади. Ривожланган мамлакатларда давлат хизматининг ижтимоий функцияларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари шаклланган.

Хусусан, давлат сиёсати бўйича зарур маълумотларни ўз вақтида ва сифатли таъминлайдиган, кенг ва кўп босқичли жамоатчилик маслаҳат марказлари тизимининг фаолиятини йўлга қўядиган, давлат қарорларини қабул қилишда зарур дастлабки алоқа сифатида элита ижтимоий гуруҳларнинг вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик қиладиган, муайян соҳаларда давлат сиёсати билан боғлиқ қонун лойиҳаларини тайёрлашда аҳоли иштирокини таъминлайдиган, маъмурий ислоҳотлар жараёнида давлат аппаратининг фаол иштирокига урғу бера оладиган ҳамда Давлат хизматининг ахборот-маслаҳат ва тартибга солиш функцияларини йўлга қўядиган, барча ишларга жамоатчиликнинг диққат эътиборини қаратадиган тизим яратилган.

Электрон жамиятда киберхавфсизликнинг муҳимлиги, Ҳукумат қарорларини қабул қилиш жараёнида электрон ҳукуматнинг аҳамияти, Давлат сектори томонидан электрон ҳукумат лойиҳаларини жорий этишни бошқариш, шунингдек блокчейн технологиялари орқали давлат хизматлари соҳасини такомиллаштириш каби мавзуларда ҳам Эстониянинг илғор тажрибаси ўрганилди.

Электрон ҳукуматни жорий этиш жараёнида ахборот коммуникация технологияларини қўллаш, давлат хизматларини такомиллаштириш

[1] Россия Федерациясининг 2010 йил 27 июлдаги “Давлат ва муниципал хизматларни кўрсатишни ташкил этиш тўғрисида”ги Федераль Қонуни

бўйича қуйидаги хулосалар олинди.

Хусусан, Эстония давлатининг рақамли технологиядаги фаол ташаббускорлиги – мазкур давлатни Бирлашган миллатлар ташкилотининг электрон ҳукуматни ривожлантириш индексида [1] (EDGI) энг юқори кўрсаткичларга эришганлигини кузатиш мумкин.

Маълумот учун, 2016 йилда 13 ўринни, 2018 йилда эса 16 ўринни эгаллаган.

Бундан ташқари, мамлакатда шахсни тасдиқловчи рақамли идентификацион ҳужжатларни (ID-карта) жорий этиш орқали фуқаролар ва давлат хизматчилари томонидан онлайн тарзда электрон давлат хизматларини кенг доирада фойдаланишига имконият яратган. Жумладан, электрон тўловларни амалга ошириш, тиббий маълумотлардан тўлиқ фойдаланиш, шунингдек онлайн овоз бериш каби муҳим аҳамиятга эга хизматларни интернет тармоғи орқали қабул қилади.

Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда **99 фоиз** давлат хизматларини кечаю-кундуз онлайн режимида ишлаши иш вақтини тежашга имконият яратмоқда.

Маълумот учун:

***100 фоиз** мактаблар ва маҳаллий давлат ташкилотлари компьютерлар билан таъминланган, **99 фоиз** банк операциялари электрон кўринишда амалга оширилади, **98 фоиз** тиббий рецептлари онлайн берилади, **98 фоиз** Эстония аҳолиси давлат томонидан ва Европа иттифоқи томонидан тан олинган ID картага эга, **95 фоиз** солиқ декларациялар онлайн топширилади, **88 фоиз** фуқаро мунтазам равишда интернетдан фойдаланади, **67 фоиз** аҳолини хатловдан ўтказиш интернет орқали амалга оширилган, шунингдек аҳолининг **32 фоизи** сўнгги сайловларда онлайн тарзда овоз берган.*

Эстонияда электрон давлат хизматларини кўрсатишда бу каби юқори кўрсаткичларга эришишнинг қуйидаги **3 та** фундаментал лойиҳаларга асосланганлигини кузатиш мумкин:

– электрон давлат хизматларни такомиллаштириш учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этиш мақсадида давлат идораларининг **реестрларини (архив маълумотларини) рақамлаштириш;**

– давлат ва хусусий секторда ишлатиладиган кўплаб турли хил ахборот тизимларини бирлаштирадиган ва уларга маълумот алмашиш имконини берадиган **X-Road платформасини яратиш;**

– фуқароларга рақамли **идентификациялаш тизими** орқали онлайн хизматларга хавфсиз кириш воситаларини тақдим этиш.

ID карталар давлат томонидан ягона идентификацион ҳужжат сифатида тан олинган ва e-ID давлат идентификацион тизими асосида ишлайди.

[1] Бирлашган миллатлар ташкилотининг 2016-2018 йиллардаги электрон ҳукуматни ривожлантириш индекси

Барча давлат ахборот тизимлари *(давлат хизматлари портали, электрон нотариус, электрон соғлиқни сақлаш тизими, е-мактаб ва ҳ.к)* ва тижорий тизимлар *(банк тизимлари, е-билет ва ҳ.к)* e-ID давлат идентификацион тизимига интеграция қилинган.

Шу сабабли, фуқаролар барча тизимлардан алоҳида рўйхатдан ўтмасдан бемалол давлат хизматларидан фойдалана олишади.

Эстонияда ID карта ва e-ID тизими кенг жорий қилинганлиги ўз навбатида MobileID ва SmartID тизимларини жорий қилишга сабаб бўлиб, аҳоли ва давлат ўртасидаги электрон муносабатни янада ишончли ва қулай бўлишини таъминлаб келмоқда.

Мамлакатда электрон тижорат ва электрон банкларнинг эрта ривожланиши ҳам маълум маънода онлайн тарзда давлат хизматларидан фойдаланиш ғоясини оммалаштириш ва тарғиб қилишга ёрдам берган.

Бундан ташқари, электрон ҳукуматни ривожлантириш, шунингдек аҳолини компьютер ҳамда электрон давлат хизматларидан фойдаланиш маданиятини шакллантириш мақсадида мактабдан дастурлаш дарслари ўтказилиши алоҳида аҳамиятга эга.

2012 йилдан буён Эстонияда 1 – 12 синф ўқувчиларининг ўқув дастурига дастурлашнинг пилот лойиҳаси киритилган бўлиб, бошланғич синфлар мантиқ ва алгоритм асосларидан таълим олишни бошлашади, сўнгра “Scratch” дастурлаш тизимини ўрганишади.

Шу билан бирга, соҳани ривожлантириш мақсадида электрон ҳукумат академияси (eGA) ташкил этилган бўлиб, мазкур Академия электрон ҳукумат, электрон демократия, киберхавфсизлик ва очиқ ахборот жамияти соҳаларида билимлар базасини яратиш ва тарқатиш билан шуғулланадиган маслаҳат маркази ҳисобланади.

Электрон ҳукумат академияси – аниқ мақсадларга асосланган мустақил нотижорат ташкилот бўлиб, 2002 йилда БМТ Тараққиёт Дастури[1], Очиқ жамият институти ва Эстония Республикаси ҳукумати томонидан ташкил этилган.

Академия давлат бошқаруви раҳбарларини, мансабдор шахсларни ва давлат бошқарувини янада самарали ва демократик жараёнларни такомиллаштириш учун ахборот-коммуникация технологияларидан манфаатдор бўлган мутахассисларни ўқитади ва уларга маслаҳат беради.

Бундан ташқари, Академия ахборот технологиялари корхоналари билан ҳамкорликда хорижий ҳукуматларга электрон ечимларни жорий этишга ёрдам беради.

*Маълумот учун, Академия **4000 дан ортиқ** мансабдор шахсларни ўқитган ва **90 та** давлатдаги **130 та** ташкилотга электрон ҳукуматни ривожлантириш бўйича маслаҳатлар берган.*

Бу каби лойиҳаларнинг мақсадларидан бири – фуқароларни электрон порталдаги рақамли хизматлардан фойдаланиш хавфли эмаслигига

[1] 2002 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2002 йилдаги Тараққиёт дастури

ишонтириш ҳам ҳисобланади. Албатта, бу мақсадга эришиш учун рақамли хизматларга бўлган қизиқишни ошириш, янги тизимлар қандай ишлашини тушунтириш, одамлар бу ҳақиқатан ҳам жуда қулай эканлигини ҳис қилишлари керак бўлган.

Биргина мисол, Эстонияда фуқароларнинг ўзларига тегишли бўлган шахсий маълумотларни фойдаланиш тарихининг (log) шаффофлиги таъминланган. Яъни, фуқаролар Ягона порталдаги шахсий кабинетларига кириб, ўзларига тегишли маълумотларидан "қайси давлат идоралари ва нима мақсадда фойдаланган" деган саволга жавоб олиш имконияти яратилган.

Яна бир мисол, Эстония давлат бюджетининг **1,23 фоизини** ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга ажратади.

Бу каби институтларни шаклланиши, яъни аҳоли интернет саводхонлиги ва электрон хизматлардан фойдаланиш кўникмаларини (электрон маданиятини) ошириш давлат сиёсати даражасига олиб чиқилганлиги натижасида Эстонияни ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги стартаплар мамлакатига айланишига олиб келган.

*Маълумот учун, Эстония стартап лойиҳалар бўйича Европа давлатлари орасида **3-ўринни** эгаллаб келмоқда (**100 000** яшовчига **31 та** стартап).*

Мамлакатда стартап лойиҳалар учун катта имкониятлар яратилган бўлиб, янги ташкилотни рўйхатдан ўтказиш атиги **18 дақиқа** вақт олади, холос. Тақсимланмаган даромаддан корпоратив солиқ ундирилмайди.

Биргина, туғилишни қайд этиш (идентификацион рақам бириктириш) билан бир вақтни ўзидаёқ композит хизматларни, яъни болага исм бериш, нафақа пулини олиш, боғчага навбатга қўйиш каби давлат хизматларини тавсия қилиш имкониятлари яратилган.

Ахборот технологияларини ривожлантириш рейтингида Эстония дунёнинг **142** мамлакати орасида **24-**ўринни, интернетнинг очиқлиги рейтингида ишончли тарзда пешқадамлик қилмоқда *(аҳолини 88 фоизи мунтазам равишда интернетдан фойдаланади)*.

Бу кўрсаткичларнинг энг асосий омили – мамлакатда **1100 дан ортиқ** бепул вай-фай (Wi-Fi) зоналари яратилганлиги, шунингдек уяли алоқа хизматлари бўйича шартномалар сони аҳолининг сонидан ошиб кетганлигидадир (100 тага нисбатан 139 та). Текин Wi-Fi тармоғига уланиш имконияти қарийб барча давлат муассасалари, меҳмонхона ва жамоат жойлари (истироҳат боғлари, кафелар, ресторан, вокзал, аэропорт), ҳаттоки пляжларда ҳам мавжуд.

Мамлакатнинг **98 фоизи** симсиз интернетдан (Wi-Fi) фойдаланиши **электрон ҳукуматни ривожлантирган истиқболли давлатлардан бирига айлантиришига сабаб бўлмоқда.**

Алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳар қандай шахсни Эстониянинг электрон резиденти бўлишига имконият яратилганлиги – мамлакат ҳудудига

кирмай туриб, дунёнинг исталган жойидан ҳужжатларга электрон имзо чекиш, шунингдек солиқларни декларация қилиш орқали Европа Иттифоқи ҳудудида тадбиркорлик ишларини йўлга қўйишга ҳамда ривожланишига сабаб бўлган.

Эстония электрон ҳукуматининг давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида илғор тажрибаларидан бири – давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги барча ахборот тизимлари қуйидаги **3 та асосий реестрлар** негизида шаклланганлигидадир:

– жисмоний шахслар реестри (ПИНФЛ);

– юридик шахслар реестри (ИНН);

– кадастр реестри (кадастр рақами).

Бу сиёсат асосида барча давлат идораларидаги ахборот тизимларини ҳеч қандай тўсиқсиз ўзаро маълумот алмашинув имконияти яратилган.

Эстония тарихида аксарият идораларнинг ахборот тизимларидаги маълумотлар ўзларининг сиёсатларидан келиб чиқиб шакллантирилганлиги кузатилган. Бу эса, кейинчалик мазкур маълумотларни бир бирига боғлашда айрим номувофиқликлар келиб чиқишига сабаб бўлган.

Шу сабабли, давлат хизматлари кўрсатишда шаклланадиган маълумот базалари Ягона идоралараро интеграциялашув платформа (X-Road) орқали асосий реестрлар (ягона, ишончли ва тўлиқ маълумотлар сақланадиган, қайта ишланадиган ахборот тизими) асосида маълумот алмашинуви йўлга қўйилган.

Асосий реестрларда сақланадиган маълумотлар бошқа фойдаланувчилар томонидан қайта ишлатилиши мумкин ва мажбур бўлган маълумотлар ҳисобланади ва уни юритадиган ташкилот шу маълумотларни йиғишга, қайта ишлашга ва актуаллигини ва бутунлигини сақлашга масъул ҳисобланади.

X-Road тизимига уланган барча ахборот тизимлари учун асосий принцип – битта маълумот фақатгина битта реестрда сақланади, бошқа реестрларда ушбу маълумотнинг сақланиши тақиқланган.

*Мисол учун, шахснинг паспорт маълумотлари (ФИШ, туғилган санаси, паспорт серия рақами, миллати ва шу каби маълумотлар) шахсий рақам **(ПИНФЛ)** асосида ИИВда шакллантирилиб, бу маълумотларни солиқ органлари томонидан олинганда фақатгина ПИНФЛ сақланади, холос.*

Бу эса, кейинчалик шахс ҳақидаги маълумотлар ўзгарганда, солиқ органлари ПИНФЛ асосида сўров қилиш орқали актуал маълумотларни олиш имкониятини яратади.

Ҳозирги кунда, Эстонияда X-Road тизимига **690 дан ортиқ** давлат муассасалари, **900 дан ортиқ** хусусий сектор ташкилотлари, **1 650 дан ортиқ** ахборот тизимлари ва шу тизимларнинг **2 730 дан ортиқ** сервислари уланган. Шунингдек, 2018 йилни ўзидаёқ мазкур тизим орқали **985 млн. дан ортиқ** маълумот алмашинувларни бажарган.

X-Road – марказлаштирилмаган ва шу билан биргаликда марказий

мониторингга эга бўлган тизимдир. Тизим қатнашувчилари ўзаро маълумот алмашинувини олдиндан белгилаб берилган стандартлар (фақатгина бир типдаги API) ва ахборот хавфсизлиги талаблари асосида амалга оширади.

Бу билан, бир идоранинг ахборот тизими ишдан чиқиши натижасида фақатгина мазкур тизимга боғлиқ бўлган ахборот тизимларининг маълумот алмашинуви тўхтатилиб, қолган идораларнинг маълумот алмашинуви давом этишига имконият яратилади.

Маълумот учун, Ўзбекистон тажрибасига кўра, барча тизимлар марказлаштирилганлиги сабабли идоралараро интеграцион тизимнинг ишдан чиқиши қолган барча тизимларнинг маълумот алмашинуви тўхтаб қолишига сабаб бўлмоқда.

2000 йилдан бошлаб Эстония давлати ҳукумати норматив ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларни манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш, шунингдек ҳукуматга тасдиқлаш учун киритиш жараёнларида анъанавий қоғоз кўринишидан воз кечиб, мазкур жараёнларни “е-Кабинет” ва “е-Консультация” каби ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда электрон тарзда амалга оширишни бошлаган.

Мазкур тизимлардан фойдаланишда идентификация сифатида ID-карта тизимидан фойдаланиб, зарур бўлган ўзгартиришлар, таклиф ва қўшимчалар, ҳаттоки тайёр лойиҳани имзолаш ҳам “eID-карта” тизимида тасдиқланади.

Эстонияда Ҳукуматнинг ўзи электрон давлат хизматларини жорий этиш ҳамда қоғозбозликдан воз кечиш каби муҳим ғояларни қўллаб-қувватлаши мамлакатда электрон ҳукуматнинг ривожланишига муҳим туртки бўлган.

Ўзбекистон тажрибасидан фарқли ўлароқ, Эстонияда аввал давлат хизматларини жорий этиш бўйича концепция ишлаб чиқилади, мазкур концепция асосида электрон тизимни шакллантирилади, шундан сўнгина норматив ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилади.

Бу билан, амалиётга мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, кейинчалик ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ ҳолатларни олди олинган.

Электрон ҳукуматни жорий этиш жараёнида ахборот коммуникация технологияларини қўллаш, давлат хизматларини такомиллаштириш ва мазкур соҳаларда Эстониянинг илғор тажрибасини ўрганиш натижаларига кўра қуйидагилар таклиф этилади:

1. Ўзбекистонда электрон давлат хизматларни такомиллаштириш учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этиш мақсадида давлат идораларининг **реестрларини (архив маълумотларини) рақамлаштириш;**

2. Давлат ва хусусий секторда ишлатиладиган кўплаб турли хил ахборот тизимларини бирлаштирадиган ва уларга маълумот алмашиш имконини берадиган **X-Road платформасини яратиш;**

3. Фуқароларга рақамли **идентификацион карталар** орқали онлайн хизматларга хавфсиз кириш воситаларини тақдим этиш.

4. Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан ҳамкорликда аҳолини, айниқса ёшларнинг ЯИДХП орқали масофадан туриб давлат хизматларидан фойдаланишга доир кўникмаларини оширишга қаратилган махсус курслар, ўқув дастурларини жорий этиш, дастурлаш дарсларини ўтказилишини йўлга қўйиш;

5. Электрон ҳукумат соҳасини ривожлантириш мақсадида электрон ҳукумат ва давлат хизматларини ривожлантириш бўйича халқаро илмий-тадқиқот марказини шакллантириш;

6. Замонавий телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтирилган тадбиркорлик субъектларига зарур бўлган моддий-техника, дастурий таъминотлар ва асбоб-ускуналар, шунингдек бутловчи қисмларни божхона тўловларидан озод қилиш механизмини ишлаб чиқиш;

7. Ягона порталда фуқароларнинг ўзларига тегишли бўлган шахсий маълумотларни қайси давлат идоралари нима мақсадда фойдаланганлигини билиш имкониятини яратиш;

8. Давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги барча ахборот тизимлари қуйидаги **3 та асосий бўлган реестрлар** (ПИНФЛ, ИНН ва кадастр рақами) негизида шакллантириш бўйича ягона сиёсатни белгилаб бериш, бу борадаги амалга оширилаётган ишларнинг назорат тизимини кучайтириш, шунингдек белгиланган талабларга риоя этмаган идораларга нисбатан қатъий таъсирчан механизмни қўллаш тизимини ишлаб чиқиш;

9. Эстонияда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш бўйича фойдаланилаётган электрон тизимни алоҳида ўрганиб чиқиш ва Ўзбекистон амалиётига зарур бўлган жиҳатларини татбиқ қилиш масаласини кўриб чиқиш;

10. Эстония тажрибасидан фойдаланган ҳолда давлат хизматларини жорий этиш тартибини ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқилган регламентларни ISO стандартидан ўтказиш амалиётини жорий этиш тавсия этилади.

Юқоридалар орқали биз мамлакатимизда электрон ҳукуматни жорий этиш ва уни такомиллаштиришда бир қатор ижобий натижага эришган давлатларнинг самарали тизимларини, ўз ички мавжуд имкониятларимиздан келиб чиқиб, жорий этишни жадаллаштирсак, юртбошимиз таъкидлаганларидек, **“Фуқаролар эмас – ҳужжатлар ҳаракатланади”** тамойилини амалиётга жорий этишни янада тезлаштирган бўлардик.

Ш.С.Шарифов – СамДУ ассистенти
А.М.Муродов – СамДУ магистранти

МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИДА ХИЗМАТЛАР СИФАТИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида хизматлар кўрсатиш сифатининг моҳияти, уни оширишнинг йўллари, кўрсатиладиган хизматларга ижобий таъсир кўрсатадиган омиллар таҳлил этилиб, хизматлар сифатини яхшилаш бўйича таклиф ва хулосалар келтирилган.

Калит сўзлар: хизмат, маиший хизмат, хизмат сифати, хизмат кўрсаткичлари, хизмат сарфлари, малакавий хизмат.

Аннотация: В данным статье раскрыто сущнось оказания качественных услуг в сфере бытового обслуживания и пути их повышения, преведены выводы ипредложения улучшению качестве услуг, анализ факторов влияющех на показатели услуг.

Ключевые слова: услуга, бытовая услуга, качество услуга, показатели услуг, расходы услуги, квалифицированные услуги.

Annotation: This article discloses the essence of the provision of quality services in the field of consumer services and ways to improve them, conclusions and suggestions for improving the quality of services, an analysis of factors affecting the performance of services are presented.

Key words: service, domestic service, quality of service, service indicators, service costs, qualified services.

Замонавий ижтимоий-иқтисодий ривожланиши шароитида хизмат кўрсатиш корхоналарининг рақобат курашида енгиб чиқишнинг асосий омилларидан бири улар фаолиятида хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишга эришишдир. Бунга эришишнинг асосий шарти хизматлар соҳасини рақамлаштиришдир. Чунки, “Рақамли технологиялар нафақат махсулот ва хизматлар сифатини оширади,ортиқча харажатларни камайтиради.”[1] Маскур мақсадга биринчи навбатда соҳада мавжуд иш кучидан оқилона фойдаланиш асосида ҳамда истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш орқали эришиш мумкин.

Истеъмолчининг маиший хизматдан қониқиш даражаси хизмат сифати, унинг бажарилиши ва натижасига боғлиқ бўлади. Хизмат сифати – бу истеъмолчининг белгиланган ва кўзда тутилаётган эҳтиёжларини қондирилишини таъминлайдиган ва хизмат кўрсатиш шартномаларининг тавсифлайдиган жараёнлар йиғиндисидир.

Хизматлар истеъмолчига хизматнинг бажарувчиси ва истеъмолчиси ўртасида тузиладиган шартномаси (моддий хизматлар учун) ва хизмат кўрсатиш шартномаси (ижтимоий ва моддий хизматлар учун) асосида тақдим қилинади. Хизматлар сифатига шартнома шартномаларга риоя

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожатномаси 2020 йил 25 январ.Зарафшон газетаси 7-8 сони.

қилиш (бажарилган ишлар номенклатураси, муддатлари, ишлар сифатига талаблар) орқали баҳо бериш мумкин.

Барча тақдим этилаётган хизматлар меъёрий талабларга, хусусан уни бажарувчиси қуйидаги талабларга яъни, давлат стандартлари, технологик регламентлар, санитар, ёнғинга қарши қоидалар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган хизматлар сифати уларнинг ҳаёти, инсонлар соғлиғи, атроф-муҳит ва мулкка хатарсизлиги бўйича мажбурий талабларга риоя қилиши шарт.

Маиший хизматлар сифати уларнинг истеъмол хусусиятлари орқали аниқланиб, товарлар сифатига қараганда бирмунча мураккаб ижтимоий-иқтисодий категория ҳисобланади, чунки истеъмолчи нафақат хизматни ўзлаштиради, балки қатор ҳолатларда уни кўрсатиш иштирокчиси бўлиб ҳам ҳисобланади. Хизмат кўрсатиш хусусиятлари – бу хизматнинг объектив хусусиятларидир. У уни кўрсатиш ва истеъмолида (хизмат кўрсатишни амалга оширишда) намоён бўлади. Хизматлар сифатини қабул қилиш, истеъмолчиларнинг психологик хусусиятларига боғлиқ бўлади. Истеъмолчиларнинг шундай гуруҳлари мавжудки, улар зарурий ахборотни қабул қилишга, хизмат кўрсатадиган ходимлар йўриқномаларига амал қилишга қодир эмаслар. Улар кўпчилик ҳолатларда ўзларини агрессив ҳолда тутадилар. Маиший хизмат корхонаси ходимлари истеъмолчиларнинг психологик хусусиятларини таҳлил қилиши ва ҳар бир истеъмолчининг хусусиятларини инбатга олган ҳолда хизмат кўрсатиш жараёнига ўзгартиришлар киритишга тўғри келади. Хусусан, хизмат кўрсатиш ва уни самарасини таъминлаш учун хизматларни рақамлаштиришга эътиборини кучайтиришлари лозим.

Фикримизча, маиший хизмат кўрсатиш корхонасида унинг имижига тўғри келадиган хизмат кўрсатишнинг ўз услуби бўлиши лозим. Бу хизмат кўрсатиш услубида намоён бўлади ва корхона ходимларига хос бўлган хизмат кўрсатишнинг амалий усулларни қамраб олади.

Жамият аъзоларининг турмуш сифати ошиб бораётган шароитда маиший хизматлар сифатини ошириш масаласи муҳим муаммо ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, бунга бир қатор омиллар, хусусан, маиший хизмат билан банд бўлган ходим меҳнатининг сифати; уларнинг етарли малака ва кўникмаларга эгалиги даражаси; маиший хизмат корхонасини жойлашган ўрни, уларнинг иш графиги, замонавий техника ва технологияларнинг мавжудлиги каби омиллар таъсир қилади. Шунингдек уларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш қуйидагиларга: хизматларда таркибий ўзгаришларни амалга оширишга; аҳоли эҳтиёжларини тўлиқроқ ҳисобга олишга; соҳадаги салбий ҳолатларни (хуфия фаолиятини) олдини олишга; маиший хизматни ижтимоий аҳамиятини оширишга; соҳада тадбиркорликни ривожлантиришга ҳамда янги ташкилий тузилмаларни шаклланишига олиб келади.

Маиший хизмат соҳасида ходимлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан

таъминлашнинг мазмунини хизмат кўрсатиш сифатини ошириш билан боғлиқ унинг таркибий элементлари ва йўналишлари билан белгиланади. Корхона фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш икки йўналишда: меҳнатнинг буюмли элементларини ташкил этиш ҳамда меҳнатнинг шахсга оид элементларини ташкил этиш асосида амалга оширилади.

Ўз навбатида маиший хизмат кўрсатиш хордимлари фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш элементлари қуйидагиларда, тузилмавий бўлинма доирасида хизмат турларига қараб меҳнатни операцион ва функционал тақсимлашда; иш жойларини замонавий тартибда ташкил этишда; хизмат кўрсатиш меъёрларини ишлаб чиқишда; хизмат кўрсатиш шароитларини яратишда; соҳага оид ходимларни танлаш, тайёрлаш ва малакасини оширишда; меҳнатни моддий рағбатлантиришда; ижтимоий меҳнат муносабатларини ташкил этиш ва такомиллаштиришда; хизмат кўрсатишида юқори касбий кўникма ва маданий савияни таъминлашда; хизмат кўрсатиш интизомида намоён бўлади.

Маиший хизмат кўрсатишда меҳнат фаолиятни ташкилий жиҳатдан таъминлаш хизмат кўрсатиш жараёнини ташкил этиш, яъни аниқ иш турини бажаришда қўлланиладиган усулларни белгилаб олишни назарда тутади. Хизмат кўрсатиш жараёнларини ўрганиб чиқиш ва уни амалга оширишга қанча иш вақти сарфлаши зарурлигини аниқлаш энг яхши иш усулларини танлаш, иш жойларини оқилона тақсимлаш имконини беради ва бу истеъмолчиларга хизмат кўрсатишнинг сифатий меъёрини белгилайди.

Бизнинг фикримизча, ҳозирги вақтда хизмат кўрсатиш соҳасининг ва хизмат турларининг ривожланиб бориши, меҳнат тақсимотининг чуқурлашиб бориши соҳада кадрларнинг касбий тайёргарлигини оширишни талаб этмоқда. Чунки маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида хизмат кўрсатиш сифатини оширишнинг асосий омили ходимларнинг малака даражаси ва касбий маҳорати ҳисобланади.

Қуйидаги 1-расмда хизматлар сифатининг асосий кўрсаткичлари келтирилган.

Хизматларга сифат жиҳатдан талаб, биринчидан; иш жараёнига хизмат кўрсатиш технологик ҳужжатларда қайд қилинган ишларни касб-малакага бўлишида, иккинчидан; лавозимлар таркиби, белгиланган корхона ёки унинг бўлимлари, штатлар рўйхатида намоён бўлади.

Мутахассис ва ходимларни сифат талаблари таҳлили ҳар битта сифат талаби мезонлари бўйича ходимлар сонини ҳисоблаш билан биргаликда олиб борилади. Маиший хизмат ходимларига умумий эҳтиёж баъзи сифат мезонлари бўйича ходимларни сон жиҳатдан талаб йиғиндисини аниқлаш орқали ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти ривожланиши шароитида хизматлар сифати уларни истеъмол хусусиятлари орқали ҳисобланиб, бунда хизматлар ва хизматларнинг кўрсаткичлари сифати унинг хизматни сифатини белгилов-



1-расм. Хизматлар сифатининг гуруҳли кўрсаткичлари

чи мезон ва кўрсаткичлар билан аниқланади. Бизнингча, хизмат кўрсатиш сифатнинг барча ташкилий, ижтимоий ва иқтисодий ҳолатлари қуйидаги мезонларда: маиший хизмат кўрсатиш ҳажмининг натижадорлиги; мутахассис кадрларнинг сифат таркибини ошириш; маиший хизматга бўлган истеъмолчилар талабини тўлиқ қондириш; истеъмолчиларга хизмат қилиш муддатини оптимал равишда қисқартириш ва рентабиллигини ошириш; хизмат кўрсатиш сифатини назорат қилиш усулларини такомиллаштириш каби мезонлар орқали ифодаланади.

Хизмат кўрсатиш сифати кўрсаткичлари қуйидагалар: стандартлар ва техник регламентларда ўхшаш хизматлар гуруҳлари, хизматлар кўрсатиш жараёнлари, сервис корхоналари, ходимлари ва сифатни бошқариш бўйича кўрсаткичлари номенклатурасини шакллантиришда; хизматларга таълуқли ўлчаш (назорат, бошқариш) параметри ва уларнинг метрологик таъминланганлигининг таълуқлилиги бошқариш бўйича қоида ва таклифларни ишлаб чиқишда; хизмат натижаларини қадоқлаш, ўраш, юклаш тушириш ва сақлаш қоидаларини ишлаб чиқишда; хизмат натижалари ва хизмат кўрсатиш жараёнига экспулуатация, таъминлаш, рекламациялар тақдим қилиш қоидаларини ишлаб чиқишда фойдаланилади.

Сифат кўрсаткичларининг асосий функцияси бўлиб, хизматлар сифатини, корхона ходимларининг хизмат кўрсатиши, иши ва фаолият

натижаларини назорат қилиш ҳисобланади. Сифат кўрсаткичлари асосида сифатни назорат қилиш ва баҳолаш амалга оширилади.

Хизматлар сифати кўрсаткичларнинг номенклатураси бир неча гуруҳ кўрсаткичлардан ташкил топади. Белгиланиши, хавфсизлик, ишончлилик, ходимларнинг касбий даражаси, ижтимоий белгиланиш, эстетик кўрсаткичлар ва ахборотлаштириш кўрсаткичлари (1-расм).

Хизматлар сифати даражасига баҳо беришда хизматлар баҳоси, уни яратиш ва тақдим этиш ҳаракатлари каби иқтисодий кўрсаткичларни ҳам инобатга олиш лозим.

Хизмат кўрсатишда назорат сифати маиший хизмат кўрсатиш корхонаси мутахассислари томонидан хизмат кўрсатиш жараёнларининг барча босқичларида амалга оширилади. Назорат ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш жараёни ва ишлаб чиқаришни технологик операциялари, янги маҳсулотлар, таъмирлаш ва тиклашдан ўтказилади.

Маиший хизматлар сифати ташқи кўриниш, кўлами, конструктив қарорлар ва баъдий жиҳозланиш нормативи талабларга мос келиши лозим, шунингдек шартномада кўрсатилган хизматлар истеъмолчисининг якка тартибдаги хусусиятларини инобатга олиши лозим.

Хулоса сифатида шуни эътироф этиш мумкинки, маиший хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари рақобатбардошлигини ошириш биринчи навбатда хизмат сифатини ошириш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирларга боғлиқ. Маълумки, миллий иқтисодиётда хизматларнинг ўрни ва ролининг ошиб бориши хизматлар кўрсатиш стандартларига истеъмол талабларини доимо ошишига олиб келади ва шу сабабли хизматларнинг юқори сифатига эришиш миллий иқтисодиётни диверсификациялаш жараёнида маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг асосий вазифаси ҳисобланади.

С.З.Назаров – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДАГИ МУАММОЛАР ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: Ўзбекистонда давлат харидлари соҳасидаги муаммолар ва уни такомиллаштириш йўллари таҳлил этиб ўтилган. Тадқиқотлар асосида мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган муаллифлик ёндашуви берилган.

Калит сўзлар: давлат харидлари, тендер савдолари, махсус ахборот портали.

Аннотация: Анализируются проблемы в сфере государственных закупок в Узбекистане и анализируются пути их совершенствования. На основании исследования представлен авторский подход к решению существующих проблем.

Ключевые слова: государственные закупки, тендеры, специальный информационный портал.

Annotation: The analysis of problems in the field of public procurement in Uzbekistan and the ways of its improvement are analyzed. Based on the research, the author's approach to solving existing problems is presented.

Keywords: public procurement, tenders, special information portal.

Мамлакатимизда кейинги йилларда давлат харидлари тизимини ислоҳ этишда бир қанча ишлар амалга оширилиб келмоқда. Жумладан “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги ПФ-5780-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 майдаги “Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4302-сонли ва 2019 йил 5 декабрдаги “Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш ва давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4544-сонли Қарорлари ва бир қанча давлат харидлари тизимини такомиллаштириш бўйича норматив-ҳужжатлар мисол қилиб олишимиз мумкин.

Шунингдек, Президентимизнинг **Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасига тақдим этган навбатдаги Мурожаатномала-рида** “Жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга оид тадбиркорлик ташаббусларини, айниқса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият бериш зарур. Шу мақсадда аҳоли ва тадбиркорларга, микромолия хизматлари ва молиявий ресурсларга, **давлат харидларига кенг йўл очиб берилади**. Бундай чоралар орқали одамларимизда тадбиркор бўлишга иштиёқ ва ишонч ортади, улар кўпроқ даромад олишга интиладиган бўлади[1]” деб таъкидлаб ўтдилар.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда давлат харидлари тизимини такомиллаштириб боришига қарамасдан, давлат харидларида иштирок этувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид айрим муаммо ва камчиликлар кузатилмоқда. Жумладан:

- Осиё тараққиёт жамғармаси, Жахон банки ҳамда бошқа ҳалқаро ташкилотлар томонидан ажратилган маблағлар доирасида ўтказиладиган

[1] https://www.pv.uz/uz/newspapers/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirzieeva-olij-mazhlisu-2020 Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси. Правда востока нашри портали 2020 йил 26 январдаги

тендер савдолари улар томонидан таклиф этилган ҳалқаро сайтларида ёки буюртмачилар томонидан танланган оммавий ахборот воситаларида (оммавий бўлмаган) эълонлар жойлаштирилиб борилмоқда, бироқ маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ушбу тендер савдоларга қатнашиши чекланиб қолмоқда (ягона ахборот портали мавжуд эмаслиги);

- тендер савдолари ўтказилишида «картель» келишувлар ва тил бириктиришлар каби рақобатга қарши ҳаракатларнинг мураккаб турларини аниқлаш ва уларга чек қўйиш механизмлари ишлаб чиқилмаган;

- тендер савдолари ўтказилишида "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонуннинг 19-моддасига мувофиқ харид комиссиялари аъзоларида иштирокчилар билан аффилланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд бўлган тақдирда, харид комиссиясининг бундай аъзоси бу масала кўтарилган мажлисда ўзини ўзи рад этиши ва мазкур масала бўйича овоз беришда иштирок этмаслиги керак, бу ҳақда баённомада қайд этилиши лозимлиги белгиланганлигига қарамасдан ушбу ҳолатларни аниқлашда механизмларни мавжуд эмаслиги (ота-буюртмачи, ўғил-етказиб берувчи ёки қариндошлик аломатлари сифатида ғолиб бўлиши шунга ўхшаш ҳолатлар);

- Молия вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Бош прокуратура ва бошқа ваколатли органлар буюртмачилар томонидан ўтказилаётган тендер савдоларини ташкил қилишда ҳамда шаффоф ва очиқ ўтказилишини назорат қилиш учун камерал текширувларни жорий этиш механизмларини йўқлиги;

- олий таълим муассасаларида давлат харидлари бўйича мутахассислигини ёки қайта тайёрлаш курсларини мавжуд эмаслиги;

- ННТ, фуқаролик жамияти бошқа институтлари томонидан харид қиланаётган товар (иш, хизмат)ларни давлат харидларинг махсус ахборот портали орқали харид қилишни жорий этилмаганлиги ҳамда жамоатчилик назоратини мавжуд эмаслиги сабабли улар томонидан харид қилинаётган товар (иш, хизмат)лар бозор нархидан бир неча баравар қиммат харид қилиши эҳтимоли мавжуд.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, давлат харидларини янада такомиллаштириш инвестицион муҳитни яхшилаш тадбиркорлик учун кенг имкониятларни жалб этиш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

- давлат харидлари тизимининг фаолияти, хусусиятлари, функциялари, вазифалари, ваколатлари ва давлат учун аҳамияти борасидаги илғор тажрибаларини чуқур ўрганиш мақсадида (Грузия, Австралия, Украина, Жанубий Корея Республикаси, Козоғистон, Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича Комиссиясининг ЮНСИТРАЛ ва бошқа давлатлар) замонавий ахборот технологияларни жорий этиш (камерал назорат);

- тендер савдолари ўтказилишида «картель» келишувлар ва тил бириктиришлар каби рақобатга қарши ҳаракатларнинг мураккаб турларини аниқлаш ва уларга чек қўйиш механизмлари ишлаб чиқилмаган;

- тендер савдоларни ўтказилишида аффилланганлик хусусиятига эга

алоқалардор шахсларни аниқлашда Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва тегишли мутасадди ташкилотлар билан ахборот интеграциясини жорий этиш;

- Олий ва ўрта махсус таълим ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари идора, ташкилот ва корхоналар билан музокаралар ўтказган ҳолда олий таълим муассасаларида давлат харидлари бўйича мутахассислигини ёки қайта тайёрлаш курсларини босқичма-босқич талабдан келиб чиқиб жорий этиш;
- ННТ, фуқаролик жамияти бошқа институтлари томонидан харид қиланаётган товар (иш, хизмат)ларни Давлат харидлари махсус ахборот порталига эълонларни жойлаштирган ҳолда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни давлат харидларига қатнашишини таъминлаш (тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш).

Хулоса қилиб этганда, хорижий тажрибаларни ўрганган ҳолда Грузия, Австралия, Украина, Жанубий Корея Республикаси, Козоғистон ва Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича Комиссиясининг ЮНСИТРАЛ каби давлатларда давлат хариди тизимининг фаолияти, хусусиятлари, функциялари, вазифалари, ваколатлари ва давлат учун аҳамияти борасидаги илғор тажрибаларини чуқур ўрганиш ҳамда улар орасидан мамлакатимизга мос келадиганларини танлаш ва қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Н.Халилова – ҚарМИИ Иқтисодиёт кафедраси таянч докторанти

МИНТАҚАЛАРНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА КЛАСТЕРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация: мақолада тадбиркорликни янада ривожлантиришда минтақавий кластерларни ташкил этишга қаратилган таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: иқтисодиётни диверсификациялаш, аутсорсинг корхоналари, минтақавий кластер, рақобатбардошлик, инвестициялар.

Аннотация: в статье представлены предложения и рекомендации по созданию региональных кластеров для дальнейшего развития бизнеса.

Ключевые слова: диверсификация экономики, аутсорсинг предприятий, региональная кластеризация, конкурентоспособность, инвестиции.

Abstract: The article presents suggestions and recommendations on creating regional clusters for further business development.

Keywords: economic diversification, enterprise outsourcing, regional clustering, competitiveness, investment.

Тадбиркорлик фаолиятини самарали молиялаштириш механизмини ишлаб чиқиш ва уларни рағбатлантириш мақсадида қуйидаги чора –

тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

– иқтисодиётни диверсификациялаш, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига йўналтирилган соҳа ва тармоқларни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни амалга ошириш;

– қишлоқ жойларда ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқариш инфратузилмасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган узоқ муддатли, ўзаро чуқур боғланган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш;

– аҳолининг иш билан бандлигини тизимли таъминлаш, тадбиркорлар манфаатидан келиб чиқиб, банклар тизимини янада такомиллаштириш, аҳоли ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бўш маблағларини тижорат банклардаги депозитларга жалб қилинишини рағбатлантириш;

– рақобатбардошлигини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш ва бошқалар.

Бу борада тараққий этган мамлакатлар илғор тажрибаларидан фойдаланиб, аутсорсинг корхоналарини ташкил этиш ва улар фаолиятини давлат томонидан рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Айнан шундай инновацион характерга эга бўлган корхоналарни шакллантириш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, самарадорлигини ошириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришиш мумкин.

Ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ аутсорсинг хизматлари биринчидан, рақобат бозорига чиқиш ва янги информацион технологиялар ривожланиш жараёнида маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг янги турларини яратишга, иккинчидан, ишлаб чиқариш жараёни эгилувчанлигини кучайтириб, маҳсулотлар диверсификациясини амалга оширишга, учинчидан, нисбатан кам ҳаражатлар сарфлаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини юритишга хизмат қилади. Ана шу мақсадда минтақаларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, IT-аутсорсинг бозорини шакллантиришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Бу эса, вилоятларнинг иқтисодий технологик қуролланиш даражасини юксалтиришга, молиявий жиҳатдан ресурслари чекланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини IT-технологая ресурсларидан самарали фойдаланишга бўлган этиёжларини тўлиқроқ ҳамда нисбатан арзонроқ қондиришга хизмат қилади.

Минтақаларнинг рақобатбардошлигини ўрганишнинг асосий йўналиши уни миқдорий жиҳатдан баҳолаш ҳисобланади. Баҳолаш турли услубий ёндашувлар асосида амалга оширилиши мумкин. Ушбу услубий ёндашувлар кўп жиҳатдан рақобатбардошликни тармоқлараро баҳолаш билан ўзаро боғлиқдир.

Маълумки, минтақалар рақобатбардошлигини баҳолашнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларга асосланган турли услублари мавжуд бўлиб, бизнингча, минтақанинг рақобатбардошлиги кўп жиҳатдан салоҳиятнинг мавжудлиги ва даражаси билан аниқланади. Айнан салоҳиятни баҳолаш моделларига асосланган ёндашув минтақанинг рақобат устуворликларини аниқ кўрсатиб беради. Бунда минтақанинг рақобатбардошлигини шакллантирувчи асосий турдаги салоҳиятларни тўғри танлаш муҳим аҳамиятга эга. Минтақа рақобатбардошлик даражасига таъсир кўрсатувчи асосий салоҳиятлар қуйидагилар ҳисобланади: табиий ресурслар салоҳияти, инсон омили, молиявий, экологик ва институционал ўзгаришлар.

Рақобатбардошлик даражасини оширишнинг бошланғич босқичида географик жойлашув, агроиқлим шароитлари, ер-сув, минерал-хомашё ва меҳнат ресурсларини ўзида жамловчи табиий ресурслар салоҳияти асосий роль ўйнайди. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг ушбу омилларидан фойдаланиш даражаси жамиятнинг инновацион-ривожланиш моделига ўтилиши муносабати билан нисбатан пасайиши мумкин.

Кўплаб минтақашунос олимларнинг фикрича, минтақаларнинг рақобатбардошлиги биринчи навбатда уларнинг географик жойлашуви ва ресурсларнинг мавжудлиги билан боғлиқдир. Халқаро тажрибалар, шунингдек, олиб борилган илмий тадқиқотларнинг кўрсатишича, географик жойлашув ва ресурсларнинг нисбий афзалликлари аниқлангандан кейин минтақаларнинг ўзаро рақобати вужудга келган[1].

Шунингдек, минтақанинг рақобатбардошлиги аҳолининг турмуш даражаси, инфратузилмаларнинг ривожланиши, экологик ҳолат ва бошқа бир қатор омилларга ҳам боғлиқлигини таъкидлаш лозим.

Минтақанинг рақобат устуворлигини фақат ундаги табиий салоҳият ва фойдали қазилмаларнинг мавжудлиги билан боғлаш нотўғри бўлади. Ҳозирги шароитда минтақанинг нисбий рақобат афзалликларидан самарали фойдаланишнинг мукаммал механизмлари ва дастурларини ишлаб чиқишда, белгиланган мақсадларга эришишда давлатнинг фаол аралашуви зарурдир.

М.Портер ўзининг кенг оммалашган тадқиқотида рақобатбардошликни оширишнинг механизми сифатида “саноат кластерлари” тушунчасини киритади. Шундан сўнг олимлар кластер тушунчасини янада кенгроқ талқин эта бошлашди ва турли таърифлар беришди. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, хорижий олимларнинг ишланмаларида кластернинг 20 дан ортиқ таърифини кўриш мумкин. Кластернинг моҳияти қуйидаги таърифда нисбатан кенгроқ ёритилган: Кластер бу – ўзида қиймат ҳосил қилувчи ягона занжир доирасида бозор институтларини ва истеъмолчиларни, мустақил ишлаб чиқариш сервис

[1] Маергойз И.М. Территориальная структура хозяйства.– Новосибирск: Наука, 2001. - С. 308.

шаклларини, таъминотчиларни, технология ва ноу-хаулар яратувчиларни ўзаро бирлаштирувчи тизимдир[1].

Шундай қилиб, минтақавий, саноат, ташқи иқтисодий, географик ва бошқа кластерлар пайдо бўлди. Олимлар ўртасида кластерларни ташкил этишда саноат зоналари, тармоқлараро мажмуалар, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари орасида боғлиқлик бор, деган фикр ҳам мавжуддир[2].

Турли фикр ва мулоҳазаларни ўрганган ҳолда минтақавий кластерга қуйидагича таъриф берилган: Минтақавий кластер – бу аниқ бир минтақада рақобатбардош маҳсулотлар (хизматлар) ишлаб чиқарувчи, ўзаро алоқадор ва бир-бирига географик жиҳатдан яқин жойлашган корхоналар гуруҳидир.

Минтақавий кластер тушунчаси биринчи марта америкалик иқтисодчи М.Эрнейт томонидан киритилди. Унинг фикрича, минтақавий кластер – бу саноат кластери бўлиб, кластердан иштирокчи фирмалар географик жиҳатдан бир-бирига яқин жойлашган бўлиши лозим[3].

МДҲ мамлакатлари, жумладан Ўзбекистонда мамлакат ва минтақаларнинг рақобатбардошлигини оширишда кластер услубидан фойдаланишга қаратилган тадқиқотлар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Минтақавий кластер сиёсатининг асосий йўналишлари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

-минтақаларда кластернинг таркиби ва шаклини аниқлаш, минтақа иқтисодий ўсишига уларнинг таъсирини баҳолаш;

-юқори имкониятли минтақавий кластерлар учун ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ташкил этиш;

-кластерларни ривожлантириш учун қулай бизнес муҳитини шакллантириш;

-ташқи бозорларга чиқиш учун кластер корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

-алоҳида минтақаларда кластерларни ривожлантириш истиқболларига бағишланган таҳлилий тадқиқотлар ўтказиш.

Кластерларда гуруҳлар орқали ўзаро алоқадор компанияларни технологиялар, ахборотлар, хомашёлар, истеъмолчилар ва сотиш каналлари каби мавжуд ресурслар бирлаштиради. Бу эса уларга юқори самарадорлик билан фаолият юритишларига имкон беради.

Кластерда иштирок этиш эвазига компаниялар бозор имкониятларини кенгайтириш, маҳсулотларини сотиш билан боғлиқ бўлган ўсиб бораётган харажатларни пасайтириш, бошқариш ва ижара, молиявий институтлар рейтингини оширишда ва инвестицияларни янада

---

[1] Афанасьев М. Мировая конкуренция и кластеризация экономики // Вопросы экономики.– 2005. - №4. - 75-86 с.

[2] Малов В.Ю. ТПК и кластеры / ЭКО. – 2006. - №11. - 2-7с.

[3] Ларина Н.И. Кластеризация как путь повышения конкурентоспособности регионов / ЭКО. – 2006. - №10. – 8 с.

кенгроқ жалб қилиш кабилардан манфаатдор бўлишади.

Минтақавий даражадаги кластерларни ташкил этиш тажрибалари Ўзбекистон учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Кластерларни ташкил этишга асосланган минтақавий саноат сиёсати Ҳиндистон, Хитой, Малайзия, Корея Республикаси, Сингапур ва Япония каби мамлакатларда ўз самарасини бермоқда. Ушбу мамлакатларнинг барчасида кластерларнинг муваффақияти асосан қулай меъёрий-ҳуқуқий асоснинг ташкил этилганлиги, шунингдек, инновацион салоҳиятдан кенг кўламда фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Минтақада кластерларни шакллантириш бўйича ҳаракат босқичлари аниқ бир корхонанинг рақобатбардошлигини, манфаатдор компания ва фирмаларнинг мақсадли гуруҳни ташкил қилиш имкониятларини баҳолашдан бошланади. Минтақадаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат, рақобатбардошликнинг асосий омиллари, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш инфратузилмаларининг қувватлари, малакали ишчи кучининг мавжудлиги босқичма-босқич тарзда чуқур таҳлил қилинади.

Минтақа иқтисодиётининг кучли ва кучсиз томонлари, унинг нисбий устуворликлари аниқланади. Минтақа иқтисодиётининг барқарор ривожланишига таъсир этадиган ташқи омиллар, ташқи бозорлар коньюнктураси алоҳида кўриб чиқилиши лозим.

Минтақани мажмуали ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясига чамбарчас боғлиқ ҳолда кластернинг рақобатбардошлик стратегиясини ишлаб чиқиш, минтақавий кластерни ташкил этишнинг аниқ механизми ва мониторинг тизимини аниқлаш асосий босқич ҳисобланади.

Н.Э.Эрназаров – СамИСИ “Молия” кафедраси ассистенти
А.А.Тураев – СамИСИ “Молия” кафедраси ассистенти

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ИННОВАЦИЯЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация: мақолада хизмат курсатиш соҳасини инновацион самарадорлигини ривожланишини таъминлашда ислоҳатларнинг аҳамияти ва бугунги кундаги тахлили ёритилган хамда хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион самарадорлигининг ўзига хос хусусиятлари ўрганиб чиқилган.

Калитли сўзлар: инновация, хизмат кўрсатиш, интеллектуал мулк, тармоқ, соҳа, самарадорлик, ривожлантириш, даромад, инновацион корхоналар.

Аннотация: в статье описывается текущий и текущий анализ роли реформ в обеспечении развития инновационных услуг в сфере услуг и исследуются особенности инновационной эффективности сферы услуг.

Ключевые слова: инновации, сервис, интеллектуальная собственность, сеть, промышленность, эффективность, развитие, доход, инновационные предприятия.

Abstract: The article describes the current and current analysis of the role of reforms in ensuring the development of innovative services in the service sector and explores the features of innovative efficiency of the service sector.

Keywords: innovation, service, intellectual property, network, industry, efficiency, development, income, innovative enterprises.

Мамлакатимиз иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион ривожланишининг бозор муносабатларига ўтиш даврида инсон салоҳиятидан фойдаланиш масаласи янгича кўриниш олмоқда. Яъни, иқтисодиётнинг биз учун янги бўлган сектори юзага келиб, унда маҳсулот сифатида мутахассис олимларнинг интеллектуал фаолияти натижалари, яъни интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлари намоён бўлмоқда ва инсон интеллектуал меҳнати маҳсулидан даромад олиши имкониятлари кенгайди. Шунингдек, бугунги кунда интеллектуал мулкнинг умумий иқтисодий муаммоларини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борилиш жараёнида ҳам жонланиш кузатилмоқда. Бироқ аграр тармоққа тегишли интеллектуал мулкни иқтисодий жиҳатларини тадқиқ этиш, унинг иқтисодий жараёнга мослашиши, интеллектуал мулкнинг иқтисодий алоқаларини, кўринишларини, тутган ўрни ва ролини, бошқа мулклар билан ўзаро боғлиқлигини, меҳнатнинг номоддий натижаларига баҳо бериш усулларини, интеллектуал маҳсулот бозорини шакллантириш асосларини, шунингдек, интеллектуал мулкни иқтисодий жараёнга жорий этишнинг стратегияларини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш асосида мамлакат аграр фанини янада ривожлантириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Зеро қўйилган масалаларнинг ечимини топилиши мамлакатимиз иқтисодиётини инновацион ривожланиш йўлига ўтишига замин яратади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан 2017 йил 7 февралда “2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” қабул қилинди. Ҳаракатлар стратегиясининг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” номли учинчи йўналишида хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш энг муҳим вазифалар сифатида белгиланган[1].

Маълумки хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий самарадорликка эришиш ва уни таъминлаш муаммоси кейинги пайтларда кўпинча хизмат кўрсатиш жараёнидаги харажатларни қисқартириш билан боғлиқдир. Лекин хизмат кўрсатишда инновацион самарадорликка

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.

эришиш замонавий илғор технологиялар ва инновацион янгиликларнинг кириб келишини таъминлаш ҳам сифат самарадорликни таъминлашнинг асосий шартларидан ҳисобланади. Бугунги кунда иқтисодиётимизда хизмат кўрсатиш соҳасида инновациялар самарадорлигини оширишга қаратилган бир неча йиллик олиб борилган самарали иқтисодий-сиёсий ислоҳатларнинг натижасида ЯИМ таркибида хизмат кўрсатиш сохасининг улуши юқори улушни ташкил этиб келмоқда. Мамлакатимизда ЯИМ нинг тармоқлар бўйича таркибида жамига нисбатан хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши маълум даражада ўзгариш кўрсаткичига эга бўлиб келмоқда. 1-жадвал маълумотларига қаралсин.

1-жадвал

ЯИМнинг тармоқлар бўйича шакланиш таркибида жамига нисбатан фоиз ҳисобида[1].

№	Тармоқлар	2017 й	2018 й
1	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	34.0	32.4
2	Хизматлар кўрсатиш	38.1	35.6
3	Саноат соҳаси	22.2	26.3
4	Қурилиш соҳаси	5.7	5.7
	Жами	**100**	**100**

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки 2017 йилда ЯИМ нинг тармоқлар бўйича шакланиш таркибида жамига нисбатан хизмат кўрсатиш соҳаси 38,1 фоизни ташкил этиб тармоқлар ичида иккинчи асосий тармоқни шакллантирган бўлса, 2018 йилад ҳам бу кўрсаткич 35,6 фоизни ташкил этган. Шу ўринда айтиш жоизки хизмат кўрсатиш соҳаси мамлакат ЯИМ ўсида муҳим бир тармоқлардани бирига айланган бўлиб, шунинг учун ҳам бу соҳани инновацион самарадорлигини ошириш билан ривожлантириш бугунги кунда долзарб ҳисобланади.

Дунёда илмий-техник салоҳият тез суръатларда ривожланиш билан бир қаторда ишлаб чиқаришнинг асосий омилларини интелектуализация қилиш ўсиб бормоқда. Инновацияларни жорий этиш иқтисодий ўсишнинг ва бозорнинг рақобатбардошлигини таъминлашнинг муҳим омилига айланди[2].

Чунки инсон томонидан янгиликка интилишнинг натижасида яратилган хизматлар амалиётга жорий қилиниши сифат жиҳатдан яна бир босқични амалга оширади. Иқтисодчи олимлар Л.Н.Манитская ва Б.М.Жуковларнинг[3] хизмат кўрсатиш ташкилотларини модернизациялаш

[1] www.стат.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

[2] https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-gks/3581-innovatsion-rivozhlanish-bu-kelazhak-pojdevori

[3] Маницкая Л.Н., Жуков Б.М. Модернизация предприятий сферы услуг: концептуальная модель и инструментарные средства.//«Современные проблемы науки

бўйича олиб борган тадқиқотлари бу борада эришган энг муҳим илмий ютуқларидан бири ҳисобланади. Улар хизмат кўрсатиш корхоналарида модернизациялаш моделларини ишлаб чиқиб, унга таъсир этадиган ташқи ва ички омилларни ҳам кўрсатиб берган. Бу аҳолининг барча қатламларини қамраб олади ва жамиятда содир бўлаётган барча ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатади. Республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришларни чуқурлаштириш, мамлакат аҳолиси бандлигини, даромадларини ва турмуш сифатини оширишнинг муҳим йўналишлари ва омилларидан бири сифатида хизматлар соҳаси ҳамда сервисни жадал ривожлантириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, хизматлар соҳасида бажарилаётган ишлар ҳажмининг йилдан-йилга ўсиб боришини таъминламоқда. Бунда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўзига хос ўрин тутиб, улар хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион салоҳиятдан самарали ва оқилона фойдаланишларини талаб этади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида инновациялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш аввало тармоқда фаолликни ривожлантириши билан боғликдир. Соҳанинг илмий таъминотини ташкил қилиш ва ривожлантириш эса илмий тадқиқот ишларини кенгайтириш ҳамда унинг натижаларини амалиётга жорий қилиш билан боғлиқ. Бу муҳим йўналиш: махсус дастурлар, илмий изланишлар ва илмий тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилишдан иборат.

Инновацияларни ривожлантиришда соҳа ривожи учун олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш билан бевосита боғлиқ. Чунки, хизмат кўрсатиш соҳасининг бошқа соҳаларга нисбатан ўзига хос хусусиятлари, айнан мазкур соҳада олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларини молиялаштиришни ҳам ўзига хослик жиҳатлари билан фарқланади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида инновациялар самарадорлигини оширишнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш соҳаси ва хизматлар бозорини ривожлантириш ҳамда хизмат кўрсатиш жараёнларини замон талаблари асосида самаралигини шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Хизмат кўрсатиш соҳасида инновациялар самара-дорлигини оширишни янада ривожлантириш учун қуйидаги таклифларни амалга ошириш амалиётда ўз самарасини бериши мумкин бўлади:

–хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион янги корхоналарни қуришда давлат дастуриларга мувофиқ тарзда амалга оширилишини таъминлаш;

– янги қуриладиган инновацион хизмат кўрсатиш корхоналари замонавий технологик техника ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланишини таъминлаш;

– хизмат кўрсатиш соҳасида иш билан банд бўлган аҳоли хиссасини

и образования» №3, 2011г. hƨ ps://science-education.ru/ru/article/view?id=4711

ошириш бўйича стратегик лойиҳаларни ишлаб чиқиши таъминлаш.

Хулоса қилиб айтганда, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини инновационлар самарадорлигини ошириш ва ривожлантириш иқтисодиётимиз учун ушбу соҳада хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш, янги иш ўринларини барпо этиш ҳамда аҳоли реал даромадларини ошириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

[1.]Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармони.

2.Маницкая Л.Н., Жуков Б.М. Модернизация предприятий сферы услуг: концептуальная модель и инструментарные средства. //«Современные проблемы науки и образования» №3, 2011г. hƨ ps://science-education.ru/ru/article/view?id=4711

3.www.стат.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

B.S.Burhonov – SamISI talabasi

MILLIY IQTISODIYOTNING YETAKCHI TARMOQLARINI MODERNIZATSIYA VA DIVERSIFIKATSIYA QILISHDA RAQAMLI IQTISODIYOTNING RO‘LI

Annotatsiya: ushbu maqolada mamlakatimizning iqtisodiytini modernizatsiya va divesifikatsiya qilish, shu soxalarda raqamli iqtisodiyotni o‘rni va kelgusida qo‘llash haqida so‘z boradi.

Kalit so‘zlar: modernizatsiya, diversifikatsiya, raqamli iqtisodiyot, integratsiya, ishlab chiqarish infratuzilmasi, kommunikatsiya.

Аннотация: эта статья посвящена модернизации диверсификатции экономики нашей страны, роли и будущему использованию цифровой экономики в этих областях.

Ключевые слова: модернизация, диверсификация, цифровая экономика, интеграция, производственная инфраструктура, коммуникачии.

Abstract: This article focuses on the modernization and diversification of our country’s economy, the role and future use of digital economy in these areas.

Keywords: modernization, diversification, digital economy, integratin, production infrastructure, communications.

Mamlakatimizning milliy iqtisodiyotini yetakchi tarmoqlari rivojlanib bormoqda. Ammo hozirgi kunda bu soxalarni **modernizatsiya** va **diversifikatsiya** qilish va bu soxalarda **raqamli iqtisodiyotni** joriy etish talab etiladi. Chunki rivojlangan mamlakatlar amaliyotidan namuna bo‘lmoqda.

Davlatimiz rahbari tomonidan tanlab olingan 2017-2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning 5 ta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha **harakatlar strategiyasi** dasturida ishlab chiqarishni **modernizatsiya** va **diversifikatsiya** qilish, texnik va texnologik jihatdan yangilash,ishlab chiqarish loyihalarini amalga oshirishga qaratilgan faol investitatsiya siyosatini olib borish

hamda yuqori texnologiyali qayta ishlash tarmoqlarini eng avvolo, mahalliy homashyo resurslarini chuqur qayta ishlash asosida yuqori qo‘shimcha qiymatli tayyor mahsulot ishlab chiqarishni jadal rivojlantirish belgilab olingan[1]

Yurtimizning mustaqillik yillaridagi taraqqiyoti davrida to‘plagan tajribasi shuni ko‘rsatmoqdaki, har qanday davlatda iqtisodiyotning asosi hisoblangan sanoat sohasini faol **integratsiya** asosida rivojlanishi lozim. Iqtisodiyotimizda amalga oshirilgan ijobiy o‘zgarishlar natijasida uning tuzilmasini sezilarli darajada **diversifikatsiya** qilishga erishildi. Neft-gaz, kimyo mashinasozligi, avtomobilsozlik, zamonaviy qishloq xo‘jaligi mashinasozligi, qurilish materiallari sanoati, temir yo‘l mashinosozligi, maishiy elektronik asboblari ishlab chiqarish, farmatsevtika, oziq-ovqat, to‘qimachilik, charm-poyabzali sanoati hamda boshqa bir qator mutlaqo yangi tarmoqlarning yo‘lga qo‘yilishi bunga zamin yaratadi. Buning natijasida esa, mustaqillik yillarida sanoat mahsulotlarini ishlab chiqarish 4,6 barobarga oshdi, so‘ngi 10 yilda esa sanoat tarmog‘ini o‘rtacha yillik o‘sish sur’ati umumiy yalpi ichki mahsulot sur’ati ko‘rsatkichidan yuqori bo‘lgan holda 8,9 foizini tashkil etadi. Shuningdek O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti ,,Valyuta siyosatini liberallashtirish’’ [1] to‘g‘risidagi Farmonining qabul qilinishi tashqi savdo faoliyati sohasini takomillashtirish mamlakatimiz iqtisodiyotiga xorijiy investitsiyalarni jalb qilish eksportga yo‘naltirilgan ishlab chiqarishlarni hamda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub’yektlarini barqaror rivojlantirishga xizmat qilmoqda. Bugungi kunda, respublikamizda mavjud tabiiy xomashyo resurslaridan maksimal darajada foydalanish orqali kelgusida iqtisodiyot va sanoat tarmog‘ini **diversifikatsiya** va isloh qilish borasida bir qator chora-tadbirlar amalga oshirish zarur.

Birinchidan-O‘zbekiston iqtisodiyotini yanada **diversifikatsiya** qilish hamda uning raqobatbardoshligini mustahkamlash;

Ikkinchidan-sanoat sohasida yuqori texnologiyali qayta ishlash tarmoqlarini eng avvalo, mahalliy xom ashyo resurslarini chuqur qayta ishlash asosida yuqori qo‘shilgan qiymatga ega tayyor mahsulot ishlab chiqarishni jadal rivojlantirishga qaratilgan yangi bosqichga o‘tish;

Uchinchidan-ishlab chiqarishni mahalliylashtirishni va import o‘rnini bosishni rag‘batlantirish siyosatini davom ettirish, avvalombor iste’mol tovarlari va butlovchi qismlar, tarmoqlararo sanoat kooperatsiya aloqalarini kengaytirish;

To‘rtinchidan-tashqi bozorlarda xaridorgir, yuqori qo‘shimcha qiymatga ega bo‘lgan zamonaviy va yangi bosqichga ko‘tarish evaziga tayyor mahsulotlar eksportini yuqori o‘sish su’ratlariga erishish;

Beshinchidan-sanoatda energiya va xomashyo safini qisqartirish, mahsulot ishlab chiqarishda energiya tejamkor texnologiyalarini keng joriy etish, qayta tiklanuvchan energiya manbalaridan foydalanishni kengaytirish va sanoat tarmoqlarida mehnat unimdorlini oshirish;

[1] Shavkat Mirziyoyev 2017-yi PF 5177

Oltinchidan- yangi erkin iqtisodiy zonalar, texnoparklar, kichik sanoat zonalarini tashkil etish va samaradorligini oshirish ushbu maqsadda qilinayotgan asosiy yo‘nalishlar hisoblanadi;

Shuni to‘la ishonch bilan aytish mumkinki, iqtisodiyotimizda, avvalombor, sanoat sohasida tub o‘zgarishlar, ya’ni ishlab chiqarishni texnik va texnologik jihatdan uzluksiz yangilab boorish, doimiy ravishda ichki imkoniyat va zaxiralarini izlab toppish, iqtisodiyotda chuqur tarkibiy o‘zgarishlarni amalga oshirish, sanoatni **modernizatsiya** va **diversifikatsiya** qilishni izchil davom ettirish natijasida keyingi yillarda o‘z mevasini bermoqda.[2]

Ustuvor tarmoqlarini to‘g‘ri belgilab olish avvallari tanqis bo‘lgan mahsulotlar turlarini keng miqyosda ishlab chiqarishga keng yo‘l ochish bilan cheklanmadi, balki ijtimoiy ishlab chiqarish tarkibining takomillashuviga ham yordam berdi. Ayni paytda, iqtisodiy taraqqiyotda o‘ziga xos lokomotiv vazifasini ham o‘tadi. Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlar jarayonida asosiy sanoat tarmoqlarini rivojlantirishni jadallashtirish, ishlab chiqarishni **modernizatsiya** va **diversifikatsiya** qilish , iqtisodiy salohiyatini kuchaytirish va import o‘rnini bosuvchi mahsulotlar turlarini ishlab chiqarishni qo‘llab-quvvatlash, ichki bozorni xalq iste’moli tovarlari bilan to‘ldirish, **kommunikatsiya** va ishlab chiqarishning **infratuzilma** tizimini rivojlantirish, investitsiya faoliyatini jadallashtirish, O‘zbekistonning eksport imkoniyatlarini kengaytirish, tashqi iqtisodiy faoliyatni rag‘batlantirish bilan bog‘liq boshqa yo‘nalishlar eng ustuvor vazifalar sifatida belgilab olindi.[3]

Mamlakatimiz iqtisodiyotini yetakchi tarmoqlarida **modernizatsiya** va **diversifikatsiya** qilishda raqamli iqtisodiyotining ahamiyati juda katta.Chunki yetakchi soxalarni rivojlantirib ularda zamonimizga xos va mos birgalikda rivojlantirish talab etiladi.

Raqamli iqtisodiyot-bu iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy aloqalarda raqamli texnologiyalarni qo‘llash asosida amalga oshirish tizimidir.Ba’zida u internet iqtisodiyoti, yangi iqtisodiyot yoki vebiqtisodiyot degan terminlar bilan ham ifodalanadi hamda iqtisodiyotimizning endilikda rivojlanishining asosi hisoblanadi. **Raqamli iqtisodiyot** iqtisodiyotimizdagi ro‘lini taminlash eng muhim masalalardan biridir. Iqrisodiyotimiz hozirgi davrda rivojlanib bormoqda lekin **raqamli iqtisodiyotni** o‘rni past edi. Mazkur yildan esa **raqamli iqtisodiyot**ni qo‘llash, iqtisodiy soxalarda rivojlantirish, davlat siyosati darajasida olib borilmoqda .[4]

Xulosa va takliflar

Davlatimizning iqtisodiyotini rivojlantirish uchun milliy iqtisodiyotimizni sohalarini modernizatsiya va diversifikatsiya qilishning o‘rni, bu sohalarni iqtisodiyotimizdagi ahamiyati haqida so‘z yuritdildi.Har bir davlat ma’lum bir sohani yoki umuman iqtisodiy faoliyatni muvaffaqiyatli rivojlantirish u yoki bu sharoitlarni yaratadi. Bu o‘z navbatida, mamlakatning jahon iqtisodiyotida ma’lum o‘rin egallashda kata ahamiyat kasb etadi. Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki iqtisodiyotimizni rivojlantirishni yangi kurinishi quyidagilar:

- Sohalarni modernizatsiya va diversifikatsiyalash
- Yetakchi iqtisodiy sohalarda raqamli iqtisodiytni qo‘llash

Mamlakatimizda shu sohalarda qator ishlar olib borilishi talab etiladi. Xususan rivojlangan mamlakatlar iqtisodiy o‘sish davridan o‘tib iqtisodiy rivojlanish yo‘lidan bormoqda. Bizda esa endilikda bu davrga o‘tish talab etiladi, bunda raqamli iqtisodiyotning joriy etilishi talab etiladi. Yurtimizda yangi 2020-yilda rivojlanishning yangi boqichiga qadam quyildi. Chunki mamlakatimiz Prezidenti Oliy majlisga murojitidagi belgilab bergan loyihalar va yilning nomlanishi bunga misoldir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekistonni 2017-2021-yillarda rivojlantirish bo‘yicha ,,harakatlar strategiyasi’’ [1]
2. www.ziyo.net[2]
3. Yuldashev Z. Xalilova X. ,,Milliy va Jahon iqtisodiyoti’’ 2013 yil.80-81 betlar[3]
4. www.xabar.uz[4]

O.A.Samadov – QarMII moliya yo‘nalishi talabasi
Z.H. Hamrayeva– QarMII, Buxgalteriya hisobi va audit yo‘nalishi talabasi

IJTIMOIY MUAMMOLARNI HAL QILISHDA RAQAMLI IQTISODIYOT TATBIQI

Annotatsiya: ushbu maqolada ijtimoiy muammolar, ularning amaldagi yechimlari va raqamli iqtisodiyot sharoitidagi yechimlari haqidagi izlanishlarni o‘zida ifoda etadi.

Kalit so‘zlar: Raqamli iqtisodiyot, xo‘jalik faoliyati, yalpi ichki mahsulot, aholi ijtimoiy qatlamlari, ijtimoiy soha, ta’lim sohasi, sog‘liqni saqlash, ijtimoiy tenglik, yangi ish o‘rinlari, xarajatlar sarfi.

Аннотация: в этой статье обобщаются исследования по социальным вопросам, их текущие решения и решения в цифровой экономике.

Ключевые слова: цифровая экономика, экономическая активность, ВВП, социальные слои населения, социальная сфера, образование, здравоохранение, социальное равенство, новые рабочие места, расходы.

Annotation: This article summarizes research on social issues, their current solutions, and solutions in the digital economy.

Keywords: Digital economy, economic activity, GDP, social strata of population, social sphere, education, health, social equality, new jobs, spending.

Barcha rivojlanayotgan dunyo mamlakatlari kabi O‘zbekistonda ham raqamli iqtisodiyotga o‘tish jarayoni amalga oshmoqda. Kundalik hayotimizga axborot texnologiyalarni tadbiq qilinishi ortidan oddiy insonlar uchun ko‘plab imkoniyatlar yaratilmoqda. Raqamli iqtisodiyot o‘zi nima, uning qanaqa afzallik va kamchiliklari mavjud va aynan ijtimoiy sohadagi muammolar yechimida raqamli iqtisodiyotning qaysi jihatlariga ko‘proq e’tibor qaratish lozim.

Raqamli iqtisodiyot - bu xo‘jalik faoliyatini yuritish bo‘lib, bunda ishlab chiqarish va xizmat ko‘rsatishdagi asosiy omil raqamlar ko‘rinshidagi ma'lumotlar bo‘lib, katta hajmdagi axborotlarni qayta ishlash va shu qayta

ishlash natijasini analiz qilish yordamida har xil turdagi ishlab chiqarish, xizmat koʻrsatish, texnologiyalar, qurilmalar, saqlash, mahsulotlarni yetkazib berishda oldingi tizimdan samaraliroq yechimlar tadbiq qilishdir. Boshqacha qilib aytgancha, raqamli iqtisodiyot bu onlayn xizmatlar koʻrsatish, elektron tulovlar amalga oshirish, internet savdo, kraudfanding va boshqa turdagi sohalarni raqamli kompyuter texnologiyalarini rivojlanishi bilan bogʻlangan faoliyatdir.

Hozirgi davrda raqamli iqtisodiyot va u bilan bogʻliq boʻlgan bir qancha samarador texnologiyalar hayotimizga shiddat bilan kirib kelmoqda. Xuddi shuning uchun ham davlat va jamiyat taraqqiyotini yanada jadallashtirish maqsadida respublikamiz rahbariyati bir qancha muhim qarorlarni qabul qildi. Masalan, Oʻzbekiston Respublikasi prezidenti 2018 yil 28 dekabrdagi 2019 yil uchun eng muhim ustuvor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasida ham mamlakatimizda raqamli iqtisodning rivojlanishi boʻyicha quyidagilarni aytib oʻtdi: “Iqtisodiyotning barcha sohalarini raqamli texnologiyalar asosida yangilanishini koʻzda tutadigan “Raqamli iqtisodiyot milliy konseptsiyasi”ni ishlab chiqishimiz kerak. Shu asosda “Raqamli Oʻzbekiston-2030” dasturini hayotga tadbiq etishimiz zarur. Raqamli iqtisodiyot yalpi ichki mahsulotni kamida 30 foizga oʻstirish, korruptsiyani keskin kamaytirish imkonini beradi. Nufuzli xalqaro tashkilotlar oʻtkazgan tahlillar ham buni tasdiqlamoqda.Shuning uchun Hukumatga ikki oy muddatda raqamli iqtisodiyotga oʻtish boʻyicha “yoʻl xaritasi”ni ishlab chiqish topshiriladi. Bu borada axborot xavfsizligini ta’minlashga alohida e’tibor qaratish zarur”.

Yurtboshimiz takidlaganlaganlaridek yalpi ichki mahsulotni 30 foizga koʻtarish va uni aholining barcha ijtimoiy qatlamlari orasida toʻgʻri taqsimlashda raqamli texnologiyalarning oʻrni beqiyosdir. Misol tariqasida qaraydigan boʻlsak ijtimoiy soha eng yuqori darajada ta’minlangan davlatlar Norvegiya, Shvetsiya va Shvetsariya toʻliqligicha raqamli iqtisodiyotga oʻtgan mamlakatlardir. Raqamli iqtisodiyot rivojlangan 10 ta davlatlar qatoriga AQSH, Buyuk Britaniya, Daniya, Finlandiya, Singapur, Janubiy Koreya va Gonkong kiradi. Bu mamlakatlar ham ijtimoiy sohani yuqori darajada tutuvchi mamlakatlar ekanini koʻrish mumkin. Raqamli iqtisodiyot sharoitida budjet mablagʻlari toʻgʻridan-toʻgʻri yoʻnaltiriladi. Barcha hududlardagi ijtimoiy muammolar yaxlit tizimda aniq koʻrinib turadi va moliyalash uchun zarur boʻlgan mablagʻlar hech qanaqangi xarajatlarsiz istemolchi hisob raqamiga kelib tushadi. Aytaylik biror bir chekka hududdagi sogʻliqni saqlash sohasida xizmat koʻrsatayotgan budjet muassasasini amaldagi tizim boʻyicha moliyalashda smetaga koʻra pul mablagʻlari ajratiladi va viloyat tuman keyingina muassasa hisob raqamiga pul mablagʻi kelib tushadi. Raqamli iqtisodiyot sharoitida esa pul mablagʻlari iste’molchi hisobvaraqlariga toʻgʻridan-toʻgʻri yoʻnaltiriladi, bu esa resurslar tejalishini xarajatlar sarfining kamayishiga olib keladi.

Hozirgi kunda mamlakatimiz budjetining qariyb 60 foizi ijtimoiy soha xarajatlariga sarflanadi. Shundan eng katta mablagʻlar talab qiladigani ta’lim muassasalari (9774 ta), sogʻliqni saqlash muassasalari (1165 ta) va ijtimoiy

himoya doirasida 36903000 kishiga pensiya to‘lovlari amalga oshiriladi. Raqamli iqtisodiyot axborot kommunikatsiya texnologiyalari bilan chambarchas bog‘liq bo‘lib barcha uchun umumiy baza shakllantiriladi. Bunda bir qancha ijtimoiy yengilliklar yuzaga keladi va ular quyidagilar bo‘lishi mumkin:

- ishlab chiqarishda mehnat samadorligining oshishi;
- kompaniyalarning raqobatbardoshligini o‘sishi;
- ishlab chiqarishdagi xarajatlarning kamayishi;
- yangi ish o‘rinlari yaratilinishi;
- yangi zamonaviy kasblar paydo bo‘lishi;
- kambag‘allikni yengish va ijtimoiy tengisizlikni yo‘qolishi

Raqamli iqtisodiyotga o‘tib borganimiz sari bizdagi bazi bir muammolar avtomatik tarzda o‘z yechimini topib boradi. Yuqoriga qaraydigan bo‘lsak ijtimoiy tengsizlikni bartaraf etish barcha aholi qatlamlari uchun harakatga motivatsiya bag‘ishlaydi. Yuqoridagilar raqamli iqtisodiyotning bor yo‘gi bir nechta afzalliklari holos. Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi bizning kundalik hayotimizga ijobiy ta'sir qiladi, oddiy foydalanuvchiga ko‘plab qo‘shimcha imkoniyatlar beradi va qolaversa, bozorni o‘sishi va rivojlanishini ta'minlab berishi mumkin. Raqamli iqtisodiyotning yana bir ijtimoiy soha uchun muhim jihatlaridan biri agar biz to‘liqligicha bu tizimga o‘ta olsak yashirin iqtisodiyotga barham beriladi. Ya'ni, bozorda katta kompaniya bo‘ladimi yoki kichik biznes, ular teng huquqli hisoblanadi. Ularga bir xil imkoniyatlar beriladi. Davlat qoidalarga amal qilinishi va oxir oqibatda oddiy iste'molchi sifatli, zamonaviy xizmat yoki mahsulot olishi ta'minlanadi. Demak, raqamli iqtisodiyot rivojlanishi uchun davlat hamma uchun teng sharoit yaratib berishi, iloji boricha bozor qoidalari, qonunlar, shartnomalar shaffof bo‘lishi, qonunlar bozor talabidan kelib chiqqan holda(ya'ni bozordagi rivojlanish tendensiyalarini oldindan aniqlay olishi va kerakli normativ hujjatlarni qabul qilishi) o‘yin ishtirokchilari uchun erkinlik berishi zarur.

Xulosa o‘rnida shuni aytmoqchimanki biz qanchalik tezlik bilan raqamli iqtisodiyotga o‘tib borsak hozirgi kundagi keng jamoatchilik muhokama etayotgan muammolar o‘z yechimini kutilganidan ko‘ra tezroq topadi. Bu borada rivojlangan mamlakatlar bilan aloqalar qilish va yordam olish maqsadga muvofiqdir. Internet texnologiyalari bilan ta’minlanish darajasini yaxshilash albatta judayam katta samara beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati.

1.O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 3 iyuldagi “O‘zbeksiton Respublikasida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish to‘g‘risida” gi Qarori 2.“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 1, февраль, 2019 йил
3.http://web.stat.uz/open_data/uz/2.1%20OD_maktablar_soni_jami.
4.http://web.stat.uz/open_data/uz/4.1%20OD_health_hosppitals_uzb.
[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида” ги 2017 йил 7 февралдаги фармони.

[2] https://strategy.uz/index.php?news=797

-қабул қилинган қарорлар асосида туристик корхоналариа берилган катта имтиёзлар, вилоят туманларида туристикхизмат турларини саёз ривожланяпти. Қишлоқ аҳолисига кўпинча шахарларда ташкил этилган туристик корхоналар хизмат кўрсатиб келмоқда шунга қарамай сонидан келиб чиқадиган бўлсак унда уларга кўрсатилган хизматлар ҳажмининг ўсиши талаб даражасида эмас.

-2019 йил 1 июль ҳолатига республикада хизматлар соҳасида 245 мингдан ортиқ туристик корхоналари аҳолга хизмат кўрсатиб келмоқда[1]. Уларнинг филиаллари вилоятларда ва туманларда ташкил этилган. Вилоят (шаҳар) туманларида туристик короналари томонидан туристларга хизмат кўрсатишни ривожлантиришнинг ўзиа хослиги энг аввало мавжуд муаммоларни ечимида ўз аксини топмоқда. Бугунги кунда туманларда иқтисодий ислоҳатларничуқурлаштириш, миллий иқтисодиётда эркинлаштириш ва хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни босқичма-босқич ҳал этиш республикамизда туристик корхоналари фаолиятини юқори суръатларда ривожлантирилишини талаб қилмоқда. Айниқса, аҳоли даромадларини ошириш барпо этилган туристик корхоналар фаолиятини кенг қамровли устувор йўналишлар сифатида тартибга солиш, сайохларга кўрсатилаётган пуллик хизматлар борасида яратилган шароитларни яхшилашга имкон беради.

Вилоят(шахар) туманларида туристик корхоналарни хизмат кўрсатиш соҳасида турмаҳсулотларни самарадорлигини ошириш ўз-ўзидан маҳаллий аҳолининг туристик хизматларга талаби ўсиши ва истеъмол таркибини яхшилашга имкон яратмоқда.

Ҳозирги шароитда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш ва ривожланаётган мамлакатлардаги даражасига етказиш устувор йўналишлардан бири ҳисобланмоқда. Маълумки, фаравонлигини ошириш жамият ривожланишининг муҳим муаммоларидан биридир. Ушбулар эса аҳолига кўрсатилаётган туристик хизматлар сифатида онгли муносабатлар тизимидаги маданиятни туристик маҳсулот турлари ҳажмини ошириш, пуллик хизматларни электрон тизими орқали амалга ошириш бундай хизмат турларини кўпайтириш ҳамда ташкил этиш жойларда туристик хизмат кўрсатишни аҳоли талабига мос тарзда ташлик этиш аҳолининг ушбу хизмат турларига бўлган эҳтёжини шаклланишининг яхшиланишига сабаб бўлади. Бу эса аҳолига кўрсатиладиган туристик хизматлар ҳажмини оширирадиа туристик корхоналарида молиявий самарадорлик даражасини ошишига имконият яратиб беради.

Айтиш жоизки, туризим соҳаси ривожланган мамлакатлар тажрибаси аҳолига туристик маҳсулотлари бўйича хизмат кўрсатишни ривожлантиришнинг туристик хизматлар бозорига, туристик хизмат

[1] https://stat.uz/uploads/doklad/2019/yanvar-iyun/uz/10.pdf



Расм 1. Туристик корхоналарини ривожланишига таъсир этувчи иқтисодий, молиявий, ташкилий, ҳуқуқий омиллар[43].

[43] Муаллифлар томонидан тайёрланган.

кўрсатиш натижаларини шакллантиришда экспорт ва импортни балланслаштирилишини таъминишига асосланишини этироф этмоқда.
Туристик хизматнинг молиявий, моддий ва рақамли ахборат ресурслари экан харакатланишини назарда тутувчи туристик бозоргина ҳар бир туристик корхоналарида туристлар эҳтиёжлари ҳамда талабларини қондириш истагини уйғотади. Фан-илим ва техникадан туристик корхоналари томонидан фойдаланиш ва уларнинг ривожланиш даражасиини ҳисобга олиш, ресурслардан логистика, маркетинг, интернет тармоқлари хизматларидан унумли фойдаланиш ва инновация эътиборни ошириш кабилар туристик корхоналарни фаолиятини аниқ ривожлантиришни истиқболлаштириш ва режалаштириш имкониятинии юзага келтиради. Туристик корхоналари ривожини белгилашда уларнинг устувор мақсад ва вазифаларини тўғри белгилаш лозим. Бунинг учун туристик корхоналарини молиявий фаолиятига таъсир этувчи омилларни этиборга олиш ва гуруҳлаш ва уларни ривожланиш динамикаси ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш ҳамда таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Туристик корхоналар фаолиятида самарали натижаларга олиб кеувчи туристик хизматларига таъсир этувчи омилларни мижозлар ташқи ва ички давлат сиатига қараб ижтимоий, иқтисодий, молиявий механизмлари ҳамда интернет ресурсларидан унумли фойдаланиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш лозим.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, истиқболда туристик корхоналарда янги иш ўринларини яратиш банд бўлган ходимлар даромадларини ошириш, кенг кўламда оилавий мехмонхоналарни ва тадбиркорлик касаначиликни ривожлантириш, ижтимоий инфратузилмани модернизациялаш, инновацион туристик маҳсулотларни яратиш туристик корхоналарни яқин истиқболда янада замон талабларига кўра ривожлантириш учун замин яратиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида” ги 2017 йил 7 февралдаги фармони.

2. https://strategy.uz/index.php?news=797

3.https://stat.uz/uploads/doklad/2019/yanvar-iyun/uz/10.pdf

Н.Х.Рузибаева – СамИСИ катта ўқитувчиси,
Д.С.Машрабов – СамИСИ 4-босқич талабаси

ТУРИЗМ ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ – ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Аннотация: мақолада рақамли иқтисодиётнинг ҳолати ҳамда туризм фаолиятида уни ривожланиш йўналишлари таҳлил қилинган ва олинган натижалар асосида Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш стратегиясининг бир қанча йўналишлари ҳамда унинг иқтисодий аҳамияти бўйича бир қанча масала ва муаммолар кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: туризм, рақамли иқтисодиёт, блокчейн, туристик маҳсулот

Аннотация: в статье анализируется состояние цифровой экономики и тенденции ее развития в индустрии туризма и на основе полученных результатов выявлен ряд вопросов и проблем в стратегии развития цифровой экономики в Республике Узбекистан и ее экономическое значение.

Ключевые слова: туризм, цифровая экономика, блокчейн, туристический продукт

Annotation. The article analyzes the state of the digital economy and its development trends in the tourism industry and, based on the results, a number of issues and problems in the development strategy of the digital economy in the Republic of Uzbekistan and its economic significance are identified.

Key words: tourism, digital economy, blockchain, travel product.

Бугунги кунда рақамли инновацияларнинг ривожланиш даражаси миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини белгиловчи омиллардан биридир. Рақамли инновацияларни амалга оширадиган рақамли иқтисодиёт – бу рақамли АКТдан фойдаланишга асосланган иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларнинг маълум бир тизимидир. Рақамлаштириш жараёни бу ҳолатда аналогдан рақамли маълумот узатишга ўтишни ўз ичига олади. Рақамлаштиришнинг афзалликлари – анъанавий иқтисодиётга нисбатан хизматлар нархининг пасайиши, меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва турли соҳаларда қўшимча қиймат яратиш имкониятларининг пайдо бўлишидир. Ушбу мақолада туризмни рақамлаштириш, туризм саноатига рақамли технологияларни жорий этиш долзарб масала ҳисобланади. Унда 2000-йилларнинг бошларида сайёҳлар учун биринчи рақамли хизматлар пайдо бўлди, улар турар жойларни брон қилиш ва чипталарни сотиб олиш, масалан, Booking, Aviasales тизимларидаги каби. Рақамли платформалардан фойдаланмасдан замонавий саёҳатни тасаввур қилиш қийин.

Рақамли иқтисодиётнинг асоси бўлиб илм-фан ва АКТнинг жадал ривожланиши ва унинг натижасидаги тараққиёт туфайли вужудга келган янги бизнес моделлар[44] ҳамда, улар томонидан таклиф этилаётган товар ва

[44] IMF defines the digitalization of the economic activity as «the incorporation of data and the Internet into production processes and products, new forms of household and government consumption, fixed-capital

хизматлар ҳисобланади. Халқаро валюта фонди томонидан рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси бўйича 2018 йил 28 февралда тақдим этилган ҳисоботга кўра, инновацион бизнес моделлар ва улар таклиф этаётган ахборот-коммуникация хизматларининг халқаро келишилган таърифи ва классификацияси йўқлиги сабабли, айрим жадал ривожланаётган мамлакатларда рақамли иқтисодиётнинг ЯИМдаги улуши паст кўрсаткичларда қолаётганлиги аниқланган ҳамда ушбу сектор хизматларининг классификациясини қайта кўриб чиқиш лозимлиги таъкидлаб ўтилган[45]. Даниель Менси бугунги кунда рақамли иқтисодиёт энг кўп ривожланган мамлакатлар бу АҚШ ва Хитой эканини таъкидлаб, дунё бўйича блокчейн технологияларга доир патентларнинг 75 фоизи айнан шу давлатларга тўғри келишини айтди. Ўз навбатида интернет маҳсулотларининг 50 фоизини шу давлатлар аҳолиси истеъмол қилади[46].

Ҳозирги кунда кўплаб европалик туристлар ва дунё бўйлаб туристларнинг ярми сайёҳлик йўналишини режалаштиришда туризмни рақамлаштириш ютуқларидан фойдаланишни афзал кўришади. Шундай қилиб, XXI асрда рақамли туризм турли шаклларда ўз ривожланишини амалга оширади, улардан бири туроператорлар томонидан ишлаб чиқилган турларни онлайн харид қилишдир. Қидирув тизимлари ўзларини харидорларнинг шахсий хоҳиш ва истакларини инобатга олган белгиланган мезонлар асосида кўплаб туроператорларнинг таклифига биноан керакли турларни қидириш, харидларни амалга ошириш вақтини ўтказиб юбормаслик учун сўнгги дақиқали турларни топиш, қизиқиш турларининг нархлари ўзгаришини кузатиб бориш имкониятини берадиган манбалар сифатида истеъмолчи манфаати учун туристик маҳсулотларни сотиш учун жойлашадилар.

С. И. Захарцев, В. П. Сальникова, А. В. Чумакованинг фикрларига кўра, ҳаётнинг ўсиб бораётган суръати шароитида маълумотларнинг мавжудлиги, унинг тарқалиши кенглиги, алоқа воситалари ва транспорт воситаларининг ривожланиши туфайли одамлар ўзларининг кўп эҳтиёжларини минимал транзакцион харажатлар билан, хусусан, маълумот қидириш билан боғлиқ равишда қондиришга мойил бўлмоқдалар, нафақат туристик маҳсулот, балки мижозга мос келадиган сайёҳлик агентлиги – туристик маҳсулотни сотиш тўғрисида шартнома тузиш учун хизмат кўрсатувчи ижрочи бщлиб ҳисобланади [47] . Мобил иловаларнинг оммабоплигига қарамай, мобил қурилмалар орқали турларни сотиб олиш

---

formation, cross-border flows, and finance».

[45] For instance, according to Oostrom et al. (2016), businesses in Netherlands with an online presence constituted for 87 percent of turnover, and 86 percent of employment in the business segment in 2015. However, if to narrow the definition of digital economy to online stores and internet related ICT services, the indicators fall down to 7.7 percent and 4.4 percent respectively.

[46] https://mininnovation.uz/uz/news/raqamli-iqtisodiyot-muammolar-va-imkoniyatlar

[47] Захарцев С. И., Сальников В. П., Чумаков А. В. Убыстрение темпа жизни как новая философская проблема. URL:https://cyberleninka.ru/article/v/ubystrenietempa-zhizni-kak-novaya-filosofskaya-problema (дата обращения: 21.11.2018).

унчалик машҳур эмаслиги тушунарли, чунки саёҳат маҳсулотларини сотиб олиш туристнинг шахсий маълумотларига киришни талаб қилади, бу эса турист учун шахсий компьютердан кириш анча қулай ҳисобланади. Шу билан бирга, мобил иловалар шахснинг жойлашган жойи, вақтинча яшаш жойида унинг атрофидаги объектлар тўғрисида маълумот олишда ажралмас ёрдамчидир. Шунингдек, туризмни рақамлаштириш шакли блокчейн технологиясидир. Номланган технологиялар ягона рақамли маконда туристик хизматларни сотиб олиш тўғрисида маълумотларни топишни ўз ичига олади, бу эса ҳар бир иштирокчига туристик маҳсулотни сотиш бўйича хизматларни тақдим этиш жараёнида истеъмолчилар тўғрисидаги ҳақиқий маълумотларга эътибор қаратиш ва уларнинг эҳтиёжларини тахмин қилиш, реклама таклифларини шахсийлаштиришга ёрдам беради.

Туризмни рақамлаштиришнинг яна бир шакли юқорида кўтарилган ҳаваскорлик турларини рақамлаштиришдир. Шу билан бирга, шуни ёдда тутиш керакки, ҳаваскорлик туризми мустақил фаолият тури сифатида одатдаги яшаш жойидан ташқари дам олиш фаолияти циклини шакллантириш, туристик хизматлар истеъмолчилари учун жозибадорлик ва фойдалилик шартларига жавоб берадиган элементар рекреацион тадбирлар мажмуасини танлаш учун маълум билим ва кўникмаларни талаб қилади.

Йўналишни ва саёҳатлар дастурини ўз-ўзини ривожлантириш муқобил саёҳат вариантларини топиш кўникмаларини талаб қилади. Шундай қилиб, бугунги кунда тан олиш керакки, мустақил туристик саёҳатларнинг оммавийлигини ошириш кўринишидаги туризм соҳасидаги объектив жараёнлар ҳаваскор туризмни ташкил этишда ваколатларга эга бўлиш учун жамоатчилик эҳтиёжларини қондириш йўлларини излаш заруриятини келтириб чиқаради. Шу сабабли ҳозирги вақтда ҳаваскорлик турларини амалга оширадиган аҳолининг туристик саводхонлигини оширишга имкон берадиган "Бошланғич сайёҳлар учун саёҳат" деб номланган мактабларни ташкил этиш ушбу мақсадга эришишда муҳим қадам ҳисобланади. Бундай мактаблар мустақил саёҳатларни ташкил этиш тажрибасига эга бўлмаган янги туристларга саёҳатга тайёргарлик алгоритми тўғрисида маълумот бериши мумкин. Кўрилган масалалар орасида, масалан, шахсий имтиёзлар ва мавжуд уй хўжаликлари бюджети асосида сайёҳлик йўналишларини излаш, биринчи сафарга энг мос келадиган сайёҳлик йўналишини танлаш, мустақил саёҳатни ташкил этишнинг ҳуқуқий хусусиятлари билан танишиш киради. Бундан ташқари, ташиш ва вақтинча жойга жойлашишнинг муқобил вариантларини излаш ва танлаш, янги бошланувчи туристлар учун саёҳат дастури доирасида муҳокама қилишни талаб қиладиган муҳим масалалар сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Бу ерда сиз туристларга ташувчиларнинг турлари, авиакомпаниялар, поездлар, паромлар, автобусларни қидириш қоидалари,

айниқса автотранспорт, Booking.com хусусиятлари, квартираларнинг хусусиятлари, лагерлар ва бошқалар каби мавзуларда ахборот ёрдами керак.

Агар сиз чет элга мустақил равишда саёҳат қилсангиз, сиз божхона, виза расмийлаштируви, саёҳатни суғурталаш, саёҳат пайтида банк карталари ва нақд пуллардан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар беришингиз ва ҳаваскорлик турларини ўтказиш хавфи ҳақида гаплашишингиз керак.

Таърифланган ғояни амалга ошириш нафақат фуқароларнинг бундай хизматларга бўлган эҳтиёжини қондиришга имкон беради, сайёҳлик агентликларини потенциал мижозлар билан ўзаро алоқаларни янги даражага кўтаради, бу эса туристик агентликларнинг туристик маҳсулотни сотишнинг асосий мақсади билан хабардор қилиш каби функцияларига эга бўлади, шунингдек, мижозларни ахборот билан таъминлашда ушбу хизматни тақдим этишнинг мақсади эканлигини тушуниб этамиз. Шундай қилиб, туризмни рақамлаштириш турли хил намоён бўлишни ўз ичига олади, улар орасида туроператорлар томонидан яратилган тайёр турларни on-line харид қилиш, туристлар учун мўлжалланган мобил иловаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, янги саёҳатчилар учун онлайн мактаблар ташкил этиш орқали ҳаваскор турларни рақамлаштириш ва бошқалар.

Келгусида туризмни рақамлаштириш жараёни туризм бозоридан офлайн офислари бўлган анъанавий компанияларни тортиб олиш, туристик дизайнни ҳар бир мижоз томонидан индивидуал равишда белгиланадиган параметрлар бўйича ишлаб чиқиш ва шу сабабли ушбу туристик ташкилотлар рақобатбардош курашдан фойда кўради. Хусусийлаштириш жараёнини истеъмолчиларга сайёҳлик хизматларини кўрсатишга мослаштириш, уларни потенциал мижозлар орасидан нафақат ҳақиқий, балки содиқ ва доимий бўлганлар, юқори даромад ва даромадлилик даражаси асосида узоқ муддатли омон қолишни таъминлай олади.

Бундан ташқари рақамли иқтисодиёт коррупция ва “қора иқтисодиёт”нинг асосий кушандасидир. Чунки, рақамлар ҳамма нарсани муҳрлайди, хотирада сақлайди, керак пайтда маълумотларни тез тақдим этади. Бундай шароитда бирон маълумотни яшириш, яширин битимлар тузиш, у ёки бу фаолият ҳақида тўлиқ ахборот бермасликнинг иложи йўқ, компьютер ҳаммасини намоён қилиб қўяди. Рақамли иқтисодиёт ҳақида сўз юритишдан олдин аввало ўзимизда такомиллаштирилган узлуксиз сифатли хизмат кўрсатадиган инфраструктура, ахборот технологиялари ва малакали кадрлар, сифатли давлат хизматлари ва омихта фаолият юритадиган монетар, фискал ва ташқи иқтисодиёт тармоқлари фаолиятини самарали йўлга қўйилишини таъминлаш талаб этилади.

III ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ МУАММОЛАРИ”

Ҳ.Н. Мусаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.,
Ш.К.Умарова – СамИСИ, МА-119 гуруҳ магистранти

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ШАРОИТИДА НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТУВЧИ КОРХОНАЛАРДА ДАРОМАДЛАР АУДИТИНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: мақолада нефт маҳсулотларини сотувчи корхоналарда аудитни ташкил қилиш хусусиятлари ва объектлари илмий жиҳатдан асосланган. Корхоналарда даромадлар аудити услубиятини яхшилашга қаратилган тавсиялар берилган.

Калитли сўзлар: нефт маҳсулотлари, даромадлар, аудиторлик текширувлари, даромадлар аудити, аудитнинг ахборот манбалари, аудиторлик далиллари, даромадлар аудити услубиятини яхшилаш йўллари.

Аннотация: в статье рассмотрены объекты аудита в организациях продаваемых нефтпродуктов, даны рекомендации по улучшению методологии аудита доходов в этих предприятиях..

Ключевые слова: нефтпродукты, аудиторские проверки, аудит доходов, источники информации аудита, аудиторское доказательство.

Annotation: the article demonstrates features of organizing and objects of auditing based on scientific aspects in the field of selling oil productions. Recommendations for improving effect of income-audit in these companies were stated.

Key words: oil productions, audit control, income-audit, information sources of auditing, arguments of auditing **.**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида ҳар бир соҳада ижобий натижаларга эришилмоқда. Иктисодиётимизнинг асосий тармоқларидан бири – бу нефт маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотишдир. “Ўзнефтгаз” АЖ газ ва нефт қазиб олувчи вахтада ишчи ва ходимларнинг ойлик иш ҳақи ўртача 30 фоизга оширилди. Бундан кўзланган асосий мақсад конларда оғир шароитларда меҳнат қилаётган ишчиларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш орқали ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини янада оширишдир.

Нефт маҳсулотларини ҳам ички, ҳам ташқи бозорга етказиб бериш ҳажмлари ошиб бораётган ҳозирги пайтда, уларни тақсимлаш, самарали фойдаланиш долзарб масалаларидан ҳисобланади. Шуни ҳам кайд қилиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси истеъмолчиларини табиий газ, нефт

билан узлуксиз таъминлаш, шунингдек транспортировка қилиш, транзит ва экспорт қилиш «Ўзнефтгаз» Акциядорлик компаниясига юклатилган.

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида иқтисодиётни юқори суръатлар билан ривожлантириш учун фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш зарурлигига алоҳида эътибор берилган. Мурожаатномада президентимиз қазилма заҳираларга алоҳида тўхталиб қуйидагиларга эътибор қаратди: “Навоий ва Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинатлари каби йирик саноат корхоналарида янги инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш билан бирга, ушбу корхоналарни ҳалқаро молия бозорининг тўлақонли иштирокчисига айлантириш лозим. Бунинг учун 2020 йилда халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботларни тузиш, заҳираларни қайта ҳисоблаш, корпоратив ошкораликни татбиқ этиш каби ишларни якунлаш зарур. Нефт-газ соҳасида давлат корхоналарини бошқаришга хорижий экспертларни жалб этиб, уларнинг самарадорлигини ошириш ва харажатларини оптималлаштириш, қарз миқдорини камайтиришга эришиш лозим”.[48]

Мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал ривожланиб бориши, мулкларни давлат тасарруфидан чиқариш, содир бўлган таркибий ўзгаришлар, кенг миқёсда хусусийлаштириш жараёнининг амалга оширилиши ва бошқариш тизимини халқаро талабларга мослаштирилиши ахборот фойдаланувчиларини ишончли ахборотлар билан таъминлашни тақозо қилади. Ҳар бир корхона томонидан тақдим этилаётган молиявий ҳисобот маълумотларининг ишончли эканлигини тасдиқлашнинг асосий шаклларидан бири - бу аудиторлик текширувларидир. Корхона фаолиятининг асосий кўрсатгичларидан бири - бу даромадлар бўлиб аудиторлик текширувларининг муҳим объектига киради. Нефт маҳсулотларини сотувчи корхоналарнинг асосий даромадлари ушбу маҳсулотларни сотишдан олган даромадлари ҳисобланади. Аудитор энг аввало, нефт маҳсулотларини сотиш фаолиятини амалга оширувчи корхоналар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига эътибор бериши керак. Нефт маҳсулотларини сотиш лицензияланадиган фаолият ҳисобланади. Лицензиялаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 июндаги 444-сонли қарорига асосан қабул қилинган “Нефт маҳсулотларини сотиш фаолиятини лицензиялаш (нефт маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотишдан ташқари) тўғрисида”ги Низомга мувофиқ амалга оширилади. Низомга мувофиқ ушбу маҳсулотларни сотиш бўйича фаолиятни амалга оширишга лицензия амал қилиши чекланмаган муддатга берилади.[49] Аудитор аудит жараёнини бошлашдан олдин кўплаб

[48] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. - “Халқ сўзи”, 2020 йил 25 январь.

[49] Ўзбекситон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган: “Нефт маҳсулотларини сотиш фаолиятини лицензиялаш (нефт маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотишдан ташқари) тўғрисида”ги Низом, 2018 йил 12 июнь.

меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мавжуд ва корхона ички тартиб-қоидалари билан танишиши лозим.

Корхона даромадлари аудити самарадорлиги аудиторлик текшируви жараёнида фойдаланиладиган ахборот манбаларига боғлиқ.

Олиб борилган татқиқотлар асосида нефт маҳсулотлари, уларни сотиш жараёнларини аудит қилишга асос бўлувчи ахборотлар тизимини ишлаб чиқдик. Ушбу ахборот манбалари куйидагилардан иборат (1-расм):



1-расм. Нефт маҳсулотларини сотувчи корхоналарда даромадлар аудитининг ахборот манбалари

Аудитор даромадлар аудити жараёнида ташқи ва ички ахборот манбаларини алоҳида эътибор бериши лозим. Аудиторлик ташкилотларида ички ахборот манбаларини йиғишда 500-сон АФМС “Аудиторлик далиллари” талабларига амал қилиши керак. Мазкур АФХСда аудиторлик далилларининг мазмуни қуйидагича ифодаланган: “Аудиторлик далиллари

- аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текшируви вақтида йиғилган ва аудиторлик хулосасини асословчи маълумот (ахборот)лардир.[50]

Аудиторлик далилларини олишда молиявий ҳисобот, унга асос бўлган бошланғич ҳужжатлар ва бухгалтерлик ёзувлари, шунингдек бошқа манбалардан олинган тасдиқловчи маълумотлардан фойдаланилади. Нефт маҳсулотларини сотувчи корхоналарда даромадлар аудит қуйидаги хусусиятларга эга:

- нефт маҳсулотларини сотиш қийматининг катъий белгиланганли;
- нефт маҳсулотлари бўйича қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ҳамда аксиз солиғи тўловларининг мавжудлиги;
- нефт маҳсулотлари бўйича биржа ҳаридларинг мавжудлиги;
- нефт маҳсулотларини сотувчи корхоналар филиалларида даромадлар шаклининг ўзига хос хусусиятлари;
- корхона даромадлари турлари хусусиятлари.

Иқтисодиёт янги босқичга кўтариш шароитида нефт маҳсулотларини сотувчи корхоналарда аудиторлик текширувлари шаффофлигини таъминлашда аудитнинг хусусиятларига эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда аудиторлик текширувларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Олиб борилган татқиқотларга асосланиб нефт маҳсулотларини сотувчи корхоналарда даромадлар аудитини яхшилашга қаратилган қуйидаги тавсияларни берамиз:

- аудит жараёнида нефт маҳсулотлари савдоси бўйича кейинги қонунчилик талабларига эътибор бериш;
- даромадлар аудитини ўтказишдан олдин, албатта, аудиторлик режаси ва дастурини тузиш;
- нефт маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва сотиш жараёнларини аудит қилишда аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартлари (АФХС)дан фойдаланиш;
- корхона даромадларини аудит қилишда даромадлар хусусиятлари ва таркибини чуқур ўрганиш;
- аудиторлик текшируви натижаларини буюртмачиларга тақдимотлар шаклида намойиш этиш;
- аудиторлик далиллар асосида корхона даромадларини аудиторлик таҳлил қилиш;
- аудиторлик текшируви натижасида корхонада даромадларини ошириш бўйича амалий маслаҳатлар бериш ва чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

[50] 500-сон АФХС “Аудиторлик далиллари ”

С.Б.Бобоқулов – СамДУ ассистенти
О.А.Рустамов – СамДУ магистранти
Ж.Амиров – СамДУ магистранти

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИДА ИШ ҲАҚИНИ БЕЛГИЛАШ ТАРТИБЛАРИ

Аннотация: муаллиф ушбу мақолада иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши шароитида хизмат кўрсатиш корхоналари ҳодимларига иш ҳақи бериш йўллари таҳлил қилиниб керакли таклиф ва хулосалар келтирган.

Калит сўзлар: иш ҳақи, хизмат, хизмат кўрсатиш, хизмат кўрсатиш корхоналари, самарадорлик, унумдорлик, инновация.

Аннотация: в данной статье автор анализирует способы оплаты труда работников сервисных предприятий в условиях инновационного развития экономики и дает необходимые рекомендации.

Ключевые слова: зарплата, услуга, обслуживание, сервисные предприятия, эффективность, производительность, инновация.

Abstract: In this article the author analyzes the methods of remuneration of employees of service enterprises in the conditions of innovative development of the economy and gives the necessary recommendations.

Keywords: salary, service, maintenance, service enterprises, efficiency, performance, innovation.

Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг бошланғич шароитида иш ҳақи, пенсия ва нафақалар, яъни истеъмолчилар оладиган даромадларнинг доимий равишда пасайиб бориши шундай бир ҳолатга олиб келдики, натижада улар ўзларининг иқтисодий функцияларини бажармай қўйдилар. Шунингдек, ҳодимни ва унинг оила аъзоларини нормал такрор ишлаб чиқаришни таъминланмаслик ва ишчи кучини юқори унум билан меҳнат қилишга рағбатлантирмаслик ҳолатлари юзага келган. Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий мажлисга йўллаган мурожатномасида “йил давомида бюджет тизими ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори инфляция даражасидан юқори миқдорда оширилади”[51]деб таъкидлаган.

Ислоҳотларни изчил давом эттириш ва унинг самарадорлигини ошириш меҳнатга ҳақ тўлаш сиёсати ва аҳоли пул даромадларининг ўсиши билан боғламоқ зарур. Бунинг учун эса қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- даромадлар ва энг аввало, иш ҳақининг истеъмол имкониятларини кенгайтириш ҳамда аҳоли (биринчи навбатда ёлланма меҳнат ҳодимлари)нинг талаби ошиши асосида ишлаб чиқаришни таркибан қайта қуришга фаол таъсир кўрсатишини таъминлаш;
- меҳнат фаолиятидан келадиган аҳоли даромадларида иш ҳақининг улуши тушиб кетишини реал иш ҳақи даражаси ва ўсиш

[51] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожатномаси 2020 йил 25 январ.Зарафшон газетаси 7-8 сони.

суръатларини ошириш асосида тўхташиш;

- даромадлар соҳасидаги энг кам ижтимоий кафолатларни истеъмолнинг асосланган ижтимоий нормативларни белгилаш ва иқтисодиётнинг бошқарувчанлигини ошириш асосида тегишли аҳоли гуруҳлари (ёлланиб ишлайдиганлар, нафақахўрлар, кам таъминланган ва кўп болали оилалар ва ҳ.к.) нормал (физиологик) даражада такрор ишлаб чиқаришини таъминлайдиган даражада аста-секин яқинлаштириб боришга киришиш;
- ўз тажрибамизни ва хориж мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ҳамда улардан Ўзбекистон иқтисодиёти хусусиятлари ва миллий анъаналарини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш асосида аҳоли даромадларининг ҳамма турларини (иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва бошқаларни) бошқаришнинг бозор механизмлари шаклланишига фаол ёрдам бериш.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида ишчиларни рағбатлантиришда иш ҳақини ташкил этиш услубида корхона икки омилга таяниши зарур.

Биринчи гуруҳнинг ўзига хос хусусияти шундаки, хизмат кўрсатиш корхоналаридаги ишчиларнинг иш ҳажми ҳаддан ташқари кўп бўлганлиги сабабли уларни қўшимча равишда рағбатлантиришни талаб этади.

Табиийки, хизмат кўрсатиш корхоналаридаги ишчиларнинг миқдори унчалик кўп бўлмайди, шунинг учун корхона раҳбарининг у ёки бу ишчининг иш фаолиятини баҳолаш асоси мавжуд бўлгани учун қандай рағбатлантириш унга қийинчилик туғдирмайди. Шу билан бирга, кичик савдо жамоасида раҳбарнинг ишчига нисбатан муносабати доимо диққат марказида бўлади.

Иккинчи гуруҳ омили бозорнинг анъанавий характерига боғлиқ бўлиб, унинг асосий омиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- ишчиларнинг савияси, яъни улар ҳар қандай рағбатлантиришларни нафақат ўзига эмас, балки ўзининг ёнидаги ишчиларга ҳам бериладиган рағбатлантиришлар билан қизиқиши;
- хизмат кўрсатиш корхоналарининг раҳбари ишчиларнинг иш-дан ташқари, алоқаси бўлмаган ишни бажарганлиги учун уларга рағбат-лантиришда маълум даражада тадбиркорлик билан иш тутишини талаб этади.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида ишчилар фаоллигини оширишда бир қатор омиллар ва маълум тизим асосида рағбатлантиришни тақозо этади.

Рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш нафақат иш ҳажмини ошириб қолмай, балки унинг ижтимоий самарадорлигига ҳам таъсир этиб, ишчиларга ҳам бевосита таълуқлидир.

Хизмат кўрсатиш корхоналари ишчиларини рағбатлантиришда энг кўп қўлланиладиган усулларга қуйидагилар киради:

- кўрсатиладиган хизматларнинг сони ва сифатига қараб иш ҳақини белгилаш;
- корхонада ишчиларнинг ҳамжиҳатлигини таъминлаш;
- ишчиларнинг касбий маҳоратини ошириш ва келгусида юқори мавқега эга бўлиш.

Албатта, ишчининг ўз соҳасида келгусида касбига кўра юқори даражага кўтарилиши, энг аввало, унинг касб маҳоратига боғлиқ. Бу, ўз навбатида, хизмат кўрсатиш корхоналарида ҳодимлар сони кўп бўлмагани сабабли юқори даражадаги мансабга эришиш ниҳоятида чегараланган бўлиб, фақат ўз малакасини ошириш алоҳида ўрин эгаллайди.

Бизнинг фикримизча, хизмат кўрсатиш корхоналарида ишчи-ҳодимлар сони камлиги ва уларнинг юқори мансабга эриши истакларини инобатга олиб, уларнинг билим, кўникма ва тажрибаларидан келиб чиқиб ишчиларнинг иш ҳақи миқдорини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Иш ҳақи тўловларини амалга ошириш уч қисмдан иборат: асосий (доимий), ўзгарадиган ва ижтимоий характерга эга бўлиб, ушбу моделнинг ижодий ва ўзига яраша салбий томонлари ҳам бор.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, харидорларнинг энг гавжум пайтдаги ҳолатига кўра ўша пайтда ўртача иш фаолиятининг вазифасидаги 50 % тўғри келар экан. Айрим ҳолатларда эса бу 70-75 % кўтарилиши мумкин.[52]

Олиб борилган таҳлиллар сотувчиларнинг смена бўйича иш жараёнида чарчаши натижасида иш вақтининг охирига келиб уларнинг иш қобилияти 30-40 % сусайганлигини кўришимиз мумкун. Бу, одатда, харидорларнинг иш куни тугаганидан кейин дўконларда савдонинг авжига чиққан пайтига тўғри келади.

Шу сабабли хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш мақсадида меҳнат шароитини яхшилаш, меҳнат стандартлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кечки пайтларда ўзгарувчан жадвал асосида ҳодимлар сонини вақтинча кўпайтиришни талаб этади.

Хақ тўлашнинг тарифсиз тизимини тузиш услубининг бир қатор хизмат кўрсатиш корхоналарига жорий этилиши асосида қуйидаги хулосаларни чиқаришимиз мумкин:

- ўзгарувчан тариф асосида тарифсиз равишда ишчи ҳодимларга маош тўлаш ишчиларнинг ишлаб чиқариш коэффициентини ошириши, ўз навбатида, корхона даромадининг ошиши хизматчилар иш ҳақининг ошишига сабаб бўлади;
- ўзгарувчан тариф асосида ҳодимларга маош белгилашнинг ижобий томонлари билан бир қаторда уларнинг маълум даражада камчиликлари ҳам йўқ эмас. Биринчидан, жуда кўп корхоналарнинг иш инфратузилмаси ўта мураккаб бўлиб, ҳодимларнинг сони уларнинг

[52] “SAM MAISHIY SERVIS” бирлашмаси маълумотлари асосида тузилган

малакаси жамоада бир хил бўлмайди.

Ўтган давр мобайнида ҳодимларнинг бажарган иш ҳажмлари ҳам ҳар-ҳил бўлади. Шунинг учун ҳам корхона раҳбарининг эътибори режалаштирилган ва қўшимча меҳнат фондининг тўлови бажарилган ҳақиқий иш ҳажмининг самарадорлигига қараб белгилашни талаб этади.

Бизнингча, иш ҳақини мавжуд тариф асосида белгилаш, иш берувчи ишловчи ўртасида контракт асосида амалга ошириш улар орасидаги муносабатларнинг асоси ҳисобланади.

М.М. Ибрагимов – СамИСИ катта ўқитувчиси, и.ф.н.,
Т.З. Тешаев – СамИСИ, МА-119 гуруҳ магистранти

ТОВАРЛАРНИ СОТИШ ХАРАЖАТЛАРИ ВА УЛАР ҲИСОБИ

Аннотация: мақолада товарларни сотиш харажатларини гурухлаш ва харажатлар хисобини юритиш масалалари баён килинган.

Калит сўзлар: маркетинг, бозор, сотиш харажатлари, реклама харажатлари, вакиллик харажатлари.

Аннотация: В статье рассматривается вопрос группировки затрат на продажу товаров и ведение учета.

Ключевые слова: Маркетинг, рынок, продажи, рекламные расходы, представительские расходы.

Abstract: The article addresses the issue of grouping the costs of selling goods and keeping records.

Key words: Marketing, market, sales costs, advertising costs, representation costs.

Ҳозирги кунда таворларини сотиш ва сотиб олиш борасидаги камчиликлар етарлича. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида истеъмол бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари нархи барқарорлигини таъминлашнинг ягона йўли – мева-сабзавот, чорвачилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш ҳамда “даладан дўконгача” бўлган узлуксиз занжирни яратиш эканлиги, харидоргир маҳсулотлар турларини аниқлаш, уларга бозор топиш ва сотиш билан хусусий трейдинг компаниялари шуғулланиши, бунинг учун эса, савдо фаолиятини тартибга соладиган қонун лойиҳалари тўпламини ишлаб чиқиш лозимлиги кайд этилди.[53]

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947 сонли фармони билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йуналиши буйича Харакатлар Стратегиясида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган.

Ушбу холатлардан келиб чиққан ҳолда харидоргир махсулот ва товарлар ишлаб чиқариш, уларга бозор топиш ва қулай шартлар асосида

[53] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. - “Халқ сўзи”, 2020 йил 25 январь.

сотиш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бундан эса ўз навбатида товарларни сотиш харажатларини асосли гурухлаш, улар хисобини юритиш ва уни такомиллаштириш вазифалари келиб чиқади.

Иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларини сотиш, иш бажариш ва хизматлар курсатилиши жараёнидаги харажатларни ҳисобга олиш ҳисоб ишларини юритишдаги муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Харажат деганда сотиб олинган товарлар қийматини, уни ташиш ёки ишлаб чиқариш таннархини баҳолаш тушунилади. Шунингдек, маъмурий харажатлар ва маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ харажатлар ушбу харажатларга киритилиши мумкин.

Демак, маркетинг ва сотиш бўлими фаолияти ишлаб чиқариш умумий тизимининг бир қисми сифатида маълум харажатлар билан амалга оширилади.

Бу турдаги харажатлар таркибига:

- сотиш ва товар-хомашё биржаларига тўланадиган комиссион йиғимлар;
- маркетинг маълумотларини йиғиш учун сарф-харажатлар;
- реклама сарфлари;
- ваколатлик сарфлари;
- сотиш фаолият билан боғлиқ бошқа сарфлар киради.

Маҳсулотни сотиш билан боғлиқ харажатлар қўйидагилардан иборат:

- тайёрлаш билан боғлиқ ёрдамчи цехлар хизмати;
-четдан сотиб олинган идиш ва идишбоп материаллар қиймати;
-ижара тўловлари;

идиш ва ўрамаларнинг қиймати сотиб олувчи томонидан қўшимча тўланмаган ҳолларда улар қийматининг бошқа истеъмолчилар томонидан тўланиши;

-товар омборларини сақлаш, тушириш-ортиш машина ва ускуналарнинг эскириши, омбор ишчиларининг меҳнат ҳақлари;

-товар маҳсулотларни жўнатиш бекатларга етказиб бериш, вагонларга, контейнерларга юклаш бўйича транспорт харажатлари;

-ихтисослашган экспедиция идораларининг хизматлари учун тўлов (нархи жўнатиш франкостанция белгиланганда;

-агар нархи белгиланган франко-станция бўлса, темир йўл тарифи, сув фрахти ёки бошқа транспорт харажатларини тўлаш.

Комиссион йиғимлар (ажратмалар) улгуржи савдо ёки товар хомашё биржаларда сотиш ҳажмини кенгайтириш учун тузилган шартномаларга асосан тўланади.

Маркетинг маълумотини йиғиш харажатларига:

-ташқи маълумотни йиғиш бўйича бошқа ташкилотларнинг хизматлари;

-рақобатчилар тўғрисида маълумот йиғиш билан банд бўлган

дистрибьютор, чакана савдогарлар ва бошқа шахсларга қилинадиган сарфлар;

-фаолиятга тааллуқли бўлган адабиётлар, вақтли матбуот нашрларини ўқиш учун, мижозлар, етказиб берувчилар билан суҳбат учун сарфланган вақт учун тўлов (меҳнат ҳақи);

-муҳим маълумотлар тақдим этилганлиги учун моддий рағбатлантириш;

- бўлимларни асраш харажатлари киритилади.

Реклама бўйича харажатлар куйидагилардан ташкил топади:

-реклама фаолияти учун харажатлар;

- реклама учун ёлланган шахслар, рекламани чиқариш меъёрини қамраб олган реклама муомаласининг қиймати;

-аниқ реклама қилувчиларнинг қиймати;

-сотувни мувофиқлаштирувчи воситаларнинг қиймати

- намуналар, имтиёзли нархлари, мукофотлар, кўргазмаларни ташкил қилиш;

-ярмаркаларда иштирок этиш, касбий учрашувлар, экспозиция, товарларнинг кўргазмаларини ташкил этиш ва уларда иштирок этиш билан боғлиқ харажатлар.

Тижорат фаолияти билан боғлиқ бўлган ваколатли харажатлар қуйидагилардан иборат:

-ўзаро фойдали алоқа ўрнатиш учун бошқа корхоналарнинг вакилларини қабул қилиш харажатлари;

-маданий-кўргазма тадбирларида қатнашиш;

-музокара ва маданий дастур тадбири давомида овқатланиш харажатлари;

-музокараларда қатнашган бошқа шахслар хизмати учун тўловлар;

-транспорт хизмати харажатлари.

Бошқа харажатлар таркибига молия-сотиш бўлимини учун харажатлар жумладан иш ҳақи, иш хақига нисбатан ажратмалар, хизмат сафари харажатлари, почта, телефон ва бошқа харажатлар киритилади.

Савдо ваколатхоналарини сақлаш харажатлари таркибига:

- ходимлар иш хақи ва унга нисбатан ажратмалар;

-ижара тўловлари;

-алоқа хизматлари учун тўловлар;

-маҳсулотни сертификатлаштириш харажатлари;

-номоддий активларнинг (савдо белгилари) эскириши ;

-бошқа харажатлар киритилади.

Олиб борилган татқиқотлар натижасида қуйидаги таклифларни беришимиз мумкин:

- товарлар маркетинги ва сотиш жараёнида мавжуд харажатларни юқоридаги тартибда гурухлаш;

- товарлар хисобини олиб боришни ташкил қилишда бюджетлаштириш режасини тузиш;
- фаолиятнинг молиявий - сотиш барқарорлигини таъминлаш учун харажатлар бўйича стратегик режаларни ишлаб чиқиш.

Хулоса тарзида шуни айтиш мумкинки таворларни сотиш харажатлари ва улар хисоби корхоналарда тўғри юритилса, корхоналарда фойдалилик койфсенти ҳам шунга тўғри пропорсионал тарзда ошиб боради.

Д.М. Маликова – преподаватель кафедры «Банковское дело» СамИЭС

КОНСАЛТИНГ ХИЗМАТЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ ВА КОНСАЛТИНГ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: мақолада консалтинг хизматларининг моҳияти, консалтингнинг хориж олимлари томонидан талқин этилиши, мамлакатимизда консалтинг хизматлари бозорини ривожланишидаги мавжуд бўлган муаммолар, шунингдек ушбу муаммоларни бартараф этиш юзасидан таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: хизмат кўрсатиш, консалтинг хизматлари, консультантлар, пуллик хизмат.

Аннотация: В статье представлены сущность консалтинговых услуг, их интерпретация зарубежными учеными, актуальные проблемы развития рынка консалтинговых услуг в нашей стране, а также предложения по их решению.

Ключевые слова: оказание услуг, консалтинговые услуги, консультанты, платная услуга.

Abstract: The paper presents the essence of consulting services, their interpretation by foreign scientists, actual problems of the development of the consulting services market in our country, as well as proposals for their solution.

Keywords: provision of services, consulting services, consultants, paid service.

Ўзбекистонда иқтисодиёт соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар хизматлар кўрсатиш соҳасини тез суръатларда ва ҳар томонлама ривожлантиришни тақозо этади. Хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш[54] устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Мамлакат иқтисодиётида хизматлар бозори муҳим ўрин тутади. Мамлакатнинг ривожланиши, унинг жаҳон иқтисодиётига интеграцияси, айниқса, бозор иқтисодиёти фаолиятини белгилаб берувчи соҳа ва тармоқларда кўрсатиладиган хизматлар кўламини кенгайтиришни талаб этади.

Бозор иқтисодиётининг модернизацияси ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг рақобатбардошликка эришиш йўлида доимий тусдаги инновацион фаолиятни амалга оширилишини талаб этади.

[54] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатла стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 7 феврал

Ишбилармонлик хизматлари бозорининг ривожланиши кучайиб бораётган рақобат кураши шароитида нафақат корхона ходимларининг саъий-ҳаракатлари ҳисобига бозор ҳақида маълумотларни ва янги билимларни эгаллашларини, балки учинчи шахслар – маслаҳатчи (консультант) ларнинг консалтинг хизматларидан фойдаланишларини ҳам тақозо этади.

Хизматлар кўрсатиш бозорида консалтинг муҳим ўрин эгаллайди. Консалтинг сўзи инглизча "консалт" сўзидан олинган бўлиб, "маслаҳатлашиш", "маслаҳат бериш" деган маъноларни англатади. Консалтинг бу маслаҳатчи томонидан ҳақ эвазига мижозга маслаҳат хизматларини кўрсатиш фаолиятидир[55].

Маҳаллий ва хорижий адабиётларда консалтинг олимлар томонидан турлича талқин этилади. Консалтингнинг ягона умумқабул қилинган таърифининг мавжуд эмаслиги боис, унинг таърифини шакллантиришга ҳаракат қиламиз.

М.Кубрнинг фикрича, профессионал маслаҳат бериш (консультация) бу мижозга амалий маслаҳатлар бериш ва ёрдам кўрсатилишини таъминлаб берувчи хизмат ёхуд услубдир[56].

Фриц Стееле эса, консалтингга қуйидагича таъриф беради: "Маслаҳат бериш жараёни деганда мен бир масала ёки бир неча масалаларнинг мазмуни, жараёни ёки таркибий тузилиши юзасидан ҳар қандай кўрсатилган ёрдамни тушунаман, бунда консультант масаланинг ечилиши учун ўзи жавоб бермайди, бироқ бунга масъул бўлганларга ёрдам беради"[57]. Питер Блокнинг фикрича, вазиятни ўзгартириш ёхуд яхшилашга ҳаракат қилинганда, лекин бунда амалга оширилаётган тадбирларни бажарилишида бевосита қатнашмаган шахс

Дарҳақиқат, Фриц Стееленинг ва Питер Блокнинг консалтингга берган таърифларида ўхшашликни кўришимиз мумкин.

Консалтинг – бу маслаҳатчи-мутахассислар томонидан турли ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқарув ходимларига уларнинг фаолияти ҳамда ривожланиш муаммоларини таҳлил қилиш, шунингдек ҳал қилишда асосланган тавсиялар ва биргаликда ишлаб чиқилган ечимлар кўринишида кўрсатиладиган профессионал кўмакдир.

Консалтинг фаолияти – консалтинг хизматларини кўрсатувчилар томонидан тижорат асосида амалга оширилади. Кучли рақобат шароити консалтинг хизматларининг сифати ва самарадорлигига юқори талабларни қўяди ва хизматнинг мижоз манфаатларига қаратилишига ундайди.

Консалтинг деганда молиявий, ҳуқуқий, технологик, техникавий, эксперт фаолияти соҳасидаги кенг қамровли масалалар бўйича муайян у ёки бу муаммони ҳал қилиш учун ташқи маслаҳатчилар томонидан тақдим

[55] http://economic-definition.com/Services_and_manufacturing/Konsalting_Consulting__eto.html
[56] Kubr M. Management consulting. 4-th edn./M. Kubr. – Geneva, International Labour Organization, 2002. – Б. 3 – 904 б.
[57] Steele F. Consulting for organisational change / F. Steele. – Amherst, MA: University of Massachusetts Press, 1975.

этиладиган бошқарув маслаҳатлари тушунилади[58]. Яъни, консалтинг бошқарув (менежмент) тизимига белгиланган мақсадларга эришишда ёрдам беришга кўмаклашадиган хизматлар кўламидир[59].

Дарҳақиқат, бозор иқтисодиёти шароитида консалтинг тадбиркорликнинг бир шакли тарзида намоён бўлади. Шу аснода, консалтингнинг таърифини шакллантиришга ҳаракат қиламиз, консалтинг – бу мижозга унинг фаолияти самарадорлигини ошириш имкониятини берадиган ахборот ва тавсиялар кўринишидаги пуллик хизматлардир.

Бугунги кунда консалтинг хизматлари бозорини ривожланишига бир қанча муаммолар тўсқинлик қилмоқда. Жумладан, кўплаб консультантлар (маслаҳатчилар) махсус малакага эга эмас, бу эса улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатига салбий таъсир қилмоқда; баъзи консультантлар мижозларидаги бошқариш кўникмаларининг етишмовчилигидан фойдаланган ҳолда ўз мижозларини йўлдан оздирадилар ва муваффақият қозониш ваъдаси остида амалга ошириш имкони бўлмаган ишлар учун улар билан шартномалар тузадилар; бир қатор консалтинг фирмалари мижозларга корхона фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмаган ҳолда илгари ишлаб чиқилган, универсал, стандартлаштирилган маҳсулотни сотадилар; консалтинг компаниялари ўзларининг тавсиялари учун жавобгар эмаслар, уларнинг мижозлар билан ўрнатиладиган муносабатлари кўпинча шартноманинг ноаниқ шартлари билан белгиланади; консалтинг технологиялари асосан бир томонлама йўналишда ривожланмоқда – мавжуд бўлган муаммоларнинг олдини олишга эмас, балки уларни тезда ҳал этишга қаратилган ва ҳ.к.

Консалтинг фаолияти корхоналарга ресурслардан оқилона фойдаланишга, унинг янги имкониятларини очиб беришга, мавжуд муаммоларни олдини олиш ёхуд бартараф этиш бўйича янги ноёб ечимларни ишлаб чиқишга йўналтирилган.

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, мамлакатимизда консалтинг хизматлари бозорини ривожлантириш учун консалтингнинг моҳияти ва аҳамияти борасида тадбиркорлик субъектлари орасида тарғибот тадбирларини амалга ошириш, хусусан консалтинг фирмалари уларнинг фаолияти, улар томонидан кўрсатиладиган консалтинг хизматлари турлари ва шартларидан хабардор этиш; консультантлар малакасини ошириш курсларини ташкил этиш, консалтинг хизматлари соҳаси учун мутахассисларни етиштирувчи олий таълим йўналишларини жорий этиш; маҳаллий консультантларнинг халқаро лойиҳаларга бириктирилишини таъминлаш мақсадида хорижий давлатларнинг етакчи консультантлари билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш каби тадбирларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади.

[58] https://ru.wikipedia.org/wiki/Консалтинг

[59] Горемыкина Т. К., Осипенкова О. Ю. Международные стандарты аудита. – М: Издательство МГИУ, 2007. – Б. 179. – 191 б.

А.Т.Мамажонов – ТДАУ Андижон филиали катта ўқитувчиси, PhD
М.Хожибоев – ТДАУ Андижон филиали доценти, и.ф.н.

“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ” ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисоби ва аудит таълим йўналиши талабалри учун ўқитиладигвн бухгалтерия ҳисоби фанининг асосий йўналишлари хақида фикрлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: мулкчилик, маблағ, манба, ҳисоб, бухгалтерия ҳисоби, ҳисобот, назорат.

Аннотация: в данной статье представлен обзор основных областей бухгалтерского учета для студентов, специализирующихся в области бухгалтерского учета и аудита в высшем образовании.

Ключевые слова: собственность, фонды, источник, учет, бухгалтерский учет, отчетность, контроль.

Abstract: This article provides an overview of the main areas of accounting for students majoring in accounting and auditing in higher education.

Keywords: Proprietary, Funds, Source, Account, Accounting, Reporting, Control.

Маълумки, мулкчилик ва тармоқ шаклидан қатъий назар, барча корхоналарда бухгалтерия ҳисоби юритилади. У корхонадаги хўжалик маблағларининг тузилиши, жойланиши, қайси манбалардан ташкил топганлиги ҳамда хўжалик жараёни ва муомалалари таъсири остида бўлаётган ўзгаришларнинг бориши устидан узлуксиз назорат олиб боради.

Бухгатерия ҳисобида корхона ихтиёридаги, хўжалик жараёни ва унинг таъсири остидаги хўжалик маблағларининг ҳажми, тузилиши, жойланиш ва тайинланишидаги содир бўладиган ўзгаришлар акс эттирилади ҳамда корхоналар хўжалик фаолиятининг молиявий натижалари аниқланади.

Бухгалтерия ҳисоби воситасида корхоналар хўжалик фаолияти жараёни, маблағлари, акс эттирилади ҳамда уларнинг ташкил топиш манбалари нималардан иборат эканлиги тўғрисидаги маълумотлар олинади.

Ҳар қандай фаннинг вужудга келиши учун ҳаётий зарурият туғилиши лозим. Шу туфайли фаннинг шаклланиши бирор киши ёки вазирликнинг ижод маҳсули бўлиб қолмасдан, балки объектив жараёнга таянади. Хўжалик фаолиятида бухгалтерия ҳисоби фани кўп асрлик тарихга эга бўлган фан ҳисобланади. Бу учун эса объектив шарт-шароитлар яратилган.

Ватанимиз жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини топган ҳозирги пайтда ҳар бир касбнинг, жумладан бухгалтерия ҳисобининг ҳам тарихини ўрганиш зарурлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтмиш тажрибасини пухта билган бухгалтер, йиллар ўтиб ўз касбининг пирига айланади.

Ўтмишда аждодларимиз ҳам ҳисоб-китоб илмига алоҳида аҳамият

беришган. Жумладан, “Темур тузуклари”да ҳисоб, молия ва назорат ишлари мамлакатни бошқаришда муҳим восита бўлганлиги ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд. Масалан, “Раиятдан мол-хирож олиш, мамлакатни тартибга келтириш, унинг ободончилиги, хавфсизлигини амалга оширувчи кишилар тузуги”да салтанатни бошқаришда ҳисоб ва назорат ишлари ҳақида шундай дейилган: “... ҳар ўлкага уч вазир тайинлашларини буюрдим. Булардан бири раият учун бўлиб, ундан йиғиладиган солиқларнинг ундирилишини кузатиб, ҳисоботини олиб борсин. Олиқ-солиқ миқдори, солиқ тўловчиларнинг номларини ёзиб борсин ва раиятдан йиғилган маблағни сақласин. Иккинчи вазир сипоҳ ишларини бошқаради. Сипоҳга берилган ва берилиши лозим бўлган маблағ ҳисобини олиб борсин. Учинчи вазир эса дараксиз йўқолган кишилар, келиб-кетиб юрувчилар (саёҳатчилар ва савдогарлар), ҳар хил йўл билан йиғилиб қолган ҳосил, ақлдан озганларнинг мол-мулки, вориссиз мол-мулкни, қозилар ва шайхулисломларнинг ҳукми билан олинган жарималарни тартибга келтирсин” {1}.

Демак, бизнинг мамлакатимиз тарихида ҳам ҳисоб, ҳисобот ва назорат ишлари тарққий этган дейишимизга асос мавжуд.

Барча фанлар қатори бухгалтерия ҳисоби ҳам ўз тарихи давомида такомиллашиб келмокда ва бир қанча бошқа фанларнинг вужудга келиши учун методологик асос бўлиб хизмат қилмокда. Чунки ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви, корхоналарнинг йириклашуви, хўжалик фаолиятининг кенгайиши иқтисодий жараёнларнинг мураккаблашуви ҳисоб ишларини такомиллаштириш заруратини туғдирди.

Бозор муносабатлари ривожланиши натижасида бошқарувнинг ахборот тизими ривожланмокда. Унинг асосини бухгалтерия ҳисобининг ахборот тизими ташкил этади. Бу ахборот тизимининг ажралиб турувчи белгилари: тўлиқлик, ҳужжат билан асосланганлик, пул ўлчовининг қўлланилиши ва бошқалар бўлиб, ҳисоб ахборотларини ўзгартириш ва бошқарув аппаратига ҳамда ҳар қандай даражадаги ташқи ахборотдан фойдаланувчиларга етказиш ва умумлаштиришга имкон беради. Шу билан бирга улар хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўладилар.

Бухгалтерия ҳисобини илмий асосланган услубиёт, илғор чет эл ва мамлакатимиз тажрибасини умумлаштириш ҳамда бошқарув соҳасидаги замонавий талаблар негизида ташкил этиш амалиёти манфаатдор ахборотдан фойдаланувчиларга ҳар бир хўжалик юритувчи субъект бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур ахборотларни тақдим этиш имконини беради.

Мазкур фанни ўрганиш жараёнида талаба аввало, бухгалтерия ҳисоби услубини мушоҳада қилиши ва ақлий тафаккурдан ўтказиши лозим. Фақат шундагина унинг моҳиятини ўзлаштиради ва молия-хўжалик ҳодисала-

рини ўрганишнинг дедуктив усулини ташкил этувчи кейинги босқичга ўтади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакатимиз иқтисодиётида юз бераётган ривожланиш ҳамда давлат дастурларини изчил бажарилишида ҳисоб тизимини халқаро стандартлар асосида ташкил қилиш зарур. Жумладан, 2015 - 2018 йилларда барча акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботни нашр этиши ва Халқаро аудит стандартлари ҳамда Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ташқи аудитни ўтказиши белгиланди{2}.

Шунингдек, ҳисоб тизимини такомиллаштириш борасида Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунига ўзгартиришлар киритилди{3}.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида давлат дастурига кирган устувор вазифалар ва уларни амалга оширишнинг иқтисодий масалаларни ечишда бухгалтерия ҳисобининг ўрни ва аҳамияти каттадир.

Бухгалтерия ҳисоби барча иқтисодий фанлар учун ҳам манба ҳисобланади. Айниқса, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида барча маъмурий- бошқарув ходимлари ва ишчи-хизматчилари иқтисодий тушунча ҳамда жараёнлар тўғрисида маълумотга эга бўлиши керак. Бундай иқтисодий тушунча ҳамда жараёнлар мазмуни “Бухгалтерия ҳисоби” фанида кўриб ўтиладиган усул ва тамойиллар орқали ифодаланади.

Бухгалтерия ҳисоби фани аниқ, қизиқарли, тортишувли ва муаммоли фанлардан бири ҳисобланади. Тарихий маълумотларга кўра бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва такомиллаштириш борасида тўртта йирик давлат: италян, француз, немис ва англия-америка мактаблари мавжуддир.

Баррий Эллиот ва Жамие Эллиотларнинг фикрига кўра бухгалтерлар ахборот берувчилардир, яъни бухгалтерия - акциядорлар ва бошқарувчилар каби фойдаланувчиларга бизнесни молиявий ҳолатини санъат даражасида етказиб беришдир. Маълумотлар умумий молиявий ҳисоботлар шаклида бўлиб, бошқарув назоратида иқтисодий ресурсларни рақамларда кўрсатади. Акциядорлар даврий маълумотларни талаб қилади, қайсики менежерлар уларнинг ресурслар назорати остида бўлиши керак деб ҳисоблашади. Бу маълумотлар акциядорларга менежерларни фаолиятини баҳолаш учун ёрдам беради{4}.

Бухгалтерия ҳисобининг ташкилий жиҳатлари борасида бу мактабларнинг қарашлари бир-бирига ўхшамайди. Уларнинг таълимотларига кўра бухгалтерия ҳисоби фанининг асоси ҳам ҳар хил талқин қилинади. Масалан, италян мактаби вакиллари бухгалтерия ҳисоби фанининг асосини альгебра ва ҳуқуқ, француз мактаби вакиллари сиёсий иқтисод, немис мактаби вакиллари математика, англия-америка мактаби вакиллари психология деб қарайдилар. Шу сабабли бухгалтерия ҳисоби фанининг вазифаси, предмети, объекти, усул ва услубиёти, тамойиллари ҳамда таркибий тузилиши борасидаги уларнинг қарашлари турличадир.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятининг фойдалилик даражасини доимо таҳлил қилишга ва амалга оширилаётган жараёнларнинг ҳисобини тўғри ташкил қилишлари зарур. Бу шароитда, бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилнинг аҳамияти катта бўлиб, улардан янада унумли фойдаланиш зарурияти ортиб боради. Чунки, айнан шу соҳалар иқтисодиёт субъектларининг айтиб ўтилган талабларнинг бажарилишида муҳим ўринни эгаллайди.

Иқтисодиётимиздаги ҳисоб турлари асосан қуйидаги функцияларни бажаради:

– иқтисодиёт тармоқлари корхона ва ташкилотларда содир бўлаётган хўжалик жараёнларини кузатиб бориш;

– кузатиш орқали олинган маълумотларни миқдорий кўрсатмаларда ифодалаш;

– корхона, ташкилот, муассаса хўжалик фаолиятларини кузатиш натижаларини махсус ҳужжатларда қайд этиш;

– махсус ҳужжатларда акс эттирилган маълумотларни умумлаштириш ва гуруҳлаштириш, хўжалик жараёнлари устидан назорат ўрнатиш ва уларга таъсир этиш.

Юқорида айтилганларга асосланиб, бухгалтерия ҳисобининг вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- асосий фондлар, товар-моддий бойликлар, пул маблағларининг келиб тушиши ва уларнинг ҳаракатини тўла ва ўз вақтида акс эттирилишини таъминлаш;

- махсулот ишлаб чиқариш, уларни сотиш, мехнат унумдорлиги, фойда, рентабеллик, мехнат хаки фонди, капитал сарфлар, бюджет ва бошқа ташкилотлар билан ҳисоблашиш ва бошқа кўрсаткичлар бўйича режанинг бажарилишини аниқ акс эттириш, кузатиш ва уларнинг натижаларини топиш;

- субъектнинг ва унинг айрим бўлимларидаги ишлаб чиқариш, курилиш-монтаж ва бошқа ишлар билан боғлиқ харажатларни тўла акс эттириш, назорат қилиш хамда ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматларнинг иқтисодий жихатдан асосланган ҳисобот калькуляциясини тузиш;

-субъект ва унинг айрим бўлимларининг рахбарларини молиявий-хўжалик фаолиятининг барча бўлинмаларига доир тўла ва аниқ иктисодий ахборот билан тезликда таъминлаб туриш;

- таъсисчилар, акциядорлар, сармоя эгалари, юқори ташкилот, молия, солиқ, статистика ва бошқа бухгалтерия ҳисоботи маълумотларидан фойдаланувчи ташкилот ва шахсларга ўз вақтида топшириш учун аниқ ҳисоботларни яратиш;

- бошқарув қарорларини иқтисодий жихатдан асослаб бериш учун умумлаштирилган ахборотнинг тартиблаштирилган оқимини таъминлаш;

- тўла хўжалик ҳисобини субъект миқёсида хамда унинг айрим ишлаб чиқариш бўлинмалари ва бригадаларида жорий этиш ва мустахкамлаш;

- субъектнинг маблағларидан тўла ва унумли фойдаланиш, ундаги мулкларнинг бутлигини таъминлаш, иктисодий тежаш тартибига риоя қилиш, субъект жамоасининг ижтимоий-иктисодий ривожланишини жадаллаштириш устидан назорат юритиш учун тегишли ахборотлар билан таъминлаш.

Бухгалтерия ҳисоби бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан ҳисобчилик ва статистика функцияларини бажарувчи воситасидан субъектларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни йиғиш, ишлаш ва топшириш қуролига айланади. Бу ахборотдан манфаатдор томонлар ўз ихтиёридаги вақтинча ортиқча маблағларни самаралирок инвестиция қилиш тўғрисидаги асосланган қарорлар қабул қилиш учун фойдаланадилар.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда бухгалтерия ҳисобини бизнес тили деб аташади. Уни ўрганиш хар қандай тилни ўрганишга жуда ўхшаб кетади ва бухгалтерия ҳисобида ишлатиладиган кўпчилик сўзлар хаётда қўлланиладиган худди шундай сўзларга қараганда бошқача маънога эга бўлганлиги сабабли уни ўрганиш бироз қийинроқ туюлади.

Молия вазирлиги давлат органи сифатида бухгалтерия ҳисоби соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш йўли билан бухгалтерия ҳисобини тартибга солишни амалга оширади. Бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш учун “Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарт”лари, шу жумладан, Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим қилиш учун концептуал асослар тасдиқланган ва рўйхатдан ўтказилган. Булардан ташқари, ҳозирги кунда республикада бухгалтерия ҳисобининг айрим жиҳатларини тартибга солувчи 50 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амал қилмоқда. Бундай ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларнинг яратилиши ҳамда ишлаб чиқилиши республикамизда ҳисоб сиёсатини олиб бориш учун асос бўлади. Республикамизда ҳисоб сиёсатини олиб боришдан асосий мақсад жаҳон амалиёти ва бозор муносабатлари талабларига мос келувчи ҳамда халқаро стандартлар асосида бухгалтерия ҳисоби тизимининг ривожлантириш консепциясини яратишдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, халқаро стандартларига жавоб берадиган ва бозор иқтисодиёти хусусиятларига мос келадиган ҳисобнинг янги тизимини ишлаб чиқишда, олимлар ва амалиётчилар ривожланган бозор иқтисодиётидаги мамлакатларда бу соҳада яратилган нарсаларга кўр-кўрона ёндошаётганлари йўқ. Лекин хориж мамлакатларининг амалиётини ўрганиш, уларни чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиш Ўзбекистон Республикасида хўжалик ҳисобини такомиллаштириш имкониятини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Темур тузуклари. Тошкент: 1996, 125 бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 17-сон, 204-модда). Тошкент ш., 2015 йил 24 апрель, ПФ-4720.
3. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. 2016 йил 13 апрель. № ЎРҚ-404.
4. Barry Elliot, Jamie Elliot. Financial accounting and reporting. (ISBN 978-1-292-08057-4) London, 2015. 17 th Edition. 3 p.

Н. Х.Рузибаева – СамИСИ катта ўқитувчиси
Ш.Ш.Мамарасулов – СамИСИ, БҲ-116 гуруҳ талабаси

ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Аннотация: мақолада инновацион рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасининг жамиятдаги аҳамияти ҳамда ушбу соҳа субъектлари бухгалтерия ҳисобидаги муаммолар тўғрисида сўз юритилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, хизмат кўрсатиш субъектлари, бошқарув ҳисоби, сегментар ҳисоботлар, молиявий ресурслар, харажатлар динамикаси, таҳлил.

Аннотация: В статье раскрываются проблемы в сфере услуг инновационной цифровой экономики и ее значение в обществе, а так же о недостатках субъектов в бухгалтерском учете в этой области.

Ключевые слова: Цифровая экономика, субъекты в сфере услуг, управленческий учет, сегментные отчеты, финансовые ресурсы, динамика затрат, анализ.

Abstract: The article reveals the shortcomings in the services of the innovative digital economy and its importance in society, as well as the problems of the subjects in accounting in this area.

Key words: Digital economy, service subjects, management accounting, segment reports, financial resources, cost dynamics, analysis.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожи давлат ва жамият тараққиёти таркибида муҳим ўрин тутади. Жумладан, саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳисобига субвенцияга қарам туман ва шаҳарларни камайтириш ва маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш; аҳолининг реал пул даромадларини ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилалар сонини ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражасини янада камайтириш; аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва шу каби бошқа умумижтимоий ва иқтисодий масалалар нуқтаи назаридан катта аҳамият касб этади.

Хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг илмий-назарий асосларига эътибор қаратсак, иқтисодчи олимлар томонидан чоп этилган кўплаб иқтисодий адабиётларда “хизмат кўрсатиш” тушунчасининг иқтисодий моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилинган. АҚШлик иқтисодчилар Кэмпелл Р. Макконнелл ва Стенли Л.Брюлар “Хизмат – бу сезиб бўлмайдиган (кўзга кўринмайдиган) ва унинг ўрнига қийматига эга бўлган қандайдир нарсани истеъмолчи, фирма ёки ҳукумат томонидан тақдим этилишидир”[60] деб таъриф беришган. Ф. Котлер “Хизматлар соҳаси – бир томон иккинчи томонга таклиф этиши мкумкин бўлган ҳар қандай фаолият ёки неъмат, бирон нарсага эгалик қилиш имконини бермайдиган фойдали ҳаракат”[61] деб такидлаган.

Мамлакатимиздаги иқтисодчи олимлардан И.С.Очилов “Хизмат деганда, инсоннинг, хўжалик юритувчи субъектларнинг, давлатнинг ва жамиятнтнг маълум эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган кишиларнинг наф келтирадиган хизмат жараёнибилан боғлиқ онгли фаолияти тушунилади” [62] , деб ҳисоблайди. М.М.Муҳаммедов хизмат кўрсатиш нуқтаи назаридан қараб, “хизмат кўрсатиш соҳаси – аҳолининг соғлиғига, кайфиятига, меҳнатга муносабатига, ишчи ходимларнинг меҳнат унумдорлигига, ўз ҳаётидан розилик даражаси ва хурсандчилигига, умуман, ишлаб чиқариш кучларининг ҳаёти ва тараққиётига бевосита ва сезиларли даражада таъси кўрсатадиган соҳа”[63] деб таърифлаган. Ж.М.Қурбонов эса хизмат кўрсатиш “бу инсонларнинг яхшилик, эзгулик, манфаат келтириш йщлидаги ҳаракати билан фаолият олиб бориши тушунилади”[64] деб таъриф этган. К.Ж.Мирзаев хизмат кўрсатиш соҳасини корхоналарнинг даромад нуқтаи назаридан қараб, “хизмат кўрсатиш – инсонларнинг ишлаб

[60] Макконнелл К.Р, Брю С.Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В 2 Т.: Пер. С анг. Т. 2. − Таллин,1993, стр.398.

[61] Макконнелл К.Р, Брю С.Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В 2 Т.: Пер. С анг. Т. 2. − Таллин,1993, стр.398.

[62] Очилов И.С. Бозор муносабатлари шароитида хизматларнинг турлари ва уларнинг таснифи.// Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография.“Иқтисод молия”, 2008. 37 б.

[63] Муҳаммедов М.М. “Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш - устувор масала // – «SERVIS». Илмий-оммабоп журнал. 2009 йил, 1–сон. 53 б.

[64] Қурбонов Ж.М. Хизмат, хизмат кўрсатиш, сервис // – «SERVIS». Илмий-оммабоп журнал. 2009 йил, 1–сон.58 б.

чиқариш ва гоишлаб чиқариш субъектларида юзага келадиган, ўз истеъмол эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган ва даромад олишга қаратилган ҳаракатлар мажмуини ифодаловчи фаолият”[65] деб айтиб ўтган.

Инновацион рақамли иқтисодиёт шароитида хазмат кўрсатиш соҳасида миқдор ва сифат кўрсаткичлари қатъий равишда ошиб, унга бўлган талабнинг ўсиб бориши соғлиқни, савдо, умумий овқатланиш хизматларининг янада ривожланишига, шунингдек, илгари мавжуд бўлмаган юқори технологияли хизматларнинг шаклланишига ва юзага чиқишига сабаб бўлди. Юқори сифатли турли-туман хизматларнинг мавжудлиги аҳолининг соғлигига ва инсонлар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади, ишчиларнинг иш унумини, истеъмол харажатларини оширади, бўш вақтини кўпайишига ва аҳолининг дам олишига имконият имконият беради. Инсон фаолиятида жуда қулай, хўжалик ишлаб чиқариш жараёнига таъсир кўрсатаётган янги хизмат кўрсатиш тармоғи, яъни бугунги кунда тезлик билан маълумотлар билан таъмин этувчи интернет, мобил (уяли) телефонлар ва бошқа фан-техника ютуқларини қўллайдиган хизмат турлари ривожланиб бормоқла. Мазкур хизмат турларининг ривожланиши мамлакатимизнинг нафақат иқтисодий қудрати юксалишига, унинг интеллектуал салоҳияти ошишига ҳам хизмат қилади.

Шу билан бирга юртимизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича шундай изчил ислоҳотлар олиб борилаётган бир вақтда ушбу соҳа вакиллари, яъни хизмат кўрсатиш ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит масалалари бўйича айрим муаммоларнинг мавжудлиги давлатимиз томонидан берилаётган имконият-ятлардан берилаётган имкониятлардан фойдаланиш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш субъектларидаги бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг ахборот фойдаланувчиларининг эҳтиёжларини тўлақонли қондирмаслиги, хизмат кўрсатиш субъектларининг амалга оширилган харажатларининг хизмат кўрсатиш марказларига тақсимланишида алоҳида ёндашувнинг мавжуд эмаслиги, корхоналар бухгалтерия ҳисоби таркибида бошқарув ҳисоби элементларининг мавжуд эмаслиги, корхона сегментлари бўйича сегментар ҳисоботларнинг тузилмаслиги ҳамда юқорида санаб ўтилган камчиликлар асосида корхона фаолияти ва унинг молявий ҳолатини таҳлил қилиш имкониятининг мавжуд эмаслиги фикримизнинг ёрқин намунасидир.

Бухгалтерия ҳисоби соҳасида буюк итальян олимларидан ҳисобланадиган Жино Дзаппа (1879-1960) харажатларни ҳисобга олишга деярли аҳамият қаратмайди, буларни у иккинчи даражали деб ҳисоблайди. Хусусан, Ж. Дзаппа харажатлар жуда кўп аниқмас омилларнинг таъсирида вужудга келиши муносабати билан уларни ҳисоблаш мумкин эмас, деб

[65] Мирзаев Қ.Ж. “Агросервис хизматлари самарадорлигини оширишнинг методологик асослари” Иқтисод
фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 2012 й. 49 бет.

ҳисоблайди. Ж. Дзаппа харажатларни жуда зарур ҳолатлардагина фақат шартли баҳоларда ҳисобга олиш мумкин, деб таъкидлайди. Унинг бу фикрлари ўз мамлакатидаги бухгалтерларга жуда катта таъсир ўтказган. Кейинчалик, харажатларни ҳисобга олиш борасидаги фикр мулоҳазалар ва баҳслар қайта юзага чиқди. Лоренция де Минико (1896-1949) харажатларнинг ҳисобга олиниши кераклигини илмий жиҳатдан асослайди ва бу борада қуйидаги 5 шартларни келтиради:

- харажатларни фақат чиқим ва йўқотишлар деб қараш мумкин эмас ва шунинг учун ҳам уларни улар вужудга келадиган жараёнлар билан биргаликда ҳисобга олиш зарур;
- ишлаб чиқаришда вужудга келадиган билвосита, яъни иккиламчи харажатлардан воз кечмасдан, албатта уларни аниқлаш ва аниқ тамойиллар асосида тақсимлаш керак;
- ҳар бир алоҳида олинган ҳолатда вужудга келаётган иккиламчи харажатлар айнан ўзига хос бўлган мезон асосида тақсимланиши лозим;
- харажатларни тақсимлаш улар вужудга келтираётган даромадлар билан бевосита боғланган бўлиши керак;
- ҳисоб тизимига вақт мезонини киритиш тўғри харажатлар доирасини кенгайтиради.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг мақсади имкон қадар юқори даражада фойда олиш экан шуни инобатга олган ҳолда фойдани ошириш масаласига ҳар икки томондан, яъни ҳам даромадларни максималлаштириш ва харажатларни минималлаштириш нуқтаи назаридан ёндашиш зарур. Бунда корхоналарда бухгалтерия ҳисобини юритишда корхона харажатларининг аниқ йўналтирилиши, махсулот бирликларига тўлиқ ва тўғри тақсимланиши, сегментар ҳисоботларнинг шакллантирилиши корхона сегментлари, бўлимлари фаолияти корхона фойдасидаги улушини аниқлаш ҳамда алоҳида бўлимлар харажатлари динамикасини аниқлаш ва таҳлил қилиш имконини беради.

IV ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ”

У.Худойбердиев – СамИСИ, “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси доценти, и.ф.н.
Ш.Набиев – СамИСИ, МК-117 гуруҳ талабаси

БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ ТАРКИБИДА ИЖТИМОИЙ СОҲА ХАРАЖАТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада давлатимизда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг асосий мақсадларидан бири сифатида, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш, аҳоли турмуш даражасини сифатини ошириш, ижтимоий соҳани молиялаштириш, бюджет харажатлари ва уларнинг ташкил топиш маньалари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: харажатлар гуруҳи, ижтимоий ҳимоя, давлат дастурлари,даромад манбалари

Аннотация: в этой статье одной из основных задач социально-экономической политики в нашей стране является обеспечение социальной защиты и поддержки населения, повышение качества жизни населения, финансирование социальной сферы, бюджетные расходы и их значение.

Ключевые слова: расходная группа, социальное обеспечение, государственные программы, источники дохода.

Abstract: In this article, one of the main objectives of socio-economic policy in our country is to provide social protection and support to the population, to improve the quality of life of the population, to finance the social sphere, budget expenditures and their importance.

Keywords: expenditure group, social security, government programs, sources of income.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг асосий мақсадларидан бири аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, аҳоли турмуш даражасининг сифатини оширишга қаратилган. Ижтимоий соҳани молиялаштиришнинг асосий манбаи давлат бюджети маблағлари ҳисобланади. Шу сабабли бюджетнинг ушбу гуруҳ харажатларини ўрганиш ва уни оптималлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Бюджет харажатларини ижтимоий мўлжалланганлиги бўйича гуруҳларга ажратилиши давлатнинг тоифаси ва у томонидан амалга ошириладиган функцияларига бевосита боғлиқ. Шундан келиб чиқиб, бюджетнинг барча харажатларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари;

- миллий хўжаликка (иқтисодиётга) харажатлар;
- ҳарбий (мудофаа) харажатлар(и);
- бошқарув харажатлари;
- ривожланаётган мамлакатларга субсидиялар ва кредитлар тақдим этиш харажатлари.

Ушбу харажат турлари орасида энг асосийси ижтимоий соҳаларни сақлаш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари ҳисобланиб, бу гуруҳ харажатларининг бюджет жами харажатлари таркибидаги улушининг юқорилиги билан ажралиб туради. Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари ўз таркибига маориф, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, фан, ижтимоий таъминот (нафақа, моддий ёрдам ва компенсация тўловлари), аҳолини иш билан таъминлаш, ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш харажатлари ҳамда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” давлат дастурларини молиялаштириш билан боғлиқ харажатларни олади. Ушбу гуруҳ харажатлари давлатнинг ижтимоий функциясини ўзида акс эттириб, давлат томонидан олиб борилаётган ижтимоий сиёсат мазмунидан келиб чиқиб фарқланиши мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда таълим ва соғлиқни сақлашнинг текинлиги ҳамон устуворлигича қолмоқда. Умумий таълимни текин ва касбий таълимни танлов асосида олиш кафолатланганлигича қолмоқда. Аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишга катта эътибор берилмоқда. Иш ҳақининг энг кам даражасини ошириш, ишсизлик бўйича берилиши лозим бўлган нафақаларнинг миқдорини кўпайтириш, мактаб ёшигача бўлган болалар, мактаб ўқувчилари, студентларнинг овқатланиш харажатларини компенсация қилиш, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақини тартибга солиш бўйича чоралар кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси тўртинчи йўналиши ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор масалаларига бағишланган. Ушбу йўналиш аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш, фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш ва саломатлигини асраб-авайлаш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникацияларни ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизациялаш, аҳолини электр энергияси, газ билан таъминлашни яхшилаш, унинг муҳтож қатламларига кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам сифатини кўтариш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мақомини ошириш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш, мактабгача таълим муассасаларининг қулайлигини таъминлаш, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш каби вазифаларни ўз ичига олган.

Сўнгги йилларда бюджет харажатлари таркибида ижтимоий соҳа

харажатлари катта улушга эга (60 фоизга яқин).

Қуйидаги 1-жадвалда давлат бюджети харажатларининг 2017-2018 йиллардаги ижроси келтирилган. Ушбу харажатлар 105,12 фоизга, жумладан, ижтимоий соҳа харажатлари 100,02 фоизга бажарилган. Ижтимоий соҳа харажатларини алоҳида-алоҳида олиб кўрадиган бўлсак, таълим харажатлари 97,5 фоизга, соғлиқни сақлаш харажатлари 102,14 фоизга, маданият ва спорт харажатлари 155,95 фоизга ва фан харажатлари 99,1 фоизга ижро этилган.

1-жадвал

Ижтимоий соҳа харажатлари динамикаси[66] *(млрд. сўмда)*

	Харажатлар	**2017 йил**			**2018 йил**			**2019 йил**
		режа	**ижро**	**ижро, %**	**режа**	**ижро**	**Ижро, %**	**режа**
I	Давлат бюджет харажатлари – жами	46 943,1	49 343,7	105,1	62 170,00	79736,1	128,3	107118,4
1	Ижтимоий соҳа харажатлари	24 028,2	27223,3	113,3	35034,0	42658,9	121,8	50334,1
	шундан:							
1.1.	Маориф	16 386,1	15979,6	97,5	19 504,3	20631,9	105,8	28394,3
1.2.	Соғлиқни сақлаш	6 882,9	7330,0	106,5	9 562,0	9585,8	100,2	12078,0
1.3.	Маданият ва спорт	481,1	750,2	155,9	1 165,4	1345,5	115,5	1690,1
1.4	Фан	278,1	275,5	99,1	389,3	441,1	113,3	801,0

2017-2019 йиллар давомида ижтимоий соҳа учун режалаштирилган маблағлар миқдоридаги ўзгаришларга эътибор берсак, бюджетнинг жами режалаштирилган харажатлари суммаси 2019 йилда 2017 йилгига нисбатан 2,28 баробарга, жами ижтимоий соҳа харажатлари миқдори эса 2,09 баробарга кўпайган. Ушбу харажатлар таркибида, таълим харажатлари миқдори 1,73 баробарга, соғлиқни сақлаш харажатлари миқдори 1,65 баробарга, фан харажатлари миқдори 2,88 баробарга ҳамда маданият ва спорт харажатлари миқдори эса 3,51 баробарга ошган. 2018 йилда режалаштирилган харажатлар ортиғи билан молиялаштирилганлигига ҳам гувоҳ бўлдик. 2020 йилги Давлат бюджети параметрлари қонун тарзида қабул қилинди. Давлат бюджет харажатлари соҳалар бўйича эмас, вазирлик ва идоралар бўйича режалаштирилади. Бу ўз навбатида бюджет маблағларининг сарфланиши устидан икки томонлама назорат: ҳам парламент аъзолари ва вазирлик ходимлари томонидан назорат қилишга олиб келиб, бюджет маблағларини иқтисод қилиб фойдаланишга олиб келади.

[66]Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти маълумотлари асосида

Z.S.Shoxo‘jaeva – QarMII Iqtisodiyot kafedrasi dotsenti, i.f.n.
L.T.Axmedov – QarMII 1-kurs magistranti

SUV XO‘JALIGI SOHASINI RIVOJLANTIRISHGA SARFLANAYOTGAN INVESTITSIYALAR SAMARADORLIGI

Annotatsiya: ushbu maqolada Qashqadaryo viloyati suv xo‘jaligi sohasiga sarflanayotgan investitsiyalar ko‘lami va samaradorligiga bag‘ishlangan taklif va tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlar: sug‘oriladigan yerlarning meliorativ holati, tomchilatib sug‘orish usullari, egatga plyonka to‘shab sug‘orish usuli, xorijiy investitsiyalar

Аннотация: В данной статье подробно рассматриваются объем и эффективность инвестиций в водное хозяйство Кашкадарьинской области.

Ключевые слова: Мелиорация орошаемых земель, методы капельного орошения, пленочное орошение, иностранные инвестиции

Abstract: This article discusses in detail the volume and effectiveness of investments in water sector of Kashkadarya region

Keywords: Land reclamation of irrigated lands, drip irrigation methods, film irrigation, foreign investment

Qishloq xo‘jaligi korxonalarini suv bilan samarali ta’minlash sug‘oriladigan dehqonchilikni yanada rivojlantirishning eng dolzarb muammolaridan biri hisoblanadi. Ilmiy tadqiqotlar va tahlillar natijalarining ko‘rsatishicha, sug‘oriladigan dehqonchilik bugungi kunda mamlakatimiz iqtisodiyot tarmoqlari ehtiyojlari uchun suv manbalaridan olinadigan butun suv miqdorining 90-92 foizini tashkil etadi. Qashqadaryo viloyatida 2018 yilda iqtisodiyot tarmoqlarini suv bilan ta’minlashda manbalardan 5439,8 mln.m3 suv olingan bo‘lsa, shundan qishloq xo‘jaligi ekinlarini sug‘orish uchun 5140,0 mln.m3 (94,4%), sanoatga 17,7 mln.m3 (0,3%), kommunal xo‘jaligiga 206,4 mln.m3 (3,8%), energetikaga 575,0 mln.m3 (10,6%), baliqchilikka 5,5 mln. m3 (0,1%) suv amalda sarf qilingan. Bu ko‘rsatkichlarni 2015 yil bilan taqqoslaganimizda manbalaridan olinayotgan suv miqdori 9,1 foizga, qishloq xo‘jaligiga sarflangan suv miqdori esa 13,41 foizga ko‘payganligini ko‘rish mumkin. Ta’kidlash joizki, viloyatning sug‘oriladigan yerlarini suv bilan ta’minlash uchun ichki va tashqi suv resurslari manbalari cheklangan. Shuning uchun ulardan faqat suv tanqisligi yillarida emas, balki suv ko‘p bo‘lgan yillarda ham tejamli foydalanish o‘ta dolzarb masala hisoblanadi. 2018 yilda suv manbalaridan jami amalda 6398,2 mln.m3 miqdorida suv olingan bo‘lib, bu ko‘rsatkich 2015 yilga nisbatan 1,7 martaga oshgan. 2015-2018 yilllarda manbalardan 5,3-5,7 mlrd.m3 suv olinib, uning 93-94 foizi qishloq xo‘jaligiga, 0,3-0,4 foizi esa sanoatga, 3,8-4,5 foizi esa kommunal xo‘jaligiga sarflangan. Tadqiqotlar natijasi shuni ko‘rsatadiki, 2015-2018 yillar davomida manbalardan olinayotgan suvning asosiy qismi, ya’ni 93-94 foizigacha qishloq xo‘jaligi sug‘orishiga sarf qilinmoqda.

Endi viloyatda paxta ekilgan maydonlarga berilgan suv miqdori va 1 tonna

paxtaga va g‘allaga sarflangan suv miqdori hamda olingan hosildorlik ko‘rsatkichlarini tahlil qilib chiqamiz va quyidagi jadvalda aks ettiramiz.

1-jadval

Qashqadaryo viloyati 2018 yil hosili uchun paxta maydonlarini sug‘orishga olingan suv va sug‘orilgan maydonlar to‘g‘risida ma’lumot

Tumanlar	2018 yil paxta hosili uchun							
	Ekilgan paxta maydoni, ga	Jami olingan suv, mln.m3	1 ga jami sarflan-gan suv miqdori, m3	Jami sug‘oril gan maydon, ga	Sug‘o-rish-lar soni, marta	Olingan paxta hosili, tonna	1 tonna paxtaga sarflanga n suv, m3/tonna	Hosil-dor-lik, s/ga
G‘uzor	9500	53,8	5663	28322	3,0	16495	3262	17,4
Qarshi	16000	99,0	6188	54238	3,4	49685	1993	31,1
Koson	24000	162,5	6771	80175	3,3	66498	2444	27,7
Qamashi	8600	53,4	6209	27917	3,2	25395	2103	29,5
Kitob		-						
Mirishkor	21800	150,2	6890	78546	3,6	54793	2741	25,1
Muborak	9550	63,8	6681	32322	3,4	23674	2695	24,8
Nishon	21100	130,3	6175	69486	3,3	51639	2523	24,5
Kasbi	21600	138,4	6407	70621	3,3	66219	2090	30,7
Chiroqchi	9700	67,5	6959	31945	3,3	20527	3288	21,2
Shahrisabz	4850	29,9	6165	17428	3,6	13814	2164	28,5
Yakkabog‘	6800	39,2	5765	22110	3,3	20365	1925	29,9
Jami	**153500**	**988,0**	**6436**	**513110**	**3,3**	**409104**	**2415**	**26,7**

Manba: Amu-Qashqadaryo irrigatsiya tizimlari havza boshqarmasi ma’lumotlari asosida tuzilgan.

Ushbu jadval ma’lumotlarini tahlil qilganimizda viloyatda jami 153500 gektar yerga paxta ekilgan bo‘lib, jami maydonlarni sug‘orish uchun 988,0 mln.m3 suv sarflanganligini, 1 gektar yerga esa 6435 m3 suv sarflanib, olingan hosildorlik 26,7 sentnerga teng bo‘lganligini ko‘rish mumkin.

Endi viloyatning g‘alla maydonlariga berilgan suv miqdori va olingan hosildorlik ko‘rsatkichlarini tahlil qilamiz va quyidagi jadvalda aks ettiramiz.

Viloyatning g‘alla ekilgan maydoni 2018 yilda 144200 gektar bo‘lib, ushbu maydonlarni sug‘orish uchun 1419,8 mln.m3 suv sarflangan. G‘alla maydonlarini o‘rtacha 5,5 marta sug‘orilib, o‘rtacha viloyat bo‘yicha hosildorlik 74,9 sentnerga teng bo‘lganligini jadval ma’lumotlari tahlilidan ko‘rish mumkin.

2-jadval

Qashqadaryo viloyatida 2018 yil hosili uchun g‘alla maydonlarini sug‘orishga olingan suv va sug‘orilgan maydonlar to‘g‘risida ma’lumot

Tumanlar	2018 yil g‘alla hosili uchun						
	Ekilgan g‘alla maydoni, ming.ga	Jami olingan suv, mln.m3	Jami sug‘origan maydon, ga	Sug‘orishlar soni, marta	Olingan g‘alla hosili, tonna	1 tonna g‘allaga sarflangan suv, m3/tonna	Hosildor-lik, s/ga
G‘uzor	9000	80,2	43838	4,9	65500	1224	72,8
Qarshi	14500	143,4	84359	5,8	105988	1353	73,1
Koson	18500	218,9	112465	6,1	130980	1671	70,8
Qamashi	10500	92,1	51967	4,9	82260	1119	78,3
Kitob	3500	26,1	16636	4,8	31725	824	90,6
Mirishkor	22500	230,2	130617	5,8	154958	1486	68,9
Muborak	9500	102,7	55839	5,9	64128	1602	67,5
Nishon	18550	186,8	106743	5,8	128732	1451	69,4
Kasbi	14500	161,9	90783	6,3	121159	1337	83,6
Chiroqchi	8800	76,3	39866	4,5	70825	1078	80,5
Shahrisabz	6350	45,8	28652	4,5	54984	834	86,6
Yakkabog‘	8000	55,3	33976	4,2	68613	806	85,8
Jami	**144200**	**1 419,8**	**795742**	**5,5**	**107985 2**	**1315**	**74,9**

Manba: Amu-Qashqadaryo irrigatsiya tizimlari havza boshqarmasi ma’lumotlari asosida tuzilgan.

Suvdan foydalanish samaradorligini oshirishda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2013- 2017 yillar davrida sug‘oriladigan yerlarning meliorativ holatini yanada yaxshilash va suv resusrlaridan oqilona foydalanish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-1958 sonliqarori muhim omil bo‘lmoqda. Unga ko‘ra, viloyatimizda 2018 yilda 840 gektar maydonda tomchilatib sug‘orish tizimi, 1600 gektar maydonda egatga plyonka to‘shab sug‘orish usuli hamda 995 gektar maydonda o‘q ariqlar o‘rniga ko‘chma egiluvchan quvurlar yordamida sug‘orish usullari joriy etilishi belgilanib, bu ko‘rsatkichlar amalda o‘z natijasini berdi. 2014 yili Soliq kodeksiga kiritilgan o‘zgartirishlarga asosan yuridik shaxslar yer uchastkasining qaysi qismida tomchilatib sug‘orishdan foydalanayotgan bo‘lsa, o‘sha maydon uchun tomchilatib sug‘orish tizimi joriy qilingan oydan boshlab besh yil muddatga yagona yer solig‘i to‘lashdan ozod etiladi. Suv xo‘jaligi sohasini rivojlantirishga davlat kapital mablag‘lari hisobidan yiliga qariyb 500,0 mlrd. so‘m, shuningdek ekspluatatsiya xarajatlari

uchun 1 trillion 700 mlrd. so‘m yo‘naltirilayotgani va uning miqdorini so‘ngi 10 yil davomida 5 barobarga ortganini e’tirof etish lozim. Shuningdek, takidlash lozimki ekspluatatsiyaga ajratilayotgan mablag‘larning 85 foizi energiya va boshqa resurslar xarajatlariga to‘g‘ri kelmoqda, bu esa suv inshootlarini joriy va to‘la ta’mirlash ishlarini bajarishda murakkablik tug‘dirmoqda. Bundan tashqari, sohaning muhimligidan kelib chiqqan holda davlat tomonidan chet el investitsiyalarini ham jalb etish ishlariga alohida e’tibor qaratilmoqda. Hozirda Jahon banki, Osiyo taraqqiyot banki, Islom taraqqiyot banki, Saudiya rivojlanish fondi, OPEK fondi, Quvayt fondi, Xitoy Xalq Respublikasi Eksimbanki kabi yirik moliya institutlari, shuningdek Yaponiya, Shveytsariya, Germaniya va boshqa davlatlarning Xalqaro hamkorlik tashkilotlari va agentliklari kabi donorlarning investitsiyalari ishtirokida yirik loyihalar amalga oshirilmoqda. So‘nggi 10 yil mobaynida sohaga umumiy qiymati qariyib 1,5 mlrd. AQSH dollarga teng bo‘lgan investitsiya mablag‘lari jalb etildi. Bizga ma’lumki, viloyatning asosiy sug‘oriladigan qishloq xo‘jaligi ekinlari Amudaryodan olinayotgan suv bilan sug‘oriladi. Amudaryodan olinayotgan suv KMK kaskad nasos stansiyalari orqali olinishi va juda katta xarajatlar evaziga olinganligi sababli 1 m3 suvning tannarxi 2018 yilda o‘rtacha 115 so‘m 50 tiyinni tashkil qildi. Sug‘oriladigan yerlarning meliorativ holatini yaxshilash davlat Dasturini bajarishda Osiyo taraqqiyoti banki ishtirokida “Buxoro, Navoiy va Qashqadaryo viloyatlarida yerlarning meliorativ holatini yaxshilash‖ loyihasi” doirasida 2 ta yildan-yilga o‘tuvchi obyektda 91,7 km uzunlikda 5161,4 mln.so‘mlik rekonstruksiya qilish ishlari, ya’ni 5161,4 mln.so‘mlik ishlar amalga oshirildi. Xalqaro taraqqiyot uyushmasi ishtirokida esa “Qishloq xo‘jaligi korxonalarini qo‘llab-quvvatlash 2-bosqichining 3-ta loyihasi” bo‘yicha 1993,3 mln.so‘mlik ishlar bajarilishi rejalashtirilib, 2018 yilning oxirigacha 2048,3 mln.so‘mlik yoki yillik rejaga nisbatan 103 foiz ishlar amalga oshirildi.

Respublikamizda qolaversa viloyatimizda ham suv resurslari miqdori chegaralanganligini hamda iqtisodiyotimiz tarmoqlarida suv resurslarining o‘ta muhimligini hisobga olib, ulardan yanada tejab-tergab foydalanish, suvni tejovchi texnologiyalardan samarali foydalanish, qishloq xo‘jaligi sug‘orish tizimida zamonaviy texnika va texnologiyalarni keng joriy etishni yanada takomillashtirish bo‘yicha quyidagi takliflarni bildiramiz:

- O‘zbekiston Respublikasi fan va texnalogiyalarni rivojlantirish markazi tomonidan ustuvor ilmiy yo‘nalish sifatida suv resurslarini oqilona boshqarish va ulardan samarali foydalanish, zamonaviy sug‘orish texnologiyalarini yaratish va joriy qilish bilan bog‘liq ilmiy-tadqiqot ishlarini belgilash;
- Zamonaviy suvni tejovchi sug‘orish texnologiyalari qo‘llanilgan fermer xo‘jaliklari uchun ushbu tizimni samarali ishlashini ta’minlash maqsadida loyihalar doirasida mutaxassislarni o‘qitish tizimini joriy qilish;
- Mahalliy ijro etuvchi hokimiyatlar tomonidan chiqariladigan qarorlarni davlat miqyosida o‘rnatilgan tartibga qa’tiy rioya qilinishiga erishish;

- Tomchilatib sug‘orish va suv tejovchi boshqa sug‘orish tizimlarini joriy qilish Davlat dasturini shakllantirishda mahalliy tabiiy sharoitlarga katta e’tibor qaratish;
- Davlat dasturi doirasida joriy etiladigan tomchilatib sug‘orish tizimi va suvni tejaydigan boshqa sug‘orish texnologiyalari uchun butlovchi qismlarni ishlab chiqaruvchi ixtisoslashtirilgan tashkilotlarga deklaratsiya qilingan narxlar bo‘yicha polietilen granula ajratish tartibini soddalashtirish;
- Suvni tejovchi sug‘orish texnologiyalari afzalliklarini targ‘ib qilishni kuchaytirish;
- Qashqadaryo viloyati iqtisodiyot tarmoqlarida investitsiyalarning moliyaviy ta’minlanganlik darajasi yuqori bo‘lgan sohalaridan kapital mablag‘lar yetishmaydigan qishloq xo‘jaligi sohalariga yo‘naltirilishining samarali bozor mexanizmlarini yaratish;
- Investitsiyalarni jalb etishning tashkiliy shakllarini takomillashtirish;
- Sohaga ajratiladigan mablag‘lar miqdorini belgilashda suv xo‘jaligi obyektlarini joriy va kapital ta’mirlash ishlari hissasiga a’lohida e’tibor qaratish.

Ш.Ш.Файзиева – ҚарМИИ "Иқтисодиёт" кафедраси доценти
З.Б.Нусратова – ҚарМИИ 1-курс магистранти

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ЭТИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Аннотация: ушбу мақолада тадбиркорлик фаолияти давлат инвестицион стратегиясини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тизими, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг хориж тажрибаси, ушбу соҳа фаолияти бўйича хулосалар чиқарилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик, кичик бизнес, хорижий тажрибалар, инвестициялар,инвестор.

Аннотация: в данное статье приводятся система мер по реализации стратегии государственных инвестиций, зарубежный опыт развития малого бизнеса и предпринимательства, а также выводы, по деятельности в данной сфере.

Ключевые слова: предпринимательство, малый бизнес, зарубежный опыт, инвестиции, инвестор.

Abstract: The article describes the measurement system of the investment policies to implement the strategy of public investment, foreign experience in the development of small business and entrepreneurship, as well as the conclusions drawn from the results of research on activities in this area.

Keywords: entrepreneurship, small business, foreign experience, investments, investor.

Бугунги жаҳон хўжалигидаги глобаллашув мамлакатимизда инвестиция муҳитини ривожлантириш ва инвестицияларни жалб этиш ҳамда уларни самарали тақсимлашда ўзгача ёндашувларни талаб этмоқда. Бизга

маълумки, ҳеч бир мамлакат аввал барча инвестицион маблағларни жалб қилиб, кейин уни тақсимлашни ташкил этмайди. Чунки, бу ҳолат инвестор учун қониқарли ҳисобланмайди. Давлат жалб этилган инвестицияларни тақсимлашни ташкил этишни оқилона солиқ сиёсати ва турли имтиёзлардан фойдаланган ҳолда амалга оширади. Шунингдек, инвестиция маблағларини самарали тақсимлаш юзасидан келиб чиқиб, давлат хорижий инвесторга инвестицион лойиҳаларни таклиф этади. Қолаверса, ушбу жараённинг Давлат инвестиция дастури доирасида амалга оширилиши бу борада давлат стратегик мақсадларни кўзлаб ҳаракатланаётганлигини кўрсатади. Бунда давлат инвестиция сиёсатининг таъсирчан воситалари нисбатан чекланганлиги сабабли муайян вазиятларда қайси жараён самарали, қайсилари самарасиз эканлигини билиш қийин. Бу фаолиятдан қандай натижага эришилишига қараб, давлат жалб этилган инвестицияларни тақсимлашда қанчалик самарага эришганлигини кўриш мумкин бўлади.

Бу фаолиятни ташкиллаштириш асосан мамлакатдаги иқтисодий сиёсат, солиқ қонунчилиги, инвестицияни жалб қилиш инфратузилмасининг ривожи ва мамлакат иқтисодий аҳволига боғлиқ.

Мамлакатимизда янги солиқ сиёсати доирасида иш ҳақига солиқ юки 1,5 баробарга камайтирилди. Натижада, расмий секторда ишлаётганлар сони йил давомида 500 мингтага кўпайди.

Қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга туширилди. Бунинг ҳисобидан ўтган йили солиқ тўловчилар ихтиёрида 2 триллион сўм қолди.

Жорий йилда бу рақам 11 триллион сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

Бир йилда тадбиркорлар ихтиёрида шунча маблағ қолиши, албатта уларга ўз бизнесларини ривожлантириш учун жуда катта қўшимча имкониятлар яратади.

Давлат инвестицион стратегиясини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тизимини ва инвестицион тактикани қўллаш билан мезодаража ва макродаражада фаолиятни ташкил этиш орқали самарадорликка эришишни кўзлайди.

Мезодаража фаолиятда (ҳудудлар ва тармоқлар) – иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларни ривожлантириш, истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун йўналтирилган мақсадли инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш орқали тақсимлаш амалга оширилади.

Макродаража фаолиятда – давлат инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, маблағлардан самарали фойдаланиш, истиқболли тармоқлар ва ҳудудларни қўллаб-қувватлаш учун чора-тадбирларни амалга ошириш, жумладан, жалб этилган инвестициялардан оқилона фойдаланишни кўзда тутади.

Бугунги кунда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида турли тармоқлар ва соҳаларни модернизация қилиш, таркибий ислоҳотлар ҳамда инвестиция сиёсатининг устувор йўналишларини белгилашда давлатнинг роли сақланиб қолмоқда. Бунда давлат мавжуд муаммоларни ҳал этиш ва жалб қилинган инвестицияларни самарали тақсимлашни янада такомиллаштириш юзасидан бош ислоҳотчи сифатида иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномасида таъкидланганидек: “Тадбиркорликни кенг ривожлантириш ва бу соҳа учун янги шароитлар яратишга, барча имкониятларимизни сафарбар этаяпмиз.

“Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида ўз бизнесини бошлаётган оилаларга 5,9 триллион сўм кредитлар ажратилди.”[67]

Ҳозирги пайтда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти нафақат мамлакатимизда, балки дунёнинг ривожланган давлатларида ҳам иқтисодиётнинг энг муҳим секторларидан бири бўлиб қолмоқда. Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш асосий устувор вазифалардан бири сифатида белгиланиб, бунда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини кўпайтириш ҳамда тадбиркорлар фаолиятида дуч келадиган турли тўсиқларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунга сабаб сифатида ушбу сектор янги ишлаб чиқаришларни тезкор ташкил этишини ва шу асосда янги иш ўринлари яратишини ҳамда инновацион фаолликка мослашувчанлигини келтиришимиз мумкин. Хориж тажрибаси билан танишадиган бўлсак, ҳозирги кунда АҚШда иновацияларнинг 55 фоизи ва янги иш ўринларининг қарийб s қисми кичик бизнес ва тадбиркорлик секторида яратилмоқда.

АҚШ ва Европа Иттифоқи давлатларида тадбиркорлик фаолиятини бошлашда янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича мезонлар ишлаб чиқилган бўлиб, бунга кўра АҚШ микротадбиркорлик субъектларида 20 тагача иш ўрни, кичик тадбиркорлик субъектларида эса 21-100 тагача иш ўрни яратиш мумкин. Шунингдек, Европа Иттифоқи давлатларида микротадбиркорлик субъектларида 10 тагача иш ўрни, кичик тадбиркорлик субъектларида эса 11-50 тагача иш ўрни яратиш мумкинлиги белгилаб берилган.

Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва ривожлантирилиши ижобий самара келтиради. Шу сабабли дунёнинг кўпгина давлатларида ушбу соҳани қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ихтисослаштирилган давлат органлари ва ташкилотлари ташкил

[6767] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь

этилган. Кичик ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рақобат муҳитини шакллантириш бўйича жаҳон тажрибаси бой ва хилма хил бўлса-да, улар бир-биридан ушбу жараённи амалга ошириш механизми, усуллари ва воситалари билан фарқ қилади. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда иқтисодиётда рақобат муҳитини сақлаб қолиш ва рақобат механизмининг самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида кичик ва хусусий тадбиркорлик учун қулай макроиқтисодий муҳит яратилиши билан бирга, унга давлат томонидан турли хил ёрдамлар кўрсатилади. Мазкур тажрибани ўрганиш, унинг ижобий томонларидан мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда самарали фойдаланиш бугунги кунда энг долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатлар, энг аввало, АҚШ, Япония ва Германия рақобатбардошликка эришиш масаласини ўз мамлакатларининг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда турлича ҳал қиладилар. Ривожланган мамлакатлар ҳукуматларининг ушбу соҳадаги фаолиятларининг умумий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий воситалардан фойдаланиш асосида рақобатбардошлик даражасини ошириш бўйича ягона давлат сиёсатини юритиш;

– саноатнинг устувор тармоқларини қўллаб-қувватлаш ва саноат мажмуасидаги таркибий ўзгаришларга таъсир кўрсатиш;

– миллий товар ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва ички бозорни ҳимоялаш, шу жумладан, миллий ишлаб чиқарувчиларни маркетинг воситасида қўллаб-қувватлаш;

– бозор инфратузилмаси ривожланишига ёрдам кўрсатиш.

Президентимиз таъкидлаганидек: “Ислоҳотларимиз натижасида ўтган йили 93 мингта ёки 2018 йилга нисбатан қарийб 2 баробар кўп янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди.

Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” рейтингида 7 поғона кўтарилиб, бизнесни рўйхатга олиш кўрсаткичи бўйича дунёнинг 190 та давлати орасида 8-ўринни эгалладик ва энг яхши ислоҳотчи давлатлар қаторидан жой олдик. Шунингдек, 86 та давлат фуқароларига визасиз ва 57 та давлат фуқароларига соддалаштирилган виза режими жорий этилиши натижасида ўтган йили юртимизга 6,7 миллион нафар хорижий сайёҳ ташриф буюрди.”[68]

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, жаҳон хўжалигидаги ривожланган давлатларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширган тажрибасини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш ҳамда уни мамлакатимизда татбиқ этиш, соҳани янада кенгайтиришга ва мустаҳкамлашга асос бўлади. Шунингдек,

[68] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь

мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, улар фаолиятини ривожлантириш бўйича ихтисослаштирилган орган ёки кенгайтирилган ваколатларга эга ташкилотни, яъни агентлик, департамент ташкил этиш ушбу сектор фаолиятини янги даражага олиб чиқиши мумкин деб ўйлаймиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида инвестициялар жалб этишнинг самарадорлигини ошириш орқали маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва хизмат кўрсатишни яхшилаш, экспорт ҳажмини кўпайтириш, натижада тадбиркорлар даромадини оширишга эришиш имконияти ошади.

С.Н.Хамраева – ҚарМИИ доценти, и.ф.н.,
Г.О.Ҳужанова – ҚарМИИ “магистранти

ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация: мазкур мақолада Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда инвестицияларнинг тўтган ўрни ва аҳамияти ёритилган. Шунингдек, кейинги йилларда киритилаётган инвестицияларнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсиманиши таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: инвестиция, рақобатбардош, саноат тармоқлари, қайта ишлаш.

Аннотация: в данной статье подчеркивается роль и значение инвестиций в развитии экономики Узбекистана. Также анализируется распределение инвестиций в последние годы по секторам экономики.

Ключевые слова: инвестиция, конкурентоспособный, промыш-ленность, переработка.

Abstract: This article emphasizes the role and importance of investment in the development of the economy of Uzbekistan. The distribution of investments in recent years by sectors of the economy is also analyzed.

Keywords: investment, competitive, industry, processing.

Жаҳонда техника тараққиёти ва инновацияларга асосланган ишлаб чиқаришни ривожлантириш, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш ва барқарор ривожланишни таъминлаш орқали кўпроқ сифат кўрсаткичларига эришишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу муносабат билан тараққий этган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги инвести-цияларга бўлган талабни ўсиши, халқаро инвестиция оқимларини тартибга солишнинг хуқуқий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга, мамлакат иқтисодиётига инвестицияларни фаол жалб этиш орқали инновацион иқтисодиётни жадал ривожлантиришга бағишланган мақсадли илмий изланишлар янада жадаллашмоқда.

“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш-нинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”

инвестицион муҳит жозибадорлигини ошириш, унда бизнесни юритиш учун шартшароитларни яратиш масалаларига катта аҳамият берилиши билан тавсифланувчи янги босқични бошлаб берди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 январдаги “Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5643-сон фармонига асосан Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ташкил этилди. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестицион фаолият тўғрисида”ги қонун ҳужжатларига Қонунчилик Палатаси томонидан 2018 йил 26 июнда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонунига асосан қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Бу янги таҳрирдаги қонун Ўзбекистонда инвестицияларни иқтисодиётнинг реал секторига жалб қилишнинг бутунлай янги иқтисодий механизми бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий мажлисга Мурожаатномасида 2020 йил ва кейинги йилларда иқтисодиёт соҳасида амалга ошириш зарур бўлган дастурий ва мақсадли вазифалардан бири сифатида “иқтисодиётни юқори суръатлар билан ривожлантириш учун фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш зарур”лиги белгиланди[69].

Таҳлилларга кўра, “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида асосий капиталга инвестициялар ҳажми кескин ошиб, ўтган йилга нисбатан 133,9 фоизни ташкил этди. Инвестицияларни молиялаштириш манбалари бўйича, 2019-йилда марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан молиялаштирилган асосий капиталга инвестицияларнинг улуши ўтган йилнинг мос давридаги улушига нибатан 3,1 фоизга камайиб, 26,6 фоизни ёки 50686,8 млрд. сўмни[70] ташкил этди.

Шунингдек, инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 37 фоизга етди Иқтисодиётга йўналтирилган инвестицияларнинг тармоқ таркибининг ўзгариши ЯИМдаги таркибий ўзгаришлар ўз аксини топади. 2005-2018 йилларда энг юқори ўсиш қурилиш ва саноатда кузатилди. Хусусан, 2005 йилда унинг улушига саноат мақсадидаги барча инвестицияларининг 33,9 фоизи тўғри келган бўлса 2018 йилга келиб ушбу мажмуага инвестициялар умумий ҳажмининг 68,7 фоизи йўналтирилган. Республикамизни инновацион иқтисодиётга ўтиш мақсади вазифаларидан келиб чиқиб, инвестицияларни инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи машинасозлик, химия ва нефть, озиқ-овқат ва фан сиғимкор тармоқларга йўналтиришда устуворлик бўлиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

2019 йилдаги статистик маълумотларга кўра, асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркибида қайта ишлаш саноати етакчилик қилмоқда. Ушбу тармоқда жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 51433,3 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга

[69] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 24.01.2020 йил.
70 Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

киритилган инвестицияларнинг 27,1 фоизи ўзлаштирилган. Унинг таркибида энг кўп инвестициялар ўзлаштирилган 3 та фаолият турлари (1-расм) қуйидагилар:

- тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10719,0 млрд. сўм (жами асосий капиталга инвестициялардаги улуши 5,6 %);
- бошқа нометал минерал маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8981,7 млрд. сўм (4,7 %);
- металлургия саноати 8956,9 млрд. сўм (4,7 %).



1-расм. Қайта ишлаш саноат тармоғида инвестицияларнинг тақсимсланиши.

Ўзбекистон Республикаси бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркибида машина, ускуна ва инвентарларга инвестициялар 93367,7 млрд. сўм ўзлаштирилган бўлиб, жами инвестицияларнинг 49,2 фоизни ташкил этди, қурилиш монтаж ишлари бўйича 82339,0 млрд. сўм (жами инвестицияларфаги улуши 43,3 фоиз) ва бошқа харажатларга 14217,6 млрд. сўм (7,5 фоиз) ўзлаштирилди.

Ҳудудлар кесимида жами асосий капиталга инвестициялар ҳажмида қурилиш-монтаж ишларининг улуши бўйича энг юқори кўрсаткич Сурхондарё вилоятида кузатилди – 61,8 фоиз ёки 7562,7 млрд. сўм. Қурилиш-монтаж ишларининг улуши бўйича энг қуйи даража Жиззах вилоятида кузатилиб, 32,2 фоизни ёки 2546,7 млрд. сўмни ташкил этди ва мос равишда, ушбу ҳудудда машина, ускуналар ва инвентарларга харажатлар бўйича энг юқори кўрсаткич – 65,5 фоиз ёки 5189,6 млрд. сўм кузатилди.

Ушбу ҳолат иқтисодиётга сарфланаётган инвестицияларни асосий фондларни замонавийлаштириш, тўла янгилашга сарфлаш ва самарадорлигини ошириш имконини беради. Демак, мамлакатимизда таркибий ўзгаришлар ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларининг давом эттирилиши барқарор ва мутаносиб иқтисодий ўсишни таъминлаш, миллий иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш ҳамда жадал тараққиётга эришишнинг муҳим омили сифатида намоён бўлмоқда

С.С. Алиева – к.э.н., и.о. доцента СамИЭС

ФИНАНСОВАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ В УСЛОВИЯХ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

Аннотация: в статье рассматриваются вопросы финансовой безопасности в условиях цифровой экономики, показаны положительные и отрицательные черты цифровизации экономики. Освещается влияние цифровых технологий на финансовую безопасность, характеризуются ключевые риски цифровой экономики. Сформирован вывод о расширении уровня развития цифровой экономики в нашей стране, а также для снижения воздействия рисков, возникающих в связи с развитием цифровой экономики.

Ключевые слова: цифровая экономика, финансовая безопасность, защищенность финансовых интересов, защита информации, информационные технологии.

Аннотация. Мақолада рақамли иқтисодиётнинг молиявий хавфсизлиги, иқтисодиётни рақамлаштиришнинг ижобий ва салбий томонларини кўрсатадиган муаммолар муҳокама қилинди. Рақамли технологияларнинг молиявий хавфсизликка таъсири таъқидланган, рақамли иқтисодиётнинг асосий хавфлари тавсифланган. Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш даражасини кенгайтириш, шунингдек, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш билан боғлиқ хавф-хатарларнинг таъсирини камайтириш бўйича хулоса чиқарилди.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, молиявий хавфсизлик, молиявий манфаатлар хавфсизлиги, ахборот хавфсизлиги, ахборот технологиялари.

Abstract: The article discusses the issues of financial security in the digital economy, showing the positive and negative features of the digitalization of the economy. The influence of digital technologies on financial security is shown; the key risks of the digital economy are characterized. The conclusion is made on expanding the level of development of the digital economy in our country, as well as to reduce the impact of risks arising from the development of the digital economy.

Keywords: digital economy, financial security, security of financial interests, information security, information technology.

Стремительно развивающаяся цифровая экономика меняет качество и количество услуг, предоставляемых в экономической и социальной сферах жизни общества. Развитие цифровых услуг в финансовой сфере дает возможность сделать финансовые услуги более доступными, увеличить их количество, ускорить в несколько тысяч раз, сэкономить большое количество времени и потратить как можно меньше ресурсов на саму услугу. Однако, получение тех или иных цифровых услуг предполагает ввод в общественные электронные сети личных данных, в том числе, характеризующих финансовое состояние пользователя, и не всегда, электронные сети могут обеспечить их безопасность – оградить их от доступа лиц, намеревающихся использовать их не только не по назначению, но и с негативными, иногда катастрофическими последствии-

ями для владельца информации.

Увеличивающийся разрыв в цифровизации между разными странами, создает опасность еще большего отставания одних стран от других, и делает первые еще более уязвимыми, в том числе, с финансовой точки зрения. Кроме того, достигший невероятного развития рынок цифровой валюты, также, на наш взгляд, может оказать негативное влияние на национальные валюты многих стран.

Для переосмысления стратегии развития финансовой политики с аспекта цифровизации и будущих масштабов глобализации необходим комплексный подход к реализуемой финансовой политике, новым технологиям, укрепление партнерства и больше научных исследований в данной области.

Необходимо наличие большего количества мер, направленных на обеспечение финансовой безопасности национальных экономик от внешних и внутренних угроз, при которых обеспечивается экономический суверенитет страны, единство ее экономического пространства, условия для реализации стратегических национальных приоритетов.

Именно поэтому, Президент нашей страны Ш.М. Мирзиёев, выступая с Посланием Олий Мажлису, отметил необходимость скорейшей разработки программы «Цифровой Узбекистан – 2030»[71], в которой будут определены цели и задачи развития Узбекистана в данной области.

При этом он отметил, что «формирование цифровой экономики потребует соответствующей инфраструктуры, огромных средств и трудовых ресурсов. Но, как бы ни было трудно, мы обязательно должны уже сегодня приступить к этой работе, иначе завтра будет поздно. Поэтому ускоренный переход на цифровую экономику станет нашей приоритетной задачей на следующие пять лета[72].

Финансовую безопасность характеризует ряд показателей, в их числе темпы инфляции, государственный долг, золотовалютные резервы, показатели государственного долга, дефицита бюджета и международных резервов[73]. Для обеспечения финансовой безопасности имеют значение не сами показатели, а их пороговые значения. Наибольший уровень безопасности достигается тогда, когда вся система показателей находится в пределах допустимых им норм, а лимитированные значения одного показателя достигаются не за счет искажения других. В табл. 1 приведены показатели, характеризующие финансовую безопасность Республики Узбекистан.

[71] Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису / Народное слово №19 (7490) от 25.01.2020 г. – С.2

[72] Там же.

[73] Кучеров И.И., Поветкина Н.А., Акопян О.А. и др. Институты финансовой безопасности. Монография. М.: ИНФРА-М: Институт законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации; 2018. 246 с. – С.28

Таблица 1

Показатели финансовой безопасности Республики Узбекистан за период 2015–2019 гг.

Показатель	2016	2017	2018	2019
Дефицит (–), профицит (+) государственного бюджета, в % к ВВП[74]	0,1	0,1	-0,2	-1,2[75]
Ключевая ставка Центрального Банка, %[76]	9	9; 14	14; 16	16
Чистые золотовалютные резервы, в млн. долл. США[77]	25 188,3	26 567,5	26 394,1	26 999,9
Уровень инфляции, %[78]	5,7	14,4	14,3	15,2[79]
Широкая денежная масса (М2)[80], млрд. сум.	50 227,0	70 816,0	80 165,0	91 266,0
Соотношение денежной массы и ВВП	25,2	28,4	19,7	17,4
Государственный долг, в % к ВВП[81]	11,6	18,5	23,7	25,8[82]
Количество кредитных организаций на конец года[83]	х	8 891	8 535	8 172

На основании данных табл. 1 можно сделать вывод о том, что финансовая безопасность Республики Узбекистан находится в достаточно неплохом положении, а именно то, что на фоне не малого уровня инфляции и высокого размера золотовалютных резервов, наблюдается профицит и незначительно отрицательная динамика дефицита бюджета.

[74] По данным Министерства Финансов рУз. www.mf.uz [Электронный ресурс]. Дата обращения 20.12.2019 г.

[75] Рассчитано автором по данным аналитического обзора Центрального банка РУз «Основные тенденции социально-экономического развития Республики Узбекистан в 2019 году

[76] По данным Центрального банка РУз. www.cbu.uz. [Электронный ресурс]. Дата обращения 20.01.2020 г.

[77] Там же.

[78] По данным Государственного комитета РУз по статистике. www.stat.uz. Дата обращения 03.01.2020 г.

[79] По данным Центрального банка РУз. www.cbu.uz. [Электронный ресурс]. Дата обращения 20.01.2020 г.

[80] Широкая денежная масса (М2), рассчитана на основе данных об обязательствах в разделах по центральному банку и другим депозитным организациям (коммерческие банки), согласно с концепциями и определениями «Руководства по составлению денежно-кредитной и финансовой статистики» МВФ 2016 года (РСДФС 2016). М2 включает наличные деньги в обращении (вне банковской системы), переводные, сберегательные и срочные депозиты в национальной и иностранной валюте других финансовых организаций, государственных нефинансовых организаций, частного сектора и физических лиц (кроме депозитов, не включаемых в состав денежной массы согласно РСДФС 2016). М2 также включает долговые ценные бумаги, выпущенные другими депозитными организациями. Долговые ценные бумаги представляют собой сберегательные и депозитные сертификаты, хранимые другими других финансовых организаций, государственных нефинансовых организаций, частного сектора и физических лиц.

[81] По данным Министерства Финансов РУз. Бюджет для граждан 2019. www.mf.uz. [Электронный ресурс]. Дата обращения 10.12.2019 г.

[82] По предварительным данным Министерства Финансов РУз. Ожидаемые макроэкономические показатели на конец 2019 года www.mf.uz [Электронный ресурс]. Дата обращения 20.12.2019 г.

[83] По данным Центрального банка РУз. www.cbu.uz. [Электронный ресурс]. Дата обращения 20.01.2020 г.

Однако стоит принимать меры, направленные на недопущение увеличения государственного долга, а также снижение инфляции, что и реализуется на данный момент Центральным банком Республики Узбекистан при помощи проведения жесткой кредитно-денежной политики и введения с 1 января 2020 года основной ставки Центрального банка, и процентного коридора по денежно-кредитным операциям, в соответствии с решением правления Центрального банка. При этом основная процентная ставка установлена на уровне текущей ставки рефинансирования Центрального банка – 16%, процентный коридор в размере ± 1 процентный пункт.

Развитие цифровых технологий влияет на все сферы человеческой деятельности, в том числе и на финансовую сферу. Необходимо отдельно отметить положительное воздействие цифровых услуг на уровень комфорта жизни населения, и ее качество – повышение покупательной способности населения, доступность и качество социальной сферы, имеющей большое значение для любого человека, новые возможности трудоустройства, заработка, получение своевременной полезной информации, самообразование и т.д., что в конечном итоге, обязательно положительно скажется на национальной финансовой безопасности страны.

Однако, несмотря на несомненные преимущества, цифровые технологии несут с собой опасность, негативно влияющую на финансовую безопасность. Финансовая безопасность представляет собой защищенность финансовых интересов на всех уровнях финансовых отношений[84].

К преступлениям в области цифровой экономики можно отнести действия, совершенные с использованием информационных технологий, например разработка и распространение компьютерного вируса, несанкционированный доступ и использование в личных целях конфиденциальной информации, а также подделка информации.

Из-за таких действий отдельных лиц существенно повышаются риски утечек информации, что требует повышения уровня защиты[85], финансирования проектов, направленных на обеспечение информационной безопасности, как отдельных хозяйствующих субъектов, так и государства в целом.

Для расширения уровня развития распространения цифровой экономики в нашей стране, а также для снижения воздействия рисков, возникающих в связи с развитием цифровой экономики, необходимо плодотворное активное сотрудничество государства и хозяйствующих

[84] Каранина Е.В. Финансовая безопасность (на уровне государства, региона, организации, личности). Монография. Киров: ФГБОУ ВО «ВятГУ»; 2015. – С. 19

[85] Фаресова А.Р. Корпоративные ресурсы в системе обеспечения экономической безопасности страны. Экономическая безопасность: концепция, стандарты. Материалы международной научно-практической конферен- ции 27 апреля – 4 мая 2014 г. в г. Будва (Черногория): сборник научных трудов / под общ. ред. проф. Л.Н. Родионовой. – М :Издательство «Русайнс», 2014. – С.57.

субъектов, научно-исследовательских организаций. Основными направлениями обеспечения финансовой безопасности в условиях цифровой экономики являются:

- инновационное развитие информационных технологий, а также совместные программные продукты с учеными стран мира;
- разработка инновационных средств защиты информации и электронных сетей с помощью повышения качества продуктов защиты информационных технологий;
- совершенствование законодательства, регламентирующего цифровую экономику и информационные сети;
- при разработках программного обеспечения важно учитывать степень их защиты и обеспечивать обновление этой защиты, так как с совершенствованием информационных технологий совершенствуются и вредоносное программное обеспечение;
- необходимы согласованные действия всех участников цифрового пространства, а также прозрачное регулирование, направленное на обеспечение стабильности финансовой системы и содействие развитию инноваций.

Следовательно, в условиях активного развития цифровой экономики и современных информационных технологий каждый человек и общество в целом может не только эффективно пользоваться благами цифровизации, но и испытать их негативное, порой катастрофическое влияние, поэтому вопрос обеспечения финансовой безопасности в современных условиях, становится не менее важным, чем сама цифровизация. Глобализация национальных экономик, тесное переплетение деятельности финансовых институтов разных стран, технологические преобразования, которые происходят сейчас, уже оказывают основательное воздействие на финансовую область деятельности каждого государства и создают новые угрозы финансовой безопасности. Возможность рационально воздействовать и нивелировать риски, связанные с применением современных электронных технологий и воздействующих на финансовую систему, является одним из значимых факторов финансово-экономического роста, как отдельных хозяйствующих субъектов, так и государства в целом.

Д.М.Маликова – ассистент СамИЭС
Ф.О.Меликова – студентка СамИЭС

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ КОРПОРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ В КОММЕРЧЕСКИХ БАНКАХ

Аннотация: в данной статье рассматриваются цели и задачи корпоративного управления, его роль в деятельности коммерческих банках, также проанализированы проблемы корпоративного управления в банковской системе, и предложены мероприятия по совершенствованию системы корпоративного управления в коммерческих банках.
Ключевые слова: коммерческие банки, корпоративное управление, акционеры, вкладчики, устойчивость банковской системы
Аннотация: Мақолада корпоратив бошқарувнинг мақсади ва вазифалари, тижорат банклари фаолиятида унинг ўрни кўриб чиқилган, шунингдек банк тизимида корпоратив бошқарувнинг муаммолари таҳлил қилинган ва тижорат банкларида корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар келтирилган.
Калит сўзлар: тижорат банклари, корпоратив бошқарув, акционерлар, омонатчилар, банк тизими барқарорлиги
Abstract: The paper discusses the goals and objectives of corporate governance, its role in the activities of commercial banks, the paper also analyzes the problems of corporate governance in the banking system, and suggests measures to improve the corporate governance system in commercial banks.
Keywords: commercial banks, corporate governance, shareholders, investors, banking system sustainability

В Узбекистане в последние годы уделяется большое внимание внедрению принципиально новых, эффективных форм и методов корпоративного управления, приведение их в соответствие с меняющейся ситуацией в мире. Об этом и свидетельствует, Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года за №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», которым определено продолжение внедрения современных международных стандартов и методов корпоративного управления, усиления роли акционеров в стратегическом управлении предприятиями. Наряду с этим, все большее количество отечественных компаний в разной степени демонстрирует свою приверженность принятым в международной практике принципам корпоративного управления. Неизбежно растет и число лиц, вовлеченных в данную сферу.

Финансовые институты играют важную роль в развитии предпринимательства, сохранении экономической и социальной стабильности в обществе и поддержании международного авторитета государства. Банки являются одним из основных финансовых посредников

в экономике. И одним из эффективных способов повышения устойчивости и надёжности финансово-банковской системы является совершенствование системы корпоративного управления.

Главной целью и задачей перспективного развития корпоративного управления, банковской системы является:

- декларирование стремлений и намерений, а не жесткая регламентация;
- описание действующей в банке системы корпоративного управления;
- взгляд на перспективу, а не формальное отражение текущей системы корпоративного управления;
- принципы, которыми руководствуются органы управления банка в развитии системы корпоративного управления;
- системный подход с акцентом на взаимодействие элементов системы корпоративного управления;
- систематизация внутренних документов, регулирующих работу системы корпоративного управления;
- направленность на аудиторию – акционеры, вкладчики, инвесторы, сотрудники и партнеры.

Коммерческие банки, безусловно, являются особым видом организаций, отличающимся от предприятий реального сектора экономики и иных финансовых организаций, что, естественно, обусловливает специфические проблемы их корпоративного управления.

На сегодняшний день существует ряд проблем корпоративного управления в банковской системе:

- недостаточная организация корпоративного управления;
- различия в информации о банке, представленной в корпоративных источниках и рыночной оценке;
- непрозрачность управления банком;
- незнание и несоблюдение сотрудниками банков требований Кодекса профессиональной этики банкира;
- неполноценное управление риском.

Данные проблемы решаются путем следования общепризнанным международным тенденциям в совершенствовании корпоративного управления в коммерческих банках.

1. Повышение актуальности задач совершенствования корпоративного управления в коммерческих банках. Банкам, прежде всего, требуется построение внутрибанковской системы управления, позволяющей своевременно и в полной мере контролировать весь спектр сделок, совершаемых множеством подразделений и филиалов в целях повышения эффективности деятельности банка. Небольшим банкам, особенно региональным, в первую очередь, требуется построение

эффективной системы управления, повышающей конкурентноспособность на рынке банковских услуг.

2. Развитие систем бюджетирования, планирования, контроля и управления рисками. Практически во всех отечественных коммерческих банках функционирует отдел Управления финансовыми рисками, в обязанности которого возложено эффективное управление рисками, при этом построение эффективной системы невозможно без использования автоматизированных систем управления.

3. Активизация работы по созданию условий для привлечения денежных средств вкладчиков. Банки, стремительно увеличивающие за последние годы размер депозитов населения, начинают приходить к пониманию того, что одним из наиболее важных аспектов корпоративного управления является защита интересов вкладчиков.

4. Принятие больших усилий по обеспечению повышения прозрачности представляемой отчетности. Обеспечение прав заинтересованных лиц на получение необходимой информации в настоящее время требует от банков выработки собственной комплексной политики по раскрытию информации. При этом собственно коммерческие банки должны быть заинтересованы в раскрытии информации, чему должно способствовать совершенствование системы корпоративного управления.

Для банков в качестве конкретных мероприятий по совершенствованию системы корпоративного управления можно предложить следующее:

- модификация Кодекса корпоративного управления;
- доведение до всех сотрудников банка кодекса профессиональной банковской этики (так как, к сожалению, с содержанием данного кодекса знакомы лишь сотрудники банков, занимаемые руководящие должности) и обеспечение строгого его соблюдения на всех уровнях организационной структуры банка;
- совершенствование систем оповещения акционеров, защиты прав акционеров;
- обеспечение прозрачности управления банком.

Таким образом, для повышения устойчивости и надежности банковской системы важное значение имеет дальнейшее совершенствование системы корпоративного управления в коммерческих банках, которое должно быть направлено на достижение большей прозрачности банков, адекватную оценку рисков в целях обеспечения законных интересов всех сторон, связанных с деятельностью коммерческих банков. Должный уровень корпоративного управления способствует формированию доверия граждан и хозяйствующих субъектов, размещающих свои средства в коммерческих банках, а банков-контрагентов – к своим клиентам-заемщикам на межбанковском рынке, инвесторов на рынке долговых бумаг и рынке акций.

Н.Э.Эрназаров – СамИСИ, “Молия” кафедраси ассистенти,
Н.Остонов – СамИСИ, МК-118 гуруҳ талабаси

ВЕНЧУР КАПИТАЛИНИНГ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАИ СИФАТИДАГИ АҲАМИЯТИ

Аннотация: мақолада хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион ривожланишини таъминлашда венчурли молиялаштириш жараёнларни ахамияти қараб чиқилган хамда хизмат кўрсатиш соҳасини молиялаштириш манбаларига хос хусусиятлари ўрганиб чиқилган.

Калит сўзлар: Инновация, хизмат кўрсатиш, инвестиция, инвестициялаш, венчур капитали, венчур бизнеси, венчурли инвестициялаш, венчур капитали фондлари, инновацион корхоналар.

Аннотация: в статье рассматривается роль венчурного финансирования в содействии инновационному развитию сферы услуг, а также исследуется специфика источников финансирования услуг.

Ключевые слова: Инновации, услуги, инвестиции, инвестиции, венчурный капитал, венчурный капитал, венчурный капитал, венчурные фонды, инновационные предприятия.

Abstract: The article discusses the role of venture financing in promoting the innovative development of the service sector, as well as explores the specifics of the sources of financing services.

Key words: Innovations, services, investments, investments, venture capital, venture capital, venture capital, venture capital funds, innovative enterprises.

Иқтисодиётда инновацион хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши аҳоли турмуш даражаси фаровонлигини ошириш ва аҳоли эҳтиёжини қондиришда муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодиётда соҳа улиши фақат кўрсатилаётган хизматлар ҳажми билан эмас, балки тури кўпайиб бораётгани этироф этиш зарур. Инновацион замонавий хизмат турлари тизимини молиялаштириш соҳада рақобат муҳитининг шаклланиши арзон ва сифатли хизмат турларидан фойдаланиш имкониятини яратиб беради.

“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги фармонда “янги саноат ишлаб чиқариш ва сервис марказларини ташкил этиш ҳисобига шаҳар типидаги кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни актив ривожлантириш, йирик хўжалик бирлашмаларининг маблағларини, банкларнинг кредитларини ва хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилиш” бўйича устувор вазифаларнинг қўйилиши қишлоқ ҳудудларда ҳам аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга эътибор қаратилаётганлигини кўрсатади[86].

Республикамизда иқтисодиётни ривожлантириш ва таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, иктисодий ўсишни таъминлаш ва мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, инновацион фаолиятни

[86] Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги фармони. // Халқ сўзи, 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сони.

молиялаштириш муҳим ахамиятга эга эканлигини ифодалайди. Бугунги кунда хизмат кўрсатишда туб таркибий узгаришлар, курсатилаётган хизматлар ракобатдошлигини таъминлашнинг муҳим шарти молиялаштириш жараёнлари билан бевосита боғлиқдир. Аксинча, молиялаштириш хажми камайганда иктисодий усишнинг барча кўрсаткичлари пасайиб, хизмат кўрсатишда оркага кетиш бошланади.

Хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион фаолиятини ривожланишини таъминловчи омил сифатида венчурли бизнесдан фойдаланиш мақсадга мувофик хисобланиб, унинг таркибига венчур фондлари, венчур капитали эгалари жамияти, венчур фаолияти билан шуғулланувчи йирик компаниялар кириши мумкин.

Янги ташкил этилаётган инновацион хизмат кўрсатиш фаолиятини ривожланишида венчур капиталининг роли муҳим ахамият касб этади. Бу эса, венчур капиталининг хизмат кўрсатиш сохасида инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг манбаи сифатида иштирок этиши соҳадаги молиявий мавжуд булган муаммоларни атрофлича бартараф этиш йулларидан бири сифатида фойдаланишни таъминлаб беради.

Хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион лойихаларни молиялаштиришда венчурли молиялаштириш ғояси учун муайян вакт хам талаб этилади. Кўрсатилаётган янги хизматлар кўрсатиш жараёнига кенг жорий этиш давригача етиб келмаслигининг бир канча сабаблари мавжуд бўлиб, бунда жараённи ташкил этиш буйича амалий малаканинг етарли эмаслиги, молиявий манбалар билан узлуксиз таъминлаш борасида муаммоларнинг мавжудлиги каби омилларни сабаблар сифатида келтириш мумкин. Инновацион жараён куп сонли хизмат кўрсатиш соҳалар харакатини бирлаштирувчи жараён булиши билан бирга, ушбу хизмат кўрсатиш соҳаларнинг биргаликдаги фаолиятининг бутун даври давомида молиявий ва моддий ресурслар билан таъминлашни талаб этади.

Иқтисодиётда венчурли молиялаштиришни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик ва инновация соҳасида лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ венчурли молиялаштиришни ривожлантириш мақсадида “Инвестицион ва бошқарув компаниялар тўғрисида”ги Низом тасдиқланди. Шунга асосан иқтисодиётимиз ривожланишига ўз ҳиссасини қўша оладиган самарали лойиҳаларни танлаб олиб, юқори потенциалга эга, даромад келтирадиган венчур лойиҳаларига инвестиция қилиш фаолияти билан шуғулланадиган “Astron” венчур фонди ташкил этилди[87].

Венчур молиялаштиришга тавсия этилган устувор инновацион лойи-ҳаларнинг муҳим мақсадларидан бири бу мамлакатимизга сайёҳлар оқи-

[87] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 ноябрдаги ПФ-5583-сонли “Тадбиркорлик ва инновация соҳасида лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

мига хизмат кўрсатишнинг инновацион тизимни яратишга хизмат қилади.

Венчурли капиталнинг асосий мақсади булиб, инвестиция киритиш натижасида етарлича юкори фойда олиш хисобланади. Бунда инвестор аввал киритган инвестиция маблағлари ёрдамида ижобий ривожланишни таъминлай олган соҳанинг активларидаги узининг улушини шу сохада фаолият юритадиган бирор-бир йирик компанияга сотиш оркали уз фойдасини олади. Бу соҳани молиялаштиришда узуликсизликни таъминлаш имкониятини яратиб беради.

Венчурли инвестициялар одатда 5-7 йил давомида фаолият курсатади. Инновацион лойихасини амалга оширишни молиявий маблағлар билан таъминлашнинг куйидаги босқичлари ажратиб курсатилади:

1) фондни (жамгармани) яратиш;
2) келишувларни амалга ошириш (шартномаларни имзолаш);
3) инвестициялаш;
4) инвестициялашдан кейинги бошкарув;
5) бизнесдан чикиш жараёнини бошкариш[88].

Венчур фондига инвестиция киритиш туғрисидаги қарорни қабул қилиши учун фаолиятнинг мақсад ва вазифалари, бошкарув ва назорат килишнинг узига хос хусусиятлари, соҳадаги ютук ва камчиликлари тугрисидаги маълумотларни олиши бугунги кунда долзарб хисобланди.

Венчур фонди капиталидан бугунги кунда кичик ва ўрта корхоналар молиялаштирилади, бу тижорат банклари кредитларидан фарқли равишда, улардан хеч кандай гаров ёки таъминот хужжатлари талаб этилмайди. Хизмат кўрсатиш соҳасини молиялаштиришни венчур фонди капиталига асосланган ҳолда ташкил этиш муҳим ҳисобланади. Венчур фонди капиталини шакллантиришнинг хориж тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, венчур фондлари шаклланишининг манбалари бўлиб хусусий инвесторларнинг маблағлари, суғурта компанияларининг маблағлари, турли пенсия жамғармаларининг маблағлари, йирик халқаро ташкилотларнинг ва шу кабиларнинг маблағлари иштирок этади.

Иктисодиётининг инновацион ривожланишини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган тизимли ислохотлар узининг ижобий натижаларини бермокда. Мамлакатимизга келган чет эл фуқаролари сони йилдан йилга ортиб хориж давлатларидан Ўзбекистон Республикасига келган фуқаролар сонини таҳлилидан кўринадики, охирги икки йилда ташриф буюрган чет эл фуқароларининг сони 2,3 мартага ортган. Масалан, 2017 йилда бу кўрсаткич 2,8 миллион кишини ташкил этган бўлса, 2018 йилда эса 6,4 миллион кишини ташкил этган[89] бўлиб, бунинг асосий сабабларидан бири мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасида олиб борилаётган ижобий ўзгаришларининг амалий тасдиғидир. Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш

[88] Янковский К.П., Мухарь И.Ф. Учебник. Организация инвестиционной и инновационной деятельности. - СПб: Питер, 2012.
[89] www.стат.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

ЯИМнинг карийб 35 фоиздан кўпроғини хизматлар кўрсатиш сохаси ташкил этишини кўришимиз мумкин. Ушбу соҳанинг бундан кейин хам жадал ривожлантирилиши мамлакатни стратегик ривожлантиришнинг устувор йуналишларидан бири бўлиб қолиши зарур.

Фикримизча, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасида венчурли молиялаштиришни жорий этилиши ва бу борадаги ишларни амалга оширилиши куйидаги таклифларни жорий этиш мақсадга мувофиқдир:

- венчурли бизнес сохасида конун актларини ишлаб чикиш;
- хизмат кўрсатишда венчурли молиялаштиришнинг хуқуқий-меъёрий асосларини ишлаб чиқиш, уларнинг хуқуқий кафолатларини таъминлаш;
- хизмат кўрсатишда венчурли бизнес билан шуғулланишнинг рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш;
- кенг жамоатчиликка венчурли бизнес хакида маълумотлар бериш ва хабардор килиш, таълим тизимида ушбу йуналишда мутахассислар тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ишлаб чикиш;
- венчур капитали бозорининг холати молиявий-иқтисодий фаолиятларининг асосий кўрсаткичлари хақида маълумотлар ошкоралигини таъминлаш.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”гифармони. // Халқ сўзи,2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 ноябрдаги ПФ-5583-сонли “Тадбиркорлик ва инновация соҳасида лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.
3. Янковский К.П., Мухарь И.Ф. Учебник. Организация инвестиционной и инновационной деятельности. - СПб: Питер, 2012.
4. www.стат.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

А.А.Тураев – СамИСИ ассистенти,
Ш.Ахролов –СамИСИ талабаси

ИННОВАЦИОН РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА МАМЛАКАТИМИЗДА СОЛИҚ ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ҲАМДА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Аннотация: ушбу мақолада мамлакатимизда солиқ сиёсатини такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарор ва фармонларнинг ўзига хос жиҳатлари кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: солиқ, солиқ юки, жисмоний шахс, даромад, ставка, концепция, солиқ тизими.

Аннотация: в данной статье освещаются особенности указов и решений

по совершенствованию и развитию налоговой политики в нашей стране.

Ключевые слова: Налог, налоговая нагрузка, физическое лицо, доход, ставка, концепция, налоговая система.

Annatation: This article highlights the features of decrees and decisions to improve and develop tax policy in our country.

Keywords: Tax, tax burden, individual, income, rate, concept, tax system.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ҳар бир соҳада ривожланиш юқори даражада жадаллашиб, такомиллашиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси дастури ишлаб чиқилилиб амалиётга тадбиқ этилди. Ушбу Ҳаракатлар стратегияси дастури доираси иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий соҳаларда чуқур ислоҳотлар олиб борилиши белгилаб берилди.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар натижасида иқтисодиётни модернизациялаш жараёни тезлашиб бормоқда. Давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми сифатида солиқ сиёсатида ҳам бу борада катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Ҳусусан, солиқ тизимида туб ўзгаришлар ва янгиликлар жорий этилиши қатор фармон ва қонунларга асосан босқичма босқич амалга оширилмоқда.

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш Концепцияси тўғрисида”ги 29 июнь 2018 йилдаги ПФ-5468-сонли фармонлари қабул қилинди.[90] Ушбу қабул қилинган концепциянинг энг муҳим томони шундан иборатки, Республикада солиқ юкини пасайтириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш вазифалари тўлақонли амалга оширилиши, солиқ тизимини соддалаштириш ва юридик ва жисмоний шахсларга солиқ тўловларини амалга оширилишларида тушунарли бўлишилиги, концепциясининг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади десак хам муболаға бўлмайди.

Хусусан, 2019 йилда солиқ тўловларини амалга оширишда бир қанча солиқ ставкалари ўзгарганлигини гувоҳи бўлдик. Ушбу солиқ ставкаларининг ўзгариши, “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсатгичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари хамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисидаги” ПҚ-4086 сонли қарорларидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинди. Бу қарорга асосан, 2019 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 12 фоиз этиб, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи 12 фоиз, ягона солиқ тўлови 4 фоиз, ягона ижтимоий тўлов 12 фоиз, юридик шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғи 2 фоиз этиб белгиланди. Бундан ташқари жисмоний шахсларнинг 8 фоизлик суғурта бадали ва корхоналар томонидан тўланадиган давлат

[90] Мирзиёев. Ш.М. 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепсияси тўғрисида”[90]ги ПФ-5468-сонли фармон// Халқ сўзи 2018 йил 30 июн

мақсадли жамғармаларига 3.2 фоизлик тўловлар бекор қилинди.

Ушбу ислоҳотлар давомида 2019 йил 26 сентябр куни Президентимиз томонидан “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбилари тўғрисида”ги 5837-Фармони имзоланди. Фармонга мувофиқ, 2019 йилнинг 1 октябридан қўшилган қиймат солиғи ставкаси (ҚҚС) амалдаги 20 фоиздан 15 фоизга пасайтирилади.[91]

Шунингдек, солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчининг тижорат банкларидаги ҳисобварақлар бўйича операцияларини тўхтатиб туриш бўйича амалдаги тартиб бекор қилинди.

Бундан ташқари, 2020 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тайёрланишида:

* давлат корхоналари, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган юридик шахслар учун ягона ижтимоий тўлов ставкасини 25 фоиздан 12 фоизга тушириш;

* дивидент шаклида тўланадиган даромадларга солиқ ставкасини сақлаб қолган ҳолда, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкасини 15 фоиз миқдорида белгилаш;

* қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибини бекор қилиш назарда тутилди.

2019 йил 1 октябрдан бошлаб илгари Молия вазирлигининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказиб келинган ягона солиқ тўлови суммаси Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига ўтказилиши белгиланди.

Ҳозиргача мамлакат солиқ тизимининг барқарорлигига эришиш учун сўнгги пайтларда Солиқ кодексига(2008 йил) ва бошқа солиққа оид қонун кучига эга бўлган ҳужжатларни қабул қилган ҳолда солиқ тизимига жуда кўп ўзгартиришлар киритилмоқда.

Биргина Солиқ кодексига киритилган ўзгартиришларни кўриб чиқадиган бўлсак (1-диаграмма), уларнинг сони йилдан-йилга ўзгариб бораётганини кузатиш мумкин.

Диаграмма маълумотларидан кўринадики, 2008 йил 1 январдан кучга кирган янги тахрирдаги Солиқ кодекси қабул қилинганидан буён бугунги кунгача унга жами 871 та ўзгартишлар киритилган. Ўзи аслида, биринчи қабул қилинган (1998 йил) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси[92]нинг бекор қилинишига сабаб, унинг солиқ муносабатларини бевосита тартибга солишга қодир бўлмай қолгани, жуда кўп ўзгартишларга дучор бўлган эди.

Бироқ, янги тахрирдаги Солиқ кодекси (2008 йил) ни пухта ишлаб чиқиш учун роппа-роса 3 йил кетганига, яна 2 йил мобайнида уни такомиллаштиришни кўзда тутувчи ўзгартиришлар киритишга рухсат берилганига қарамасдан ханузгача бу жараён охирига етказилмаган. Бу эса респуб-

[91] http://zarnews.uz/post/qqs маълумоти.

[92] Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Т.: 2008.



1-диаграмма. 2008-2019-йиллар мобайнида Солиқ кодексига киритилган ўзгартиришлар сони[93]

лика солиқ тизимини мукаммал ташкил этиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида шуни айтиш мумкинки, ҳозирги шароитда солиқ тизимида амалга оширилаётган туб ўзгаришларда қуйидаги таклифларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади деб хисоблаймиз.

Биринчидан, иқтисодиётни модернизациялаш талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган солиқ тизимини юзага келтириш ва амалда жорий этиш. Бунинг учун эса, ривожланган мамлакатларнинг солиқ тизимини ўрганиш тажрибалари асосида амалга ошириш лозим.

Иккинчидан, иқтисодиётда соғлом рақобатни муҳитини таъминлаш мақсадида солиқ юки адолатли тақсимланиши лозим.

Учинчидан, солиқ тизимида бажарилган ишлар асосан иқтисодий-ижтимоий ва географик жойлашув шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилмоғи лозим.

Мамлакатимизда ҳар йили солиқ тизимида бўлаётган ўзгаришлар туб ўзгаришлар яъни Солиқ кодексига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар сони кўпайиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Бу ўзгартириш ва қўшимчларни киритишдан ягона мақсадимиз, Ўзбекистон Республикада солиқ тизими барқарор даражада ривожланган мукаммал солиқ тизимини яратишдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тугрисида” 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон

[93]Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитасининг 2008-2019 йил маълумотлари

Республикасининг солик сиёсатини такомиллаштириш концепцияси туғрисида”ги Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида ”ги ПҚ-4086-сонли Қарори
5. “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбилари тўғрисида”ги Фармон (ПФ–5837-сон, 26.09.2019 й.)

Интернет сайтлар

1. http://ww.soliq.uz
2. http://www.stat.uz
3. http: //www.mf.uz
4. http://www.lex.uz
5. http://www.gov.uz

М.Хамроев – СамИСИ таянч докторанти
Ф.Муродуллаев – СамИСИ талабаси
Ш.Набиев – СамИСИ талабаси

СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация: мазкур мақолада бугунги кундаги Ўзбекистон суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш, аҳолига сифатли суғурта хизматларини кўрсатиш орқали суғурта саводхонлигини ошириш масалалари ёритилган

Калит сўзлар: суғурта, глобаллашув, модернизация, диверсификация, жавобгарлик, риск.

Аннотация: в данной статье рассматривается развитие современного страхового рынка в Узбекистане, повышеного уровня страховой грамотности путем предоставления качественных страховых услуг населению.

Ключевые слова: страхование, глобализация, модернизация, диверсификация, ответственность, риск.

Abstract: This article covers the development of the current insurance market in Uzbekistan, improving the quality of insurance through the provision of quality insurance services to the population.

Keywords: insurance, globalization, modernization, diversification, liability, risk.

Иқтисодиётни глобаллашуви шароитида суғурта хизматларини ҳар бир йўналишининг жамият ва халқ хўжалигидаги аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Ҳар қандай жамият ривожланишида анъанавий суғурта хизмати замонавий хизмат турларига шиддат билан ўтиб бормоқда. Бу иқтисодий муаммолар гирдобидан чиқишни таъминлашда муҳим рол ўйнамоқда. Модернизация эса асосан юридик шахсларни суғурта хизматларини замонавийликка айлантиришнинг дастлабки босқичи бўлиб хисобланади. Шу сабабли ҳам дунёда суғурта хизматларини модернизация сиёсатини

амалга оширмаётган давлат деярли йўқ. Ҳозирги кунда жаҳонда юз бераётган иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар риск даражасини хар бир соҳада ва инсоният фаолиятида юз бериши мумкинлиги ҳам ҳар бир мамлакатда суғурта хизматларини модернизациялашни талаб этади. Жорий йилнинг олти ойида суғурта ташкилотлари томонидан йиғилган суғурта мукофоти ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробар ошган бўлса-да, суғурта тушуми аҳоли жон бошига 50 минг сўмдан тўғри келган. Ушбу соҳанинг Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотидаги улуши атиги 0,4 фоизни ташкил этмоқда. Қиёс учун, бу кўрсаткич Жанубий Кореяда 11 фоиз, Германияда 6 фоиз, Россияда 1,5 фоизни ташкил этади.Бунинг асосий сабабларидан бири — суғурта хизматлари етарли даражада жозибадор эмаслиги. Мисол учун, ўтган олти ойда умумий суғурта тармоғида 887 миллиард сўм суғурта мукофоти йиғилган бўлса-да, ушбу даврда мижозларга тўланган суғурта қопламасининг ҳажми мукофотнинг атиги 11 фоизига тўғри келган. Дунёда эса бу кўрсаткич ўртача 50−60 фоиздир[94].

Ўзбекистон Республикасида модернизация деганда, кўпинча саноат тармоқларини модернизация қилишни тушунишга одатланиб қолганмиз. Аслида бу шунчаки фразадир, аммо амалда нафақат ишлаб чиқариш соҳасини балки, хизмат кўрсатиш соҳасини шу жумладан суғурта хизматлари соҳасини ҳам кенг қамраб олинишини назарда тутган. Суғурта хизматларини модернизациялашдан мақсад энг аввало унинг муҳим турларини, шу жумладан аҳоли ва тадбиркорларни кўнгилсиз ҳодисалардан ҳимоялаш мамлакатнинг ички ва ташқи инвестиция салоҳиятини оширишга қаратилган хизмат кўрсатиш соҳасини ижтимоий – иқтисодий ролини ошириш бўлиб ҳисобланади. Демак, суғурта хизматларини турлари кесимида модернизациялашнинг дастлабки босқичи аҳоли ва юридик шахсларни турли ҳодисалардан, уларни мулкий манфаатларини ҳимоялаш билан дахлдор бўлиб, соҳани диверсификация ва модернизация қилиш борасидаги ишларни жадаллаштиришни талаб этади. Олиб борилган кўплаб илмий тадқиқотларга асосан суғурта муносабатларини модернизациялаш ва диверсификациялаш таҳлил қилинган. Бироқ, глобаллашув жараёни шиддат билан кечаётган шароитда унинг оқибатида келтб чиқадиган рискларни бартараф этиш учун суғурта хизмат турларини модернизациялашнинг ўзи етарли бўлмайди. Айниқса, жамият бир босқичдан иккинчи босқичга (индустриал жамиятдан постиндустриал жамиятга) ўтишда суғурта хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш муҳим аҳамият касб этади. Жаҳонда глобаллашув фаолиятини кучайиши миллий иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларида суғурта хизматларини кўрсатиш ва такомиллаштириб бориш зарурати даражасига олиб чиқмоқда. Шу боис ҳам, глобализация шароитида

[94] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2019 йил 10 июль куни мамлакатда суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилиш нутқи асосида

иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари ўртасидаги молиявий муносабатларга суғурта хизматларини тақдим этишни янги босқичга кўтариш учун модернизация ишларини амалга ошириш нафақат муҳим балки, ижтимоий – иқтисодий ривожланишнинг зарурий шарти ҳисобланади. Ҳар бир мамлакатда амал қилаётган суғурта хизматлари уларнинг тузилишидан халқаро миқёсдаги суғурта хизматларидаги янгиликлар ва ўзгаришлар мамлакат иқтисодиётига таъсир кўрсатади. Жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришлар таъсирини юмшатиш учун ҳам мамлакатда суғурта хизматини кўрсатиш тизимини тубдан янгилашни талаб этади.

Иқтисодчи олим Е.А. Каменева ҳам “Глобаллашув жараёни ривожланиши билан иқтисодиётнинг асосий соҳаси бўлмиш хизмат кўрсатиш тармоқлари ўзгариб боради. Бунда асосий соҳаси бўлмиш хизмат кўрсатиш тармоқлари ўзгариб боради. Бунда хизмат соҳаси бир хил кўринишга эга бўлмайди ва ижтимоий – иқтисодий шароитдан келиб чиққан холда хизматларнинг турлари ҳар хил даражада ривожланади деб таъкидланганлиги бежиз эмас.Демак, суғурта модернизациялаш ва замонавий суғурта хизматларини шакллантириш ва янада ривожлантириш, уларни янги инновацион турларини шаклланти-ришни кучайтириб боради. Шу сабабли ҳам суғурта хизмат кўрсатиш тизими ҳар томонлама, ҳар хил усулда, босқичма – босқич тартибда ривожлантириб борилиши зарур. Аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва сифатини яхшиланиши суғурта хизмат кўрсатишнинг ривожланиш даражасига боғлиқ. Шу сабабли ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб суғурта хизмат кўрсатишни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинди. Ўзбекистон мустақиллигидан кейинги қисқа давр ичида суғурта хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш ҳар бир фуқаро ҳаётидаги роли, тадбиркорларни турли кўнгилсиз ҳодисалардан ҳимоялаб, аҳоли ва корхоналарни бўш маблағларини иқтисодиётга жалб қилиш орқали инфлацияни олдини олишга ҳам эришилди. Буни мамлакатда суғурта хизмат кўрсатишнинг ижтимоий – иқтисодий тараққиётидаги ўрнини мустаҳкамлаш ва уни ривожланиш борасидаги олиб борилаётган микроиқтисодий сиёсатда кўриш мумкин. Суғурта хизматини кўрсатиш ва уни ривожлантириш борасидаги бой тажриба шу соҳани модернизациялашда муҳим роль ўйнайди.

Барча соҳа тараққиёти учун бу борада модернизация жараёнини муҳимлилигини ҳатто иқтисодчи олим А.Маддисон “ The World economy: a millennial persperctive “ номли асарида ҳам учратиш мумкин. Иқтисодчи олим ушбу асарида модернизация босқичига ўтиш қийинчилиги ҳақида тўхталиб, модернизация босқичига ижтимоий ларзаларсиз ўтиш ниҳоятда мушкул эканлигини, бунга фақатгина, иқтисодий ўсиш суръати юқори ва барқарор даражада эга бўлган мамлакатлар ўтиши мумкинлиги эътироф этади. Шунингдек, олим иқтисоиётни модернизациялаш жараёни назарий ва амалий жиҳатдан бой тажрибани талаб этади ва у мамлакат тараққиёти

учун янги бир давр ҳисобланади деб таърифлайди. Бундай фикр ҳақиқатда ҳам модернизацияни ҳар бир соҳада, шу жумладан суғурта тизимида ҳам жадал суратларда амалга ошириб бориш рақобатчилик шароитида суғурталовчи фаолиятини тактик ва стратегиясини белгиловчи муҳим омилдир. Суғурта хизматларини тақдим этишни истиқболдаги талабни олдиндан ўрганиш, мавжуд хизматларни кўрсатишни яхшилаш бўйича масалаларни аниқлаш, суғурта амалиётида янги суғурта хизматлари ва турларини ишлаб чиқишга асосланган суғурта фаолиятини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Суғурта хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш жуда мураккаб ижтимоий ва иқтисодий ҳодисадир. Уни мукаммал ва чуқур ўрганмасдан ва таҳлил қилмасдан хизмат кўрсатишни йўлга қўйиб бўлмайди. Чунки, модернизацияда ижтимоий ўзгаришлар ўз-ўзидан, механик тарзда амалга ошмайди. Аксинча, у ўта мураккаб жараён бўлиб, ундаги ижтимоий – иқтисодий ўзгаришлар ҳамда жамиятдаги янгиланишлар гоҳида очиқ, гоҳида яширин шаклда кечади.

Ҳозирги шароитда мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин эгаллашида ушбу жараён аҳолининг турмуш даражасига кескин таъсир этишини, аҳоли ўртасида табақалашув ва ижтимоий мувозанатни бузилиш мумкинлигини кўрсатиш мумкин. Бундай жараёнда айрим истиқболли соҳа ва тармоқлар хам муайян вақтгача ўзига яраша муаммоларга дуч келади. Шунинг учун ҳам, бугунги кунда модернизация ўта муҳим, шу билан бирга энг мураккаб, танқид қилинадиган илмий қарашлардан бири бўлиб ҳисобланиши сабабли, суғурта хизмат кўрсатишни модернизациялашни амалга ошириш бўйича аниқ ва мукаммал усулларни шакллантиришни тақозо этади. Кенг маънода айрим иқтисодчи олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида кўра хизмат кўрсатиш ташкилотларини модернизациялашга эришиш энг муҳим илмий ютуқлардан бири деб эътироф этилган. Иқтисодчи олимларнинг фикрича кўра хизмат кўрсатиш корхоналарида модернизациялаш моделларини ишлаб чиқиш, унга таъсир этадиган ташқи ва ички омилларни эътиборга олиш, хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланишида муҳим рол ўйнашини ҳам асослаб ўтган бўлсада модернизацияланишда ягона ёндашувни ишлаб чиқиш ва уни аниқлаш имконини бермайди. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, уни миллий иқтисодиётдаги ўрнини мустаҳкамлаш учун ҳам уларни модернизациялаш зарур. Шу сабабли ҳам хизмат кўрсатиш соҳасини шу жумладан суғурта хизмат турларини модернизациялашнинг усули ишлаб чиқилиши муҳим аҳамиятга эга. Суғурта хизматларини кўрсатиш турларини модернизациялаш ижтимоий – иқтисодиётнинг тармоқларини модернизациялашдан фарқланади. Масалан, қишлоқ хўжалигида модернизациялаш ахолига озиқ – овқат маҳсулотлари билан узлуксиз хизмат кўрсатиш .ҳисобланса, саноат тармоқларини модернизацияси эса уларга энг муҳим воситаларни тақдим этиш билан боғлиқ хизматларни ва бошқаларни назарда тутса, унда суғурта хизматларини кўрсатиш бевосита хизмат турларини модернизациялашни назарда тутади. Бу эса соҳада қуйидаги

имкониятларни яратиб беради:

- Суғурта турларини кўпайтириш ва тақдим этиш;
- Суғурта хизматлари ҳажмини ошириш;
- Суғурта хизмати кўрсатиш сифатини ошириш;
- Суғурта хизматини кўрсатишда барча ҳодисаларни (рискларни) қамраб олиш;
- Суғурта маҳсулотларига бўлган талабни ошириш;
- Суғурталанувчиларга суғурта хизматлари ва тарифларини энг самарали усул орқали ўтказиш (суғурта хизматларини сотиш)

Суғурта хизматини кўрсатиш турларини модернизациялашнинг ўзига хос хусусияти ҳам мавжуд. У суғурта хизматини кўрсатиш турларини қисқариши суғурта компаниясида банд бўлган ходимларнинг қисқаришига олиб келса унда уни турларини ошиши бевосита суғурта компаниясида янги иш ўринларини очиб берилишини таъминлайди. Шундан келиб чиқиб, суғурта хизматини кўрсатишдаги модернизацияни яхлит бир кўринишда қабул қилиб бўлмайди. Уни имкон суғурта объектларини кўпайиб бориши нуқтаи назардан қараш лозим. Суғурта хизматини кўрсатиш турларини модернизациялаш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларга:

- Суғурта хизматини кўрсатишни модернизациялаш натижасида суғурта хизматини кўрсатишдан тушган ортиқча пул маблағларини аниқлаш;
- Суғурта хизматини кўрсатиш турлари кесимида сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида суғурталовчи ходимларнинг малакавий кўникмасини ошириш;
- Суғурта хизматини кўрсатишда суғурта хизмат ходимларининг меҳнат унумдорлигини янада ошириш каби муаммоларни киритиш мумкин бўлади. Бунда модернизация суғурта хизмат турларини ва ходимларини меҳнат унумдорлигини оширсада, бироқ ушбу соҳада банд бўлган ходимларнинг янада кўпроқ суғурта хизматини кўрсатиш учун рағбатлантиришнинг турли усулларини ишлаб чиқиш муаммосини келтириб чиқаради.

Юқорида кўрсатиб ўтилган муаммолар ичидан энг мураккаби, суғурта хизматини кўрсатишдан келган молиявий ресурсларни бандликка сарфлаш яъни янги иш ўринларини очиш муаммосидир. Ушбу муаммо меҳнат ресурслари сафига келиб кўшилаётганларни иш билан таъминлаш муаммосидан суғурта хизматини кўрсатиш компанияларидаги ходимларнинг малакавий кўникмаси ЯИМга таъсир этса-да, мамлакат тараққиёти учун ижтимоий муаммони келтириб чиқармайди. Суғурта хизмат кўрсатишдан тушган маблағларни ўсиши иш билан банд бўлганлар сонини оширади. Шунинг учун, суғурта хизматини кўрсатиш компаниялари фаолиятини модернизациялаш натижасида юзага келадиган муаммони бартараф этишда унда банд бўлганларни ўсиши нуқтаи назаридан қарашни, аҳоли бандлигининг ошишига олиб келишини эса қуйидаги икки хил ёндашувдан фойдаланиш тавсия этилади:

- Биринчиси, суғурта хизматини кўрсатувчи компаниялардан тушган

ортиқча маблағларни янги иш ўринларига сарфлаш;

- Иккинчиси, янги иш ўринларига қабул қилувчиларни малакасини ошириш орқали уларда замонавий инновацион суғурта хизматларини тақдим этиш билан боғлиқ янги кўникмаларни ҳосил қилишни таъминлаш

2019-2030 йилларда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш Консепция дастурида қуйидаги чора-тадбирлзр назарда тутилган[95]:

• суғурталаш, суғурта фаолияти ва суғурта назоратининг қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш;

• кўрсатилаётган суғурта хизматлари ҳажмини, кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш;

• мамлакат суғурта оозорининг очиқ-ойдинлигини ва ишончлилигини таъминлаш, суғурталовчиларнинг капиталлашув даражасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва тўловга кодирлигини мустаҳкамлаш;

• суғурталаш соҳаси ходимларини тайёрлаш, қайта таёёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш.

Ўзбекистоннинг суғурта бозорида суғурталовчилар ва суғурта брокерлари, аджастер ва сюрвейер ташкилотлари, актуар ва ассистанс компаниялари ўз фаолиятини амалга оширмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ -4412 Қарори қуйидагилар белгилаб берилди:[96]

- суғурта бозори конъюнктурасини ўрганиш, унинг юқори даражада очиқ-ойдинлигини таъминлаш, рақобатни ривожлантириш, суғурта хизматлари ҳажмларини кўпайтириш, кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- салоҳиятли хорижий инвесторга маблағларни Ўзбекистон Республикаси суғурта соҳасига инвестициялашда кўмаклашиш;

- республика аҳолиси ўртасида суғурталаш масалалари бўйича фаол тушунтириш ишларини олиб бориш;

- суғурталаш учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, суғурта бозори профессионал қатнашчилари учун профессионал этика меъёрларини ишлаб чиқиш.

Хорижий мамлакатларнинг ЯИМда суғурта хизматларидан йиғилган суғурта мукофотлари салмоқли ўринни эгаллайди, шунингдек, суғурта хизматларини унинг даромадли турларидан биридир. Уларни такомиллаштириш орқали суғурта ташкилотлари инвестицион имкониятлари ошишига эришилади. Бу, ўз навбатида, суғурта ташкилотлари молиявий

[95]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ -4412 Қарори

[96] www.lex.uz маълумотлари асосида

имкониятларини оширади ва республиканинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжларини қисман бўлсада қондириши мумкин.

Айтиш жоизки, суғурта фаолиятини ривожлантиришда рақобатбардошлилик муҳим рол ўйнайди. Суғурта компанияси фаолиятининг муваффақияти ва юқори рақобатбардошлигини таъминловчи муҳим омиллардан бири компания ходимларидир. Ходимларни бошқариш деганда эса компания ва ходим учун ўзаро манфаатли макрадларга эришишга к,аратилган чора-тадбирлар йиғиндиси тушунилади.

Бунинг учун компанияда ходимлар, суғурта агентларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ходимлар ва суғурта агентлари меҳнати ҳамда инновацион ёндашувини рағбатлантириш; уларнинг компания ва маҳсулот рақобатбардошлигини оширишга бўлган масъулиятини ошириш, компанияда соғлом корпоратив муҳитни яратиш зарур.

Компания ва маҳсулотлар сифати ҳамда рақобатбардошлигини ошириш, унинг халқаро суғурта бозорига интеграциялашиш жараёнини рағбатлантирувчи омил¬лардан бири бу компанияда халқаро стандартларга жавоб берувчи сифат бошқаруви тизимини жорий қилиш саналади. Ҳозирги кунда мамлакатимиз суғурта бозорида ушбу омил оркдаи ракрбаг устунлигига эришган, ўз фаолиятида сифат бошқаруви (ISO 9001:2008) тизимини жорий қилган ягона суғурта компанияси «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси ҳисобланади.[97]

Суғурта хизматлари ички бозорининг янада самарали ривожланиши учун ўзаро суғурта компанияларининг фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишни жадаллаштириш зарур. Суғурта компанияларида суғурта хизматлари қанчалик сифатли бўлишидан қатъи назар, ўзаро суғурта қилишга доимо эҳтиёж бор. Суғурта хизматлари бозорида ишонч даражасини оширишнинг зарур усули ахборотнинг ошкоралигини таъминлашдир. Бошқа молия муассасалари сингари, суғурта ташкилотлари молиявий ҳисоботларни нашр этишлари шарт. Суғурта индустриясини рағбатлантиришда эҳтимолдаги суғурталовчиларнинг саводхонлигини ошириш муҳим аҳҳамият касб этади. Хорижий тажрибани қўллашдан ташқари, мамлакатда инновацияларни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш зарур. Суғурта фаолиятининг айрим йўналишлари етарли назарий ва методологик тадқиқотлар талаб этади. Миллий суғурта компаниялари ва хорижий инвесторлар суғурта хизматларини суғурталовчилар эҳтиёжларига ва ҳар бир муайян худуд талабларга қараб суғурта маҳсулотларини рағбатлантириш стратегиясини яратишлари керак.

Ўзбекистон суғурта бозорида аҳолига ва юридик шахсларга суғурта хизматларини кўрсатишда қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсияларни амалиётга қўллаш орқали юқори натижага эришиш мумкинлигини эътироф этиб ўтамиз:[98]

97 www.mf.uz расмий сайт маълумотлари асосида

98 www/insurance.uzreport.uz расмий сайт маълумотлари асосида

1. Суғурта хизматлари бозорида рақобат нафақат суғурта ташкилотлари ўртасида балки, суғурта бозорининг бошқа субъектлари ўртасида содир бўлади. Суғурта хизматлар бозорининг ана шундай субъектларидан бири – бу, ўзаро суғурталаш жамиятларидир. Бу, нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг асосий мақсади ўз аъзоларига суғурта хизматларини кўрсатишдан иборат. Рақобат кўрсатилаётган хизматларнинг сифатига ва нархига ҳам таъсир кўрсатади. Ўзаро суғурталаш жамиятларини ташкил этиш касбий жавобгарликни суғурталаш турларининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши табиийдир.

2. Миллий суғурта хизматлар бозорида йиғилган суғурта мукофотларининг мамлакатимиз равнақи йўлида сарфлаш, шунингдек, давлат томонидан суғурта хизматлар бозорини янада ривожлантириш учун давлат капитали иштирокидаги қайта суғурталаш ташкилотини ташкил этиш лозим. Жавобгарликни мажбурий суғурталаш турларидан йиғилган суғурта мукофотларини фақат миллий қайта суғурталаш ташкилотлари зиммасига юклаш зарур.

3. Мажбурий суғуртада суғурталаш шартлари, суғурта қоидалари, тариф ставкалари ва суғурталанадиган рисклар ҳукумат қарорлари асосида белгиланади. Шундай экан, мажбурий суғурта хизматлари бозорида рақобат хизмат кўрсатишнинг сифати ва етказилган зарарларни оператив ҳал қилиш муддатларига қаратилади. Шу сабабли, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашда зарарларни тўғридан- тўғри қоплаб бериш механизмлари жорий этилиши суғурта ташкилотлари томонидан янги мижозларни жалб қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Етказилган зарарларнинг бундай тартибда тўлаб беришдан асосий мақсад суғурталанувчиларни ортиқча қоғозбозликлар ва харажатлардан озод қилишдир.

Ўзбекистон суғурта бозорини янада ривожланитириш нуқтаи назаридан қуйидаги илмий таклифларни амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

- суғурта соҳаси ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш, молия ва иқтисод соҳаси йўналишларида кадрлар тайёрлаб берадиган ўқув даргоҳларида суғурта воситачиси, аджастер, актуарий, асистанс ва суғурта сюрвейери фаолиятлари бўйича дарс киритиш;

- суғурта бозори инфратузилмаси субъектларининг, суғурталовчилар ва суғурталанувчилар ўртасидаги муомала ва муносабатлар тизимини, хужжатлар айланиш механизмини ва фаолият кўрсатиш методикасини тартибга солувчи меъёрий норматив хужжатлар ишлаб чиқиш;

- суғурта бозори инфрастузилмасини ривожлантириш бўйича махсус дастур ишлаб чиқиш;

- суғурта воситачилари, аджастер, актуарий, асистанс ва суғурта сюрвейерларига малака талаблари мезонларини ишлаб чиқиш;

- суғурта компаниялари томонидан ўзаро ҳамкорликда Республикамизнинг маъмурий худудий тузилишига асосланиб, босқичма-

босқич суғурта бозори инфратузилмаси субъектларини ташкил этиш.

- суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларининг мустақил уюшмасини ташкил қилиш ва улурга шарт – шароит яратиб бериш;

- суғурта компанияларининг (қайта суғурталовчилар) фаолиятини ривожлантиришга оид чора тадбирлар ишлаб чиқиш, айниқса аҳолининг пастки қатламларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида шахсий суғуртани ривожлантириш ва жаҳон тажрибасини ўрганиш;

- ҳозирги суғурта бозорини жаҳон принциплари ва стандартларини инобатга олган ҳолда миллий суғурта бозорига интеграция қилиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2019 йил 10 июль куни мамлакатда суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилиш нутқи асосида
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ -4412 Қарори
3. www.lex.uz маълумотлари асосида
4. www.mf.uz расмий сайт маълумотлари асосида
5. www/insurance.uzreport.uz расмий сайт маълумотлари асосида

Н.Э.Эрназаров – СамИСИ “Молия” кафедраси ассистенти
А.Сафаров – СамИСИ МДМ-118 гуруҳ магистри

СОЛИҚ МАСЛАҲАТЛАР ХИЗМАТИНИ ОҚИЛОНА ТАШКИЛ ЭТИШНИ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ ТЎЛИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ РОЛИ

Аннотация: мақолада солиқ хизматининг ўзига хос хусусиятлари, солиқ хизматига таъсир этувчи омилларнинг ахамияти қараб чиқилган хамда солиқлар ва солиққа тортиш муаммолари ўрганиб чиқилган.

Калит сўзлар: Солиқ, бошқарув, сиёсат, солиқ хизмати, бошқарув ходимлари, солиқ тизими, ижтимоий, иқтисодий, бизнеси, солиқ тўловчи, солиқ маслаҳати.

Аннотация: В статье рассматриваются особенности налоговой службы, важность факторов, влияющих на налоговую службу, а также рассматриваются вопросы налогообложения и налогообложения.

Ключевые слова: налогообложение, управление, политика, налоговая служба, управление, налоговая система, социальная, экономическая сфера, бизнес, налогоплательщик, налоговое консультирование.

Abstract: The article discusses the features of the tax service, the importance of factors affecting the tax service, and also addresses the issues of taxation and taxation.

Keywords: taxation, management, policy, tax service, management, tax system, social, economic sphere, business, taxpayer, tax advice.

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий йўналишлари учун пул маблағларини қайта тақсимлаш жараёнини ўзида акс эттирган мажбурий

ва қайтимсиз тўловлар сифатида иқтисодий-молиявий муносабатларни мувофиқлаштириш-солиқ солиш идора хизматларини асосини ташкил қилади. Шунга кўра, солиқ бошқарув идоралари-таркибан ўзига хос бўлган мураккаб ҳамда тизимлашган, шунингдек, давлат бюджети даромадларини мақсадли таъминлашга йўналтирилган илмий-амалий жараёндир. Бундай жараёни шубҳасиз Ўзбекистон Республикаси "Бюджет кодекси" [99] ва Ўзбекистон Республикаси "Солиқ кодекси"ларига таянди. Ушбу қонунлар солиқ маслаҳати хизматини мазмун моҳиятини белгилайди.

Солиқ бошқарув тизими мақсад ва вазифаларига мезонларига кўра, яхлит метасоциал махсус тизимдир. У ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида умумдавлат аҳамиятига моликлиги нуқтаи-назаридан унинг хизматлари ахамиятга эгадир. Таъкидлаш лозимки, махсус тизимни шакллантириш, функционал фаолияти ҳамда ривожланишини, шунингдек, уни бошқа тизимлар билан ўзаро боғлиқликда кечадиган молиявий муносабатлар давлат тасарруфига тегишли вазифадир. Шунга кўра, солиқ хизмат тизими қуйидаги ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради, яъни:

-солиқ хизмат кўрсатиш турларини шакллантириш, ўз функционал фаолиятини йулга қуйиш ва ривожлантиришга рахбарлик қилиш;

-солиқ хизмат тизимнинг мақсад, вазифа ва функционал вазифалари давлат манфаатлари устуворликка эга бўлиши;

-солиқ хизмат тизими олдига қуйилган мақсадларга эришишни таъминлаш, вазифа ва функцияларни амалга ошириш давлат томонидан солиқ органларини ташкил этиш, ривожлантириш ҳамда улар фаолияти учун талаб этиладиган илмий-услубий, ташкилий-ҳуқуқий, меъёрий-мувофиқлаштирув, моддий-техник, инфратузилмацион-технологик, ижтимоий ҳимоя инфратузилмасини шакллантириш йўли билан ошириш;

-солиқ хизмат тизимнинг бошқа молиявий тизимлар билан ўзаро молиявий ва солиқ муносабатлари давлат томонидан мувофиқлаштириш;

-солиқ хизмат тизими фаолиятини давлат томонидан молиялаштириши рағбатлантириши ва баҳолаши. Шулар сирасига киради.

Солиқ бошқарув хизматига таъсир этувчи омиллар иқтисодиётнинг сифат ва сон кўрсаткичи кенг маънода солиқ тизими таъсирида бўлади. Солиқ бошқарувининг услубий-амалий жихатдан мураккаблиги айнан солиқларнинг бир вақтнинг ўзида иқтисодий-молиявий, сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий ҳодиса эканлигидан далолат беради. Шунингдек, солиқ бошқарув тизими ходимларининг хизмат фаолияти кўп қиррали ва таркибий мураккаб жараёндир. Солиқ бошқарув тизимида фаолият олиб борган ходим хизматларини ушбу сифат жихатлари объектив равишда унга кўпмақсадлилик ва холислигини англатади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини тако-

[99] Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси:Расмий нашр- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.-Т.: «Адолат», 2015 й.-304 б.

миллаштириш концепцияси тўғрисидаги фармонида ҳам давлат солиқ хизмати органлари ходимлари ва солиқ тўловчиларнинг тўлайдиган солиқларини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш бўйича малакасини ошириш тартиби белгиланди[100], бу ҳам солиқ хизматининг бюджет даромадларини тўплаш жараёнида муҳим аҳамиятга эадир.

Шу ўринда айтиш жоизки, солиқ тизимини ривожлантириш омилларига асосланиб, ҳам қайт этиш мумкинки, солиқ хизмати давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ва молиявий манфаатларига кўра шаклланади. Айнан шу мезонларга биноан, мазкур тизимнинг хизмат кўрсатиш фаолиятининг самарадорлиги улар олдига қуйилган мақсадларга эришганлик кўрсаткичлари билан изоҳланади.



1-чизма. **Солиқ бошқарув тизим ходимларини хизмат кўрсатиш турлари[101].**

Юқорида қайт этилган хусусиятлар, холисликлар, хизмат турлари солиқ бошқарув ходимларининг хизмат фаолияти моҳиятини тўлиқ очиб бермайди. Масалан, бу жараённинг мақсадга йўналтирилганлигидан келиб чиқиб, қайд этиш керакки, солиқлар, бир томонидан, давлат бюджети даромадларининг асосий манбаи саналса, бошқа томондан, уларнинг муноса-

[100] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-5468-сон Фармони.
[101] Муаллифлар томонидан тайёрланди.

батларини мувофиқлаштириш омили сифатидаги роли (солиқ жарималари, чегирмалар, имтиёзлар ва ҳоказо) давлатнинг иқтисодий-молиявий ҳолатини сифат ва сон жихатдан бошқарув хизмати орқали тадбиркорлик субъектларига, алоҳида соҳа-тармоқларига, аҳолининг ҳаёт даражасига ва жамият ижтимоий-иқтисодий ривожига таъсир кўрсатиши мумкин.

Солиқ бошқарув тизими давлат бошқарувининг муҳим таркибий қисми сифатида солиқ ходимларининг хизмат турларини бошқарув мажмуасида етакчи аҳамиятга эгадир. Солиқ сиёсати, уни ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилади ва амалга оширишда солиқ хизмати муҳим рол ўйнайди. Шунингдек, бу жараёнда унинг ташкилий механизми такомиллашади, солиқларнинг функциялари ва солиққа тортишниинг технологиялари аниқланади ҳамда мувофиқлаштирилади.

Айтиш жоизки, солиқ бошқарув ходимларини хизмат кўрсатиш кўлами ва таснифига кўра, солиқларни ҳисоблаш юзасидан давлатнинг солиқ муносабатларини ўзида акс этиради. Иқтисодиёт субъектларида молиявий оқимларида солиқ тўловлари сезиларли улушни ташкил этади, яъни бозор муносабатлари ривожланиши, тадбиркорлик даражасининг сифат ва сон жиҳатдан ўсишида солиқ юки масаласи субъектлар фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Юқорида қайт этилган ҳолатлар солиқ идоралари ва солиқ тўловчи субъектларида солиқлар ва солиққа тортиш борасида ўзига хос бошқарув тизими ушбу тизим ходимларининг хизматларини сифатли ташкил этишни тақозо этади.

Айтиш жоизки, амалдаги молиявий хизматлар фаолият таркибида солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш масаласи айни вақтда ички солиқ режалаштирилишини, тахлил, ҳисоб ва назорат билан боғлиқ бўлган вазифаларни келтириб чиқармоқда. Субектларда солиқларни ҳисолаш ва тўлаш юзасидан асосли, тўғри қарорларнинг қабул қилинишида уларга якуний молиявий натизалари ҳамда фаолияти самарасини белгилашда конкрет хизматлар кўрсатиш муҳим омилга айланмоқда.

Давлат ва алоҳида олинган иқтисодиёт субъектларнинг ўзаро боғлиқ фаолиятлари тўғри ва самарали ташкил этилиши солиқ қонунчилигига кўра белгилаб қуйилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси “Солиқ кодекси”ннг [102] меъёрий талаблари давлат ҳамда алоҳида иқтисодиёт субъекти томонидан сўзсиз бажарилиши, манфаатларниг ўзаро мувофиқ келиши, муносабатларининг очиқлиги, солиқ тизимининг демократик ижтимоий йўналишга эга бўлиши ҳамда самарадорлигини ошириш учун шарт-шароит яратиш солиқ бошқарув тизими ходимларини хизматлари катта аҳамиятга эга бўмоқда. Шу боис ҳам ҳозирги шариотда солиқ маслаҳатчиларига бўлган эҳтиёж сезиларли ортиб бораяпти ҳамда касбий фаолят жабҳаси сифатида ўзининг шаклланиш даврини бошдан

[102] Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси:Расмий нашр- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.-Т.: «Адолат», 2010 й.-400 б.

кечирмоқда. Солиқлар бўйича маслаҳат беришш мураккаб жараёни бўлиб, у ташкилий-ҳуқуқий ва услубий масалаларда юқори даражадаги билимдонлик ва кўникмаларни талаб этади, чунки сифатли ва кенг кўламли солиқ маслаҳати солиқ тўловчиларини тўғри хисоблаш ва давлат бюджетига кўчиришни белгиланган муддатларда таъминлайди.

Солиқлар ва солиққа тортиш муаммолари, у солиқ бошқарувининг мақсад ва вазифаларини амалга оширишнинг илмий-амалий муаммоларини ечиш билан боғлиқ бўлган фаолият иқтисодиёт, молия айнан солиқлар ва солиққа тортиш, менежмент, ҳуқуқ, солиқ сиёсати, солиқ муносабатлари ва шу каби жабҳалари чуқур, ҳар томонлама билим ва кўникмаларни талаб этади. Шу нуқтаи-назардан мамлакатимизнинг иқтисодиёт йўналишлардаги етакчи олий ўқув юртларида Тошкент Молия институтида, Тошкент Давлат иқтисодиёт унверсицитути, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида хизматини самарали юқори малакали кадрларни тайёрлаш амалиёт ходимларини эса қайта тайёрлаш ва уларнинг малака оширишлари орқали билим ва кўникмаларини узлуксиз равишда такомиллаштириб бориш бўйича таъминлаш хизматини оқилона ташкил этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган масала сирасидан ўрин эгаламоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси:Расмий нашр-Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.-Т.: «Адолат», 2015 й.-304 б.

2.Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси:Расмий нашр-Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.-Т.: «Адолат», 2010 й.-400 б.

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-5468-сон Фармони.

Б.Боронов – СамИСИ таянч докторанти

МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАРНИНГ ҚАДРСИЗЛАНИШИ

Аннотация: Ушбу мақолада молиявий активларнинг қадрсизланиши, уни акс эттирувчи кўрсаткичлар, қадрсизланишдан зарарларни ҳисоботда акс эттириш тартиби, унга доир ёндашувлар ва стадиялари очиб берилган, таклифлар ишлаб чиқилган.

Калитли сўзлар: молиявий активлар, молиявий активлар қадрсизланиши, молиявий инструментлар, фойда ва зарарлар ҳамда бошқа тўплам даромадлар тўғрисидаги ҳисобот.

Аннотация:В этой статье рассматривается вопросы обесценения финансовых активов, его отражающие показатели, порядок отражения убыток от обесценения финансовых активов в финансовой отчетности, подходы и стадии их учета, разработаны предложения.

Ключевые слова: финансовые активы, обесценения финансовых активов, финансовые инструменты, отчет о прибылях и убытках и прочих совокупных доходах.

Abstract: This article discusses the issues of impairment of financial assets, its reflective indicators, the procedure for reflecting the loss from impairment of financial assets in the financial statements, approaches and stages of their accounting, proposals are developed.

Keywords: financial assets, impairment of financial assets, financial instruments, statement of profit or loss and other comprehensive income.

Молиявий активлар тушунчаси амалиётимизга табора кенг кириб бормоқда. PricewaterhouseCoopers халқаро аудиторлик ташкилоти томонидан тавсия этилган давр талабларига жавоб берадиган “Фойда ва зарарлар ҳамда бошқа тўплам даромадлар” тўғрисидаги ҳисоботнинг форматида операцион фаолиятдан олинган молиявий натижаларни акс эттирувчи моддалардан кўра молиявий активлар билан боғлиқ операциялар, жумладан, амортизацияланадиган қиймати бўйича ҳисобга олинадиган молиявий активларнинг чиқиб кетишидан фойда ёки зарарлар, молиявий активларни реклассификация қилишдан фойда ва зарарлар, қадрсизланишдан фойда ёки зарарлар, молиявий харажатлар, бошқа тўплам даромадлар орқали адолатли қиймати бўйича ҳисобга олинадиган молиявий активлар бўйича фойда ва зарарлар, қадрсизланишдан зарар каби молиявий инструментлар билан боғлиқ бир қанча моддалар ажратилган. Бу молия ва иқтисодиёт ривожланиши натижаси деб ҳисоблаймиз. Чунки, бугунги кунда компаниялар асосий даромадини нафақат асосий операцион фаолиятдан балким, катта қисмини молиявий активлар билан боғлиқ операциялардан олмоқда. Дунёда молия бозори тез суръатлар биланривожланмоқда, қайсики ҳар бир компания фаолиятининг маълум салмоқли қисми ушбу бозор билан боғлиқ бўлади. Шундай янги категориялардан бири бу молиявий активларнинг қадрсизланиши ҳисобланади. Ушбу тушунчага доир адабиётлардаги қарашлар ва ёндашувларга тўхталиб ўтайлик.

Молиявий активларнинг қадрсизланиши ўзи нима? Стандартлар қоидаларга мувофиқ,агар молиявий активларнинг ҳисобдаги қиймати улар чиқиб кетганда олиниши мумкин бўлган суммадан (қопланадиган) ортиқ бўлса, у ҳолда қадрсизланишдан зарар тан олинади ва молиявий ҳисоботда акс эттирилиши талаб этилади. 39-сон МҲХС “Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш” стандарти талабларига мувофиқ, молиявий активларнинг қадрсизланишини акс эттирувчи кўрсаткичларга қуйидагилар киритилган:

- эмитентда салмоқли молиявий қийинчиликлар;
- шартнома шартларининг ҳақиқатда бузилиши (фоизларни ёки асосий қарзларни тўлашдан бош тортиш);
- қарз олувчининг молиявий қийинчиликлари билан боғлиқ иқтисодий ёки ҳуқуқий сабаблар бўйича кредиторларга имтиёзли шартларнинг тақдим этилиши;

- эмитентнинг банкротлиги ёки молиявий қайта ташкил этилишининг катта эҳтимоли;
- дебиторлик қарзларни номинал суммасини ундириб олиниши қўлдан келмаганлиги ҳолатларини акс эттирувчи дебиторлик қарзларининг тўлов муддатининг ретроспектив таҳлили.

Демак, юқоридаги шартлардан кўриниб турибдики, агарда корхонада қарз бериш шартномасида кўзда тутилган асосий қарз ва фоизларни, дебиторлик қарзларини, тўлагунга қадар ушлаб туриладиган инвестицияларнинг қайтариб ололмаслик эҳтимоли амал қилса, у ҳолда қадрсизланишдан зарар юзага келади. Бундай ҳолларда зарар молиявий активларнинг ҳисобдаги қиймати билан молиявий активлар бўйича самарали фоиз ставкаси методини қўллаган ҳолда аниқланган кутилаётган келгусидаги пул оқимларининг жорий қиймати ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Молиявий активларнинг қадрсизланиши бўйича кутилаётган кредит зарариникорхона харажатлари ҳисобидан яратиши шарт. Стандарт тартиб-қоидаларга мувофиқ:

- амортизацияланадиган қиймати бўйича баҳоланадиган молиявий активлардан кўрилган қадрсизланишдан зарар (бизнес мақсади – шартномада кўзда тутилган пул маблағларини олиш, қайсики у қарзнинг асосий суммаси ва фоизлар суммасини тақдим этади) “бошқа тўплам даромадлар” тўғрисидаги ҳисоботда “молиявий активларнинг қадрсизланишидан зарар” моддасида акс эттирилади;
- бошқа тўплам даромадлар орқали адолатли қиймати бўйича баҳоланадиган молиявий активлар (бизнес-модель мақсади – нафақат шартномада қайд қилинган пул оқимларини олиш, балки молиявий активларни сотишни ҳам кўзда тутади, қайсики пул оқимлари маълумотлари қарзнинг асосий қисми ва фоизларни тақдим этади). Бундай ҳолларда кутилаётган кредит зарарлари суммасига баҳоланадиган резерв яратилганда бошқа тўплам даромадлар таркибида акс эттирилади[103].

9-сон МҲХС “Молиявий инструментлар”га мувофиқ “кутилаётган кредит зарарлари” ягона моделини қўллашда компания қуйидаги ёндашувлардан бирини қўллаши лозим:

- умумий ёндашув, қайсики асосий кўпчилик кредитлар ва қарзли қимматли қоғозларга нисбатан қўлланилади;
- ихчамлаштирилган ёндашув, қайсики савдо дебиторлик қарзлари, ижара бўйича дебиторлик қарзлари ва шартномавий активларга нисбатан қўлланилади.

9-сон МҲХСга мувофиқ ягона модел учта стадияда ўзгаради[104]:

---

[103] PricewaterhouseCoopers. Все права защищены. Этот материал подготовлен Академией PwC для экзаменов ДипИФР в 2018 году. file:///C:/Users/SamISI-ATM/Downloads/Учебное_пособие_дипифр2018.pdf

[104] Финансовые инструменты – обзор основных изменений и ключевые понятия. https://www2.deloitte.com/content/dam/Deloitte/ua/Documents/webinar/30_11_17_webinar_IFRS_9.pdf

1-стадия. Молиявий инструментлар, қайсики уларга нисбатан:

- бошланғич тан олингандан сўнг кредит рискининг салмоқли ошиши кузатилмайди;
- ҳисобот санасида кредит риски ўз-ўзидан паст бўлади.

2-стадия. Молиявий инструментлар, қайсики:

- бошланғич тан олинган моментдан кейин кредит рискининг салмоқли кўпайиши юз беради;
- нисбий равишда, қайсики қадрсизланишнинг объектив исботи мавжуд бўлмайди.

3-стадия. Ҳисобот санасида қадрсизланишининг объектив белгилари мавжуд бўлган молиявий активлар.

Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, молиявий активлар ҳисобини такомиллаштиришга доир қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- мамлакатимизда молиявий инструментларни тан олиш, баҳолаш ва ҳисоботларда акс эттириш тартибини белгиловчи Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини ишлаб чиқиш керак;

- молиявий активларни тан олиш, баҳолаш ва молиявий ҳисоботларда акс эттириш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ [3]. МҲХСлари ўрганаётган ўқувчиларининг асосий кўпчилигининг фикри бўйича энг қийин тушуниладиган МҲХСлари бу молиявий инструментларга оид стандартлар деб эътироф этишади;

- молиявий активларнинг қадрсизланиши натижасида кўрилган зарарларни молиявий активларнинг амортизацияланадиган қиймати ёки адолатли қиймати бўйича баҳоланишини эътиборга олиб фойда ва зарарлар ёки бошқа тўплам даромадлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттиришнинг услубий тартибини ишлаб чиқиш керак.

Юқоридаги тавсиялардан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда корхоналар ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда фойдаланилиши мумкин. Тавсияларнинг корхоналар амалиётига жорий қилиниши активларни баҳолашни такомиллаштиришга, ҳисоботлар сифатининг ошишига хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати

1. PricewaterhouseCoopers. Все права защищены. Этот материал подготовлен Академией PwC для экзаменов ДипИФР в 2018 году. file:///C:/Users/SamISI-ATM/Downloads/Учебное_пособие_дипифр2018.pdf
2. Финансовые инструменты – обзор основных изменений и ключевые понятия. https://www2.deloitte.com/content/dam/Deloitte/ua/Documents/webinar/30_11_17_webinar_IFRS_9.pdf
3. Боронов Б.Ф. “Корхоналар молиявий активларини баҳолаш ҳамда молиявий ҳисоботларда акс эттириш” бўйича илмий-услубий тавсиялар. Самарқанд, СамИСИ. 2020. 36-б.

Ш. Набиев– СамИСИ, МК-117 гуруҳ талабаси,
Ш. М. Латипова– СамИСИ, “Молия” кафедраси ўқитувчиси

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ЛИЗИНГДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация: мақолада лизинг хизматларининг ўзига хос хусуссиятлари, унинг субъектлар учун афзалликлари ва миллий иқтисодиётда лизингдан фойдаланишнинг замонавий жиҳатлари сифатида инновацион лизингнинг моҳияти ёритилган. Шунингдек, инновацион лизингни қўллаш ва уни янада такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар бериб ўтилган.

Калит сўзлар: лизинг, инновацион лизинг, лизинг объекти, лизинг тўловлари, ишончли лизинг субъекти.

Аннотация: в статье рассматриваются особенности лизинговых услуг, их преимущества для субъектов и сущность инновационного лизинга как современных аспектов использования лизинга в народном хозяйстве. Есть также научные предложения по применению и совершенствованию инновационного лизинга.

Ключевые слова: лизинг, инновационный лизинг, объекты лизинга, лизинговые платежи, достоверные субъекты лизинга.

Abstract: The article discusses the features of leasing services, their advantages for entities and the essence of innovative leasing as modern aspects of the use of leasing in the national economy. There are also scientific proposals for the application and improvement of innovative leasing.

Key words: leasing, innovative leasing, objects of leasing, leasing payments, reliable subjects of leasing.

Бугунги кунда лизинг хизматларини корхонада ишлаб чиқариш даражасини ошириш имконини берадиган инвестицион фаолиятнинг алоҳида шакли сифатида эътироф этиш мумкин. Ушбу хизмат тури асосий воситалар, транспорт воситалари каби активларни ижарага олиб, шартнома муддати тугагач мулкчилик ҳуқуқининг ўзгаришига сабаб бўлади. Лизинг сўзи инглиз тилида “to lease” феълидан олинган бўлиб, биро бир мулкни ижарага бериш сифатида таржима қилинади. Айнан лизинг хизматини ижаранинг бир кўриниши дейиш мумкин. Аммо иқтисодий нуқтаи назардан лизинг мулкнинг олди-сотди жараёнини англатиб, бунда ижарага олувчи мулкдан унинг фойдали хизмат муддати давомида фойдаланилади [105] . Баъзи таржима нашрларида лизинг – ижарани молиялаштириш деб ҳисобланади ва лизинг усулида молиялаштириш банкнинг техника ёки машиналарни сотиб олиб, уларни ўз мижозларига ижарага беришини назарда тутади деб, таъкидланади[106]. Ҳақиқатда эса банк мулкчилик ҳуқуқини сотиб олмайди, балки молиялаштиради, тўғрироғи, ижарачининг ижара муносабатлари воситасида ва лизинг шартномаларида кўрсатилган муддатларда мол-мулкни қўлга киритиш ниятида бўлғуси

[105] Коренкова О.А. Экспертиза рынка лизинга. М.: Экспертиза, 2018. С.27.
[106] Роуз Питер С. Банковский менеджмент. — Пер. с анг., 2-го изд.- М.: Дело Лтд. 1995. 173 с.

ҳуқуқини молиялаштиради. Банк ва лизингнинг молиявий муассаса сифатида туб фарқи ҳам шундадир. Бунга қўшимча равишда шуни ҳам таъкидлаш керакки, лизинг технологиялар ва техникалар сотиб олиш ва самарали қўллаш учун лизинг берувчи ва лизинг олувчилар ўзаро мақбул кредит муносабатларига киришишининг шаклидир.

Умумий ҳолатда, лизинг хизматлари ўзининг иқтисодий мазмунига кўра, бизнинг назаримизда, аввало қарз олиш муносабатларини, лизинг берувчи ва мулк етказиб берувчи билан, давлат ва миллий иқтисодиётнинг норезидентлари (хорижий давлатлар, халқаро молия институтлари, чет эл инвесторлари ва бошқалар) билан мулкий, ҳуқуқий, тақсимот ва бошқа уйғунлашган муносабатларини ифодалайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам лизинг муносабатлари ўз мазмунига кўра макон ва замонда қарз олиш, яъни тақсимот, мулкий муносабатларни, лизинг объектига эгалик қилиш ҳуқуқи ва ундан фойдаланиш ҳуқуқларини ифодалайди ва ўз навбатида иқтисодий жараёндаги қайта тақсимот муносабатларини шакллантиради.

Лизинг муносабатларида унинг объекти деганда истеъмол қилинмайдиган исталган мол-мулк (мисол учун, асбоб-ускуналар, транспорт, бино ва иншоотлар) майдонга чиқади. Лизинг шартномаси муддати тугагач ижарага олувчи мулкни қолдиқ қиймати бўйича сотиб олиши, шартнома муддатини узайтириши ёки уни лизингга берувчига қайтариб бериши мумкин. Шунингдек, лизингни амалга оширишнинг турли схемалари ва лизинг тўловларини амалга оширишнинг турли усуллари мавжуд. Лизинг тўловлари пул шаклида тўланиши билан бир қаторда агарда лизингга олувчи ва лизингга берувчи ўртасида тижорат муносабатлари амалга ошириладиган бўлса, ўзаро ҳисоб-китоблар шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин[107].

Ўзбекистон Республикаси лизинг қонунчилигига асосан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган истеъмол қилинмайдиган ҳар қандай ашёлар, шу жумладан корхоналар, мулкий комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ҳамда бошқа кўчар ва кўчмас мулк лизинг объектлари бўлиши мумкин. Лизинг тўловлари лизинг берувчига лизинг объекти қийматининг лизинг олувчи томонидан қопланишидан, шунингдек лизинг берувчининг фоизли даромадидан иборат бўлади. Лизинг тўловлари шартноманинг бутун амал қилиш муддатига тақсимланади ва бўлиб-бўлиб тўланади. Лизинг тўловларининг миқдорлари ва даврийлиги лизинг шартномаси билан белгиланади[108].

Лизинг муносабатлари лизингга олувчи сифатида корхоналарда фойдаланилганда унинг қуйидаги афзалликлари кузатилади:

- Лизингга олувчи корхона бир вақтнинг ўзида катта миқдордаги инвестицион харажатларни амалга оширмайди. Ушбу омил корхоналарнинг айланма маблағларини ошириш имконини беради;

[107] Макеева В.Г. Лизинг. М.: Инфра-М, 2019. 323 с.
[108] Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги Қонуни. 1999 йил 14 апрель, 756-I-сон.

- Лизингга олинаётган объект одатдаги гаров муддатидан фарқли равишда шартнома муддати давомида тўлиқ гаров таъминоти сифатида қабул қилинади;
- Лизинг ёрдамида корхоналар талаб этилаётган асосий воситаларни харид қилишда мавжуд молиявий ресурслар тақчиллигини бартараф этади;
- Лизинг тўловларининг маҳсулот таннархига олиб борилиши натижасида корхоналарда фойда солиғи бўйича солиққа тортиш базасини камайтириш имконияти яратилади;
- Лизинг операцияси иштирокчилари 2 коэффициентдан юқори бўлмаган миқдорда тезлаштирилган амортизация механизмини қўллаш имкониятига эга бўлишади;
- Лизингга олувчи ишлаб чиқариш қувватларини оператив янгилаш имкониятига эга бўлади;
- Кредитдан фарқли равишда лизинг операцияларида тўловларни қайтариш лизингга олинган ускуналарда ишлаб чиқарилган маҳсулот шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин;
- Лизинг объектидан фойдаланиш хусусияти ва фойдаланиш муддатидан келиб чиқиб лизинг тўловларини ҳисоблашнинг ўзгарувчанлиги;
- Лизинг шартномаси бўйича лизингга олувчининг мажбуриятларини бажармаслик рискининг камлиги;
- Халқаро импорт лизингидан фойдаланганда божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёзларга эга бўлиш ва ҳ.

Бундан ташқари, лизинг хизматларининг лизингга берувчи учун ҳам ўзига хос ижобий жиҳатлари мавжуд (1-чизма).



Миллий иқтисодиётда лизинг хизматларидан фойдаланишнинг замонавий жиҳатлари, фикримизча инновацион лизинг жараёнини жорий этиб, уни амалга оширишда намоён бўлади. Маълумки, лизинг жараёни деганда лойиҳа бўйича концептуал ғоянинг шаклланишидан бошлаб, унинг амалга оширилишигача бўлган жараён тушунилади. Ушбу жараён лизинг объекти бўлган асосий воситалардан фойдаланиб маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш ҳамда шартноманинг тугатилиши билан боғлиқ муносабатларни ўз ичига олган учта асосий босқич (дастлабки, яъни тайёргарлик (инвестициядан олдинги), ташкилий (инвестицион) ва объектдан фойдаланиш босқич)ларда ўз аксини топади[109]. Шундай экан, инновацион фаолиятда лизингдан анъанавий фойдаланишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, лизинг хизмати маълум бир имкониятлар доирасида қайд этилган уч босқич орқали рақобатбардош билим ва технологияларни охирги истеъмолчига етиб боришини таъминловчи ишлаб чиқарувчининг барча имкониятларини ишга солишга кўмаклашади. Айнан ана шундай ҳолатда “инновацион лизинг” юзага келади. Анъанавий молиявий лизингда бир шартнома орқали лизингга берувчи лизингга олувчининг топшириғига асосан маълум бир мулкни сотиб олиб, ундан фойдаланиш ҳамда кейинчалик ўз балансига олиш (тўловлилик тамойили) шарти асосида лизингга олувчига тақдим этса (мулкчилик ҳуқуқи ўзгаради), инновацион лизингда эса шартнома тўрт томонлама (ишлаб чиқарувчи-лизингга берувчи-лизингга олувчи-лизингга олувчи) характердаги муносабатларни ўзида акс эттириши билан фарқланади (1-расм).

Гарчи мамлакатимизда лизинг бозорида замонавий муносабатларни ривожлантириш борасида маълум бир чора-тадбирлар амалга оширилаётган бўлсада, лизинг хизматларининг ЯИМдаги улуши нисбатан пастлигича қолмоқда. Миллий лизинг бозори ҳам сифат жиҳатдан ривожланганлик даражаси нисбатан паст. Истиқболда инновацион лизингни жорий этиш ва бу хизмат турини замонавий муносабатлари даражасида амалга ошириш мақсадида қуйидаги таклифларни бериб ўтамиз:

- инновацион лизинг хизматларини амалга оширувчи мутахассислар инновациялар бўйича, тижорат бўйича, асбоб-ускуналарга бўлган талаб ва таклифни аниқлаш, ишлаб чиқариш технологиялари, техник хизмат кўрсатиш бўйича, назорат, қонунчилик бўйича, мол-мулкни суғурталаш ва бошқа соҳалар бўйича чуқур билимга эга бўлишлари талаб этилади;
- инновацион лизинг хизматлари бўйича тўловларнинг ҳамма унсурларини ҳисоб-китоб қилиш учун услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш;
- инновацион лизинг хизмати юзасидан тузиладиган шартномаларнинг

[109] Горемыкин В.А. Организационное и методическое обеспечение лизингового процесса // Финансовый менеджмент. 2003. №5. С.103-123.



2-чизма. **Инновацион лизинг механизмининг умумий кўриниши**

намуналарини шакллантириш. Лизинг компанияларига тўланадиган воситачилик йиғимлари, мукофотларни белгилаш учун йўриқномалар ишлаб чиқиш бозорнинг мазкур сегментидаги ҳал этилмаган муаммолардан ҳисобланади;

- инвестиция лойихаларини молиялаштиришда лизингни жорий этиш мақсадида молиялаштиришнинг муқобил усулларини таққослаш лозим. Бунда молиялаштириш муқобил усулларининг натижаларини чиқимларнинг ҳақиқий қиймати кўрсаткичи, кутилган соф фойда бўйича қиёслаш талаб этилади;
- инновацион лизингни амалга оширишда Ишончли лизингга олувчиларни тўғри танлаш, улар таклиф этадиган лойиҳаларнинг ҳаётийлиги ва самарадорлигини аниқлаш лизингдан фойдаланиш амалиётидаги асосий муаммолардан биридир. Шу билан бирга лизингга олувчиларнинг кредит кобилиятини аниклаш ва лизинг буйича тўғри қарорлар қабул қилиш кўп жиҳатдан лизинг операцияларининг самарадорлигини олдиндан белгилаб беради. Бу масалаларни тўғри ҳал қилиш учун халқаро тажрибага асосланиб, Ўзбекистондаги иқтисодий вазиятни эътиборга олиб иш тутиш лозим.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шуни айтиш лозимки, инновацион лизинг хизматининг назарий асосларини яратиш, бундай муносабатларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва доимий равишда такомиллаштириб бориш, шу билан бир қаторда юқоридаги таклифларни амалиётга жорий этиш миллий иқтисодиётда инновацион лизинг хизматларининг бундан кейинги ривожланиш истиқболини белгилаб беради.

М.С.Хамроев – СамИСИ таянч докторанти
Ш.Усмонова – СамИСИ магистранти
Д.Гафурова – СамИСИ магистранти

СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада суғуртанинг мазмун-моҳияти, Ўзбекистонда суғурта фаолияти ва унинг ривожланиш хусусиятлари ёритилган. Шунингдек, суғурта бозори таҳлил қилинган, мавжуд муаммолар бўйича таклиф-тавсиялар илгари сурилган. Бундан ташқари, суғуртанинг зарурлиги, суғурта муносабатларини ривожлантириш ва суғурта хизматлари бозорини тараққий эттириш, суғурта бозори хизматларининг хусусиятлари кўриб ўтилган.

Калит сўзлар: суғурта, даромад, суғурта маданияти, суғурта мукофотлари, суғурта мажбуриятлари, хизматлар бозори, рақобат, маркетинг, инновация, тамойил, хорижий инвестиция, капитализация, интеграция.

Аннотация: в статье рассказывается о сути страхования, о развитии деятельности страхования в Узбекистане, а также проанализирован рынок страхования, были выдвинуты пути решения существующих проблем. В статье

рассказывается о необходимости развития усовершенствования страховых отношений и страховых услуг.

Ключевые слова: страхование, доход, страховая культура, страховые премии, страховые обязательства, рынок услуг, конкуренция, маркетинг, инновация, принцип, иностранные инвестиции, капитализация, интеграция.

Abstract: In the article told about essence of insurance, about development of activity of insurance in Uzbekistan, and also the market of insurance is analysed, the ways of decision of existent problems were pulled out. In the article told about the necessity of development of improvement of insurance relations and insurance services.

Keywords: insurance, income, insurance culture, insurance premiums, insurance liabilities, services market, competition, marketing, innovation, principle, foreign investment, capitalization, integration.

Суғурта хизматларининг ривожлантириб борилиши мамлакат ЯИМнинг ўсишига хизмат қилади. Чунки ушбу хизмат турлари орқали юридик ва жисмоний шахслар фаолиятларидаги турли кутилмаган йўқотишларнинг молиявий таъминоти яратилади. Шу орқали суғурта хизматлари юридик ва жисмоний шахсларнинг кенгайтирилган ишлаб чиқариш жараёнидаги қиймат яратиш муносабатларининг бардавомлигини молиявий қўллаб-қувватлашга бевосита хизмат қилади.

Тан олиш керакки суғурта хизматларининг ЯИМдаги улуши ҳозирда сезиларли улушда эмас, лекин хизматлар соҳасининг ЯИМдаги улуши тобора ортиб борар экан, бу ҳолат суғурта хизматларининг улушини ошиб боришига йўл очиб беради. [1] Ўзбекистонда суғурта ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришга, истиқболда халқаро суғурта бозорларида мустаҳкам ўрин эгаллашига эришиш йўлида ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Республика иқтисодий-сиёсий ҳаётининг барча жабҳаларида бугунги кунда юз бераётган ижобий ўзгаришлар иқтисодиёт молия тизимининг таркибий қисмларидан бири бўлган суғурта соҳасининг роли ошиб бориши учун объектив шарт-шароитларни яратмоқда. Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган ҳужжатларда “...суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш” [2] асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган. Суғурта хизматлари миллий иқтисодиёт ривожланишига кўмаклашувчи, аҳолининг кенг қатламларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи муҳим молиявий восита бўлиб ҳисобланади. Суғурта турли кўринишдаги ҳавф-хатарларнинг юзага келтирган зарарланишларини қоплаб беришга кўмаклашувчи хизмат туридир.

Ҳозирги шароитда Ўзбекистон Республикасида суғурта хизматлари

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2019 йил 31 декабрдаги 1060- сонли қарори

[2] 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси, 2017 й. 7 февраль

салоҳиятидан шунингдек унинг инновацион хизмат турлардан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Ривожланган давлатларда юридик ва жисмоний шахслар ўз фаолиятларида учраши кутилаётган рискларнинг 90-95% ини суғурталайдилар, бизда эса бу кўрсаткич юкори эмас.[1] Шу сабабли юридик ва жисмоний шахслар мулкини каттагина қисмида суғуртавий ҳимоя таъминланмаган. Буларнинг барчаси миллий суғурта хизматлари бозоридаги суғурта ташкилотларининг мижозларни жалб қилиш учун инновацион суғурта кўламининг мавжудлигидан ҳамда пул маблағларини жойлаштириш ва тўплаш мумкинлигидан далолат беради.

Миллий суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш давлатнинг, аҳолининг ва хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатларни ҳимоя қилишнинг самарали механизми ва узоқ муддатли инвестицияларнинг ишончли манбаини шакллантириш сифатида суғурта ролини мустаҳкамлашга йўналтирилгандир. Республика бўйича 2017-2021 йилларда хизмат соҳаларини асосий турларини ривожлантиришнинг мақсадли параметрларига мувофиқ, 2025 йилгача молиявий хизматлар таркибида суғурта хизматлари 2.2 мартага ўсиши белгиланган. 2030 йилга бориб, мамлакат ЯИМда хизматларнинг улушини 55% гача ошириш кўзда тутилган.[2]
Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ - 4412 Қарори мувофиқ миллий суғурта бозоримизни ривожлантириш ва келгусида суғурта компаниялар фаолиятини янада кенгайтириш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлиги белгилаб берилди[3]:

- босқичма-босқич суғурталовчилар низом жамғармаларининг минимал миқдори талабини ошириб бориш белгиланди;
- мажбурий тиббий суғурта ва ҳаётни суғурталаш тармоғини, шу жумладан ҳаёт суғуртасининг узоқ муддатли ва жамғариш турларини келгусида ривожлантириш мақсадида меъёрий-ҳуқуқий хужжатларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиб бориш;
- суғурта ташкилотларининг суғурта, молиявий ва воситачилик фаолиятлари бўйича хужжатлар тақдим этилишининг ягона электрон тизимини шакллантириш;
- суғурта ташкилотлари раҳбари ва бош бухгалтерларига қўйиладиган малака талабларини кучайтириш;

[1] Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг www.mf.uz интернет саҳифаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

[2] Кенжаев И.Ғ. Суғурта ташкилотларининг молиявий ресурсларини жойлаштириш самарадорлигини ошириш йўллари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. Т.: ТМИ, 2019, 24 б

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ - 4412 Қарори

– келгусида суғурта бозори инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида суғурта бозори профессионал иштирокчилари: аджастерлар, сюрвейерлар, актуарийлар, ассистанс хизматини кўрсатувчилар фаолиятини кенгайтириш каби устувор чора-тадбирлар.

Суғурта хизматлари бозорини капиталлаштириш суғурталовчилар тўлов қобилиятини ва улар амалга оширадиган операцияларнинг молиявий барқарорлигини оширишни таъминлайди. Шу билан бирга, республика суғурта компаниялари капитал ҳажми бўйича чет эл суғурталовчиларидан анча орқадалиги ҳам миллий, ҳам халқаро суғурта бозорларида рақобат масалаларида муаммоларга олиб келади. Шу сабабли, республика суғурта компанияларини капиталлаштириш даражасини ошириш, халқаро меъёр ва стандартларга эришишгача давом этиши керак.

Миллий суғурта хизматлари бозорининг таркибий сиёсатидаги муаммо, ихтиёрий ва мажбурий суғурта турлари нисбатидаги оптималлаштириш бўлиб қолмоқда. Бозор муносабатлари шароитида инновацион мажбурий суғурта хизматлари улушининг ортиши табиийдир, чунки айнан шунинг ҳисобидан суғурта хизматлари бозорининг капиталлашуви жадаллашади. Миллий суғурта хизматлари бозорининг барқарорлиги, ишончлилиги ва шаффофлигини таъминлаш учун суғурта фаолиятини тартибга солувчи қонунларни такомиллаштиришга ва ривожлантиришга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур.

Айтиш жоизки, инновацион суғурта хизматлари самарадорлиги унинг нафақат бошқаруви балки, бир вақтни ўзида молиявий механизмларга таянган ҳолда ҳар бир инновацион суғурта хизмат турини рағбатлантириб бориши билан боғликдир. Республикамизда инновацион суғурта хизматларини суғурталанувчиларга тақдим этиш орқали молиявий ресурсларни такомиллаштиришга суғурта хизмат турларини янада кенг қулайликларга имконият яратиб беради. Шуни ҳам эътибордан қолдирмаслик лозимки, ҳозирда инновацион ишлаб чиқаришлар кенг йўлга қўйилаётган бир вақтда инновацион ишланма лойиҳаларини, инновацион маҳсулотлар ва воситаларини кенг суғурталаб беришни ҳам оммалаштириш зарур бўлиб ҳисобланади. Қолаверса, хўжалик субъектларини инновацион инвестициялаштириш фаолиятини ҳам суғурталаш ишлаб чиқаришни тез суратлар билан ўсишига уларни риск даражасини пасайтириш, кўпроқ самарага эга бўлишлари учун алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис ҳам инновацион суғурта хизматлари мамлакат миқёсида барча инновацион фаолиятни бу борада инновацион фаолият бозор талабларини эътиборга олган ҳолда иқтисодиётнинг барча тармоқларини қамраб олиши зарур. Акс ҳолда иқтисодиётнинг барча соҳаларини самарали ривожлантириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш шаклида олиб боришга салбий таъсир этади. Айтиш жоизки ҳозирда янги иқтисодий ривожланиш босқичида суғурта компанияларини инновацион фаолиятини

ривожлантиришда маълум даражада ташкилий – иқтисодий қийинчиликлар мавжуд, булар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- суғурта компанияларининг мавжуд хизмат турларидан бир текисда самарали ва тўлиқ фойдаланмасликлари оқибатида инновацион хизмат турларини жорий этиш ва тизимла ривожлантириш учун зарур бўлган хусусий маблағларни етишмаслиги;
- суғурта компанияларида инновацион суғурта хизматлари фаолият билан шуғулланувчи махсус бўлимларни ташкил этилмаслиги;
- инновацион суғурта хизмати фаолиятини олиб бориш учун зарур бўлган назарий ва амалий жиҳатдан бой тажрибаларга эга бўлган малакали кадрларнинг етишмаслиги;
- суғурталашда рақамли иқтисодиёт элементларидан фойдаланиш;

Жаҳон тажрибаси шуни тасдиқлайдики, ривожланган давлатларда суғурта мукофотларини йиғиш бўйича ҳаётни суғурталаш етакчи ўринни эгаллайди, чунки у ҳар бир фуқаронинг ҳаётига чуқур кириб борган. Шунинг учун ҳаётни суғурталаш тармоғини ривожлантиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш зарур. Ҳаётни суғурталаш суғурта компанияларининг инвестиция имкониятларини оширади. Ҳаётни суғурталашнинг узоқ муддатли турлари орқали иқтисодиётга пул маблағлари жалб қилинади, шу билан бирга инвестицион институтлар тизимини ривожлантиришга имкон яратади.

Мамлакатда ҳаётни суғурталаш бозорини ривожлантиришдан янада манфаатдор бўлган субъект сифатида қуйидаги сабаблар бўйича давлат ҳам майдонга чиқади.

Биринчидан, умумдавлат муаммоларини ечишда маблағ излаб топиш муаммоси – биринчи даражали муҳим бўлган муаммодир. Ҳаётни суғурталаш узоқ муддатли кредит ресурсларининг манбаи ҳисобланган маблағларини жалб қилишга имкон беради.

Иккинчидан, ҳаётни суғурталаш ҳамда, пенсияга доир суғурта давлат тўловларига, жумладан, қарилик ва ногиронлик нафақаларига боғлиқ бўлмаган қўшимча даромадлар олишни таъминлайди. Ҳаётни суғурталашнинг ривожланган бозорини мавжудлиги давлатнинг фуқароларнинг ижтимоий таъминотига бўлган харажатларини камайтириб, бюджет олдидаги юкни камайтиришга имкон беради. Шу орқали, давлат аҳолининг энг кам таъминланган қатламини ҳимоя қилишга имкон топади.

Учинчидан, ҳаётни суғурталашни ривожлантириш суғуртанинг муҳим тармоқларидан бири сифатида янги иш ўринларини ташкил этилишига олиб келади. Суғуртавий манфаатнинг мавжудлигидан ташқари, кўриб чиқиладиган манфаат амалга оширилиши учун маблағ ва воситалар зарур. Гап ҳаётни суғурталаш институтига ишонч учун муҳим бўлган потенциал суғурталанувчиларда маблағларнинг мавжудлиги тўғрисида бормоқда. Республика аҳолисини ҳаётни суғурталаш турлари бўйича янада тўлиқ қамраб олиши бўйича вазифаларни ечиш стратегик жиҳатдан ўта муҳим ҳисобланади. Чунки, халқаро тажриба ва стандартларга асосланган суғурта

фаолиятини ўсиб бораётган ривожланиш доирасига жавоб берадиган қонуний тартибга солиш асосларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарур.

Халқаро амалиётда суғурта хизматлари бозорининг муҳим элементларидан бири бўлиб, суғурта воситачилари (суғурта ва қайта суғурта брокерлари, суғурта агентлари), сюрвейерлар, авария комиссарлари, аджастерлар ва ҳ.к. ҳисобланади.

Суғурта хизмати истеъмолчиларнинг манфаатларига хизмат қилиб, суғурта бозорининг мазкур инфратузилмасини ўз навбатида суғурта компанияларининг ўзлари учун муҳим рол ўйнайди. Ўз хизматлари кўламини кенгайтириш, таклифлар хилма-хиллигини ва янги турдаги хизматларга талабни рағбатлантириш учун имкониятларни таъминлайди. Шунинг учун, келажакдаги устувор йўналиш бўлиб, суғурта бозорининг мазкур иштирокчилари фаолиятини ҳар томонлама яхшилаш ва ривожлантириш ҳисобланади. Инфратузилма суғурта ҳимоясини янги сифат стандартлари ва суғурта хизматига бўлган янги талаблар билан бойитиш учун хизмат қилувчи институт сифатида ривожлантириш зарур. Бундан ташқари, қайд қилинган иштирокчилар суғурта хизмати сифатини яхшилашда ва уларни истеъмолчиларга кенгроқ етказишда муҳим рол ўйнайди.

Суғурта хизматлари бозорини жадал ривожлантириш, уни жаҳон суғурта хўжалигига уйғунлашувини таъминлаш, суғурта бозори иштирокчилари сони ва сифатини кенгайтириш, суғурта хизматлари бозори инфратузилмасининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш заруриятини кўндаланг қилиб қўяди.

Исталган миллий иқтисодиёт учун суғурта компанияларининг инвестицион фаолияти фавқулодда муҳим бўлиб ҳисобланади. Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, суғурта компаниялари даромадларининг асосий кисми инвестициялардан олинган даромадлар ташкил этади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида республикада суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш бўйича тадбирларни амалга ошириш суғурта хизматларини сотишдан олинган суғурта мукофотларини, суғурталовчиларни суғурта заҳираларини кўпайтиришга имкон беради, натижада ялпи ички маҳсулот таркибида суғурта хизматлари улуши янада ортади. Шунинг учун суғурта хизматлари бозори олдида турган муҳим вазифалар: мажбурий ва ихтиёрий суғурта хизматларининг самарали тизимини ташкил этиш; замонавий инфратузилмани шакллантириш; суғурта хизматлари сифатини ошириш; кадрлар салоҳиятини яхшилаш; суғурта хизматларининг ишончлигини, барқарорлигини ва шаффофлигини таъминлаш кабиларни амалга ошириш соҳанинг тараққий этишига муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш

ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ - 4412 Қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1060- сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2019 йил 10 июль куни мамлакатда суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилиш нутқи асосида
4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси, 2017 й. 7 февраль
5. Кенжаев И.Ғ. Суғурта ташкилотларининг молиявий ресурсларини жойлаштириш самарадорлигини ошириш йўллари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. Т.: ТМИ, 2019,
6. www.mf.uz Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий сайти маълумотлари асосида

А.Т.Ахмедова – преподаватель кафедры «Финансы», СамИЭС

ПРОБЛЕМЫ УСИЛЕНИЯ ФИНАНСОВО-ДЕЛОВОЙ АКТИВНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЯ

Аннотация: в статье раскрыт основной смысл и проблемы деловой активности предприятия

Ключевые слова: деловая активность, рентабельность, оборачиваемость, индекс.

Аннотация: Маколада корхона иш фаоллигининг асосий мазмуни ва муаммолари очиб берилган.

Калит сўзлар: иш фаоллик, рентабеллик, айланувчанлик, индекс.

Abstract: the article reveals the basic meaning and the problem of the business activity of the enterprise

Key words: business activity, profitability, abrasive the cost index.

Экономическая категория понятия «деловая активность» используется в отечественной практике относительно недавно, с появлением финансового анализа предприятий и фирм, как одно из его направлений на основе определённых методик. Деловая активность предприятий, особенно в кризисных условиях, становится одним из важных факторов как эффективности и перспективности некоторых предприятий, так и промышленности Узбекистана в целом.

В настоящее время комплексная оценка этого понятия используется как на уровне микроэкономики, так и на уровне макроэкономики. Деловая активность предприятий проявляется, прежде всего, в динамичности их развития, способности в достижении поставленных целей, эффективном

использовании экономического потенциала.

Необходимо отметить, что этот термин имеет достаточно широкий спектр использования и может применяться в следующих направлениях:

- деловая активность конкретного человека;
- деловая активность предприятия или фирмы (микроэкономический уровень);
- деловая активность промышленности или отдельных отраслей;
- деловая активность страны (макроэкономический уровень).

На уровне макроэкономики в настоящее время расчётами различных индексов деловой активности занимается значительное число организаций по специальности методикам.

Основными их них являются:

- индекс предпринимательской уверенности (ИПУ), который рассчитывается центром экономической конъюнктуры при правительстве и имеет специфические особенности расчёта в различных сферах: в машиностроении, строительстве, торговле и другом;
- индекс деловой активности AMP, который используется менеджерами. Его определение осуществляется на основе 26 макроэкономических показателей и 17 оценочных показателей, полученных опросом ведущих предприятий;
- конъюнктурный индекс «Финансы» КИФ, который определяется на основе таких показателей, как грузооборот транспорта, инвестиции в основной капитал, численность безработных, доля предприятий в «хорошем» и «нормальном» финансовом состоянии. Основными источниками информации для его расчёта являются данные статистического управления;
- индекс предпринимательских ожиданий, определение которого основывается на промышленных предприятиях;

Из всех рассмотренных индексов деловой активности индекс предпринимательской уверенности (ИПУ), определяемый статуправлением, можно назвать официальным, он публикуется достаточно регулярно. При рассмотрении динамики этого индекса можно проанализировать изменение уверенности предпринимателей и определить поворотные точки в развитии бизнеса в целом, что особенно важно в период кризисных явлений.

Из всех рассмотренных индексов только ИПУ количественно и обобщенно характеризует деловую активность на уровне макроэкономики.

Оценка деловой активности страны или отдельных отраслей народного хозяйства определённым образом проводится по существующим методикам, а для комплексной оценки деловой активности отдельных предприятий и фирм в настоящее время существуют только отдельные наработки.

В настоящее время деловая активность выступает важнейшим фактором, определяющим не только финансовую стабильность предприятий, но и способность к инновационному развитию в текущем периоде и в

перспективе. При анализе деловой активности предприятий необходимо учитывать устойчивость его экономического роста, наличие и выполнение стратегических планов развития (стабилизации в условиях кризисной экономики), уровень выполнения принятых планов производства, возможности участия в отраслевых планах импортозамещения, уровень эффективности использования материальных и трудовых ресурсов, способность диверсификации производства и многие другие аспекты.

Деловая активность предприятий является динамической характеристикой его деятельности, которая может рассматриваться по отношению к предыдущему периоду времени, деятельности отраслевых лидеров.

Таким образом, деловая активность предприятий и фирм может быть определена как интенсивность проводимых организационно- технических, финансово-экономических и социальных мероприятий, направленных на обеспечение устойчивости экономического роста (или стабильности) при повышении эффективности использования всех ресурсов и уровня мотивации труда. При этом важнейшую роль играет повышение деловой активности экономики.

В современных рыночных условиях малые предприятия должны стремиться к динамическому, эффективному и устойчивому развитию, которое невозможно без управления деловой активностью. В свою очередь, высокий уровень деловой активности повышает конкурентоспособность хозяйствующих субъектов. Развитие конкурентоспособности предприятия неразрывно связано с управлением его деятельностью: только компании с эффективным управлением деятельностью могут получить преимущества на рынке, что, в свою очередь, является необходимым условием для формирования конкурентоспособности[1].

Деловая активность предприятия определяет эффективность использования финансовых, трудовых, материальных и других ресурсов по всем бизнес-линиям их деятельности и характеризует качество управления, возможности экономического роста и достаточность капитала организации.

Таким образом, в настоящее время одной из актуальных проблем являяется изучение деловой активности хозяйствующих субъектов на микроуровне, которые помогут решить многие вопросы в конкретной ситуации на рынке и привести к более эффективному управлению предприятиями.

На наш взгляд, наиболее точно деловая активность может быть определена как комплекс мероприятий в процессе бизнес - операции, на основе активного взаимодействия с окружающей средой и направлена на ускорение экономического роста и достижения позитивной динамики

[1] Таюрская О.В. Управление совокупной задолженностью как фактор финансовой устойчивости организации // Вестник Иркутского государственного технического университета. 2011. № 4 (51). С. 187-193.

организации в целях повышения конкурентоспособности предприятия.

Анализ деловой активности на основе финансовой отчетности можно провести с двух позиций: с позиции качественных и количественных показателей.

Качественные показатели представлены имиджем предприятия, основными конкурентами и заказчиками.

Количественные же показатели необходимо анализировать в 2 аспектах: определение деловой активности предприятия в абсолютном и относительном выражении.

Первый подход предполагает исчисление показателей динамики объемов выручки от реализации продукции (услуг), чистой прибыли и активов, в котором темпы роста чистой прибыли должны быть больше темпов роста выручки от реализации, которая, в свою очередь, должна быть больше темпов роста средней величины активов. Данное неравенство также принято называть «золотое правило экономики». При соблюдении «золотого правила экономики» можно сказать о том, что увеличивается рентабельность рассматриваемого предприятия, а также повышается чистая рентабельность активов.

В основе второго лежит расчет традиционных для нашего экономического анализа коэффициентов оборачиваемости и рентабельности. Оборачиваемость в экономической теории рассматривают как кругооборот капитала организации, проходящий на большинстве промышленных организаций три последовательно сменяющие друг друга стадии: заготовительную (стадия обеспечения или закупки), производственную и сбытовую (стадия 50 реализации). Показатели рентабельности отражают доходность (прибыльность) от того или иного направления или ресурса организации.

Таким образом, анализ деловой активности направлен на изучении уровня и динамики различных финансовых коэффициентов - показателей оборачиваемости.

В целом, следует отметить, что в настоящее время нет общепринятой системы показателей для оценки деловой активности. Авторы существующих методологий предлагают различные системы показателей для оценки деловой активности. Каждый из них имеет свои преимущества и недостатки, но хочется отметить, что анализ деловой активности невозможен без учета показателей оборачиваемости, который позволяет анализировать скорость активов и обязательств в обращении капитала, тем больше деловой активности проводится организацией. А что касается использования других показателей для бизнес-анализа, экономисты придерживаются различных мнений и доводов. Некоторые считают, что оборот активов является важным критерием для оценки деловой активности. Другие выделяют такие показатели, как доход, рентабельность. Во многих подходах особое внимание уделяется

качественным показателем, без которых, на наш взгляд, анализ хозяйствующего субъекта не будет точным.

Таким образом, отсутствие единой системы показателей затрудняет анализ хозяйственной деятельности и ставит под сомнение объективность уже проведенных оценок. Именно поэтому в настоящее время существует необходимость в разработке единой системы показателей для оценки бизнеса деятельности хозяйствующих субъектов, которые, на наш взгляд, должны быть основаны на таких принципах, как полнота и точность.

Список использованной литературы

1. Генералов И.Г., Суслов С.А. Методические подходы к оценке конкурентоспособности организаций // Вестник НГИЭИ. 2016. № 9 (64). С. 31-38.
2. Матвеев А., Черный Е. Акционерная компания «Алмазы России-Саха»: прогноз развития в условиях рыночных преобразований // Проблемы теории и практики управления. 1997. № 2. С. 15.
3. Таюрская О.В. Управление совокупной задолженностью как фактор финансовой устойчивости организации // Вестник Иркутского государственного технического университета. 2011. № 4 (51). С. 187-193.
4. Шавандина И.В., Шамин Е.А. Развитие организаций потребительской кооперации // Азимут научных исследований: экономика и управление. 2015. № 4 (13). С. 67-73.

V ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ МУАММОЛАРИ”

М.Б.Калонов – Транспорт вазирлиги ҳузуридаги автомобиль транспорти кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти директори, и.ф.д., профессор

Г.М.Шодиева – шу институтнинг ўқув ва услубий ишлар бўлими бошлиғи, и.ф.д., профессор в.б.

АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАЛАРИДА МАРКЕТИНГНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ ПРИНЦИПЛАРИ

Аннотация: мақолада автотранспорт корхоналарида маркетингни режалаштириш ва амалга ошириш принциплари қараб чиқилган. Бунда маретингнингни режалаштириш, уни амалга ошириш дастури ва принциплари назарий жиҳатдан ўрганилиб, уларнинг таърифлари ишлаб чиқилган. Шунингдек, автомобил транспорти корхоналарида маркетингни амалга ошириш принциплари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги қараб чиқилган.

Калит сўзлар: маркетингни режалаштириш, маркетингни амалга ошириш дастури, маркетингни амалга ошириш принциплари, тадбиркорлик, истеъмолчи,бозор.

Аннотация: в статье рассмотрены принципы планирования и осуществление маркетинга в автотранспортных предприятиях. Здесь, теоретически изучены планирование, программа осуществления и принципы маркетинга и разработано их описание. Также, рассмотрены принципы осуществления маркетинга в автотранспортных предприятиях и их взаимосвязь.

Ключевые слова: планирование маркетинга, программа осуществления маркетинга, принципы осуществления маркетинга, предпринимательство, потребительский рынок

Abstract: The article examines the principles of marketing planning and implementation in the auto transport industry. At the same time the marketing planning, implementation programs and principles are theoretically studied and their definitions developed. It also examines the principles of marketing and how they relate to auto transport enterprises

Keywords: marketing planning, marketing Implementation program, marketing Implementation principles, entrepreneurship, consumer, market

Маркетингни режалаштириш ва дастурини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш принципларини ўрганиш учун уларни биринчи галда назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш лозим. Назарий тадқиқотнинг асосий шартларидан бири тадқиқ қилинаётган атамаларнинг таърифларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Мазкур атамалар таркибига қуйидагиларни каратиш мумкин:

- маркетингни режалаштириш;
- маркетингни амалга ошириш дастури;
- маркетингни амалга ошириш принциплари.

Юқоридаги атамаларнинг ҳар бири бўйича таърифлари ишлаб чиқилди ва улар қуйида келтирилмоқда.

Маркетингни режалаштириш деганда, товар (иш, хизматларни) сотиш учун белгиланган мақсадга эришиш ва аниқланган вазифани бажариш жараёнида қилинадиган ишларни амалга ошириш кетма-кетлиги аниқ ифодаланган тадбирлар тизими тушунилади.

Маркетингни амалга ошириш дастури деганда, товар (иш, хизматларни) сотиш учун белгиланган режани амалга ошириш мақсадида ахборотларни тўплаш, улардан фойдаланиш, бунда қандай воситалар ва усулларни қўллашни ўзида ифода этган ҳар бир вазифани ким томонидан, қачон ва қай тарзда амалга ошириш белгиланган ҳужжат тушунилади.

Маркетингни амалга ошириш принциплари деганда, маркетингнинг истеъмолчилар талабини қондиришга қаратилган мақсадига эришишда қатъий амал қилиши натижасида юқори самарадорликни таъминлашга қаратилган тамойиллар мажмуи тушунилади. Бу тамойиллар қуйидагилардан иборат:

- истеъмолчилар (йўловчилар, юк ташувчилар) талабини қондириш билан боғлиқ муаммоларни самарали ҳал қилишга қаратилганлиги;

- корхоналарда тижорат мақсадининг албатта амалга оширилишининг кўзда тутилганлиги;

- бозорнинг шарти ва шароитини тўлиқ ҳисобга олган ҳолда ҳаракат қилиш ва бир вақтнинг ўзида унга таъсир қилиш йўлларини ҳам инобатга олишлиги;

- бозорда фаолликни ва тадбиркорликни таъминлаш лозимлиги;

- бозордаги ўзгаришларга қатъий амал қилиш ва унга имкон қадар ўз таъсирини ўтказишга йшналтирилганлиги кабилар. Буларнинг бир-бири билан боғлиқлиги қуйидаги чизмада ўз аксини топган (3-расм).

Мазкур принципларнинг ҳар бирини қараб чиқиш мақсадга мувофиқ. Маркетингнинг **бозордаги ўзгаришларга қатъий амал қилиш ва унга имкон қадар ўз таъсирини ўтказиш** принципи унинг асосини ташкил қилади. Бозорнинг кўламини, табиатини ва талабини ўрганиб, ундаги ўзгариш тенденциясига эътиборни қаратиш лозим бўлади. Чунки бозордаги талаб, айниқса автотранспорт хизматларига ҳамиша бир хил бўлавермайди. Унинг мавсудий йўналишлари мавжуд. Буни албатта инобатга олишни тақозо қилади. Зеро автомобилларнинг ҳам қайси мавсумда қандайларини тайёр қилиш масаласи ҳам муҳим. Масалан қурилиш ишлари авж олган паллада юк транспортига эҳтиёж катта ва мос равишда ҳосил пишиб етилган куз пайтида мева-сабзовотларни ташишга мўлжалланган, имкони бўлса совутгичлар ўрнатилган автомобиллар ҳам бўлиши кераклигини инобатга олиш лозим бўлади.



3-расм. Маркетингни амалга ошириш принциплари

Бугунги рақобат кучайиб бораётган шароитда **бозорда фаолликни ва тадбиркорликни таъминлаш** масаласи билан боғлиқ принцип ҳам аҳамиятлидир. Чунки фаоллик йўқ жойда, сусткашлик ҳукм суради. Бундай шароитда албатта самарали фаолиятни таъминлаш мушкулдир. Шу туфайли соҳада кадрлар, айниқса маркетинг соҳасида ўта билимдон, малакали ва зийрак бўлишини талаб қилади. Шунингдек, тадбиркорлик кўникмасига ҳам эга бўлишлиги лозим. Зеро, ҳар қандай фаолият, бугунги кунда маълум миқдорда фойда олишни таъминлаши лозим. Акс ҳолда бизнес банкротга учраши тайин. Самарали иш таъминланмаган жойда самарасиз иш билан узоқ яшаб бўлмайди. Қарига ботиб, бор мол-мулкдан айрилиб қолиш мумкин. Шу туфайли, ташиш билан боғлиқ хизматлар бозорида фаолликни ва тадбиркорликни таъминлаш масаласи маркетингда махсус принцип сифатида белгиланган.

Маркетингнинг **истеъмолчилар талабини қондириш билан боғлиқ муаммоларни самарали ҳал қилишга қаратилган** принципнинг ҳам мавжудлиги, мазкур соҳага алоҳида аҳамият беришни тақозо қилади. Маҳсулот (иш, хизмат) истеъмолчилар талабига мос бўлмаса, уни сотиш мураккаб. Истеъмолчилар талабини асосан маркетологлар ўрганади ва шунга мос ҳолда ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) жараёнларини ташкил қилади. Истеъмолчилар талаби ҳам автотранспорт хизматларига йил давомида бир хилда бўлмайди, улар ҳам ўзгариб туради. Маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишда айнан шу омилларни инобатга олиш лозим бўлади.

Маркетингни режалаштиришда амал қилиш лозим бўлган принцип-лардан бири **корхоналар тижорат мақсадининг албатта амалга ошири-**

лишининг кўзда тутилганлиги билан боғлиқ. Чунки тижорат мақсади ҳам шу соҳа субъектларининг фойда олишига қаратилганлиги билан изоҳланади. Бунинг учун автомобилларни эксплуатация қилиш жараёнида фойдаланиш коэффициентини ошириш чораларини кўриш керак. Автотранспорт воситаларининг фойдаланиш коэффициенти (Каф) одатда автомобилларнинг ишлатилган вақтни (Аив) умумий вақтига (Ав) бўлинади. Яъни:

$$\text{Каф} = \frac{\text{Аив}}{\text{Ав}} ;$$

Сўнгра ҳар бир ишлатилган вақтда қанча тушум (См) келтиргани ва ундан харажатларни (Ха) айриб олинган фойда (Ф) миқдорини ҳам ҳисоблашни тақозо қилади:

$$\text{См} – \text{Ха} = \text{Ф}$$

Ушбу кўрсаткичларнинг ошиб бориши автомобил корхоналарининг самарадорлиги ошаётганлигини кўрсатади. Булар ўз навбатида автотранспорт корхоналари тижорат мақсадининг мувоффақиятли амалга оширилаётган-лигидан далолат беради.

Яна бир муҳим принциплардан бири **бозорнинг шарти ва шароитини тўлиқ ҳисобга олган ҳолда ҳаракат қилиш ва бир вақтнинг ўзида унга таъсир қилиш йўлларини ҳам инобатга олишдан** иборатдир. Автомобиль хизматларига бозор ҳамиша чаққон бўлавермайди. Бунинг учун катта маркетинг тадбирларини ўтказишни тақозо қилади. Автомобилни гаражда турса, ҳеч ким сўраб келмаслиги мумкин. Кўчанинг ҳам қаерида, қачон ва қанча вақт давомида туриш кераклигини ҳам ҳал қилишда маркетологларнинг ўрни ўзгача. Албатта йўловчи ташийдиган, маълум вақтда маълум йўналишда юрадиган транспорт воситалари учун харидорни излаб топиш унча қийин бўлмайди. Аммо автомобилларни ишлатишга шартнома муддати тугаган, бироқ ҳали буюртмасини топмаган автотранспорт корхоналари учун уларнинг буюртмачиларини топиш бироз мураккаб. Ушбу масалани ҳам ким ҳал қилиш маретологлардан малака, тажриба ва билимни талаб қилади.

Т.О.Махмудов – Наманган муҳандислик-технология институти
докторанти

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОН МОДА ИНДУСТРИЯСИНИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: мақолада Ўзбекистон мода индустриясини ривожланиши ўзига хос хусусиятлари ва мамлакатимизда ўтказилиб келинаётган мода кўргазмаларини аҳамияти ёритилган. Шу билан бир қаторда мода тушунчаси моҳияти очиб берилган.

Калит сўзлар: мода, мода индустрияси, кўргазма, енгил саноат, тикув-

трикотаж саноати.

Аннотация: в статье рассматриваются особенности развития индустрии моды Узбекистана и значение модных представлений, проводимых в нашей стране. Раскрывается сущность понятия альтернативной моды.

Ключевые слова: мода, Fashion Industry, выставка, легкая промышленность, швейно-трикотажное производство.

Annotation. The article covers the peculiarities of the development of the fashion industry of Uzbekistan and the importance of fashion visions being held in our country. The essence of the concept of alternative fashion is revealed.

Keywords: Fashion, Fashion Industry, exhibition, light industry, sewing-knitting industry.

XXI асрнинг бошидан буён мода саноат ривожланишнинг юқори суръатларига эга бўлиб, иқтисодиётнинг тегишли соҳаларига бевосита таъсир кўрсатди. Мода иқтисодиёти ўз айланмасига юзлаб миллиард доллар жалб қилиб, жаҳон иқтисодиётида иш билан банд бўлганларнинг камида 1/4 қисмини иш билан таъминлайди. Ҳисоб-китобларга кўра, мода саноати ривожланган мамлакатларнинг бюджетларига даромадларнинг камида 30 фоизини олиб келади ва ялпи ички маҳсулотнинг 25 фоизини ташкил қилади. Мисол учун, баъзи экспертлар ҳисоб-китобларига кўра, фақат Франция ва Италияда оилавий бюджет харажатларининг 45 фоизига қадар одамларнинг эстетик эҳтиёжларини аниқлайдиган товарлар сотиб олинади. Бошқа томондан, кўплаб мамлакатларда етакчи иқтисодчилар, инсоннинг ўз эҳтиёжларини қондириш истаги ва шу билан бирга, катта бойлик ва глобал мода тенденцияларига эга бўлган кишиларга риоя қилиш истаги сўнгги Ролдан узоқ эмас, балки, эҳтимол, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг “мотори“[2]бундан ташқари, моданинг иқтисодиётга таъсири асосий ижобий ва салбий томонлари кўриб чиқилади.

Модани ривожланиши билан боғлиқ муаммолар бежиз пайдо бўлмаган. Бу муаммоларни пайдо бўлишига бир неча сабаблар мавжуд: маҳсулотни керагидан ортиқ тўпланган, буюмларни тез маънавий эскириши, ишлаб чиқариш цикли ва мода циклини доимий ўзгариб туришидир.

Оммабоп эҳтиёжни қондирадиган модали буюмларни ишлаб чиқариш уни бозорини топишда кўп муаммолар мавжуд. Мода қизиқарли, тез ўзгармайдиган, фундаментални тақдим этиш ва унинг савдосини амалга оширишда замонавий маркетинг стратегияларини қўллаш орқали бозорларда рақобатбардошлигини таъминлашга эришиш мумкин. Моданинг субъективизм ва объективизми нимадан иборатлигини, модага ҳаёт суръати, илмий-техникавий инқилоб таъсирини тушуниш зарур. Мода ва саноат умумий қонунлар бўйича ривожланади: мода мураккабланса, буюмнинг лойиҳалаш технологияси мураккабланади. Инсон либосда ўз индивидуаллигини ва ўз сиймосини акс етишига интилади. Шунинг учун либосларни оммабоп ишлаб чиқарилганда стандарт буюмни уйғун сиймолигини ва истеъмолчини индивидуалликка интилишини қондириш талаблари қийинчиликларни пайдо бўлишига сабаб бўлади.

XVII асрнинг охирида мода инсон маданиятининг ўзига хос феномени сифатида санъат соҳасида ва костюмда эстетик идеал ва дидни ўзгариш билан боғлиқ эстетик ҳодиса сифатида таҳлил этди. XIX-XX асрларда мода тадқиқотчилари модани ижтимоий ва психологик феномен сифатида таҳлил этишган, уни пайдо бўлишига ва ривожланиш сабабларини ва унинг таъсирида рўй берадиган ижтимоий, иқтисодий ва маданий оқибатларни кўриб чиқишган.

Мода — лотинча. модис- меъёр, қоида: французча — мода деган маънони англатади.

Замонавий жамиятда мода оммабоп хулқ шаклларидан биридир. Демак, мода атамасини қуйидагича таърифлаш мумкин:

- мода бу ўзига хос усул, сиймо, ижтимоий ахборотни ишлаш учун меъёр (психолог Л.Петровнинг таърифи);

- мода бу кўп инсонларга оид сезиш тури (америкалик ижтимоий психолог Е.Богардуснинг таърифи);

- мода ижтимоий гуруҳлар афзал кўрган такрорланадиган ўзгаришлар серияси (америкалик ижтимоий психолог Е. Росснинг таърифи) .

Ўзбекистонда мода индустриясини ривожланиши XX асрнинг охирларига тўғри келади ва ўша йилдан Мамлакатимизда илк “1980 йил модаси ” мода журнали чоп қилинди.

Бугунги кунда Ўзбекистон етакчи ва халқаро миқёсда мода йўналиши сифатида ривожланмоқда. Мамлакатнинг ўзи, тарихий Ипак йўлининг юраги, бу шаҳарларнинг шарқона гўзаллиги, бой тарихи ва анъаналари билан ажралиб турадиган бойликдир. Ўз навбатида Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон, Хитой ва Византия халқларининг маданий ютуқлари кенг кўламда тарқалишида “Буюк Ипак Йўли” бўйлаб савдо-сотиқ қилган тижорат аҳлининг ҳам хизматлари беқиёсдир. [3]

Шу билан бирга, мамлакатимизнинг жаҳоннинг етакчи маданий марказларидан бири сифатида тутган ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаган маҳаллий мода индустрияси шаклланмоқда. Ҳар йили Тошкентда мода ҳафталиги ўтказилади, кўплаб маҳаллий моделиерлик ва дизайн мактаблари муваффақиятли ривожланмоқда, маҳаллий дизайнерларнинг тўпламлари мода оламининг профессионаллари ва ҳаваскорларининг катта эътибор ва қизиқишларига сазовор. Шу билан бирга, дунёнинг кўплаб таниқли мода брендлари ва мода уйлари Ўзбекистон пойтахтида ўз ваколатхоналари ва бутикларини очмоқдалар.

Тўқимачилик маҳсулотлари, кийим-кечак ва тикувчилик буюмлари, мода аксессуарлари ишлаб чиқарувчилари ва савдогарлари бўлган хорижий компаниялар Ўзбекистон ва Марказий Осиё бозорида ўз мавқеини мустаҳкамлашга тайёр. Бундан ташқари, Марказий Осиё минтақасидаги корхоналар, шу жумладан Ўзбекистон ҳам ўзларининг энг яхши маҳсулотларини намойиш этиш ва янги экспорт бозорларини кашф этиш ниятида.

Ўзбекистонда тўқимачилик саноатини таҳлил қилар эканмиз,

Ўзбекистонда тўқимачилик ва мода кўргазмаларини халқаро профессионал иштирокчилар ва ташриф буюрувчилар иштирокида Ўзбекистонда тўқимачилик ва мода соҳасидаги ягона ихтисослашган савдо кўргазмаси бўлган "Textile Expo Uzbekistan" номи остида ташкил этишни таъкидлаш керак.

Бундан ташқари, Фонд Форум томонидан "Дом Стиля" билан ҳамкорликда 2006 йилдан 2016 йилгача Art Week style.uz ўз лойиҳаси ўтказилди бу эса Ўзбекистон мода индустрияси ривожланишига ўз хисасини қўшди. Art Week style.uz — замонавий ва анъанавий ўзбек модаси ва санъатининг ривожланишига ёрдам берадиган Марказий Осиёдаги энг нуфузли маданий тадбир. Энди еттинчи йил давомида ушбу лойиҳа дунёнинг турли бурчакларидан кўплаб меҳмонларни тўплайди, ўтмиш ҳозирги кун билан уйғунлашган шаҳар. Ҳафталикнинг асосий тадбирлари ҳар йили октябр ойида ўтказилади ва бадиий ва юқори модаларни намойиш етади.

Мамлакатимизда 2012 йилдан бошлаб болажонларга "Болажонлар-ширинтойлар" номли Болалар мода фестивалини ташкиллаштирилиб келинмоқда. Бошқа томондан, Ўзбекистонда ЛъОффисиел, Белла Терра, Жаннат Макон каби кўплаб соҳаларда Ўзбекистоннинг маданий ҳаётини намойиш этадиган қатор мода журналлари нашр қилинди, улар мода намоёндалари, воқеалар, тўпламлар, моделларнинг фотосуратлари ҳақидаги янги янгиликларни тақдим этди.

Юқори даражадаги мода намоёндалари, Париждаги барча мода уйлари ва компаниялари билан ҳамкорлик қилади. Хизматларимизга талаблар ошаётгани туфайли Япония, Хитой, Корея, Германия, Италия ва бошқа мамлакатларда ҳам фаолият юритмоқда. 2019 йилда Ўзбекистон ҳам бу академияга шерик бўлиб қўшилди.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамжиҳатликда Франция Мода академиясининг филиали форматида нуфузли ўқув-таълим тузилмасини ташкил этилди.

2019 йилда тасвирий санъат галереясида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси "Ҳунарманд" уюшмаси билан ҳамкорликда "УЗБЕКИСТАН — Аспара Фашион Week 2019" халқаро мода ҳафталигини ўтказилди.

Мода ҳафталигида 18 мамлакатдан 30 нафар эксперт ва 33 нафар дизайнерлар иштирок етишди шу жумладан АҚШ, Италия, Франция, Буюк Британия, Малайзия, Хитой, Грузия, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларнинг етакчи дизайнерлари, мода муҳаррирлари иштирок этди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки Мамлакатимиз мода индустриясини ривожлантириш ва ундан кўзланган мақсад шундан иборатки- халқлар ўртасидаги дўстликни яънада мустаҳкамлаш, хорижий меҳмонлар ва соҳа мутахассисларига миллий либосларнинг бой маданияти ва жозибасини намойиш этиш. Ушбу лойиҳа халқларимизнинг бой меросини асраб-авайлаш, костюмлар санъати ва Осиёнинг ўзига хослигини намойиш етиш, шунингдек, Марказий Осиё дизайнерлари ўртасидаги

рақобатни кучайтириш, уларнинг ижодини рағбатлантириш ва ёш дизайнерларнинг Марказий Осиё ва жаҳон мода намойишларида иштирок етишига имконият яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 февралдаги **“**Тўқимачилик ва тикув - трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида**”**ги ПҚ-4186-сонли фармони
2. Боркова Е.А. Щеглова А.Д. Хозяйственное управление культурой и искусством г. Санкт- Петербурга.//Развитие экономики и менеджмента в современном мире/ Сборник научных трудов по итогам международной научно-практической конференции г. Воронеж С.143-147.
3. Пугаченкова А.К истории костюма Средней Азии и Ирана XV — первой половины XVI в. по данным миниатюр. / /Труды САГУ31-сон. Тошкент, 1956.
4.Интернет маълумотлари .

М.Б.Калонов – Транспорт вазирлиги ҳузуридаги автомобиль транспорти кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти директори, и.ф.д., профессор

Г.М.Шодиева – шу институтнинг ўқув ва услубий ишлар бўлими бошлиғи, и.ф.д., профессор в.б.

АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАЛАРИДА МАРКЕТИНГНИНГ КОНЦЕПЦИЯСИ ВА РЕЖАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ МУАММОЛАРИ

Аннотация: мақолада автотранспорт корхоналарида маркетингнинг концепцияси ва режасини ишлаб чиқиш муаммолари қараб чиқилган. Бунда маретингнинг мақсади, вазифалари,концепцияси, стратегияси ва режалаштирилиши каби тушунчаларнинг таърифлари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги қараб чиқилган.

Калит сўзлар: маркетингнинг мақсади, маркетингнинг вазифалари, маркетинг концепцияси, корхона, истеъмолчи, буюртма, фойда, ташхис

Аннотация: в статье рассмотрены проблемы разработки концепции и плана маркетинга в автотранспортных предприятиях. Здесь, рассмотрены описания таких понятий как цель, задачи, концепция, стратегия и планирование, а также их взаимосвязь.

Ключевые слова: цель маркетинга, задачи маркетинга, концепция маркетинга, предприятие, потребитель, заказ, прибыль, диагноз (диагностика).

Abstract: The article discusses the problems of developing a concept and marketing plan in auto transport enterprises. Here, descriptions of concepts such as goal, objectives, concept, strategy and planning, as well as their relationship are considered

Keywords: The purpose of marketing, the objectives of marketing, the concept of marketing, enterprise, consumer, order, profit, diagnosis

Маркетингни режалаштиришда унинг концепцияси (1-расм), сўнгра стратегияси ва ниҳоят режаси ишлаб чиқилиши лозим. Бунинг учун унинг аниқ мақсади ва вазифаларини белгилаб олиш лозим бўлади.



1-расм. Маркетинг концепциясининг шаклланиши

Бизнинг фикримизча, **маркетингнинг мақсади** деганда, товар (иш, хизмат)ни харидарга қанча керагини тегишли миқдор ва сифатда аниқлаш, уни ишлаб чиқаришни асослаш ва сотиш бозорини белгилаб бериш тушунилади.

Маркетингнинг вазифалари деганда, ушбу мақсадни амалга ошириш учун қандай чора-тадбирларни қандай кетма-кетликда бажариш лозимлигини асослаш тушунилади.

Ушбу жараёнда автотранспорт корхоналарининг ҳолати тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиш лозим. Бунинг учун маркетологлар, режалаштириш учун ўта муҳим ҳисобланган “ташхис” қўйишни билиши керак. **Ташхис** қуйидагиларни қамраб олади:

- корхона маҳсулотининг бозордаги мавқеи;
- ишлаб чиқариш ҳажмининг барқарорлиги;
- фойдага эришиш имкониятлари;
- буюртмалар ва шартномаларнинг мавжудлиги ва уларнинг иш ҳажмини қамраб олиш даражаси;
- истеъмолчиларнинг маҳсулот (иш, хизмат)лари бўйича сифатига эътирозларнинг борлиги кабилар. Автотранспорт корхоналарида “Маҳсулот ишлаб чиқариш” сўзи ўрнига “юк ёки йўловчи ташиш” тушунчаларини ишлатиш лозим бўлади. Ташхиснинг барча йўналишлари бўйича муаммолар бўлиши мумкин. Ушбу муаммолар иккига бўлинади:

-доимий (узлуксиз) равишда содир бўладиган муаммолар;

- бир марта содир бўладиган муаммолар. Ҳар бир йўналишни шу иккита муаммога бўлиб олиш лозим бўлади.

Бунга қуйидаги мисолни келтириш мумкин (2-расм).

Ушбу муаммоларнинг ҳал қилиниши бўйича тегишли бошқарув қарорлари, “Йўл хариталари” ёки чора-тадбирларни қабул қилиш учун ҳам зарур ахбортлар билан таъминланган бўлиши лозим.

Маркетинг концепциясини ишлаб чиқишда юқоридаги муаммоларни ҳал қилиш йўлларини ҳам аниқ белгилаш лозим бўлади. Бунинг учун муаммони ҳал қилиш бўйича гипотеза ишлаб чиқилади ва шу асосда концепция шакллантирилади (3-расм).



2-расм. Ташхисни қўйишда инбатга олиниши лозим бўлган муаммолар



3-расм. Мавжуд муаммоларни ҳал қилиш бўйича концепциянинг шаклланиши

Шундай қилиб, маркетинг концепцияси шаклланди. Юқоридагилардан келиб чиқиб, унинг таърифини ишлаб чиқиш мумкин. **Маркетинг концепцияси** деганда, корхонанинг ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсати) мақсадидан келиб чиқадиган узоқ муддатга мўлжалланган истеъмолчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини бажаришга қаратилган маҳсулот (иш, хизмат)ларни самарали йўллар билан сотишга қаратилган ғоялар тизими тушунилади.

Шу тариқа концепция аниқ бўлгач энди маркетингнинг бошқа босқичларига ўтиш мумкин. Мазкур аниқланган концепцияга асосан маркетинг фаолияти режалаштиради ва амалга ошириш дастури ишлаб чиқилади (4-расм).



4-расм. Маркетингнинг режалаштирилиш ҳолатигача бўлган босқичлари

Бу ерда стратегия масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки маркетинг қайси йўналишдан, қай тарзда ҳаракат қилишини белгилаб беради. Стратегия сўзи "Ўзбек тилининг беш томлик изоҳли луғатида" юнон тилидан келиб чиққан бўлиб, "бошлаб бораман", деган маънони англатар экан. Маркетингда ҳам концепцияни бажариш учун қандай йўл билан бошлаб бориш масаласи – бу стратегияда амалга оширилади. Етиб боргандан кейин нимани, қандай ва қачон бажариш бу режалаштиришда ўз аксини топади. Шундай қилиб, режалаштириш босқичига келинади.

А.Н.Холиқулов – СамИСИ, Иқтисодий таҳлил ва статистика кафедраси мудири, и.ф.н., доцент
К.Р.Мухамадиева – СамИСИ магистранти

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАСИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Аннотация: мақолада "Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини самарали бошқариш механизмларининг ривожланган мамлакатлар тажрибаси, Халқаро хизматлар айирбошлаш ўзига хос хусусиятлари, Халқаро айирбошлашда хизмат кўрсатиш турлари кенг ёритиб берилган.

Калит сўзлар:сервис, хизмат кўрсатиш, халқаро айирбошлаш, халқаро хизматлар, сервис фаолияти, халқаро туризм.

Аннотация:В статье подробно описывается опыт развитых стран с эффективными механизмами управления сектором услуг, особенности международного обмена услугами и виды услуг, предоставляемых в международном обмене

Ключевые слова:Сервис, международные услуги, международный обмен, международные услуги, сервисные услуги, международный туризм.

Abstract: The article describes in detail the experience of developed countries with effective mechanisms for managing the service sector, peculiarities of the international services exchange, and the types of services provided in the international exchange.

Keywords: service, international services, international exchange, international services, service activities, international tourism.

Иқтисод ва жамият амалиётида сервис ролининг ўсиши ҳақида халқаро айирбошлашга киритилган хизматлар ўсиб бораётган ҳажми муҳим гувоҳлик беради. Ташқи иқтисод муносабатларининг ушбу

кўринишини хизматлар ҳом ашё ва товарлардан фарқ қилган ҳолда кўзга кўринмас бўлгани учун кўпинча “кўринмас экспорт” деб аташади.

Халқаро хизматлар айирбошлаш ўзига хос хусусиятларга эга бўлмоқда. У товар бозори билан бир-бирига таъсир кўрсатади ва ҳаттоки, унинг бир қисми бўлиб хизмат қилади. Натижада бу бозорларнинг бир-бирига ҳар доим ҳам тенглаштирилмайдиган таъсир ва қарама-қаршиликларни келтириб чиқаради. Бутун жаҳон меҳнат тақсимотининг базасида миллий иқтисодчиларнинг асосий қисми ҳом ашё, тайёр маҳсулот ва ярим тайёр маҳсулотларни айирбошлашга ихтисослашган ҳолда аллақачон халқаро товар айланмасига жалб қилинган.

Хом ашё ва товарлар савдосидан фарқ қилган ҳолда хизматларни чет давлатларга сотиш етарлича қийинчиликларга ва харажатларга олиб келмоқда. Ҳамма хизматлар ҳам экспортнинг предмети бўла олмайди (масалан, шахсий ва турмуш характеридаги хизматлар ва ҳ.к.). яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, импортчи мамлакат одатда товар бозорига нисбатан ўзининг хизматлар бозорини чет эл рақобатидан фаолроқ ҳимоя қилишга ҳаракат қилади. Бир неча ҳолда бу давлат хавфсизлиги билан боғлиқ. Масалан, фан-тараққиёт тармоқлари ишлаб чиқариш соҳасидаги хизматлар,интеллектуал хизматлар ва шу кабиларда.

Халқаро хизматларни тақдим этиш амалиётида кузатувчилар сервиснинг бир неча намунали шаклларини ажратадилар:

- ✓ Чет эл ҳудудига ишлаб чиқариш субъекти билан ўтказилувчи ва шу ерда истеъмолчи реализациясига таклиф этилувчи хизматлар. Хизматларнинг бундай турли-туманлиги “МакДоналдъс” тамаддихонаси фаолияти мисолида кўрсатилган;
- ✓ Бошқа давлатдан олиб келинган ишлаб чиқарилган давлатда истеъмол-чига кўрсатиладиган хизматлар. Бунга чиқиш туризми мисол бўлади;
- ✓ Чегара орқали хизматларни етказиб бериш. Хизматларнинг бу кўриниши биринчи ва иккинчи категорияли хизматлардан фарқ қилади, реализация жараёнида хизматларнинг ўзи чегарани кесиб ўтмаган, лекин “экспортли” ёки “импортли” субъект бўлиб мос равишда хизматлар ишлаб чиқарувчиси ёки уларнинг истеъмолчиси намойиш бўларди. Бу ерда чегара орқали хизматларни етказиб беришда хизматлар аниқ ўз сифатида кесиб ўтади. Мисол бўлиб компютер-ахборот хизматлари, банк сервиси ва ҳ.к.лар хизмат қилади.

Халқаро хизматларнинг баъзи кўринишлари икки шаклда бўлиши мумкин, масалан таълим олиш хизматлари. Агар бир давлатнинг фуқароси бошқа бир давлатга таълим олиш учун кўчиб келса, у 2-типдаги хизматлардан фойдаланади. Аммо баъзи ҳолларда ривожланган давлатларнинг йирик таълим марказлари ўзларининг дастурларини, ўқитувчиларни ва ўзининг гувоҳномасини бериш имкониятларини тақдим этган ҳолда чет эл институтлари билан ҳамкорлик қилади. Бу ҳолда бошқа давлатнинг фуқаролари ўз давлатининг чегарасидан чиқмаган ҳолда таълим олиши ва чет эл намунасидаги диплом олиши мумкин.

Жамиятнинг ижтимоий ривожланиш қонуниятларининг бозор муносабатлари шароитидаги муайян хусусиятларидан бири шуки, инсонлар ҳеч қачон якдил иқтисодий манфаатга эга бўлмаган ва ҳеч қачон бўлмайди ҳам. Бозор шароитида адолатли тақсимлаш тенг бўлмаган ва тенг тақсимлаш ўз ўрнида ҳеч қачон адолатли бўлмаган. Бу бозор муносабатларининг ижтимоий аксиомаси, яъни буни исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Шу нуқтаи назардан, жамиятда ҳар хил ижтимоий гуруҳлар ижтимоий тузилманинг, шу жумладан иқтисодий тизимнинг, ўзининг мавқеига тааллуқли жойини эгаллаб келган ва эгаллашга интилган.

Шунинг учун, ҳар бир ижтимоий гуруҳ ўзининг мавқеига муносиб жойни эгаллаш учун жамиятда узлуксиз кураш олиб боради. Бу курашни иқтисодий иборада рақобат деб аталади. Агарда гуруҳлар ўртасида ушбу кураш кескин тус оладиган бўлса, жамиятга норозилик кучайиб, муросасиз низолар авж олиши мумкин. Бизнингча, жамиятдаги гуруҳлар ўртасида ишонч ва ижтимоий шерикликка асосланган янги муносабатлар шаклланса, ҳам жамият, ҳам миллий иқтисодиёт барқарор ривожланиши учун имконият яратилади. Бу борада давлат, иш берувчилар ва ёлланма ишчилар ўртасида ўта самарали, таъсирчан цивилизация талабларига мос келадиган самимий муносабатлар механизмининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш, замоннинг муҳим талаби бўлиб қолмоқда. Фақатгина ушбу таъсирчан механизмнинг вужудга келиши барча ижтимоий гуруҳларнинг иқтисодий манфаатларини оптимал равишда ҳисобга олган тарздагина, сиёсатда, ижтимоий турмушда ва иқтисодиётда барқарор ривожланиш асосини яратади.

Дунёнинг иқтисодий ривожланган давлатларида ушбу механизм “ижтимоий шериклик тизими” деб аталиб, XX асрнинг иккинчи ярмидан

бери амал қилиб келади. Ижтимоий шериклик — бу фуқаролик жамиятнинг муҳим аҳамиятга эга институти ҳисобланиб, у аввалам бор ҳар бир ижтимоий гуруҳнинг олға сурган қадрият ҳисоблаган талабларини тан олиш, уларнинг ижтимоий мавқеидан қатъий назар барча ҳуқуқларини ҳимоялаб, амалда фаолият кўрсатишга имкон яратувчи тизим ҳисобланади.

Меҳнат соҳасида эса ижтимоий шерикликни муайян ижтимоий-меҳнат муносабатлари ҳисобланиб, иш берувчи ва ёлланма ишчилар ўртасидаги иқтисодий-ижтимоий манфаатларнинг мувозанатини шакллантириб, сақлаб борадиган муносабат деб кўзда тутиш зарур.

Ижтимоий шериклик муносабатлари ўз ичига: субъектлар, объектлар, шакллар, бошқарув ва ижро этиш механизмлари элементларини қамраб олади. Ижтимоий шериклик субъектлари - бу аввалам бор ёлланма ишчилар, иш берувчилар ва ҳар хил даражадаги давлат идораларидир. “Ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир”[1].

Давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ижтимоий шериклик субъектлари ҳисобланади. Давлат органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлиги алоҳида қонунлар билан тартибга солиниб борилади.

Ижтимоий шериклик тизимининг объекти сифатида биринчи навбатда субъектлар ўртасидаги ижтимоий-меҳнат муносабатлари ҳисобланади. Ижтимоий шериклик муносабатларини расмийлаштирувчи шакллар асосан республика ва маҳаллий бошқарув бўғинларда ҳамда корхона ва жамоат ташкилотлар ҳамкорлигида қабул қилинади, яъни Ўзбекистон Республикасида ижтимоий шериклик муносабатлари модели тўрт бўғиндан иборат: республика миқёсида, вилоят, туман ва корхона жамоасида.

Олдин таъкидлаганимиздек, ижтимоий шериклик жамиятдаги ҳар хил ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларининг интеграциялашуви бўлиб, улар жамият қадриятларидан келиб чиқиб, томонлар ўртасидаги иқтисодий ва ижтимоий зиддиятларнинг олдини олувчи, томонлар ўртасида ҳамкорлик талабларига суянган ҳолда амал қилиб боради.

Бизнингча, миллий иқтисодиётнинг барча соҳаларида ижтимоий шериклик даражаси қуйидаги омиллар таъсирида амал қилиш имкониятлари мавжуд:

биринчидан, мулкчилик шаклининг кўплиги ва улар орасида хусусий

[1] Ўзбекистон Республикаси “Ижтимоий шериклик тўғрисида” қонуни//Тошкент, 2014йил, 2 бет.

мулк шаклларининг устунлиги;

иккинчидан, ҳозирги ривожланиш даврида илғор технологияларга асосланган ишлаб чиқариш кучларини мавжудлиги;

учинчидан, ички бозорнинг аҳоли истеъмол моллари ва хизматлари билан тўлалигича таъминлангани;

тўртинчидан, ёлланма ишчиларнинг фирма фаолиятини бошқаришда кенг иштироки ва акциялар ҳамда бошқа қимматбаҳо қоғозлар туфайли фирма даромадини тақсимлашда бевосита иштирок этиш.

Хулоса ўрнида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш лозим:

биринчидан, жамиятимиздаги ижтимоий шериклик муносабатлари аввалам бор ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида вужудга келиши мумкин;

иккинчидан, ижтимоий шериклик муносабатларининг асосий мақсади имкон борича кўпроқ даромад олишни ошириш эмас, жамият аъзоларини эҳтиёжини тўла қондириш билан бир қаторда уларнинг турмуш сифати ва ҳаёт тарзи даражасини юқори сақлаб туришдан иборатдир.

Бошқача қилиб айтганда, шундай турмуш сифати ва ҳаёт тарзи даражаси вужудга келиши керакки, жамият аъзоларининг барчаси ўша иқтисодий ва ижтимоий имкониятларни сақлаб қолиш учун ижтимоий-иқтисодий кескинликни ва ижтимоий зиддиятларни келитириб чиқарадиган ҳаракатлардан воз кечишини ўзига раво кўришлари керак бўлади.

A.N.Holikulov– SIES Head of Economic Analysis and Statistics chair, PhD, docent

N.A.Eshkuvvatova – SIES 2nd year student,

ONLINE COMMERCE SERVICES IN THE DIGITAL ECONOMY

Abstract: This article outlines the importance, challenges and solutions of online commerce in the digital economy to help growing our economy.

Keywords: commerce, online, economics, information technology, e-mail, internet commerce, virtual auction.

Annotatsiya: Ushbu maqolada mamlakatimizda iqtisodiyotimizni rivojlantirish maqsadida raqamli iqtisodiyotda onlayn tijoratning ahamiyati, undagi muammolari va yechimlari keltirilgan.

Kalit so‘zlar: tijorat, onlayn, iqtisodiyot, axborot texnologiyalari, elektron pochta, internet savdo, virtual auksion.

Аннотация: В этой статье описывается важность, проблемы и решения онлайн-торговли в условиях цифровой экономики в целях интенсивного роста отрасли.

Ключевые слова: коммерция, онлайн, экономика, информационные технологии, электронная почта, интернет коммерция, виртуальный аукцион.

The need for information technology (IT) is growing at a rapid pace in order to achieve the desired development and prosperity of the international community. Economic growth and improved living standards are the result of the increased use of information technology in our daily lives. World experience shows that providing a free flow of information can accelerate the transition to a market economy and improve social welfare.

The rapid development of information technology is also reflected in the economy. The main reason for the success of the economy, especially in the business sector, is the high level of development and effective use of various information technology segments. The economy of Uzbekistan is no exception. A vivid example is the steady growth of a number of information technology segments, such as data networks, information resources and electronic document exchange, business and commerce. For Uzbekistan, the development of information technology is important in ensuring new economic ties. However, this process is only possible when there is a sufficient level of public information prepared by the development of information technology education standards, modernization of national telecommunications networks, and legal framework.

As a result of the gradual development of the Uzbek economy, the importance of new business principles, especially e-commerce, has grown. To date, every Internet user has tried to understand the meaning of e-commerce. In the US markets, which has yet to build a long history, the average US $ 1.5-2 trillion a year. US dollars will be converted[1].

The term "e-commerce" includes technologies such as EDI (Electronic Data Interchange), email, internet, intranet, and extranet (information sharing with the outside world). The E-commerce system is divided into three classes:

- Retailing (Business Consumer, B2C);
- Building relationships with business partners (business-to-business, B2B);
- Consumer trade (Consumer-Consumer, C2C);

An example is a virtual auction www.Ebay.com.

E-commerce has its advantages and disadvantages:

- Increase the speed of obtaining information in international operations;
- Reduces production and sales times;
- The cost of information sharing is reduced through the use of cheap communication facilities.

The company maintains an open relationship with the consumer through effective use of information technology, informs partners and customers about products and services, and alternative ways of selling, for example, e-stores on commercial websites. let’s you open and create.

To date, government agencies in Uzbekistan adhere to the following principles, which are widely used in the development of e-commerce.

[1] Gulyamov S.S. etc. Blockchain technologies in the digital economy. T .: “Economics Finance”, 2019. 396 p.

- The corporate sector should play an active role in the development of e-commerce;
- Any restrictions on e-commerce not justified by government agencies should be avoided;
- Government can intervene in the process of e-commerce with the aim of supporting legal entities and improving the legal framework;
- In developing e-commerce management, the government should take into account the specifics of the Internet;
- The process of e-commerce should take place on a global scale, regardless of administrative-territorial division and state borders[1].

As a result of economic development, Uzbekistan is strengthening its position in the international economic system. This, in turn, necessitates the improvement of e-commerce infrastructure and its emergence as a strong competitor in the global market. Taking into account the aforementioned, significant work has been done to improve the legal framework for e-commerce. For example, the President of the Republic of Uzbekistan, in his Address to the Parliament on December 28, 2018, "We need to develop a national economy concept"[2]. On this basis, we need to implement the program "Digital Uzbekistan - 2030". The digital economy will increase gross domestic product by at least 30%, reducing corruption.

Analyzes by reputable international organizations also confirm this. Therefore, the Government is tasked with developing a roadmap for the transition to a digital economy within two months. Particular attention should be paid to information security"

On the basis of the work done and accomplished, some positive results have been achieved. For example, the results of efforts to increase the speed of information exchange and reduce the time it takes can be seen in increasing the speed of international information networks in the country.

It should be noted that in addition to the development of e-commerce in Uzbekistan, there are a number of problems that hinder the improvement of this sphere. One of the main challenges of today is the rapid and accurate solution of these problems. This is because the issues that are expected to be solved in the world are common and can lead to serious crises in this field.

First, the necessary infrastructure is still insufficient. Here are some examples:

- The number of providers that are directly connected to the global Internet network is limited, and as a result, the internet is delivered to customers through the transfer between providers, which is likely to adversely affect the quality of the service. 'secret.

[1] Ayupov R.H., Baltabaeva G.R. Digital Currency Market: Innovations and Development Prospects. –T: Science and Technology Publishing, 2018, 172 p.

[2] Statement of the President of the Republic of Uzbekistan on December 28, 2018 to the Parliament on the Most Important Priorities

- Quality of internet services in the regions is significantly worse than in the capital. Clients use Dial-Up (Dial-up) direct dialing as a result of insufficient conditions for a dedicated connection (ADCL modem). This in turn leads to poor service quality.

Secondly, the number of Internet users is at such a level that it does not create a large market for e-commerce (over 2.5 million internet users in Uzbekistan. Some progress has been made in the industry, but it is growing only in certain areas (mainly the capital and some regional centers), but many regions still remain problematic, with a sufficiently large market. Conducting e-commerce without the benefits is a disadvantage to a voluntary entrepreneur.

Thirdly, there is a lack of reliable system for on-line payments from individuals' bank accounts. We can only pay for plastic cards issued by our banks using special terminals. You can pay for fields.

The main problem is that online banking is not widely available for individuals in Uzbekistan. On-line banking allows bank customers to manage their accounts and make payments through the Internet or mobile phones. SMS-banking offered by several banks is one-sided and is intended only for the account and transaction history. This is one of the biggest obstacles to the development of e-commerce[1].

Suggestions:

As the main priorities for addressing the above problems, we offer:

- ✓ Research in the field of e-commerce should be strengthened. One of the main problems in the process of scientific work, writing articles, creating specialized web-resources, organizing forums and conferences, taking into account not only technical, economic and legal features of e-commerce, is preventing staff shortage.
- ✓ Development of competition in the field of telecommunications services. This will improve the quality of the service, lower prices, and create an online e-commerce audience.
- ✓ Ensuring that the legal environment favorable for investing in the ICT sector is maintained in a consistent manner.
- ✓ Creating self-management and experience-sharing systems
- ✓ E-learning system development;
- ✓ Ensure the spread of information technology throughout Uzbekistan. The introduction of information technology not only in regional centers but also in remote villages will significantly increase the volume of e-commerce;
- ✓ Effective implementation of the on-line banking system nationwide. This will help businesses and retailers to freely trade their products and services online. At the same time, this will bring about significant changes in other areas of the banking sector.

Prospects for the development of e-commerce in Uzbekistan:

[1] http://xs.uz/uz/post/raqamli-iqtisodiyotni-rivozhlantirish-maqsadida-raqamli-infratuzilmani-yanada-modernizatsiya-qilish-chora-tadbirlari-togrisida

It is safe to say that Uzbekistan should not be left on the brink of information technology civilization with its high intellectual potential.

What are the implications of e-commerce for our society?

- The development of e-commerce will have a positive impact on the structure of the labor market in Uzbekistan. Industrialization of high technology will create thousands of new jobs.
- Stabilization of the economy of Uzbekistan, increased competitiveness of goods and services and simultaneous development of e-commerce will increase our export potential.
- E-commerce provides improved living standards, development of marketing and management areas.

Thus, it should be noted that the opportunities for e-commerce in Uzbekistan are increasing year by year. Its development will enable our national producers to open new markets and find new customers. Choosing the right path to developing e-commerce will in the future make Uzbekistan's economy a leading figure in the global market. Choosing the right solution to the problems in e-commerce in Uzbekistan is reflected in the welfare of our people, our society and our economic development.

References:

1. Gulyamov S.S. etc. Blockchain technologies in the digital economy. T .: “Economics Finance”, 2019. 396 pages.
2. Ayupov R.K., Baltabaeva G.R. Digital Currency Market: Innovation and Development Prospects. –T: Science and Technology Publishing, 2018, 172 pages
3. Message from the President of the Republic of Uzbekistan on December 28, 2018 to the Parliament on the most important priorities
4. Lapidus L.V. Digital Economy: Upgrading Electronic Business and Electronic Commerce. –M .: INFRA-M, 2017. -281 p.
5. http://xs.uz/uz/post/raqamli-iqtisodiyotni-rivozhlantirish-maqsadida-raqamli-infratuzilmani-yanada-modernizatsiya-qilish-chora-tadbirlari-togrisida
6. https://www.mf.uz/uz/novosti-uzbekistana/item/815-elektron-tijorat-bozori-rivojlanmoqda.html
7. https://e-tijorat.uz/uz/page/24/elektron-hukumat-markaziga-yangi-vazifalar-yuklandi

С.Б.Бобоқулов – СамДУ ассистенти

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ УСУЛЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада муаллифларнинг коммунал хизмат кўрсатиш тизими самарадорлигини оширишда соҳа инфратузулмасини модернизациялаш усуллари ўрганилиб таҳлил қилиниб керакли фикрлар келтирилган ҳамда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: коммунал хизмат, хизмат кўрсатиш, сервис, маиший хизмат, самарадорлик, модернизация, таҳлил.

Аннотация: в данной статье автором приведены выводы и предложение исходе из анализа методов модернизации инфраструктуры для повышения эффективности системы коммунальных услуг

Ключевые слова: общественные работы, обслуживание, сервис, бытовые услуги, эффективность, модернизация, анализ

Annotation: In this article, the author provides conclusions and suggestions based on the analysis of infrastructure modernization methods to improve the efficiency of the public utility system.

Keywords: public, works, maintenance, service, domestic services, efficiency, modernization, analysis

Ҳозирги даврда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади аҳоли фаровонлигини, турмуш даражаси ва сифатини оширишга йўналтирилганлигидир. Ўзбекистон рақамли иқтисодиётга ўтиш жараёнида ҳудудлар ва шаҳарларда уй-жой коммунал комплексларини барқарор ишлашини таъминлаш вазифаси катта аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз аҳолисини турмуш даражаси ва сифатини яхшилашда коммунал хизматлар соҳасининг ўрни ва роли жуда каттадир. Бу ҳолат коммунал хизматлар кўрсатиш соҳаси фаолияти самарадорлигини оширишга алоҳида этибор беришни талаб этади. Хусусан, шаҳар ва қишлоқлар ўртасида мавжуд бўлган ривожланишнинг номутаносиблигини йўқотиш учун мамлакатимиз ҳукумати Мақсадли “2030 йилгача қишлоқнинг ижтимоий ривожланиши”[1] Дастурини қабул қилди. Қишлоқ жойларда уй-жой коммунал инфратузилмасини ривожлантириш (қишлоқ аҳоли пунктларини босқичма-босқич кўчириш, марказлаштирилган сув таъминоти ва чиқиндиларни сув билан таъминлаш; қишлоқ жойларида электр тармоқлари ривожлантириш; сув тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш), шунингдек, Дастур доирасида қишлоқнинг ривожланиши учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари, уларнинг узлуксиз ташкил этилиши, хизматларнинг бир бирлиги учун таннанрх харажатларини камайтириш ва уларнинг рентабеллик ҳажмини ошириш амалга оширилади. Шунингдек,

[1] Ўзбекистон Республикасининг 2019-2030 йилларга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури. www.gov.uz

коммунал хизмат кўрсатиш тизими соҳасидаги ислоҳатлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг узвий таркибий қисми ҳисобланади. Хусусан, мамалакатимиз Президенти Ш.М.Мирзёев Олий мажлисга йўллаган мурожатномасида “аҳоли фаровонлигини ошириш ва унинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш – биз учун бош вазифалардан бири бўлиб қолади”[1]деб таъкидлаган.

Ҳозирги даврда уй-жойга бўлган талабнинг ошишини, бунга сабаб бўладиган асосий омил сифатида аҳолининг табиий ўсишини (демографик прогнозларга кўра 2020 йил 1 январ ҳолатига кўра 33,9 млн. кишини ташкил этиб 1991 йилга нисбатан 25,5 млн. кишига, яни 75,2 % ташкил қилмоқда) кўришимиз мумкин. Аҳолини шаҳар жойларга қараб интилиши, шаҳар аҳолисини кўпайиши уй-жойларга бўлган талабини ошишига олиб келмоқда. Муаммо бугунги кунда турар-жой биноларининг янгисига, сифатига, жумладан, уларнинг катталигига замонавий жиҳозлар билан таъминланганлигига, хоналарнинг кенглигига, шунингдек, уларнинг жойлашган ўрнига боғлиқ бўлмоқда.

Уй-жой стандартлари қуйидагиларни ўз ичига олади: ҳар бир оиланинг индивидуал яшаши, камида алоҳида хонага эга бўлган барча уй хўжаликлари аъзоларининг хавфсизлиги ва юқори стандартларга эгалиги, турар-жойнинг турига ва сифатига (турар-жой, бир хонали хонадон, уй-жойлардаги хоналарнинг сони, асосий коммунал хизматларни эмас, балки замонавий коммуникация қурилмалари ва бошқаларни) ва унинг атрофини ўраб турган муҳитга (ва атроф-муҳит муҳофазаси, унинг талаблари ва бошқалар) боғликдир.

Бундай шароитда асосий вазифа янги турар-жойларнинг сонини кўпайтириш билан биргаликда энг эски ва ноқулай уй-жой фондини замонавий талабларга жавоб берадиган янги маҳсулот билан алмаштиришдир мавжуд фондни модернизация қилиш, шаҳар ва қишлоқлар атроф-муҳитининг сифатини яхшилашни тақозо этмоқда.

Уй-жой коммунал хўжалиги бозори инфратузилмасини ислоҳ қилиш умуман уй-жой коммунал хўжалиги тизимини тубдан ўзгартиришга айланди. Бироқ, иқтисодиётни ислоҳ қилиш жараёни ўз устувор йўналишларига эга, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги ислоҳотлар эса устувор манфаатлар зонасидан ташқарида эди. Ер участкаларини бепул хусусийлаштириш биринчи навбатда уй-жой бозорини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратди. 90-йилларда институционал ўзгаришлар нафақат маъмурий-ҳуқуқий ва бошқарув ва давлат бошқаруви функциялари, маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар вазифаларини дифференциаллаштиришга қаратилган муносабатлар соҳасида мавжуд эди, бундан кейин аҳоли ва ҳукуматнинг бевосита иштирок этиши механизмлари етарлича жалб қилинмади.

Тахминан 20 йиллик давр ичида (1991 йилдан) ислоҳотларнинг

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожатномаси 20 январ 2020 йил Зарафшон газетаси 7-8 сон

ўзгариши мақсадлари асосан, уй-жойларни хусусийлаштириш, давлат ва коммунал мулкни хусусийлаштириш, тарифларни тартибга солиш, шартномавий муносабатларни ташкил этиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими, уй-жой коммунал хизматларини тўлаш, уй-жой фондини модернизация қилиш ва капитал таъмирлаш каби ишлар амалга оширилганини кўришимиз мумкун.

Бизнинг фикримизча, ҳудудларда уй-жой коммунал хўжалиги инфратузилмасида ҳуқуқий ва иқтисодий муносабатларни тартибга солиш институтини такомиллаштириш зарур.

Уй-жой коммунал хўжалигида энергия тежашга устувор аҳамият берилади. Энергия ресурсларидан янада самарали фойдаланиш ресурсларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва ташишнинг барча босқичларида муҳим ўзгаришларни талаб этади. Ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий этиш асосий йўналиш бўлиб қолмоқда. Шу муносабат билан Президентимизнинг 2018 йил 23 октябрдаги "Электр энергитикаси тармоғини жадал ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, 2021 йилгача 7 миллиондан ортиқ истемолчиларнинг барчаси ҳамда электр-энергиясини ишлаб чиқарувчи, етказиб берувчи ва тақсимловчи корхоналар ягона электр-энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилиишнинг афтоматлаштирилган тизимига тўлиқ ўтказилади[1].

Фикримизча, иссиқлик, сув ва газ таъминоти билан боғлиқ мамлакатдаги кўп қаватли биноларни замонавий “online” дастури асосида ишловчи ҳисоблагичлар билан таъминлашга қаратилган ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилиши керак. Бунинг учун, умумий уй ва индивидуал ҳисоблагичлар ўрнатилиши талаб этилади. Энергия тежамкорлиги нуқтаи назаридан, уй-жой ўлчагичлари аҳамиятга эга, шунинг учун уларнинг ўрнатилиши бўйича статистика уй-жой коммунал хизматларини ислоҳ қилиш кўрсаткичи сифатида юритилади.

Ҳозирги вақтда истемолчиларнинг коммунал хизматларни истемол қилиш маданияти юксалгани ҳамда МИБ (мажбурий ижро буюроси)нинг самарали фаолияти сабабли тўлов жараёнлари нормал ҳолатда амалга оширилмоқда. Статистик маълумотларга қараганда тўлов жараёнларини ўсганини кўришимиз мумкун (1-жадвал)**.**

Юқоридаги жадвал маълумолари асосида аҳолига кўрсатиладиган уй-жой хизматлар учун тўловлар ўсиш суратини кўришимиз мумкун. 2016 йилда ХУЖМШ, эксплуатция харажатлар тўлови 109,7% ташкил қилган бўлса 2018% йилга бориб 112,9% ташкил қилди. Иссилик таъминоти учун тўловлар 2016 йилда 109,4% ташкил қилган бўлса 2017 йилга бориб 108,6% ташкил қилди. 2016 йилга нисбатан 2017 йилда иссилик таъминоти учун тўловларни ўсиш суратини пасайиш даражасини кўришимиз мумкун.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев тамонидан қабул қилинган “Электр энергитикаси тармоғини жадал ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш тўғрисида”ги Қарори. 2018 йил 23 октябр.

Аҳолига кўрсатиладиган уй-жой хизматлар учун тўловлар ўсиш сурати (% ҳисобида)[1]

№	Коммунал хизмат турлари	2016 йил	2017 йил	2018 йил
1	ХУЖМШ, эксплуатция харажатлар	109,7%	110,3%	112,9%
2	Совуқ сув ва канализация	106,5%	111,4%	113,8%
3	Иссилик таъминоти учун	109,4%	108,6%	113,3%
4	Иссиқ сув таъминоти учун	110,0%	109,6%	112,1%

Шунингдек, 2018 йилга бориб бу кўрсатгич 113,3% ўсганини кўришимиз мумкун.

Фикримизча, коммунал хизматлар учун тўловлар даражасини ошириш имконияти мавжуд. Бунинг учун соҳада тўлов жараёнларини тўлиқ афтоматлаштириш, “ақлли ҳисоблагич”, “ақлли уй” тизимини тадбиқ этиш тўловлар самарадорлигини ошишига, чекланган ресурсларни тежалишига ва ортиқча харажатларни камайишига олиб келади. Шунингдек, рақамли иқисодиётга ўтиш шароитида коммунал хизмат кўрсатиш инфратузилмасига инновацияларни тадбиқ этиш, улардаги хизматлар нархларини табақалаштириш, аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш сифатини ошишига олиб келади.

Ш.Ш.Файзиева – ҚарМИИ, "Иқтисодиёт" кафедраси доценти
М.Х.Собирова – ҚарМИИ 1-курс магистранти

АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИНИ РИВОЖЛАНИШИДА КООПЕРАЦИЯНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация: мақолада агросаноат мажмуасининг иқтисодиёт тармоқларидаги аҳамияти, самарадорлигини ошириш омиллари, яратилаётган имкониятлар, кооперациялашнинг аҳамияти тўғрисидаги фикрлар баён этилган.

Калит сўзлар: ишлаб чиқариш ресурслари, интеграция, кооперация, рақобатбардош маҳсулот, маҳсулот экспорти

Аннотация: в статье описывается роль агропромышленного комплекса в секторах экономики, факторы повышения эффективности, созданные возможности и важность сотрудничества.

Ключевые слова: производственные ресурсы, интеграция, кооперация, конкурентоспособная продукция, экспорт продукции

Abstract: The article describes the role of the agro-industrial complex in the sectors of the economy, the factors for increasing efficiency, the opportunities created, and the importance of cooperation.

Keywords: production resources, integration, cooperation, competitive production, export of products

[1] Ўзбекистон статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди

Республика агросаноат мажмуаси таркибидаги тармоқларнинг ташкилий, техникавий, технологик, иқтисодий ҳамда ижтимоий ўзаро боғланиши, яъни интеграциялашуви натижасида меҳнат тақсимоти амалга оширилмоқда. Бу ҳол агросаноат мажмуаси ихтиёридаги барча ресурслардан, шу жумладан чекланган ресурслардан ҳам самарали фойдаланилишни таъминлашга, техника ва инновацион технологияларни ривожлантиришга, ишлаб чиқариш жараёнларини таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш ҳамда механизациялаштиришга, автоматлаштиришга, электрлаштиришга, компьютерлаштиришга ва тармоқларни бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган. Уларнинг талаб даражасида амалга оширилиши натижасида харидоргир, рақобатбардош озиқ-овқат ҳамда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми ортади. Улар истеъмолчиларга сифатли ва қулай усуллар билан етказиб берилиши натижасида аҳолининг шу маҳсулотлар билан таъминланиши даражаси ортиб, мажмуа таркибидаги тармоқларнинг фойда олиши кўпаяди. Натижада агросаноат мажмуасининг иқтисодий самарадорлиги юксалади.

Агросаноат мажмуасининг иқтисодий самарадорлик даражасини қатор кўрсаткичлар ёрдамида аниқлаш мумкин. Жумладан, республика агросаноат мажмуасининг ялпи маҳсулоти, бу мажмуа таркибидаги тармоқлар корхоналари бир йил мобайнида ишлаб чиқарган тайёр маҳсулот ва кўрсатган хизматлар миқдоридан ташкил топади. Ялпи маҳсулотнинг миқдори ҳар бир тармоқ бўйича абсолют, яъни натурал кўрсаткичлар ёрдамида ҳисобланади (тонна, дона, банка, литр, шиша идишда, тонна.км, эт.гектар). Бу кўрсаткичлар ёрдамида агросаноат мажмуасидаги тармоқлар ялпи маҳсулотининг миқдори алоҳида-алоҳида аниқланиб, аввалги йиллардаги рақамлар билан таққосланиб, тармоқларнинг қандай ҳолатдалиги аниқланганда асосан, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарида асосий воситалар ишлаб чиқариш, маҳсулот етиштириш ҳажмининг ошишига эришиш, қайта ишлаш орқали маҳсулот турларининг кўпайиши ва истеъмолчиларга етказиб бериш самарадорлигининг ошганлиги кузатилмоқда.

Мамлакатимизда 2020 йилгача пахта хом-ашёсини етиштириш ва уни давлат томонидан харид қилиш ҳажмини 3 миллион 350 минг тоннадан 3 миллион тоннага босқичма-босқич қисқартириш ҳақидаги фикрлар тасдиқланган бўлиб, ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, шундай ҳажмдаги етиштириладиган пахта ҳосили, бир томондан, хом-ашёни ўзимизда чуқур қайта ишлашни инобатга оладиган бўлсак, аввало, тўқимачилик ва енгил саноатнинг ана шу хом-ашёга бўлган эҳтиёжини нафақат тўла таъминлайди, балки Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига пахта толаси ва ундан тайёрланадиган маҳсулотлар етказиб берадиган мамлакат сифатидаги мустаҳкам мавқеини сақлаб қолиш имконини ҳам беради. Лекин бу натурал кўрсаткичлар агросаноат мажмуасининг умумий ҳолатини ифодалай олмайди. Бунинг учун агросаноат мажмуаси ялпи маҳсулотининг қийматини аниқлаш лозим. Ялпи маҳсулот қийматини ҳисоблашда

маҳсулотларнинг бир неча марта ҳисобга олинишини бартараф этиш мақсадида агросаноат мажмуасининг барча тармоқларида яратилган қўшилган қиймат суммасини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Президентимиз таъкидлаганидек: “Келгусида қишлоқ хўжалиги вазирлиги соҳа корхоналарига кўрсатма бериш, ресурсларни тақсимлаш, режа белгилаш каби эски иш усулларидан мутлақо воз кечиши зарур. Бунинг ўрнига, вазирлик сервис ташкилотига айланиши, хусусий агросаноат ташкилотларига ер ҳолатини аниқлаш, экин турлари ва уруғни тўғри танлаш, зараркунандаларга қарши курашиш, молиявий кўмаклашиш, маҳсулот бозорини топиш бўйича хизмат кўрсатиши керак.”[1]

АСМнинг иқтисодий механизми қишлоқ хўжалиги ва саноатда товар айирбошлашни таъминлаб берувчи механизм ҳисобланиб, қишлоқ хўжалигига янада тараққий этишига кўмаклашади. Булар жумласига баҳо, солиқ, кредит ва суғурта тизимларидан тўғри фойдаланиш аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг энг муҳим вазифаларидан бири аҳолининг истеъмол товарларига нисбатан ўсиб бораётган талабини қондиришдир. Аҳоли озиқ-овқат ҳамда ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминланиши натижасида уларнинг фаровон ҳаёт кечиришлари учун асос яратилади. Бу муаммони агросаноат мажмуаси ҳал этади. Агросаноат мажмуасида барча тармоқлар ўзаро интеграциялашуви ҳамда ихтисослашиши натижасида аҳолининг икки хил эҳтиёжини қондирадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилиши зарур. Улардан биринчиси, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, иккинчиси эса аҳоли учун ҳаёт кечириш жараёнида фойдаланиладиган товарлар ишлаб чиқаришдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек: “Хитой давлатининг ташаббуси билан амалга оширилаётган “Бир макон, бир йўл” лойиҳаси доирасида мамлакатимизнинг транспорт-коммуникация инфратузилмалари соҳасидаги имкониятларини ошириш лозим. Транзит давлатлар, хусусан, Туркманистон, Эрон, Қозоғистон, Россия, Озарбайжон ва Грузия ҳудудларидан асосий экспорт юкларини транзит шаклида ташишда преференцияларга эга бўлиш ҳақида жиддий ўйлашимиз керак. Шу сабабли хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг логистика соҳасида аниқ лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги ҳаракатларини рағбатлантиришимиз даркор.

Шунингдек, миллий юк ташувчиларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорларга қўшимча шароитлар яратиш мақсадида “Миллий логистика портали”ни ташкил этиш лозим. Келгуси йилда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш бўйича музокараларни қайта бошлаймиз. Экспортни янада рағбатлантириш мақсадида техник жиҳатдан тартибга

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь

солиш тизимини халқаро стандартларга уйғунлаштириш лозим. Асосий мақсадларимиздан бири – ташқи бозорга сифатли ва сертификатланган маҳсулотларни “ўзбек бренди” номи билан олиб чиқишдан иборат.”[1]

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, иқтисодиётимиз ривожини, аҳоли бандлиги ва даромадлари ўсишини таъминлайдиган энг муҳим соҳалардан бири бўлган қишлоқ хўжалигини стратегик ёндашувлар асосида тараққий эттириш зарур. Бунинг учун агросаноат мажмуаси таркибидаги барча тармоқларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланишини, фан-техника янгиликлари ҳамда илғор, самарали ва инновацион технологияларнинг ишлаб чиқаришга изчил жорий этилишини ўзаро боғлиқ ҳолда таъминлаш зарур. Шу билан бирга мажмуа таркибидаги қайта ишлаш тармоқлари кўламини кенгайтириб, кооперацияни ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ассортиментини кўпайтириб, уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаб, сифатли сақлаб, аҳолига ўз вақтида етказиб берилишига эришиш лозим.

З.С.Шохўжаева – ҚарМИИ, Иқтисодиёт кафедраси доценти, и.ф.н.,
Ш.Я.Акбарова – ҚарМИИ 1-курс магистранти

ДОН МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ СОҲАСИДА ИНТЕГРАЦИОН АЛОҚАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Аннотация: ушбу мақолада вилоятда донли экинларни етиштириш ва уларни қайта ишлаш соҳасида интеграцион алоқаларнинг ривожланиши бўйича хулосалар қилиниб, таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: озиқ-овқат хавфсизлиги, ғалла маҳсулотлари, нонвойхона, тегирмон-ёрма ва омухта ем саноати корхоналари, диверсификация, модернизация, агросаноат интеграцияси.

Аннотация: в данной статье обобщены и даны рекомендации по развитию интегрированных связей в области выращивания и переработки зерна в регионе.

Ключевые слова: продовольственная безопасность, зерновые продукты, хлебобулочные, комбинаты и комбикормовые предприятия, диверсификация, модернизация, агропромышленная интеграция.

Abstract: This article summarizes and gives recommendations on the development of integrated relations in the field of growing and processing grain in the region.

Keywords: food security, grain products, bakery, combines and feed mills, diversification, modernization, agricultural integration.

Республикада етиштириладиган муҳим стратегик маҳсулотлардан бири ғалла ҳисобланади. Ғалла етиштириш мамлакатимиз озиқ-овқат

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь

хавфсизлиги ва миллий барқарорлигининг муҳим шартларидан бири саналади.

Статистик маълумотларга қараганда жами экин майдонлари таркибида ғалланинг салмоғи кенгайиб бормоқда. Агар 2000 йилда барча тоифадаги хўжаликлар бўйича 1614,0 минг гектарга бошоқли дон экилган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 1689, 5 минг гектарга етган ёки 4,7 %га ошган.

Бошоқли дон етиштириладиган майдонларнинг жами экин майдонларидаги салмоғи 2000 йилда 42,7%дан 2018 йилда 45,6 %га етди. Шуниси эътиборга моликки, 2000-2018 йиллар оралиғида бошоқли дон ҳосилдорлиги гектарига 27,0 центнердан 2010 йилда 43,6 центнергача ёки 61,5 %гача ошди. Бироқ 2018 йилда 2010 йилга нисбатан ҳосилдорлик 86,5 % га тенг бўлган ёки 13,5 %га камайган. Бу камайиш албатта табиатнинг инжиқ келиши, яъни 2018 йилда сувнинг кам бўлиши (қурғоқчилик) сабаб бўлган.

Дон етиштиришда фермер хўжаликларининг ҳиссаси катта бўлмоқда. 2000-2018 йиллар давомида фермер хўжаликларида бошоқли дон экинлари майдони 255,0 минг гектардан 1442,8 минг гектарга ёки 5,7 мартага, ялпи ҳосил миқдори 568,9 минг тоннадан 5020,5 минг тоннага ёки 8,8 мартага ошган. Қайд этилаётган ўсиш суръатларига ҳосилдорликнинг гектарига 22,3 дан 43,2 центнерга ёки 1,93 мартага ошгани эвазига эришилган, бироқ бу кўрсаткич 2018 йилда 2000 йилга нисбатан 1,56 мартага, 2010 йилга нисбатан эса 1,24 мартага камайганлигини кўриш мумкин. Фермер хўжаликларида 2000-2018 йилларда бошоқли дон экин майдонлари улардаги жами экин майдонларининг 40,3%идан 45,2%игача кенгайиб, уларнинг жами дон ҳосилидаги улуши ҳам 14,5% дан 78,7% гача ошди.

Республикамизда дон маҳсулотлари етиштиришда деҳқон хўжаликларининг ҳам аҳамияти юқори. Жумладан, 2000-2018 йиллар оралиғида деҳқон хўжаликларида дон экинлари майдони 195,4 минг гектардан 246,7 минг гектарга ёки 26,2%га, етиштирилган дон ялпи ҳосили эса 758,5 минг тоннадан 1215,6 минг тоннага ёки 60,3%га ошди. Шу даврда деҳқон хўжаликларида ҳосилдорлик гектарига 38,8 центнердан 49,3 центнерга ёки 11,3%га ошганини алоҳида таъкидлаш лозим. Деҳқон хўжаликларининг республика бўйича жами дон маҳсулотлари етиштиришдаги ҳиссаси 2018 йилда 19,1%га тенг бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 6 февралдаги ПФ-334-сонли Фармонига асосан, Ўзбекистон Республикаси Дон маҳсулотлари вазирлиги тугатилиб, унинг негизида Ўзбекистон Республикаси Дон маҳсулотлари давлат концерни (“Ўздонмаҳсулот”) ташкил этилди. Кейинчалик нонвойхона, тегирмон-ёрма ва омухта ем саноати корхоналари ва бирлашмалари иш самарадорлигини ошириш, аҳолини нон маҳсулотлари билан таъминлашни тубдан яхшилаш, тармоқда бозор муносабларини жорий этишни жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 22 апрелдаги ПФ-840-

сонли Фармониг асосан “Ўздонмаҳсулот” давлат концерни “Ўздонмаҳсулот” давлат-акционерлик корпорациясига айлантирилди. Мазкур қарорга кўра “Ўздонмаҳсулот” давлат-акционерлик корпорациясига дон харид қилишни, ун, ёрма, омухта ем, нон, нон-булка, макарон ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда сотишни амалга ошириш вазифалари юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707 сонли “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш ва таркибий ўзгартиришни таъминлашнинг дастурий чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “Ишлаб чиқаришни диверсификация, модернизация қилиш ва таркибий ўзгаришларни таъминлашнинг чора-тадбирлари” Давлат дастурида 2015-2019 йилларда “Ўздонмаҳсулот” АК бўйича умумий қиймати 102,9 млн.долларга тенг бўлган 32 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Лойиҳа қийматининг 22,6 млн.долларини корхоналарнинг ўз маблағлари, 80,3 млн.долларини тижорат банкларининг кредитлари ташкил этиши белгилаб берилган. Бу дастурларнинг амалга оширилиши республикамиз аҳолисининг ун, ёрма, макарон маҳсулотлари, нон ва нон маҳсулотларига бўлган ўсиб бораётган талабини қондиришга ёрдам беради.

Биз таҳлил қилаётган Қарши “ДУНЁ-М” акциядорлик жамияти фаолият йўналиши истеъмолчиларга сифатли дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш, янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни режалаштириш, ишлаб чиқаришга сарфланаётган маблағ ва харажатларни минимал даражада камайтиришдан иборат.

Қуйидаги 1-жадвалда “ДУНЁ-М” акциядорлик жамиятида маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичлари таҳлил қилинган бўлиб, 2018 йилда ун ишлаб чиқариш 59300 тоннани ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 19767 тоннага ёки 22,2 %га кам ишлаб чиқарилган. Сабаби 2018 йилда тегирмон цехининг биринчи секцияси тўлиқ реконструкция қилинди.

1-жадвал

“ДУНЁ-М” акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш кўрсаткичларини таҳлили

Т/с	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2018 йилда 2016 йилга нисбатан ўзг. % ҳис.
1	Ун ишлаб чиқариш жами	тонна	76249	79067	59300	77,8
	Шундан: 1-навли ун	тонна	76249	79067	59300	77,8
2	Уруғлик дон	тонна	16255	15897	11410	70,2
4	Аралаш озуқа ишлаб чиқариш	тонна	38756	47036	32234	83,2
5	Нон маҳсулотлари	тонна	720	1103	910	126,4
6	Макарон маҳсулотлари	тонна	2011	2629	2370	117,8

7	Перловка	тонна	92	82	0	0
8	Маҳсулот ҳажми амалдаги нархда	млн. сўм	118108,9	131859,6	122231,3	103,5
9	Маҳсулот ҳажми солиштирма нархда	млн. сўм	118312,7	126633,3	104123,0	88,0
10	Истеъмол моллари	млн. сўм	77450,8	91274,2	75266,0	97,2
11	Асосий фаолиятда банд кишилар	киши	795	800	805	101,2
12	Меҳнат унумдорлиги	минг сўм	148821,0	158291,6	129345,3	86,9
13	Соф фойда	минг сўм	5386049	9375790	9500000	176,4
14	1 сўмлик маҳсулот учун харажат	сўм	0,94	0,99	0,95	101,1
15	Рентабеллик даражаси	%	5,6	7,0	8,2	146,4

Манба: Қарши "Дунё-М" акциядорлик жамиятининг маълумотлари асосида таҳлил қилинди.

Туркиянинг "Макинас Энерджи" компаниясининг илғор технологияси билан тўлиқ жиҳозланди. Натижада суткасига 250 тонна ишлаб чиқариш ўрнига 300 тоннали тегирмон қурилиб жами бир суткада 550 тонна буғдойни қайта ишлаш имкониятига эга бўлинди. Аралаш озуқа ишлаб чиқариш 2018 йилда 32234 тоннани ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 14802 тонна кам ишлаб чиқарилган. Бунинг асосий сабаби тегирмон цехини 2018 йил 6-ой давомида реконструкцияга тўхтатилганидир.

Корхонанинг асосий мақсади ва миссияси аҳолини сифатли ун, аралаш озуқа, нон, макарон маҳсулотлари, печени ва қишлоқ хўжалик корхоналарини сифатли уруғлик ва дон билан таъминлашдан иборатдир. Рақобатчи корхоналар билан фақат сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш орқали ижобий натижага эришиш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ва сотиш жараёнига маблағ сарфлаш анча фойдали, бироқ у етарли миқдорда хом-ашё етказиб беришни талаб қилади, бу қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари билан маълум алоқаларни ўрнатишга бўлган эҳтиёжни келтириб чиқаради. Шу муносабат билан йирик сармоя қишлоқ хўжалигини саноат корхоналарининг эҳтиёжларига мослаштириш учун уни техник қайта жиҳозлашдан манфаатдор, шунинг учун қайта ишловчи корхоналар интеграциялашган корхоналарни ривожлантиришнинг ташаббускори бўлиши мумкин. Агросаноат интеграциясини шакллантириш ва ривожлантириши ушбу хусусиятларни ҳисобга олишни тақозо этади.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларини умумлаштирилган ҳолда қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради:

- ✓ агросаноат интеграцияси хўжалик юритишнинг ўзига хос шаклини ўзида намоён этади ва бу шакл қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш

ва уни қайта ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда ушбу жараёнда иштирок этувчи хўжалик юритувчи субъектлар билан белгилаб берилади;

✓ унинг ривожланишидан, биринчи навбатда, майда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари манфаатдор бўлган агросаноат интеграцияси қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш иштирокчилари ҳамда ушбу жараёнларга жалб этилган бозор тузилмаларининг интеграцион алоқаларини ривожлантиришнинг ягона варианти ҳисобланмайди. Агросаноат интеграциясини ривожлантириш хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини сақлаб қолувчи интеграцион жараёнлар ва бозор инфратузилмаларининг янада ривожланиши билан ўзаро ҳамкорликда амалга ошиши лозим;

✓ Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ва хом-ашёсининг қайта ишловчилари билан интеграцияси қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулоти нархлари ўртасида юзага келган номутаносибликка барҳам бериш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қўшимча маблағлар, шу жумладан инвестициялар жалб этишнинг муҳим омили ҳисобланади;

✓ саноат ва қишлоқ хўжалиги интеграциясини ривожлантиришнинг муҳим ва зарурий таркибий қисми бўлиши зарур, унинг шаклланиши, вужудга келиши ва ривожланиши қишлоқ аҳолиси турмушининг ижтимоий-иқтисодий шарт- шароитлари билан белгиланган.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда дон маҳсулотлри етиштириш, улрни қайта ишлаш саноатини модернизациялаш ва диверсификациялаш асосида тармоқни барқарор суръатлар билан ривожлантириш ҳамда мамлакатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашда устувор вазифалардан саналади. Мамлакатимизда ғалла мустақиллигининг қўлга киритилиши ва дон экинлари ҳосилдорлигининг муттасил ўсиб бораётганлиги донни қайта ишлаш саноатининг тараққиётига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Б.М.Бобоқулов – СамДУ доценти
Ш.С. Шарифов– СамДУ ассистенти
С.Б. Шарипов– СамДУ докторанти

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Аннотация: мақолада қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича холат таҳлил этилган. Мақолада қишлоқларни хизмат кўрсатиш тизимини шакллантиришни назарияси, тамойиллари бўйича хулоса ва таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: Хизмат, хизматлар тизими, хизмат кўрсатиш, маиший хизмат, хизмат сифати, хизмат турлари, хизмат тамойиллари, аҳоли турмуш даражаси, турмуш тарзи.

Аннотация: В статье анализировано, стоновление и развитие система услуг в сельской местности, и приведены выводы предложение по теории принцыпам становление системы услуг на селе.

Ключевые слова: сервис, система услуг, сервис, бытовые услуги, качество обслуживания, виды услуг, принципы обслуживания, уровень жизни, уровень жизни.

Annotation: The article analyzes the moaning and development of a service system in rural areas, and presents the conclusions of a proposal on the theory of principles of establishing a service system in rural areas.

Keywords: service, system of services, service, household services, quality of service, types of services, principles of service, living standards, living standards.

Мамалакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим жиҳатларидан бири олиб борилаётган ислоҳатларни барча ҳудудларда амалга оширилиши билан узвий боғликдир. Маълумки, ислоҳатлар мамлакатимиз ҳудудларида тўлақонли амалга оширилмаябди. Хусусан, қишлоқ жойларида ислоҳатлар натижаси шаҳарларга нисбатан бир мунча паст даражада. Бунинг бир қатор географик, ижтимоий, демографик тафовутлари мавжуд. Ушбу тафовутларни бартараф этиш мақсадида мамлакатимиз ҳукумати томонидан 2019 йилда, мақсадли “2030 йилгача қишлоқнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши” [1] Дастури қабул қилинди. Маскур дастурда қишлоқ ва шаҳар ўртасида тафовутларни бартараф этиш бўйича ижтимоий соҳанинг барча йўналишларида қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини, тарзини, даражасини ва сифатини ўзгартиришга олиб келадиган стратегик мақсад ва вазифаларни белгиланган. Хусусан, Дастур уй-жой, йўл, коммунал, ижтимоий инфратузилма соҳалари, шунингдек, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият соҳалар фаолиятини яхшилаш, пуллик маиший хизматларни ривожлантириш каби мақсадларни қамраб олади.

Аммо, дастурда келтирилган вазифаларни бажариш қишлоқ жойларидаги ваколатли ташкилотларнинг, қишлоқ тадбиркорлар синфининг фаол иштирокисиз ҳал этиш, унинг механизмларини ишлаб чиқиш мумкин эмас. Маскур муаммони вилоятлар кесимида таҳлил қилганимизда Самарқанд вилоятида мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларига нисбатан бир мунча ривожланганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, Республикамиз ялпи ички маҳсулотида хизматлар соҳаси 54% дан кўпроғини ташкил этган бўлса, унда Самарқанд вилоятининг ҳиссасу 7-9% ни ташкил этади.

Ушбу натижаларга эришиш, Самарқанд вилояти ҳокимияти томонидан қабул қилинган “2030 йилгача Самарқанд вилоятидаги қишлоқларни ижтимоий ривожлантириш концепцияси”ни реал ҳаётга тадбиқ этилиши билан боғлаш мумкин.

Аммо, бизнинг фикримизча аҳоли томонидан истеъмол

[1] Ўзбекистон Республикасини 2019-2030 йилларда Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастури. WWW.gov.uz.

қилинадиган маиший хизматларнинг ҳажми, уларнинг хилма-хиллиги ва сифати қишлоқ аҳоли пунктидаги аҳоли турмуш даражаси ва яшаш қулайлигини белгилайди. Маиший хизматлар бозорини ривожлантириш дастури ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурининг бир қисми бўлиши керак.

Қишлоқ жойларида хизмат кўрсатувчи корхоналар тармоғи жойлашиши қишлоқ хизматлари бозорида хизмат кўрсатиш сифати ва даражаси билан бир қаторда хизмат нархларининг ошиши каби муаммоларга олиб келмоқда. Хусусан, қишлоқ аҳолиси маиший хизматлардан фойдаланиш учун улар жойлашган ҳудудга яқин шаҳар ёки пойтахт бозорларига мурожаат этишга мажбур бўлади.Натижада аҳолининг ушбу тоифа хизматлари тақдим этилади, фақатгина уни олишнинг умумий қиймати транспорт харажатлари туфайли сезиларли даражада ортди. Истеъмолчи хизматлар бозорининг ривожланиши моддий-техник база ва субъектларнинг манфаатларини рўёбга чиқариш, ушбу соҳадаги хизматлар ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш объектлари, қарор қабул қилишда минтақавий ва ҳуудудий ҳокимликларининг роли билан боғлиқ мавжуд муаммолар айниқса муҳимдир.

Маиший хизматлар бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш вазифалари бизнинг фикримизча, Самарқанд вилояти ҳокимиятини ривожланиш дастурларида ҳамда туман хокимлиги дастурларида акс эттирилиши керак. Бунинг учун эътиборни қуйидаги умумий мақсадлар қуйидагиларга қаратилиши мумкин:

- ҳудуддаги аҳоли хизматларининг қамровлилигини таъминлаш;
- аҳолига хизмат кўрсатишнинг мавжудлиги нуқтаи назаридан уларга эришишда корхоналар жойлашган ҳудуд ва уларнинг иш вақти, шунингдек, аҳолининг даромадларини инобатга олган ҳолда нархларнинг жорий этилиши;
- маиший хизмат турларини кенгайтириш ва маиший хизматларга бўлган аҳоли эҳтиёжлари шаклларини ишлаб чиқариш, масалан, доимий қишлоқ аҳолиси ва вақтинчалик қишлоқда яшаётган шаҳар аҳолисининг хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш.

Шунингдек, қишлоқ жойларида замонавий маиший хизматлар соҳасининг ривожланишини тартибга солишни аҳамияти ҳам ошиб бормоқда. Шунинг учун ҳам бу жараёнга ҳудудий бошқарув органларининг қуйидаги йўналишларда соҳада тартибга солиш ишларини олиб боришлари мақсадга мувофиқ:

–ижара ва коммунал тўловлар бўйича имтиёзлар;

–биноларни чегирмали нархларда сотиш;

–коммунал ва аралаш мол-мулк шакллари асосида корхоналарни яратиш;

–маиший хизмат корхоналари уюшмаларини тузиш;

–тадбиркорларни зарур ахборот билан таъминлаш;

–маҳаллий бюджетда даромадлар бўйича солиқ юкини камайтириш;

–ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган аҳоли қатламлари учун хизматлар нарх даражасини тартибга солиш;

–инвестицион лойиҳалар бизнес-режаларини тайёрлаш ва амалга оширишда кўмаклашиш;

–маиший хизматлар соҳасида фаолият юритувчи кичик бизнес субъектларини молиялаштириш ва кредитлаш шаклларининг тарқалишини рағбатлантириш.

Қишлоқ жойларида маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоқларининг ривожлантирилишини қўллаб-қувватлаш механизмининг муҳим воситаси уларнинг модел лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўлиши мумкин (масалан, маиший хизматлар уйлари, комплекс ва кўп тармоқли хизмат кўрсатувчи корхоналар, виртуал ахборот хизмати компаниялари ва бошқалар), яъни, бундай маиший ва номаиший бўлмаган хизматлар комплекслари ишлаб чиқаришни тўлиқ акс эттириб, иложи борича ҳудуд аҳолисининг талабига қаратилган ва маҳаллий хизматлар бозорининг хусусиятларини инобатга олган. Маҳаллий маиший хизматлар бозорини ривожлантириш дастурларида маиший хизмат кўрсатишнинг тип ва турларини ихтисослик ва қўшма ишлаб чиқариш даражасидаги хизматларга қараб аниқлаш керак.

Маиший хизмат корхоналарининг самарали фаолияти учун қулай шароит яратишда ҳуқуқий-норматив тизимни яхшилаш, инфратузилмани ривожлантириш (транспорт, уй-жой коммунал хизматлари, алоқа ва бошқалар), молиявий кўмакнинг янги усуллари ва шаклларини ўзлаш-тириш, ижобий инвестицион муҳитни шакллантириш жоиздир. Бундан ташқари, корхоналар профилини сақлаб қолиш бўйича чора-тадбирлар, ўсиш имкониятлари, ходимларнинг сони, хизматларни сотиш ва яратиш, филиаллар ва қабул қилиш пунктлари, хусусан олис қишлоқ ҳудудларида хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтириш муҳим ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, ҳокимликлар маиший хизматлар соҳасининг ривожланиш Дастурларидан эркин фойдаланишни таъминлаш бўйича махсус чоралар ишлаб чиқилиши билан боғлиқ кам даромадли аҳоли учун кундалик хизматлардан фойдаланиш имкониятини тақдим этишни ҳам ўз ичига олиши керак. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, қишлоқ жойларида маиший хизматларнинг ривожланиш муаммоси минтақавий ва маҳаллий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ҳам ўз тасирини кўрсатади. Соҳани ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш дастурлари ҳуқуқий ва иқтисодий шароитларни ўзида акс эттириб, қишлоқ аҳолисининг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш даражаси шунингдек, маиший хизмат кўрсатиш соҳалари ташкилий жиҳатдан дастур объектларининг инвестицион жозибадорлиги ва такомиллашувини амалга оширишга қаратилган тегишли имтиёзлар яратилиши керак. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги мавжуд корхоналарни кадрлар билан таъминлаш муаммосига ҳам алоҳида эътибор қаратиш керак. Бу соҳа ишчилари аҳоли билан бевосита алоқада бўлади, шунинг учун вилоят аҳолисининг саломатлиги,

кайфияти, ишлашга қобилияти ва бошқалар уларнинг касбий фаолият даражасига боғлиқ.

Маиший хизматлар соҳасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, шу жумладан, ички бозорларга хизмат кўрсатиш бозори ривожланишига транспорт инфратузилмаси омили сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Бу кўрсатилаётган хизматларнинг ҳажмини сезиларли даражада оширади, янги йўллар ва транспорт оқимлари ўтадиган минтақа аҳолиси, шу жумладан уй хўжаликлари, катта шаҳарларнинг маиший бозорларини ривожлантиришга қаратилган ҳудудларига таъсир кўрсатади.

Қишлоқ жойларда уй-жой коммунал инфратузилмасини ривожлантириш (қишлоқ аҳоли пунктларини босқичма-босқич кўчириш, марказлаштирилган сув таъминоти ва чиқиндиларни сув билан таъминлаш; қишлоқ жойларида электр тармоқлари ривожлантириш; сув тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш), шунингдек, Дастур доирасида қишлоқнинг ривожланиши учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш, маиший хизмат корхоналари, уларнинг узлуксиз ташкил этилиши, хизматларнинг бир бирлиги учун таннанрх харажатларини камайтириш ва уларнинг рентабеллик ҳажмини ошириш амалга оширилади.

Шундай қилиб, маиший хизматлар соҳасини ривожлантириш қишлоқ жойлардаги, қолаверса, бутун вилоят миқёсида ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, шунингдек, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни ўз ичига олади. Шаҳар дастурлари Самарқанд вилояти ҳудудларининг ривожланиш хусусиятлари, маиший хизматлар бозори сиғимини ошириш нуқтаи назаридан қишлоқни ривожлантириш вазифасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши керак.

А. Н. Холиқулов – СамИСИ доценти, и.ф.н.,
С. А. Бабаназарова – СамИСИ катта ўқитувчиси

ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада инновацион ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида аҳолини рўйхатга олишни рақамлаштириш, мамлакат аҳолисининг шахсий хужжатлари рақамларини оптималлаштириш ҳақида таклифлар берилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат, электрон ҳамкорлик, рақамли технологиялар, аҳолининг бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, меҳнат ресурсларнинг жойлашуви.

Аннотация: в данной статье предлагается оптимизирование количество частных документов населения при оцифровке переписи населения в контексте развития инновационной и цифровой экономики.

Ключевые слова: цтфровая экономика, электронное правительство, электронное сотрудничество, цифровая технология, занятость населения, создание новых рабочих мест, расположение трудовых ресурсов.

Abstract: This article provides proposes on optimizing the number of private documents of the population in digitizing of registration population in the context of the development innovative and digital economy.

Key words: digital economy, electronic administration, electronic collaboration, digital technology, employment of the population, creation new jobs, labor resources.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида қуйидагиларни таъкидлаб ўтганди, - “Электрон ҳукумат” тизими инфратузилмаси лозим даражада ривожланмаяпти, бу давлат хизматларини кўрсатишда ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларни кенг қўллашга ўз таъсирини кўрсатмоқда. Тезкор инновацион ривожланиш ва жадал ўзгаришлар амалга оширилаётган вақтда бир қанча илғор рақамли технологиялар ҳаётимизга кириб келмоқда. Лекин биз улардан фойдаланишимизда камчиликларимиз ҳам анчагина.

БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг 2015 йил 20 июндаги “2020 йилда Бутунжаҳон аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш дастури” Резолюциясида аъзо давлатлар 2015 йилдан 2024 йилгача камида бир марта “Аҳолини рўйхатга олиш тадбири”ни ўтказишга даъват этади[1], ҳамда аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олишга тааллуқли халқаро ва ҳудудий тавсиялар ишлаб чиқди. 2019 йил 5 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5655 сонли Фармони қабул қилинди. Ҳозирги вақтда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Охирги марта мамлакатимизда аҳоли 1989 йилда рўйхатга олинган. Кейин эса бу жараён танлама кузатиш усулида олиб борилган. Яъни аҳоли сонини аниқлашда Ички Ишлар органлари ва Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларидан (ЗАГС) маълумотлар олинган ва умумлаштирилган. Бу эса мамлакат аҳолиси демографияси, миграцияси, ёши, жинси таркиби ва ҳудудий жойлашуви ҳақидаги маълумотларни олишда камчиликларни келтириб чиқаради.

Халқаро статистика конгресси ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти барча давлатларгадаврий равишда аҳолини рўйхатга олишни тавсия этади.Ҳозирги вақтда деярли барча давлатларида аҳолини рўйхатга олиш ишларига тайёргарлик кўрилмоқда ва олиб борилмоқда.

Аҳолини рўйхатга олишда уларнинг ёши, жинси, оилавий аҳволи, маълумоти, яшаш шароити, бандлиги, фуқаролиги, ижтимоий-иқтисодий

[1]Baxmal.jizzax.uz, Бахмал туман ҳокимлиги расмий веб сайти. 08.2019й

хусусиятлари бўйича барча маълумотлар индивидуал тартибда ҳисобга олинади. Бу маълумотлар эса давлатнинг кейинги даврларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, аҳолининг бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, меҳнат ресурсларнинг жойлашуви ва улардан фойдаланиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш учун асос бўлади.

Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида мамлакат аҳолиси муҳим дастак бўлиб ҳисобланади. Бунда аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисми, уларнинг маълумоти, касби, мутахассислиги асос бўлади. Меҳнат ресурслари ҳақидаги маълумотлар ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларга керак бўлади.

Мамлакат аҳолисиниг шахсий хужжатлариниг турли кўринишлари мавжуд. Инсон ҳаётга келар экан, унинг ҳаётга келганлигини тасдиқловчи ҳужжат “Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома” берилади ва унда рўйхат рақами келтирилади (I-SM 0000000). У 16 ёшга киргач фуқаролик паспортини олади (AA 00000000). Мактабни тугатар экан, 9 синфни тугатганлик тўғрисида таянч шрта маълумот тўғрисида шаҳодатнома (TO`M № 0000000), 11 синфни тугатгандан сўнг ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома (O`M № 0000000), академик лицей ёки касб ҳунар коллежини тугатса диплом (L № 0000000, K № 0000000), олий таълим муассасасини тугатганлиги тўғрисидаги хужжат яъни диплом (B № 0000000, M № 0000000), ИНН рақами, (AL № 000000) каби рақамлар инсонга умри давомида ҳамроҳ бўлади. Кўриниб тургандек бу рақамларни давом эттиришимиз мумкин. Баъзида рақамларни ёдда сақлаб қолиш ҳам мураккаб.

Бундан кўриниб турибдики, инсоннинг умри давомида бир неча ўнлаб маъумотлар рақамларда ифодаланади. Бунинг асосида бир қанча ҳужжатлар тўлдиришда, яъни маълумотлар киритишда ортиқча ишларни бажаришимизга сабаб бўлади. Буларнинг барчаси ортиқча ҳаражат ва вақтни йўқотишимизга сабаб бўляпти. Ҳозирги инновацион ва рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитда энг керакли ресурслар вақт ва инвестиция бўлиб ҳисобланади. Ана шу икки омилни тежаш орқали самарадорликка эришиш ҳозирги кунда ўта долзарб вазифа ҳисобланади. Шулардан келиб чиққан ҳолда ҳар бир инсон ўз рақамига эга бўлса яхши бўларди. У туғилганда уни рўйхатга олиш рақами унинг умри давомида бошқа хужжатларига асос бўлади. Туғруқхоналарда бола туғилиши билан уни рўйхатга олиб қўяди. Бу жараённи амалга оширишда республика бўйича рўйхатга олиш электрон тарзда бир вақтда узлуксиз равишда олиб борилади. Ёки ҳудудлар бўйича электрон тарзда (онлайн) амалга оширилади. Маълум бир инсон ҳақида маълумот керак бўлса, электрон базадан барча маълумотларни олиш мумкин бўлади(Ҳар инсоннинг шахсий маълумотларини ўша базадан фақатгина логин ва порол орқали олиши мумкин бўлади, умумий маълумотлар, яъни ёши, маълумоти, оилавий аҳволи, яшаш жойи, иш жойи ҳақидаги маълумотлар эркин бўлади).

Агар фуқаро бирон ишга жойлашмоқчи бўлиб, мурожаат қилса, ўша корхонага бу фуқаро ҳақида маълумот керак бўлади. Шунда буларни маълумотлар базасидан олиши мумкин бўлади.

Мактаб битирувчиси олий таълим муассасасига ўқишга ҳужжат топширмоқчи бўлганда ҳам у ҳақидаги маълумотлар керак бўлади. Бу маълумотларга мактаби, эришган ютуқлари, оилавий ҳолати ва бошқалар ҳақидаги маълумотларни олиш ҳам осонлашади. Масалан, АҚШ олий таълим муассасаларига ўқишга кирмоқчи бўлган абитуриентлар ҳақидаги маълумотлар, улар мактабда ўқиб юрган даврларидаёқ олинади. Яъни ўқувчилар фанлар бўйича юқори синфларда имтихон топшириб, олган баҳолари ягона базага киритилади. Йўналишлар бўйича олий ўқув юртлари абитуриентларни танлаб олади. Сўнгра электрон база орқали абитуриентнинг барча кўрсаткичлари ўрганилиб, шунга яраша унга қўшимча имтиёзлар беради. Ишга киришда ҳам шундай бўлади. Бу инсонларни ортиқча оворагарчиликдан сақлайди. Ҳам вақтни, ҳам маблағни тежайди. Агарда биз берган юқоридаги таклифлар амалиётда қўлланлса, биз ўйлаймизки келажакда, жуда кўп вақтни ва маблағларни тежаш имконини беради. Бу эса энди ривожланаётган мамлакатимиз иқтисодини янада ривожлантиришга ўта муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

УДК 339.544; 338.2:004.9

А.А. Илёсов – Фарғона политехника институти таянч докторанти

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ

Аннотация: рақамли иқтисодиёт ривожланган мамлакатлар саноат маҳсулотлари экспортини қўллаб-қувватлаш чоралари ва механизмларини қўллаш тажрибаси таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: интернет-портал, рақамли иқтисодиёт, экспорт субсидиялари, экспортга кўмаклашиш марказлари, экспортни ривожлантириш агентликлари.

Аннотация: в статье анализируется опыт развитых стран с цифровой экономикой в применении мер и механизмов поддержки экспорта промышленной продукции.

Ключевые слова: интернет-портал, цифровая экономика, экспортные субсидии, центры содействия экспорту, агентства по развитию экспорта.

Abstract: The article analyzes the experience of developed countries with a digital economy in the application of measures and mechanisms to support the export of industrial products.

Keywords: Internet portal, digital economy, export subsidies, export Assistance Centers, export development agencies.

Рақамли иқтисодиёт ривожланган мамлакатларда ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда мавжуд экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлашга йўналтирилган миллий экспортчиларни рағбатлантириш усуллари алоҳида ўрин тутади.

Ушбу давлатларда қўлланилаётган давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари саноат маҳсулотлари экспортини қўллаб-қувватлашнинг хилма-хил, турли ташкилий ва молиявий механизмларини ўз ичига олади.

Саноат маҳсулотлари экспортини рағбатлантиришнинг замонавий усуллари ва воситаларидан фойдаланиш биринчи навбатда жаҳон савдосини тартибга солишнинг Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) меъёрлари ва қоидаларига риоя қилишга асосланади.

Жаҳон савдо ташкилотининг норматив ҳужжатларида маҳсулот экспортини қўллаб-қувватлашнинг учта асосий шакли ажратилган:

- экспорт субсидиялари;
- давлат савдо корхоналари фаолияти;
- экспорт кредити, экспорт кредитининг кафолати, суғурта дастурлари.

Шуни таъкидлаш керакки, ЖСТга аъзо бўлган барча давлатлар саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига миллий экспортга бевосита субсидиялар бермаслик мажбуриятларини оладилар. Шу ўринда мамлакатимизда ЖСТга аъзо бўлиш йўлида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётган экан ушбу масалага ҳам алоҳида урғу берилиши лозим.

Рақамли иқтисодиёт - бу хўжалик фаолиятини юритиш бўлиб, бунда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишдаги асосий омил рақамлар кўриншидаги маълумотлар бўлиб, катта ҳажмдаги ахборотларни қайта ишлаш ва шу қайта ишлаш натижасини анализ қилиш ёрдамида ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, технологиялар, қурилмалар, сақлаш, маҳсулотларни етказиб беришда олдинги тизимдан самаралироқ ечимлар тадбиқ қилишдир. Бошқача қилиб айтганча, рақамли иқтисодиёт бу онлайн хизматлар кўрсатиш, электрон туловлар амалга ошириш, интернет савдо, краудфандинг ва бошқа турдаги соҳаларни рақамли компютер технологияларини ривожланиши билан боғланган фаолиятдир[1]. Сўнгги бир неча йил давомида рақамли технологиялар, хизматлар, маҳсулотлар, техника ва технологиялар, илмий кўникма ва тажрибаларнинг иқтисодиётнинг турли тармоқларида оммалашиб кенг тарғиб қилинишига олиб келди. Жаҳон бозорига янги рақамлаштирилган саноат маҳсулотлари, иш ва хизматларнинг янгича инновацион турлари таклифи ошиб борди[2].

Мамлакатимизда ҳам ушбу соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2030 йилгача “Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастурини амалга оширишни таклиф этди[3].

Рақамли иқтисодиёт шароитида миллий саноат маҳсулотлари экспортёрларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш биз каби ривожланаётган мамлакатлар учун муҳим аҳамият касб этади. Чунки, бу соҳада улкан тажрибага эга хорижий рақамли иқтисодиёт субъектлари билан рақобатлашиш осон кечмайди.

Халқаро талаблар доирасида давлатлар экспортни қўллаб-қувватлаш тизими, шу жумладан, экспортёрларга ёрдам берадиган янги молиявий воситалар, божхона ва маъмурий процедураларни соддалаштириш, сиёсий ва дипломатик қўллаб-қувватлашни кучайтириш, маркетинг ёрдамини кучайтириш, интеграциялашган, омма учун очиқ бўлган ахборот-қидирув тизимларини яратиш, экспортга кўмаклашиш бўйича давлат-хусусий шерикчилиги механизмлари ривожланмоқда. ЖСТнинг савдога кўмаклашиш ташкилоти (World trade promotion organization) маълумотларига кўра, ҳозирги кунда дунёда асосий вазифаси ташқи иқтисодий фаолиятга кўмаклашиш, биринчи навбатда миллий экспортни қўллаб-қувватлаш иборат бўлган 178 та ташкилот мавжуд. Ушбу ташкилотларнинг асосий хусусияти шундаки, улар давлат тузилмаларини фаолиятида кенг иштирок этади, шу билан бирга кўпинча давлат ушбу фаолиятни тадбиркорлик сектори билан ҳамкорликда амалга оширади.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти(ИҲРТ) ёндошувига мувофиқ экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш таркибига қуйидагилар киради:

- тўғридан-тўғри экспортни кредитлаш (ҳар хил шаклларда);
- хорижий қарздор томонидан қарзн тўламаслик хавфини қоплайдиган экспорт кредитлари бўйича кафолатлар (банк кафолатлари) ва суғурта полиси бериш;
- хусусий банкларнинг экспорт кредитлари бўйича фоизларини асослаш (бонификация);
- экспортёрларни тўғридан-тўғри молиялаштириш.

ИҲРТ маълумотлари асосида экспортни узоқ муддатли молиявий қўллаб-қувватлаш воситаларининг таркибий тузилиши таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, энг катта улуш ва энг юқори ўсиш суръатлари "кредит кафолатлари" бандига, яъни давлат ташкилотлари ёки хусусий компанияларнинг кредитлари бўйича тўлов кафолатларига тўғри келади. АҚШ ва Европанинг бешта етакчи давлатларида (Германия, Франция, Буюк Британия, Италия ва Нидерландия) экспортни қўллаб-қувватлаш воситалари ва ташкилотларини таққослаш шуни кўрсатадики, ушбу мамлакатларда шунга ўхшаш воситаларнинг мавжудлигини аниқлаш мумкинлигини кўрсатади. Авваламбор, бу экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш учун таклиф этилаётган воситалар турига тааллуқлидир (жадвал).

Бизнингча, рақамли иқтисодиётда саноат маҳсулотлари экспортёрларини қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги афзалликлари ажратилади:

- меҳнат унумдорлиги 40 % гача ошиши мумкин;

жадвал

ИҲРТга аъзо илғор давлатлари томонидан фойдаланилаётган экспортни қўллаб-қувватлаш воситалари[4]

		ИҲРТга аъзо давлатлар					
		АҚШ	Франция	Германия	Италия	Нидерландия	Буюк Британия
ИҲРТга аъзо илғор давлатлари томонидан фойдаланилаётган кафолат турлари	Экспорт кредитларини суғурталаш	√	√	√	√	√	√
	Экспорт кредитлари учун кафолатлар бериш	√	√	√	√	√	√
	Хорижий инвестицияларни суғурталаш		√	√	√	√	√
	Бошқалар		√	√	√	√	√
Экспорт кредитларини ҳимоялаш	Бевосита экспорт кредитлари	√		√			
	Экспорт кредитлари бўйича фоизларни субсидиялаш			√	√	√	√

- онлайн платформалар орқали саноат маҳсулотларини сотишнинг янги шаклларининг юзага келиши;
- рақамли трансформация махсус хизматлар учун савдо инфраструктурасининг ўзгариши;
- саноат маҳсулотлари экспортининг ахборот-коммуникация технологиялари маҳсулотлари ва хизматларига боғлиқлигининг ортиши ва бошқалар.

Рақамли иқтисодиёт ривожланган АҚШ, Буюк Британия, Япония, Германия, Корея Республикаси ва Хитой каби давлатларда экспортни қўллаб-қувватлаш агентликлари фаолият юритадива уларнинг асосий фаолияти:

-мамлакатнинг ижобий имиджини яратиш (реклама ва реклама тадбирлари, шунингдек, экспортёрларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш);

-экспортерларга хизмат кўрсатиш (кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, техник ёрдам, импорт қилувчи мамлакатлар қонунчилиги ва халқаро стандартлар, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти билан танишиш);

-маркетинг (кўргазма ва ярмаркалар, экспортёр ва импортёрларнинг бизнес ваколатхоналари, импортёр мамлакатда хизмат кўрсатиш билан боғлиқ хизматлар);

- экспорт бозорларини ўрганиш, мақолалар тайёрлаш, миллий ва хорижий экспортёр ҳамда импортёрлар ўртасида амалий алоқаларни ўрнатиш имконини берадиган Интернет-ресурсларини яратишдан иборат [5].

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, иқтисодиётни рақамлаштириш жараёнида саноат маҳсулотлари экспортини қўллаб-қувватлаш бўйича бир

қатор чора тадбирларни ҳам ишлаб чиқишни талаб этади. Жумладан:

- рақамли иқтисодиётда илгарилаб бораётган давлатларда саноат маҳсулотлари экспортини қўллаб-қувватлашнинг янада кенг қамровли усулларини ўрганиш;
- мамлакатимизда рақамли иқтисодиётнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини яратиш;
- рақамли иқтисодиёт учун зарур инфратузилмани яратиш ва шу орқали саноат маҳсулотлари экспортини ривожлантириш;
- экспортни ривожлантириш агентликларини ташкил қилиш;
- асосий фаолияти консалтинг, молиявий воситалар ва индивидуал маркетинг стратегияларини ишлаб чиқишдан иборат бўлган – экспортга кўмаклашиш Марказлари (export Assistance Centers)ни ташкил қилиш;
- миллий экспортчиларини қўллаб-қувватловчи Интернет-порталини яратиш;
- экспортни суғурталаш тизими ва экспорт кредит агентликлари фаолиятини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати.

1. https://www.texnoman.uz/post/raqamli-iqtisodiyot-nima.html
2. Barefoot K, Curtis D, Jolliff W, Nicholson JR, and Omohundro R (2018). Defining and measuring the digital economy. Working paper. Bureau of Economic Analysis, United States Department of Commerce, Washington, DC. Available at: https://www.bea.gov/system/files/papers/WP2018-4.pdf.
3. http://xs.uz/uzkr/post/davlatimiz-rahbari-2030-jilgacha-raqamli-ozbekiston-2030-dasturini-amalga-oshirishni-taklif-etdi
4. http://www.eurasiancommission.org/ru/act/prom_i_agroprom/dep_agroprom/monitoring/Documents/%D0%9E%D0%B1%D0%B7%D0%BE%D1%80%20%D0%BF%D0%BE%D0%B4%D0%B4%D0%B5%D1%80%D0%B6%D0%BA%D0%B0%20%D1%8D%D0%BA%D1%81%D0%BF%D0%BE%D1%80%D1%82%D0%B0.pdf
5. Гулямов С.С. ва бошқалар. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялари. Т.: Иқтисод Молия, 2019. 396 б.

N.M.Usmanova – SamISI o‘qituvchisi,
G‘.Ismoilov – SamISI, KMN-118 talabasi

INNOVATSION VA RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA UMUMIQTISODIY VA IJTIMOIY MUAMMOLAR

Annotatsiya: maqolada dunyo miqyosidagi raqamli iqtisodiyot rivojlanishi, yurtimizda bu borada olib borilayotgan ishlar, umumiqtisodiy va ijtimoiy innovatsion muammolar va ularni yechish uchun qilinayotgan sayi-harakatlar to‘g‘risida so‘z boradi.

Kalit so‘zlar: umumiqtisodiy, ijtimoiy, muammolar, raqamli iqtisodiyot, innovatsion texnologiyalar, muammo yechimlari.

Аннотация: в статье описывается развитие мировой цифровой экономики, работа, проводимая в нашей стране, проблемы экономических и социальных инноваций и усилия по их решению

Ключевые слова: экономические социальные проблемы, цифровая экономика, инновационные технологии, решение проблем

Abstract: The article describes the development of the global digital economy, the work carried out in our country, the problems of economic and social innovations and efforts to solve them.

Keywords: economic, social, problems digital economy, innovative technologies, problem solving.

Dunyo miqyosida yashash sur’ati o‘sib borishi, texnika va texnologiyaning inson hayotiga chuqur ravishda singib borishi, har bitta sohada aniq hisob-kitob ishlarini olib borishni taqozo etadi. Bu esa jamiyatda raqamli tarzda ish olib borish so‘zi bilan o‘z nomiga ega. Har bitta sohaga kirib kelayotgan raqamli hisob kitob iqtisodiy va ijtimoiy sohalarda ham ayniqsa, muhim ro‘l o‘ynaydi. Rivojlangan mamlakatlar tajribasiga nazar soladigan bo‘lsak, bu yo‘l o‘zining katta samarasini bergan. Bularni o‘rgangan holda, yurtimizda olib borilayotgan innovatsion tarzda Umumiqtisodiy va ijtimoiy sohalardagi ishlar o‘z samarasini bermoqda. Bu haqida yurtboshimiz 2018 yil 28 dekabrdagi 2019 yil uchun eng muhim ustuvor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasida ham mamlakatimizda raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi bo‘yicha quyidagilarni aytib o‘tdi: “Iqtisodiyotning barcha sohalarini raqamli texnologiyalar asosida yangilanishini ko‘zda tutadigan “Raqamli iqtisodiyot milliy kontseptsiyasi”ni ishlab chiqishimiz kerak. Shu asosda “Raqamli O‘zbekiston-2030” dasturini hayotga tadbiq etishimiz zarur. Raqamli iqtisodiyot yalpi ichki mahsulotni kamida 30 foizga o‘stirish, korruptsiyani keskin kamaytirish imkonini beradi. Nufuzli xalqaro tashkilotlar o‘tkazgan tahlillar ham buni tasdiqlamoqda. Bu yo‘nalishda ish borishi qanchalik foydali natijaga olib kelishiga qaramasdan, o‘z nomiga yarasha qiyinchilik va muammolari mavjud. Bu muammo va yechimlarni quyidagi ma’lumotlar orqali kengroq tarzda ochib berishga harakat qilamiz.

Raqamli iqtisodiyot o‘zi nima va qanday afzalliklarga ega ekanligi to‘g‘risida qisqacha ma’lumot berib o‘tsak maqsadga muvofiq.

Raqamli iqtisodiyot bu – bozor iqtisodiyoti sharoitida murakkab iqtisodiy tizimlarni modellashtirish va turli-tuman iqtisod-moliya-kredit sohalarida ushbu fan usullarini qo‘llashni o‘rgatadi. Raqamli iqtisodiyotning asosiy masalalari murakkab iqtisodiy tizimlarni raqamli usulda boshqarishni o‘rganish, raqamli iqtisodiyotning usul va vositalarini real iqtisodiyotda qo‘llash, raqamli iqtisodiyotni qo‘llash natijasida yangi ish o‘rinlari yaratish va aholi turmush darajasini oshirishga erishish, kriptovalyutalarni, blokcheynlarni hamda sun’iy intellect tushunchalarini iqtisodiyotni rivojlantirishga jalb qilish asosida zamonaviy raqamli informatsion texnologiyalarni murakkab iqtisodiy jarayonlarni samarali boshqarish uchun qo‘llash imkonini beradi.

Yurtboshimiz ta’kidlaganidek, *Raqamli iqtisodiyotga to‘laqonli o‘tish – korrupsiyaning ildiziga bolta urmoq demakdir”*. Dunyo miqyosida o‘z o‘rnimizni topish, rivojlangan mamlakatlar qatoriga qo‘shilish uchun eng asosiy e’tibor ta’lim va sog‘liqni saqlash sohalariga qaratilishi shubhasiz. Hozirgi kundagi eng muammoli tomonimiz ham ta’lim olish maskanlarini yuqori darajadagi innovatsion texnologiyalar bilan ta’minlay olmasligimizdir. Yaponiya yoki boshqa ilg‘or mamlakatlar ta’lim sohasiga e’tibor bersak, yuqori darajadagi innovatsion texnologiyalar bilan jihozlanganidir. Shu tarzda boshqa innovatsion raqamli texnologiyalar bilan ta’minlanishi kerak bo‘lgan tarmoqlarni ko‘rib chiqamiz.

- **Ta’lim** –yuqoridagilarga qo‘shimcha qilgan holda va eng asosiy sohalardan biri bo‘lganligi sababli har bir shahar , viloyat , tumanlardagi o‘quv maskanlari zamon talabiga to‘la javob beradigan texnologiyalar bilan jihozlanmaganligi
- **Sog‘likni saqlash** – yuqori darajadagi malakali doktorlar va davolash uskunalarining faqat shahar viloyat yoki tuman markazlaridagina mavjudligi chekka hududlarda esa bu boradi olib borilayotgan ishlar anchayin sustligi kuzatish mumkin.
- **Xizmat ko‘rsatish** – ko‘pgina xizmat ko‘rsatish ayniqsa turistlar ko‘p tashrif buyuradigan joylarda eskicha texnologiyalardan foydalanilayotganligi. Bunga misol qilib, eng ko‘p turist tashrif buyuradigan Samarqand yoki Xorazm viloyatlaridagi xizmat sohalari jahon talabiga to‘la javob bera olmasligi.
- **Transport xizmatlari** – transport xizmatlarida qo‘l xizmatida naqd pul to‘lovlari bilan aloqa qilinishi, to‘g‘ridan-to‘g‘ri plastik yoki hisob raqami orqali to‘lov qilish uchun sharoitlar yo‘lga qo‘yilmaganligi.
- **Valyuta bozorlari**- yurtimizda qora bozorlar mavjudligi va faol tarzda ish olib borayotgani hech kimga sir emas. Bunga asosiy sabab qilib, albatta bank tomonidan xorij valyutalarini sotib olish va sotishdagi kamchiliklarni ko‘rsatish mumkin. Butun jahon rivojlangan davlatlari imkon qadar raqamli iqtisodiyotga o‘tishni o‘ylab harakat qilayotgan bir paytda, biz oddiy naqd pul muammosini oxirigacha hal qilmaganimizdir. Raqamli texnologiyalarni qo‘llashda eng birinchi navbatda avvalo mana shu raqamli texnologiyalarni takomillashtirish kerak bo‘ladi.

Yuqorida sanab o‘tganlarimiz ko‘zga yaqqol ko‘rinib turgan kamchiliklarimizdan hisoblanadi, boshqa ikkinchi darajali sohalarda ham yechilishi kerak bo‘lgan muammolar mavjud.

Endi esa qiliniyotgan ishlar to‘g‘risida ham qisqacha ma’lumot keltirib o‘tsak, ushbu raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish dasturi quyidagi maqsadlarini amalga oshirish uchun xizmat qilishi kerak.

- ✓ O‘zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotning ekotizimini yaratish;
- ✓ Mamlakat raqamli iqtisodiyot tizimining institutlari va infratuzilmasini yaratish;

- ✓ Respublikaning barcha tarmoqlarini qamrab oluvchi informatsion jamiyat tashkil qilish uchun kerakli bo‘lgan barcha chora-tadbirlarni amalga oshirish;
- ✓ Global miqyosda va global bozorlarga respublikamizda raqobatbardoshlikni oshirish.

Bu muammolarni bartaraf etish, raqamli iqtisodiyotimizni jahon miqyosiga olib chiqish uchun mamlakatimiz prezidenti tomonidan 2020-yil – Ilm-ma’rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili deb e’lon qilindi. Bundan ko‘rinib turibdiki, yangi yilda katta e’tibor raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishga qaratiladi. Bu borada 2020-yilda qilinadgan ishlar belgilanib berildi.

Birinchi navbatda ta’lim, sog‘liqni saqlash, kadastr, geologiya, transport, qurilish, qishloq va suv xo‘jaligi sohalarini to‘liq raqamlashtirish. Shuningdek, Elektron hukumat tizimini amalga oshirilayotgan dasturlar va loyihalarni tanqidiy qayta ko‘rib chiqish, eng quvonarlisi shuki barcha shahar va qishloqlarda internet tezligini oshirish ta’limning barcha bosqichlarida xalqaro andozalarga to‘liq javob beradigan axborot texnologiyalari joriy etilish shartligini ta’kidlab o‘tdi.

Bu vazifalarni ko‘zda tutgan holda Raqamli O‘zbekiston-2030 dasturini ishlab chiqishni ikki oy muddatga yakunlash lozimligi ta’kidlandi.

Hayotning eng muhim jabhalari uchun yuksak texnologiyalar, ilmiy ishlanmalar yaratish, malakali mutaxassislar tayyorlash , jahon axborot texnologiyalari bozorida munosib o‘rin egallash masalasi ustuvor ahamiyatiga ega vazifa sifatida qarash zarur. O‘zbekiston Prezidenti Sh.M. Mirziyoyev eng muhim va dolzarb masalalardan biri yoshlarni yuksak ma’naviyatli bo‘lishi bilan birgalikda innovatsion yuqori texnoligiyalarni chuqur bilimini egallashni ta’kidlab o‘tganlar.

Innovatsion va raqamli iqtisodiyot sharoitida umumiqtisodiy va ijtimoiy muammolar yetarlicha bo‘lishiga qaramasdan yurtimizda bularga nisbatan bosqichma-bosqich ishlar olib borilmoqda. Bu albatta kelajakda o‘z samarasini bermasdan qolmaydi. Biz yoshlar bu imkoniyatlardan unumli foydalanib, mamlakatimiz kelajagini qurishimiz lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 24 yanvardagi Oliy Majlisga murojaatnomasi.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 28 dekabrdagi 2019 yil uchun eng muhim ustivor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojatnomasi.
3. Ayupov R.X, Boltaboyeva G.R O‘zbekistonda innovatsion iqtisodiyotni shakllantirish muammolari va yechimlari T: TMI, 2013
4. Raqamli iqtisodiyot asoslari o‘quv q’ollanmasi TMI,2019
5. Ijtimoiy menejment asoslari ma’ruzalar to‘plami TMI 2019

М У Н Д А Р И Ж А :

I ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ”		
Пардаев М.Қ. Бабаназарова С.А., С.Ш.Уразов	Илм маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида амалга оширилиши кўзда тутилган давлат дастурларга таклифлар	3
Зайналов Дж.Р.	Проблемы построения эффективной цифровой экономики на современной технологической платформе	6
Бобоқулов Б.М. Муродов А.М.	Инновацион ривожланиш шароитида интеллектуал капиталнинг тутган ўрни ва роли	11
Urunbayeva Y.P., Eshonqulova S.D.	Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivoj-lantirishda innovatsion iqtisodiyotni tadbiq etish	16
Юлдошева Ш.А.	Уй-жой коммунал хўжаликларида сервис хиз-мати самарадорлигини оширишнинг аҳамияти	19
Рузибаева Н.Х., Иркинова М.И., Абдурайимов У.Б	Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари	22
Урунбаева Ю.П., Язданова Ш.Т.	Аҳоли турмуш даражасини оширишда хизматлар соҳасининг ўрни	26
Жабборов И.И.	Рақамли электрон ҳукуматни жорий этишда Эстониянинг илғор тажрибаси	31
Шарифов Ш.С., Муродов А.М.	Маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида хизматлар сифатини ошириш йўналишлари	39
Назаров С.З.	Ўзбекистонда давлат харидлари соҳасидаги муаммолар ва уни такомиллаштириш йўллари	43
Халилова Н.	Минтақаларнинг рақобатбардошлигини оширишда кластерларни ташкил этишни ривожлантириш йўналишлари	46
Эрназаров Н.Э. Тураев А.А.	Хизмат кўрсатиш соҳасида инновациялар самарадорлигини оширишнинг аҳамияти	50
Burhonov B.S.	Milliy iqtisodiyotning yetakchi tarmoqlarini modernizatsiya va diversifikatsiya qilishda raqamli iqtisodiyotning ro‘li	54
Samadov O.A. Hamrayeva Z.H.	Ijtimoiy muammolarni hal qilishda raqamli iqtisodiyot tatbiqi	57
II ШЎЪБА. “МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИГА ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ВА УЛАРНИ РАҚАМЛИ ВА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ”		
Мухаммедов М.М	Формирование и развитие регионального туристско-инновационного кластера	60
Зайналов Дж.Р., Алиева С.С., Латипова Ш.М.	Перспектива развития и использования инструментов цифровых технологий для обеспечения роста турпродуктов в условиях	

	высокой конкуренции	64
O‘rinboyeva Y.P., Tugizova F.D., Egamkulova D.B.	Turizm sohasida investitsiyaning o‘rni	70
Бекжанов Д.Й.	Туристик дестинация рақобатбардошлигини оширишда инновацион ва рақамли иқтисодиётнинг аҳамияти	73
Эрназаров Н.Э. Шермаматов Ш.О	Жойларда туристик хизматларни кўрсатишни ривожлантиришнинг истиқболлари	77
Рузибаева Н.Х., Машрабов Д.С.	Туризм фаолиятини рақамлаштириш – иқтисо-диётни ривожлантиришнинг муҳим омили	82
III ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ МУАММОЛАРИ”		
Мусаев Ҳ.Н., Умарова Ш.К.	Рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида нефт маҳсулотларини сотувчи корхоналарда даромадлар аудитини яхшилаш йўллари	86
Бобоқулов С.Б., Рустамов О.А., Амиров Ж.	Хизмат кўрсатиш корхоналарида иш ҳақини белгилаш тартиблари	90
Ибрагимов М.М., Тешаев Т.З.	Товарларни сотиш харажатлари ва улар ҳисоби	93
Маликова Д.М.	Консалтинг хизматларининг моҳияти ва консал-тинг хизматлари бозорини ривожлантириш йўллари	96
Мамажонов А.Т. Хожибоев М.	“Бухгалтерия ҳисоби” фани тараққиётининг устувор йўналишлари	99
Рузибаева Н. Х., Мамарасулов Ш.Ш.	Инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасида бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлил муаммолари	104
IV ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ”		
Худойбердиев У. Набиев Ш.	Бюджет харажатлари таркибида ижтимоий соҳа харажатларини молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари	102
Shoxo‘jaeva Z.S. Axmedov L.T.	Suv xo‘jaligi sohasini rivojlantirishga sarflanayotgan investitsiyalar samaradorligi	111
Файзиева Ш.Ш. Нусратова З.Б.	Тадбиркорлик фаолиятида инвестициялар жалб этишнинг самарадорлиги	115
Хамраева С.Н., Ҳужанова Г.О.	Иқтисодиётни ривожлантиришда инвестицияларнинг аҳамияти	119
Алиева С.С.	Финансовая безопасность в условиях развития цифровой экономики	122
Маликова Д.М., Меликова Ф.О.	Совершенствование системы корпоративного управления в коммерческих банках	127

Эрназаров Н.Э., Остонов Н.	Венчур капиталининг хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион фаолиятни молиялаштириш манбаи сифатидаги аҳамияти	130
Тураев А.А., Ахролов Ш.	Инновацион рақамли иқтисодиётда мамлакати-мизда солиқ тизимининг ривожланиши ҳамда ислоҳотларнинг ўзига хослиги	133
Хамроев М., Муродуллаев Ф., Набиев Ш.	Суғурта хизматларини ривожлантириш йўналишлари	137
Эрназаров Н.Э. Сафаров А.	Солиқ маслаҳатлар хизматини оқилона ташкил этишни бюджет даромадларини тўлиқлигини таъминлашдаги роли	145
Боронов Б.	Молиявий активларнинг қадрсизланиши	149
Набиев Ш. Латипова Ш. М.	Миллий иқтисодиётда лизингдан фойдаланишнинг замонавий жиҳатлари	153
Хамроев М.С., Усмонова Ш., Гафурова Д.	Суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш имкониятлари	158
Ахмедова А.Т.	Проблемы усиления финансово-деловой активности предприятия	164
V ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ МУАММОЛАРИ”		
	Автотранспорт корхоналарида маркетингни режалаштириш ва амалга ошириш принциплари	169
Махмудов Т.О.	Инновацион иқтисодиёт шароитида Ўзбекистон мода индустриясини ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари	172
Калонов М.Б., Шодиева Г.М.	Автотранспорт корхоналарида маркетингнинг концепцияси ва режасини ишлаб чиқиш муаммолари	176
Холиқулов А.Н. Мухамадиева К.Р.	Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини самарали бошқарув тизимининг ривожланган мамлакатлар тажрибаси	179
Мирзаходжаев А.Б.	Некоторые проблемы туристического марке-тинга в условиях цифровизации экономики	184
Махмудов Т.О.	Ўзбекистон мода индустриясида миллий брендларни шаклланиши ва уларнинг маркетинг тадқиқоти	188
VI ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МУАММОЛАРИ”		
Пардаев М.Қ., Худайбердиев Н.У Очилова Ҳ.Н.	Олий таълим тизимини бошқаришда таълим ва тарбиянинг уйғунлигини таъминлаш масалалари	192
Маматкулова К.А.	Инновационные методы обучения зарубежных	

	представителей в методике преподавания иностранного языка позволяющее раскрывать и активизировать резервные возможности личности	196
Р.Б.Коссе	Жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда, жисмоний тарбия ва спортнинг тутган ўрни	202
Маматкулова К.А.	Нетрадиционные методы обучения – как формирование навыков общения на иностранном языке	205
VII ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА УМУМИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ МУАММОЛАР”		
Shoxo‘jaeva Z.S., Mirjamilova X.N.	Suv resurslaridan foydalanish samaradorligini oshirishning ustuvor yo‘nalishlari	212
Олтаев Ш.С.	Ўзбекистонда меҳнат соҳасида ижтимоий шерикчилик муносабатларини такомиллаштириш омиллари	215
Holikulov A.N., Eshkuvvatova N.A.	Online commerce services in the digital economy	220
Бобоқулов С.Б.	Рақамли иқтисодиёт шароитида коммунал хизмат кўрсатиш тизими самарадорлигини оширишда модернизациялаш усуллари	225
Файзиева Ш.Ш., Собирова М.Х.	Агросаноат мажмуасини ривожланишида кооперациянинг аҳамияти	228
Шохўжаева З.С., Акбарова Ш.Я.	Дон маҳсулотларини етиштириш ва уларни қайта ишлаш соҳасида интеграцион алоқаларининг ривожланиши	231
Бобоқулов Б.М. , Шарифов Ш.С., Шарипов С.Б.	Қишлоқ жойларда хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий тамойиллари	235
Холиқулов А.Н., Бабаназарова С.А	Инновацион ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида аҳолини рўйхатга олишни такомиллаштириш йўналишлари	239
Илёсов А.А.	Рақамли иқтисодиёт шароитида саноат маҳсулотлари экспортини қўллаб-қувватлашнинг хориж тажрибалари	242
Usmanova N.M., Ismoilov G‘.	Innovatsion va raqamli iqtisodiyot sharoitida umumiqtisodiy va ijtimoiy muammolar	246

ҚАЙДЛАР УЧУН

20120 йил. Қоғоз бичими А5,
Офсет қоғози. Times New Roman” гарнитураси
Босма табоғи 16
Буюртма № 14, Адади 70 нусха

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
Босмахонасида чоп этилди
Манзил: А. Темур кўчаси, 9-уй